ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИГА 30 ЙИЛ: РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ, ИСЛОҲОТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Халқаро илмий-амалий конференция материаллари

(2021 йил 30 октябрь)

Тошкент–2021

УЎК 351(045)(575.1)

Таҳрир ҳайъати:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи,
полковник Р. А. Хатамов;

юридик фанлар доктори, профессор М. З. Зиёдуллаев;

фалсафа доктори (PhD), доцент Р. О. Нигматов;

юридик фанлар доктори, профессор Ш. А. Кулматов

И 96 **Ички ишлар органларига 30 йил: ривожланиш йўли, ислоҳотлар ва истиқболлар:** Халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2021 йил 30 октябрь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 407 б.

Тўпламда 2021 йил 30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ўтказилган ‘‘Ички ишлар органларига 30 йил: ривожланиш йўли, ислоҳотлар ва истиқболлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари ўрин олган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг 30 йиллик ривожланиш шонли тарихи, ушбу давр мобайнида эришилган ютуқ ва камчиликларнинг таҳлили, ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга хорижий тажрибани жорий қилиш, ички ишлар органларини ҳақиқий халқчил тизимга айлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, шунингдек, ички ишлар органлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини мустаҳкамлаш каби муҳим масалаларга бағишланган мақолалар берилган.

Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилари, магистрантлари, тингловчи ва курсантлари ҳамда амалиёт ходимлари учун мўлжалланган.

Мақолалар мазмуни ва фактларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдирлар.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021

КИРИШ СЎЗИ

Ассалому алайкум!
Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!
Муҳтарам хорижий меҳмонлар!
Азиз ҳамкасблар!

Ушбу тадбир доирасида Сизлар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнунман. Барчангизга ўзимнинг чексиз ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, Сиз азизларга миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги халқаро илмий-амалий конференциянинг долзарблиги **“Ички ишлар органларига 30 йил: ривожланиш йўли, ислоҳотлар ва истиқболлар”** деб номланишидан ҳам яққол кўриниб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тарихи бевосита Ватанимиз мустақиллигининг эълон қилиниши билан уйғун тарзда юз берди. 1991 йил 25 август куни *(Давлат мустақиллиги эълон қилинишидан 6 кун олдин)* Ички ишлар вазирлигининг Ўзбекистон қонуний тасарруфига олиниши ҳамда бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги сари қўйилган амалий қадамлардан бири бўлди десак муболаға бўлмайди.

1991 йил 25 октябрда Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилиши муносабати билан **мустақил Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тарихи бошланди.**

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши ички ишлар органлари фаолиятининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлади. Шунингдек, 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилиниши ҳамда “Ички ишлар органларида хизмат ўташ тартиби ҳақидаги вақтинчалик Низоми”нинг тасдиқланиши ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилиш бўйича янги саҳифани очиб берди.

1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган бир қатор қўпорувчилик ҳаракатлари хавфсизлик масаласига жиддий ёндашувни талаб этди. Шу боис 1999 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ички ишлар органлари тизимида туб ислоҳотларни бошлаб берди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга ва унинг асосида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг Ички ишлар вазирлигининг бир қатор хизматларини ислоҳ қилиш бўйича олтита устувор қарорлари қабул қилинди.

2004 йил 29–30 март ва 1 апрель кунлари республикамиз ҳудудларида вазиятни беқарорлаштириш, мамлакат мустақиллигини, фуқароларнинг тинч ҳаётини издан чиқаришга қаратилган ҳаракатларнинг содир этилиши ички ишлар органларини ислоҳ қилишни яна давом эттиришга, 2004 йил 19 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг қабул қилинишига туртки бўлди.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг **“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши ички ишлар органлари тизимининг янги тарихий ривожланиш босқичини бошлаб берди.**

Ички ишлар органларининг мақоми алоҳида қонун билан белгиланиши халқаро стандартларга ҳам мос келади. Жумладан, халқаро ҳужжатларда ички ишлар (полиция)нинг ҳаракатлари қонунга мувофиқ амалга оширилиши ва тартибга солиниши зарурлиги таъкидланган.

2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси асосида ўтган вақт мобайнида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органлари тизимидаги ислоҳотлар, бир томондан, ушбу тузилмани халқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилган янги профессионал тузилмага айлантиришга қаратилган бўлса, бошқа томондан эса мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни, осойишталикни ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатлашнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Ўтган охирги беш йил мобайнида Ички ишлар органларини ўз хизмат бурчи – **“Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш** борасида тарихий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу давр мобайнида ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида жами **9 та** қонун, Президентнинг **10 та** қарори, **72 та** Ҳукумат қарорлари, **135 та** идоралараро ҳужжатлар қабул қилинди.

Ички ишлар органлари фаолиятига бутунлай янги иш услублари жорий этилиб **тизимнинг асосий фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга, халқнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга, халқ манфаатлари учун хизмат қилишга йўналтирилди.**

Хусусан, **ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш** мақсадида **200 тага яқин** ички ишлар бўлинмалари янгитдан ташкил этилди. Натижада марказий аппаратдаги шахсий таркибнинг **85 фоизи** қуйи тизимларга туширилиб аҳолига яқинлаштирилди, тизимдаги барча таркибий ва ҳудудий бўлинмалар **мутлақо янгича мезонлар асосида қайта шакллантирилди**, **жиноятчиликка қарши курашнинг энг самарали усули – профилактика** ҳисобланади. Шу сабабли **ҳар бир маҳаллага камида бир нафар профилактика инспектори бириктирилди.** Натижада маҳаллаларда хизмат олиб борган **7 299 нафар** профилактика инспекторлари сони **9 875 нафарга** ошди. Шунингдек, **363 та** хотин-қизлар масалалари инспектор лавозимлари жорий этилди, жазони ижро этиш инспекцияси ўрнига пробация хизмати ташкил этилди, мамлакатимизда сайёҳлик жозибадорлигини ошириш мақсадида **хавфсиз туризмни ташкил этиш бўлинмалари** фаолияти йўлга қўйилди, биргина 2017–2020 йилларда шахсий таркиб учун **45 та янги хизмат объекти** қурилиб, фойдаланишга топширилди, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг янги **“маҳаллабай”, “оилабай” ҳамда “фуқаробай” шакллари жорий этилди.**

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони билан Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги **мутлақо янги механизмлари жорий этилди: ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида** муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш; **ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш,** зарур куч ва воситаларни бевосита “жиноят ўчоқлари”га жалб қилиш; **“республика – вилоят – туман – маҳалла” тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмлари**ни жорий этиш; **ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш**, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш; **соҳани тўлиқ рақамлаштириш**га эришиш ва бошқалар.

Ички ишлар органлари фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича кўрилган чоралар бугун ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Жумладан: 2018 йилда – **25,5%,** 2019 йилда – **33,7%,** 2020 йилда **49% маҳаллаларда жиноят содир этилмади;** 2021 йилги **халқаро жиноятчилик даражаси индексида** Ўзбекистон хавфсизлик бўйича **135 мамлакат орасида 40-ўринни эгаллади.** *(**Маълумот учун:** Ўзбекистон ушбу индекс бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида **энг хавфсиз мамлакат** бўлди.)*

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Табиийки, ички ишлар органлари тизимининг таркибий қисми сифатида Вазирлик Академиясида ҳам ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича муҳим ўзгаришлар амалга оширилди.

Жумладан, **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:** Академияда **бакалавриат ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилди;** кадрларни мақсадли касбий тайёрлаш мақсадида **биринчи курсдан бошлаб мутахассислик ва юридик фанларни ўқитиш, жанговар ва жисмоний жиҳатдан тайёрлаш чуқурлаштирилган ҳолда амалга оширилиши белгиланди;** Академиянинг магистратура дастури тизимнинг раҳбар кадрларини тайёрлашга қаратилди ҳамда **иккинчи даражадаги "ташкилий-тактик бошқарув" ва биринчи даражадаги "ташкилий-стратегик бошқарув" йўналишларида ташкил этилди.** Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Нукус филиали ташкил этилди.

Қадрли тадбир қатнашчилари!

Ички ишлар тизимини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳақиқий халқчил тизимга айлантириш бўйича кенг кўламли чоралар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Бу эса **"Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим"** деган ҳаётий тамойилни жорий этишга хизмат қилади.

Ҳурматли меҳмонлар!

Ички ишлар органларининг 30 йиллик ривожланиш йўллари, тизимдаги ислоҳотлар ва истиқболлар тўғрисида яна узоқ тўхталиш мумкин. Аммо мен тадбир регламентидан келиб чиқиб, сўзимни шу ерда якунлаган ҳолда конференциянинг барча иштирокчилари ва меҳмонлари иш фаолияти самарали бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Р. А. Хатамов,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси бошлиғи

Б.Р. Парпиев,
Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари



МАҲАЛЛАЛАРДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИДА ҲАМКОРЛИК АМАЛИЁТИ

Авваламбор, барчангизни ички ишлар органлари ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этаман!

Таъкидлаш лозим, мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш соҳасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилди.

Бу борада жамиятнинг бетакрор ижтимоий тузилмаси ҳисобланадиган маҳалла институтини аҳолининг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш, унинг роли ва аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Дастлаб 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармонига кўра, “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташкил этилган бўлса, 2017 йилда фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича янги тизим — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

“Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президентимизнинг 2019 йил 2 апрелдаги ПФ-5700-сон Фармонига мувофиқ, мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича “маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла” принципи асосида ҳамкорлик тизими жорий қилинди.

Маҳалла тизимида амалга оширилган ислоҳотларнинг туб замирида оилаларда соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, маҳаллаларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш ҳар бир давлат органи ва жамоат тузилмаларининг устувор вазифаси эканлиги белгилаб қўйилди.

Айниқса, Давлатимиз Раҳбарининг 2020 йил 12 февраль куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаларида мутлақо янги тизим – **“Обод ва хавфсиз маҳалла”** тамойилини жорий этиш зарурлиги илгари сурилганлиги маҳалла тизимини ислоҳ этишда муҳим қадам бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПФ-5938-сон Фармони билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** ташкил этилиб, унинг олдига “**Обод ва хавфсиз маҳалла**” тамойилининг самарали жорий этилишида фуқаролар йиғинларига ҳар томонлама кўмаклашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш каби вазифалар белгилаб берилди.

Фармон талабларидан келиб чиқиб, **“Обод маҳалла”** ва **“Хавфсиз маҳалла”нинг мезонлари ишлаб чиқилди** ҳамда ушбу тизимни жорий этиш бўйича ҳар бир вилоят, туман ва маҳаллаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб **манзилли чора-тадбирлар амалга оширилди.**

Жиноятчиликни жиловлашда аҳолининг кам таъминланган, якка ёлғиз, боқувчисини йўқотган, ногирон ҳамда доимий меҳнат билан банд бўлмаган қатламлари билан “фуқаробай”, “оилабай” ва “маҳаллабай” ишлашга қаратилган “**ижтимоий профилактика**” тизими йўлга қўйилди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, хусусан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларимиз билан манзилли ишлашни ташкил этиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг узвий ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу ўринда Фармонда **маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш** янги ташкил этилган Маҳалла ва оила вазирлигининг асосий вазифаларидан бири сифатида кўрсатилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим.

Энг асосийси фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди, **ҳар бир маҳаллада** унинг криминоген вазияти ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда **камида бир нафардан профилактика инспектори** хизматни олиб бориши белгилаб қўйилди. Шу мақсадда **2,5 мингдан** ортиқ профилактика инспектори штат бирликлари киритилди.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишда жиноятлар сони ошган, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларни “**қизил**”, жиноятлар сони барқарор ёки камайганларини “**сариқ**”, жиноят содир этилмаганларини “**яшил**” тоифаларга ажратган ҳолда алоҳида манзилли чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳам ҳамкорликдаги тадбирларимизни янада кучайтирди.

Таъкидлаш лозим, биргина жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида “**Ҳамжиҳатлик бор жойда жиноятга ўрин йўқ**” шиори остида **60 минг** маротабадан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Низоли оилалардаги муҳитни соғломлаштириш борасидаги ишлар натижасида ажрим ёқасига келиб қолган **16 мингдан** ортиқ оила яраштирилди, **6 мингтага** яқин оиланинг нотинчлигига барҳам берилди.

Ижтимоий шароити оғир бўлган **184 мингга** яқин хотин-қизлар доимий ишга, **45 минг** нафардан ортиғи касб-ҳунар бўйича ўқитишга, **71 минг** нафари тадбиркорлик соҳаларига жалб этилди.

Шу билан бирга, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг **30 минг** нафарга яқинига ҳуқуқий, психологик ёрдамлар кўрсатилиб, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларга ҳимоя ордери берилди.

Маҳаллалардаги носоғлом муҳит шароитидаги ҳаёт тарзига эга бўлган оилаларга **14 минг** нафар, шунингдек ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож вояга етмаганларга **5,5 минг** нафар кекса нуронийлар бириктирилиб, мунтазам равишда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиши ташкил этилди.

Ҳамкорликдаги профилактик тадбирлар натижасида ўтган 2020 йилда **49 фоиз** (*9 199 тадан 4 488 тасида*), жорий йилнинг ўтган даврида **45 фоиз** (*9 255 тадан 4 168 тасида*) маҳаллаларда **жиноят содир этилишига йўл қўйилмади**.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Бугунги кунда жиноятчиликни барвақт олдини олишда фуқаролар йиғинларининг давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигида қуйидаги йўналишларга қаратилган.

Биринчидан, оила-турмуш доирасидаги жиноятларни барвақт олдини олишда маҳаллаларда ҳисобда турган нотинч ва низоли оилаларни муаммолари бўйича тоифаларга ажратиб олиб, шу асосида низоларни мутасадди ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда бартараф этиш чоралари кўрилади.

<u>Маълумот учун:</u> *биргина қотиллик жиноятларини* ***36,7 фоизи*** *(349 тадан 128 таси) оила-турмуш доирасида содир этилган бўлиб,* ***128 та*** *қотилликларнинг* ***62 таси*** *(48%) эр-хотинлар,* ***10 таси*** *(7%) ака-укалар,* ***6 таси*** *(4%) қўшнисига ва* ***48 таси*** *(38%) бошқа қариндошлар ўртасида келиб чиққан низолар сабабли содир этилган.*

Шунингдек, жиноятларнинг ***5 таси*** *(4%) ўч олиш,* ***16 таси*** *(11%) рашк,* ***87 таси*** *(59%) муросага келиша олмаслик,* ***4 таси*** *(3%) мол-мулк талашиш ҳамда* ***16 таси*** *(11%) бошқа сабаблар оқибатида юзага келган.*

Иккинчидан, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликни барвақт олдини олиш мақсадида маҳаллаларда доимий даромад манбаига эга бўлмаган хотин-қизлар бандлигига кўмаклашиш борасидаги ишлар янада жадаллаштирилади.

Бунда, ҳудудий бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволдаги, шунингдек, кам таъминланган

ва эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларни ишга жойлаштириш орқали камбағалликни қисқартириш чоралари кўрилади.

Маълумот учун: *хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар (3196 / 5466)* ***2270 тага*** *ёки* ***71 фоизга****, жиноят содир этган хотин-қизлар сони (3244 / 5997)* ***84,9 фоизга*** *кўпайган.*

Жиноят турларидан республика бўйича қотиллик (27/37), ўғрилик (316/794), босқинчилик (8/16), талончилик (10/25), безорилик (54/111) ва фирибгарлик (622/1280) жиноятлари ошган.

Учинчидан, ёшларда муроса қилиш кўникмаларининг тўлиқ шаклланмаганлиги жиноятлар содир этилишига асосий омил бўлаётганлигини инобатга олиб, маҳаллалардаги кекса авлод вакилларини бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар тарбиясида кенг фойдаланамиз.

Маълумот учун: *Республикада жами жиноят содир этган* ***50 532 нафар*** *шахсларнинг* ***17 430 нафари*** *ёки* ***34,5 фоизи*** *ёшлар ҳиссасига тўғри келган.*

Жиноят содир этган ёшлар сони республика бўйича ***78,5 фоизга*** *(9767/17430) ошиб кетишига йўл қўйилган.*

Умумий жиноятчиликнинг ***18,5 фоизи*** *(73416 тадан 13631 таси) ёки деярли ҳар бешинчи жиноят ёшлар томонидан содир этилган.*

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ўйлайманки, бугунги ўтказилаётган халқаро илмий-амалий конференция доирасида ишлаб чиқилган тавсиялар маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади.

М.З. Зиёдуллаев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
бошлиғининг биринчи ўринбосари,
юридик фанлар доктори, профессор



МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ: ИСЛОҲОТЛАР, НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Мамлакатимиз ички ишлар органларининг чинакам халқчил, ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилма сифатида шаклланиши ўттиз йиллик тарихий йўлни босиб ўтди. Ушбу тарихий ва тадрижий ривожланиш йўлида мамлакатимизда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг ажралмас бўлаги бўлган ички ишлар органлари тизимида кенг кўламли ва туб ислоҳотлар амалга ошириб борилди.

Мустақил Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тизимли ислоҳотлар ҳақида сўз борар экан, уларни мазмун-моҳияти, кўлами ва хусусиятларига кўра қуйидаги босқичларга ажратган ҳолда ўрганиш мумкин.

Ички ишлар органларини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи – 1991-2004 йилларни ўз ичига олиб, ушбу даврдаги ислоҳотларда бир қатор хусусиятлар кўзга ташланди.

Биринчидан, мустақил Ўзбекистон ички ишлар органлари ташкил этилди ва унинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 25 августдаги фармонига асосан Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон ССРнинг қонуний юрисдикциясига олинди. Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг криминоген вазиятни яхшилаш, жиноятчиликни жиловлаш, хусусан, унинг уюшган кўринишларига барҳам бериш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш муҳим давлат олдидаги энг муҳим масалалардан бири эди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар вазирлиги ҳақидаги Низом тизимнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатидаги мақомини аниқ белгилаб берди.

Иккинчидан, республикадаги жиноятчилик жиловланди, жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлаш чоралари кўрилди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида ички ишлар идоралари фаолиятини ташкил этишда бошқарувнинг Собиқ иттифоқдан қолган эскича усуллари-

дан тўлиқ воз кечилмаган эди. Тизимдаги мавжуд муаммолар, кадрлар масаласидаги оқсоқликлар ички ишлар органларининг ўз вазифа ва функциясини самарали бажаришига етарлича шароит яратиб бермасди. Вужудга келган бундай вазият жиноятчилик, шу жумладан, уюшган жиноятчиликнинг сезиларли даражада авж олишига шароит яратиб берди.

Республикада 1991 ва 1992 йилларда ва шу давргача тўхтовсиз ўсиб келаётган жиноятчиликни тизгинлаш ва ўсишдан тўхтатишнинг имкони бўлмаган бўлса-да, мамлакатимизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 1993 йилда умумий жиноятчилик 1992 йилга нисбатан, 4 фоизга камайишига эришилган бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 18,3 фоизни, 1995 йилда 8,9 фоизни ташкил этди.

Учинчидан, ички ишлар органларининг таркибий тузилиши оптималлаштирилди, соҳавий хизматларнинг асосий вазифалари аниқ белгилаб берилди, улар фаолиятида такрорийлик ва параллелизмга йўл қўймаслик, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ягона раҳбарлик остида ташкил этиш, тизимда қатъий ихтисослашув таъминланди.

Бунинг натижасида содир этиладиган жиноятларга жавоб қайтаришда ички ишлар органларининг тезкорлиги ва ҳаракатчанлиги ошди.

Тўртинчидан, ушбу даврда милиция участка инспекторлари бўлинмалари негизида профилактика инспекторлари институти ва ҳар бир маҳаллада таянч пунктлари ташкил этилди, ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги тизимли ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, мазкур ҳамкорлик ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берилди.

Бешинчидан, ички ишлар органлари учун малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш, имкон қадар моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида, хусусан унинг муҳим йўналишларидан бири бўлган ички ишлар органларида 2004-2016 йилларда амалга оширилган иккинчи босқич ислоҳотларнинг хусусиятлари авваламбор, республикада фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича яхлит ҳуқуқий тизим яратилганида намоён бўлди.

Шунингдек, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасида жиноятчиликка ва унинг оқибатларига қарши курашиш амалиётидан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш амалиётига ўтилди. Айниқса, бу борада таянч пунктлари негизида профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг қошидаги

жамоатчилик тузилмалари билан узлуксиз ҳамкорлиги ўзининг муайян самарасини берди.

Шу билан бирга ички ишлар органларини малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, тизимда хизмат ўташ тартиби такомиллаштирилиб, ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунига асосан, 25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни этиб белгилангани ушбу даврдаги муҳим аҳамият касб этган тарихий ҳодисалардан бири бўлди. 2007 йил 25 октябрда мамлакатимизда илк маротаба ички ишлар органлари ходимлари куни байрам сифатида кенг нишонланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонунининг имзоланиши ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги кенг кўламли ва тизимли ислоҳотларда ўзига хос янги учинчи босқични бошлаб берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган муҳим вазифаларнинг жамият ҳаётига жорий этилиши ички ишлар органлари тизимидаги ислоҳотларни изчил давом эттиришга туртки бўлди. Ўтган давр ичида соҳага оид 13 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 та фармони, 3 та фармойиши ва 46 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 117 та қарори ҳамда 200 дан зиёд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5005-сон Фармони бу борада муҳим аҳамият касб этиб, унда ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим 10 та йўналишлари белгилаб берилди.

Бир сўз билан айтганда, тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан "Халқ манфаатларига хизмат қилиш"ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал, чинакам маънода "халқпарвар", "халқчил" тузилмага айлантиришга йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 февраль куни Ички ишлар вазирлигига ташриф буюриб, илк бор вазирлик ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида иштирок этиши тизим фаолияти ривожланишида янги босқични бошлаб бергани билан тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур йиғилишда муҳтарам Президентимиз томонидан соҳага доир белгилаб берилган устувор вазифалар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармонида келтирилган муҳим чора-тадбирларни жамият ҳаётига татбиқ этилиши натижасида мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишнинг мутлақо янгича механизмлари жорий этилди.

Хусусан, ички ишлар органларининг ташкилий тузилиши қайта кўриб чиқилиб, соҳавий хизматлар фаолияти мақбуллаштирилди. Ички ишлар вазирлиги Марказий аппарати ва ҳудудий ички ишлар органлари аппаратларидаги штат бирликларининг асосий қисми қуйи тузилмаларга туширилган ҳолда ички ишлар органларининг халққа яқинлашишига эришилди. Ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш, мурожаатларни туну-кун қабул қилиш, мавжуд муаммоларни жойида ва ўз вақтида ҳал этиш мақсадида 200 дан ортиқ ички ишлар бўлими ва бўлинмалари фаолияти тўлиқ қайтадан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарув тизими такомиллаштирилиб, турдош соҳавий хизматлар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш учун бевосита вазир ўринбосарлари томонидан бошқариладиган Тезкор-қидирув, Жамоат хавфсизлиги, Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш, Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментлари ташкил этилди. Барча жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органлари бўйсунувидан чиқарилиб, бевосита Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментига бўйсундирилди.

Халқ билан манзилли мулоқот тизими йўлга қўйилиб, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш мақсадда секторлар асосида ишни ташкил этиш мақсадида учинчи сектор ички ишлар органлари зиммасига юклатилди. Бунинг натижасида фуқароларни ташвишга солаётган муаммо ва масалаларни жойида ҳал этиш, ҳудудларда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тизимли ва манзилли амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиздаги барча маҳаллалардаги криминоген вазият “қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифаларга ажратилиб, таҳлил қилинганда жами

2142 та (23,4 %)(“қизил”) маҳаллада жиноят содир этиш суръати ошганлиги, 2538 та (27,7 %) (“сариқ”) маҳаллада жиноят содир этилган бўлса-да, ошиш суръати кузатилмагани ҳамда 4488 та (49 %) (“яшил”) маҳаллада жиноят содир этилмагани аниқланиб, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда “фуқаробай”, “оилабай” ва “маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикасини таъминлаш амалиёти жорий этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва вақтинча ишсиз қатлам вакилларига ҳар томонлама кўмаклашиш, ёшлар масалаларини ҳал этиш, эҳтиёжманд оилалар ва аёллар билан манзилли ишлаш мақсадида ташкил этилган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Меҳр дафтари” сингари янгича тартибда манзилли ишлашда ички ишлар органларининг роли кучайтирилди.

Жойлардаги криминоген вазиятни чуқур таҳлил қилиш, жиноятларнинг динамикаси ва содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш ва “илмий диагноз” қўйиш орқали жиноятчилик кўрсаткичларини прогнозлаш ва унинг олдини олишга қаратилган амалиёти йўлга қўйилди.

Ҳар бир маҳаллага профилактика инспектори ажратилиб, уларнинг сони 5,5 мингдан 10 минг нафаргача оширилди. Инспекторлар ўз ҳудудида узлуксиз хизматни ташкил этиши учун уларга хизмат уйлари қуриб берилди, шахсий автомашина харид қилиши учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Бугунги кунда ҳар бир профилактика инспектори маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартибот бўйича ўринбосарига айланди, уларнинг хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ ваколатлари кенгайди. Таянч пунктлари негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этиладиган маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилмоқда.

Ички ишлар органларини аҳолига янада яқинлаштириш, фуқароларни ташвишга солаётган муаммо ва масалаларни жойида ҳал этиш, ҳудудларда жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тизимли ва манзилли амалга оширилишини таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оила, аёллар, ёшлар ва вояга етмаганлар масалалари бўйича ишлайдиган жамоатчилик тузилмалари билан узлуксиз ҳамкорликда фаолият олиб бориш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2020 йил якуни бўйича Республикамиз ҳудудидаги 9168 та маҳаллаларнинг 49 фоизида жиноятлар содир этилишига йўл қўйилмади.

Ўзбекистоннинг янги тарихида илк бор ёшлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси илмий асосда мактаб остонасидан, болаларнинг ҳуқуқий-психологик тарбиясидан бошланди. Шу мақсадда жорий йилда тизимга 1 минг 100 нафар инспектор-психологлар ажратилди. Келгуси йилда

бу кўрсаткични 2 минг нафарга етказиш кўзда тутилган бўлиб, бу фарзандларимизни мактаб ёшидан бошлаб қонунга ҳурмат руҳида камол топтиришга хизмат қилади.

Алоҳида қайд этиш зарурки, хизмат хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида шароитларда ўз вазифаларини бажарувчи 25 мингдан ортиқ ходимларнинг ойлик маошларига устамалар белгиланди. 7 246 нафар ходимлар хизмат уйлари билан таъминланди, шунингдек, имтиёзли ипотека кредити асосида қурилган кўп қаватли уйлардан 2 минг 300 га яқин хонадонлар ажратилди.

Фидойи ходимларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Ўтган беш йил мобайнида 500 дан ортиқ ички ишлар ходимлари ва ҳарбий хизматчилари давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Ўрни келганда айтиш керакки, илгари 1 та туман Ички ишлар бўлимида атиги 2 та автоулов бўлган бўлса, бугун ҳудудий бўлинмаларнинг тезкорлигини ошириш ва уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш учун соҳага 2016–2021 йилларда қўшимча 3,5 мингга яқин янги транспорт, 16 мингдан ортиқ махсус ва техник воситалар ажратилди.

Сўнгги йилларда ички ишлар органларини халқнинг корига ярайдиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш мақсадида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилди. Бу эса халқимизнинг ички ишлар органларига бўлган ишончи ва соҳа ходимларига нисбатан ҳурматининг ошишига хизмат қилмоқда.

Бугунги таҳликали замон, қўшни давлатлардаги нотинч вазият, янгидан янги жиноят турлари ва кўринишларининг юзага келаётган шароитда республикамизда тинчлик ва осойишталикни асраш, фуқаролар хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш билан боғлиқ долзарб омиллар давр билан ҳамнафас ҳолда ички ишлар органлари фаолиятини мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Бундай мураккаб шароитда ёшларимизни маънавий таҳдидлардан асраш, уларнинг турли ёт ғоялар, диний ва мафкуравий ақидалар таъсирига берилишини олдини олиш, жамиятда зўравонлик ва радикал қарашларнинг тарқалишига чек қўйиш орқали мамлакатда ички хавфсизликни кафолатлаш муаммолари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Албатта, бундай кечиктириб бўлмас вазифаларнинг самарали бажарилишида ички ишлар органларининг роли беқиёсдир. Шу билан бирга, бугунги тинимсиз, шиддат билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазият тизим фаолиятини замон талабларига мос равишда мутлақо янгича

усулларда ташкил этишни тақозо этмоқда. Мазкур талабдан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир:

1) Айрим шахслар томонидан содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашиш ва улар билан ишлашга асосий эътибор бериш амалиётидан воз кечиб, профилактика инспекторларининг маҳаллаларда аҳоли билан доимий мулоқоти, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларни ўрганиш ва уларга индивидуал "ташҳис қўйиш" орқали улар билан жамоатчилик таъсирига асосланган тарбиявий-профилактик ишларни амалга ошириш, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан тизимли виктимологик профилактикани ташкил этишга қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва ижтимоий профилактикасини таъминлаш;

2) Ҳозирга қадар давом этаётган ички ишлар органлари фаолиятига жиноятчилик статистикасига қараб баҳо бериш ва бунинг оқибатида жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳисобдан яшириш ҳолатларига, жиноятларни очиш ва тергов қилиш амалиётида ҳанузгача учраётган айрим ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган хатти-ҳаракатлар ва номақбул тергов услубларига буткул барҳам берган ҳолда жавобгарликнинг муқаррарлиги, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини кучайтириш, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш, ушбу соҳада очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берувчи жиноятларни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган ягона электрон реестрини жорий этиш, тизим фаолиятини баҳолашда аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини асосий мезон этиб белгилаш, суриштирув ва тергов фаолиятини адолатли, холис ва ҳаққоний олиб бориш бўйича самарали механизмларни жорий этиш;

3) Бутун дунёда бўлаётгани сингари республикамизда ҳам умумий жиноятчилик кўрсаткичида ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган жиноятларнинг салмоғи борган сари ортиб, ижтимоий хавфи кучайиб бораётган бир даврда киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг мукаммал ҳуқуқий асосларини яратиш, соҳага илғор тажрибалар ва иш усулларини, инновацион-рақамли технологияларни кенг жорий этиш, тизимни малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий-институционал, моддий-техник ва кадрлар тайёрлашга оид комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

4) Бугунги кунда соҳа вакилларининг айримларида касбий маҳорат ва маънавий-руҳий тайёргарликнинг етарли эмаслиги, уларнинг кенг жамоатчилик вакиллари, хусусан блогер ва журналистлар билан очиқ касбий мулоқотга тайёрмаслиги натижасида уларга нисбатан баъзи қонунбузар

фуқаролар томонидан таҳдид ва тажовузлар содир этилаётгани тизим обрўсига путур етказаётганини ҳисобга олиб, ички ишлар органлари ходимларининг интеллектуал ва касбий салоҳияти, маънавий-маърифий савияси, жисмоний ва руҳий тайёргарлигини ошириб бориш, бу борада ходимлар учун дастуруламал бўладиган “Касбий маданият кодекси”ни қабул қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, соҳа вакилларининг машаққатли ва фидокорона меҳнатини кенг оммага тарғиб этиб бориш бўйича тизимли чора-тадбирларни изчил давом эттириш;

5) Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига йўналтирилган кенг кўламли фаолиятида ҳали-ҳанузгача эскича иш усулларидан, маънан эскирган техника воситалари ва технологиялардан фойдаланиб келинаётгани иш унуми ва самарадорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётганини инобатга олган ҳолда соҳага ривожланган хорижий давлатлар амалиётида қўлланаётган янги авлод техник ва махсус транспорт воситалари, ахборот технологиялари, замонавий дастурий таъминотларни изчил жорий этиб бориш ҳамда тизим фаолиятини кенг қамровли рақамлаштириш;

6) Ҳудудлардаги ички ишлар органларининг фаолиятини ташкил этишда ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусияти, тезкор-криминоген ва ижтимоий-иқтисодий вазияти ҳисобга олинмаган ҳолда бошқарилиши, қолаверса бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулияти ва ташаббуси етишмаётгани сабабли кўп ҳолларда марказдан туриб самарасиз қарорлар қабул қилиниши, бир хил қолипдаги ва ягона ёндашувга асосланган иш усуллари ва тажрибаларни жорий этиш амалиёти сақланиб қолаётгани боис, ҳудудий ички ишлар органларининг кенг кўламли фаолиятини бугунги кун талабларига мос ҳолда ташкил этишда маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини янада ошириш, жойларда ички ишлар органларининг ташкилий штат тузилмаларини, моддий-техник таъминотини амалиёт талаби ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда белгилаш борасида уларга муайян мустақиллик бериш ҳамда бу орқали мамлакатимизда ривожланган ички ишлар органлари тизимини жорий этишнинг асосларини яратиб бориш.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистоннинг янги ички ишлар органларини яратиш борасидаги тизимли ва кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш келгусида давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолади. Ички ишлар органларини халққа ва ҳар бир оилага янада яқинлаштириш, бу тизимни чин маънода халқчил тузилмага айлантириш эса бу борадаги ислоҳотларимизнинг асосий мақсадини ташкил этади.

Х. Б. Давранов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

Инсонни қийин аҳволга туширадиган, руҳан эзадиган ҳолатлар ичида энг оғири адолатсизлик ҳисобланади. Унинг илдизи коррупция билан боғлиқ бўлиб, бу шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, бундай нафни ноқонуний равишда тақдим этишида ифодаланади.

Коррупциянинг тарихий ўзаклари жуда қадимга бориб тақалиб, бу ҳол қабилада маълум мавқега эга бўлиш учун қабила сардорларига совғалар бериш одатидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Ўша даврларда бу нормал ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ, давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди. Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади. Қадимги давлатларни, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ ташвишга солганлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказади.

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Каримда: “Бошқаларнинг мулкини ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар”, дейилган бўлса, Инжилда: “Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қилади ва ҳақиқатни ўзгартиради”, дейилган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб жамият давлат бошқарув аппаратининг иш сифатига тобора кўпроқ таъсир кўрсата бошлади. Бу ўша даврда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларида қайд этилгани билан изоҳланади. Жумладан, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясида пора олиш АҚШ президентини импичментга тортиш мумкин бўлган икки жиноятнинг бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрнининг ошиб бориши XIX-XX асрларда ривожланган давлатларда коррупция дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан анча камайишига олиб келди.

Коррупцияга қарши курашда халқаро миқёсда давлат хизмати сифатини кўтариш, давлат хизматчиларининг фуқаролар олдидаги масъулиятини

ошириш ва ахлоқий маданиятини ривожлантиришга қаратилган ҳужжатларга қўшилиш, уларга амал қилиш ҳар қандай давлат учун муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, XX аср охирларида давлатлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тобора мураккаблашиб бориши натижасида коррупция ҳам ўз кўринишини мураккаблаштириб борди. Шу сабабли БМТ томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинди:

1) Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодекси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган);

2) Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган);

3) Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодекси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган);

4) БМТнинг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларацияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабрда тасдиқланган);

5) Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган);

6) БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган);

7) БМТ Форумининг оффшорлар бўйича Коммюникеси (Кайман ороллари, 2000 йил 30-31 март);

8) Коррупцияга қарши курашиш чоралари. Ноқонуний маблағларни тозалашга қарши кураш чоралари. Жиноятчилик ва одил судлов: XXI аср чорловига жавоблар тўғрисидаги Вена декларациясини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2002 йил 15 апрелда қабул қилинган);

9) БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган).

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш жараёни ривожланишини дастлабки ва замонавий босқичларга ажратиш мумкин.

Дастлабки босқич коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини яратилиши билан таърифланади. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Хусусан:

– Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги “Хусусий мулк ва тадбиркорликни коррупция, рекет ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги 247-сонли қарори;

– 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси;

– Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 27 июндаги “Бирлашган миллатлар ташкилотининг коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги қонуни;

– Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 25 декбрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2745-сонли буйруғи яратилди.

2016 йилда Ш.Мирзиёев мамлакат раҳбарлигига келганидан сўнг барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар бошланди. Натижада коррупцияга қарши курашиш соҳасини замонавий босқичга кўтариш мақсадида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий ва институционал асослар яратилиб, бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди:

– Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 307-мҳ-сон буйруғи;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 14 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2412-III-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май кунги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4761-сон қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини

такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон фармони;

– 2020 йил 31 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сон қарори;

– 2021 йил 24 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2-мҳ буйруғи ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мазкур иллатга қарши муросасиз курашишнинг ижобий натижаси ўлароқ, 2020 йил якунлари бўйича коррупция ҳолатларини баҳоловчи “Transparency international” халқаро ноҳукумат ташкилотининг “Коррупцияни қабул қилиш индекси” рейтингида Ўзбекистон 146-ўринни (2019 йилда 153-ўрин) эгаллади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жаҳонда ва Ўзбекистон Республикасида коррупция кеча ёки бугун пайдо бўлмаганлиги, қадимги даврларда ҳам мавжуд бўлганлигини таҳлиллар кўрсатмоқда. Мазкур кўрсаткич коррупция қанча вақтлардан буён мавжуд бўлганлигини кўрсатиши билан бирга, ўтган даврлар мобайнида қанчалик шаклланганлигидан дарак бермоқда. Бугунги кунда коррупция иллати трансмиллий аҳамият касб этиб, дунё давлатлари иқтисодиётига ва сиёсий легитимлигига зарар етказаётганлиги, давлатларнинг халқаро майдонда обрўсига жиддий таъсир этаётганлиги унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва коррупция жиноятларини бартараф этиш бўйича механизмларни такомиллаштириш йўлидаги тадқиқотларни янада жадал суръатларда давом эттириш заруриятини кўрсатмоқда.

Адабиётлар

1. Коррупция: унинг тарихий илдизлари, коррупцияга қарши кураш усуллари. https://xorazm.adliya.uz/ xorazm/uz/publikatsii/korupciya/02.06.2021.

2. The Constitution of the United States of America. https://www.concordia.edu.ua/wp-content/uploads/2019/06/ 0-6.-The-Constitution-of-the-United-States.pdf. 02.06.2021.

3. БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/convention 27.03.2021.

4. Corruption Perceptions index. https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/nzl (04.04.2021).



Цурлуй Олеся Юрьевна,
доцент кафедры судебной экспертизы и криминалистики Центрального филиала Российского государственного университета правосудия, кандидат юридических наук, доцент



Мещеряков Владимир Алексеевич,
профессор кафедры криминалистики Воронежского государственного университета, доктор юридических наук, профессор



Фурсов Валерий Витальевич,
старший преподаватель кафедры судебной экспертизы и криминалистики Центрального филиала Российского государственного университета правосудия

ОСОБЕННОСТИ ПРОИЗВОДСТВА ДИСТАНЦИОННОГО ДОПРОСА В УГОЛОВНОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

Допрос, без сомнения, – одно из самых востребованных и наиболее сложных в тактическом плане следственных действий. Целью допроса выступает получение достоверной и объективной криминалистически значимой информации, способствующей расследованию и раскрытию преступления.

Допрос определяется как следственное действие, заключающееся в непосредственном получении и фиксации лицом, проводящим предварительное следствие или дознание, показаний свидетелей, потерпевших, подозреваемых, обвиняемых, эксперта и специалиста об обстоятельствах, имеющих значение для раскрытия и расследования преступления [1, с. 278; 2, с. 342].

Качественное проведение допроса требует от следователя “глубоких профессиональных знаний, мастерства, культуры общения, знаний психологии и коммуникативных навыков, понимания следственной ситуации и владения материалами уголовного дела” [1, с. 281].

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура Ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори



ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОСОН КЕЧГАН ЭМАС...

Хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш инсоният пайдо бўлган илк вақтлардан бошлаб, давлатчилик тараққиётининг барча даврларида долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Ушбу вазифани бажариш турли даврларда турлича ном, тизим ва тузилишга эга бўлган тузилмалар ва мансабдор шахслар томонидан амалга оширилган.

Жамоат тартибини сақлаш, мамлакат қонунлари, фуқароларимизнинг тинч меҳнати, дам олиши, хусусий мулки хавфсизлиги, жиноятчиликка ва инсоннинг энг муҳим ҳаётий манфаатларини бузилишига қарши курашда Ички ишлар органларининг ўрни катта.

Истиқлолимизнинг илк даврида мустақил давлатнинг ташкил топган ички ишлар органлари ўтган синовли йиллар давомида машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтиб, халқимизнинг чинакам таянчи ва ҳимоячиси сифатида шаклланди.

Бутун Республика халқи каби Ўзбекистон ички ишлар органлари учун ҳам (1991 йил) янги давр бошланди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач ички ишлар органларининг истиқлолни жиноий хуружлардан ҳимоя қилиш, ёш мустақил давлат ва унинг фуқаролари хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масъулияти мислсиз даражада ошди. Дастлаб, ёш ва мустақил Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги тизимида катта ўзгаришларни амалга ошириш талаб қилинарди. Унинг ички тузилиши, фаолиятининг шакллари ва усуллари такомиллаштирилиши зарур эди. Юксак маҳорат билан хизмат ўташни ташкил этиш учун ҳуқуқий замин яратилиши кун тартибида турарди. Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилиши билан бирга, республика раҳбарияти олдида мамлакатнинг тақдири, тараққиёт йўли, истиқболлари тўғрисидаги муҳим масалалар, шу жумладан, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари муҳим аҳамият касб этди.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Ички ишлар органларининг мустақилликни жиноий хуружлардан ҳимоя қилиш, ёш мустақил давлат ва унинг фуқаролари хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масъулияти мислсиз даражада ошди. Ўзбекистон

ҳудудидаги илгари СССР ички ишлар вазирлигига бўйсунган ички қўшинлар ва ўқув юртлари, транспорт бошқармаси, моддий-техника ва ҳарбий анжомлар таъминоти Ўзбекистон ҳуқуқий тасарруфига ўтди. Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Унинг ички тузилиши, фаолиятининг шакллари ва усуллари қайтадан кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мустақиллик арафасидаги, яъни 1991 йил 25 августдаги фармони республикада криминоген вазиятни тўлиқ назоратга олиш ва барқарорлаштириш борасида мустақил равишда аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Унга асосан мамлакатда вужудга келган вазиятни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1) республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди;

2) уларнинг асосий мажбуриятлари сифатида республика ва унинг фуқаролари хавфсизлигини, манфаатларини муҳофаза қилиш белгиланиши назарда тутилди;

3) республика ҳудудида жойлашган СССР ИИВнинг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилди;

4) Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни муҳокама учун тақдим этиш таклиф қилинди;

5) Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети, прокуратураси ва адлия органлари, шунингдек, республика ҳудудида жойлашган ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан холи қилинди [1].

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда бу даврда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солган яна бир салбий жараён экстремизмни ўзида мужассамлаштирган диний ақидапарастликнинг авж олиши эди. Дин ниқоби остида ғаразли мақсадлар билан сиёсий ҳокимиятни ағдаришга интилиш 1991 йил декабрь ойида Наманган вилоятида кузатилди. Яъни, диний мутаассиблар раҳбарлигидаги оломон Наманган вилояти ҳокимлиги биносида «Яшасин ислом давлати!» деган шиор билан бошланган кўпсоатлик йиғинда ҳокимият томонидан бажарилиши керак бўлган бешта талабни илгари сурди: биринчидан, йиғилишда республика Президенти И. Каримов қатнашиши; иккинчидан, у Қуръон билан исломга содиқлиги тўғрисида қасам ичиши, дарҳол ислом давлатини эълон қилиши; учинчидан, масжидларга қатнаш мусулмонлар, жумладан, давлат раҳбарлари учун ҳам мажбурий бўлиши, улар ҳам халқ билан бирга номоз ўқиши; тўртинчидан, жума дам олиш куни деб эълон қилиниши; бешинчидан, зудлик билан диний мактаблар очиб, йигит-қизларни алоҳида-алоҳида ўқитиш, никоҳдан ўтишни фақат шариат асосида расмийлаштириш кераклиги айтилди. Албатта, уларнинг бош мақсади «Аллоҳ», «ислом» сўзлари

билан биргаликда номланган, эшитилиши жарангдор партия, ташкилотлар тузиб, мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, яхлит жўғрофий ҳудудда ислом давлати қуриш, халифаликни қайта ўрнатиш эканлиги кейинги даврда яна ойдинлашди [2]. Шунингдек, 1980–90 йиллар бўсағасидаги сиёсий жараёнлар таъсирида юзага келган айрим («Бирлик» [3], «Эрк» [4] каби) ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари мавжуд муаммолардан фойдаланиб, республикада сиёсий бошбошдоқлик ва беқарорликнинг келиб чиқишига маълум ҳисса қўшдилар. Тошкентда 1992 йилнинг 16–17 январида содир бўлган талабалар ўртасидаги тартибсизликларни ана шундай сиёсий ҳаракат ва партиялар фаолиятининг «меваси» деб ҳисобласа бўлади. Мазкур намойишлар ўзининг шафқатсизлиги ва жаҳолати билан иккита талабанинг ҳалок бўлишига ва ўндан ортиғининг яраланишига олиб келди. Ички ишлар органларининг тезкорлик билан қилган ҳаракатлари туфайлигина бу тартибсизликлар бостирилди. Президент топшириғи билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг республика комиссиясини тузиш таклифи берилди. Унга мувофиқ комиссия тартибсизликларнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш билан боғлиқ масалаларни тезда кўриб чиқиш, рўй берган воқеалар чоғида аниқланган муаммоларни ҳал этиш масаласи юклатилди.

Шунингдек, айрим ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар 90-йиллар бошларида иқтисодий танглик ва ижтимоий муаммолар таранглашган, мафкуравий бўшлиқ ҳукм сурган даврда динга бўлган халқнинг муносабатидан фойдаланиб, ўз мақсадларига эришишни кўзлаган эди. Агар ушбу муаммо мамлакат Президентининг ўз вақтида «иссиғида», бевосита аралашуви ва иштирокисиз ҳал этилмаганида Ўзбекистонда ҳам 1992 йилда Тожикистоннинг «Шоҳидон» майдонидан бошланган фуқаролар уруши хавфи мавжуд эди.

Ўзбекистоннинг жиноятчиликка қарши кураш борасида эришилган ижобий натижалари ва тажрибаси кўп ўтмай айниқса МДҲ маконида катта қизиқиш уйғотиб, эътироф этилди. Жумладан, Россия Федерациясининг собиқ Президенти Б.Ельцин 1995 йилнинг 2 мартида, уюшган жиноятчиликнинг қурбони бўлган машҳур тележурналист В. Листьевни дафн этиш маросимида сўзлаган нутқида Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши олиб борилаётган ишлар мақтовга сазовор эканлигини айтган эди [5].

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, мустақилликнинг дастлабки йилларида ички ишлар органлари ходимлари ҳам ўз хизмат фаолиятларини амалга оширишда кўплаб мураккабликларга дуч келди. Хусусан, фуқароларнинг осойишта турмушини таъминлаш, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сингари вазифаларни бажаришда ички ишлар ходимларидан юксак фидойиликни талаб қилди. Сабаби, жиноятчиликнинг тез суръатлар билан ўсиб борган, унинг шу пайтгача учрамаган ваҳшиёна турлари авж олган

даврда, ички ишлар ходимларининг масъулиятлари ортди. Айниқса, жиноятчиларнинг хизмат вазифасини бажараётган милиция ходимларига қаршилик кўрсатгани, хужум қилиб ҳаётларига тажовуз қилган ҳолатлар ҳам кузатилди.

Масалан, 1993 йилда биргина Жиззах вилоятида фуқаролар томонидан милиция ходимларига нисбатан 81 марта ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилди. Шулардан 20 та ҳолат бўйича жиноий ишлар қўзғатилди. 5 та ҳолат бўйича жиноятчилар 2 йилдан тортиб 8 йилгача ҳар хил муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Яна шунча ҳолат бўйича судлар уларга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси белгиланди. 4 та ҳолат бўйича тергов давом эттирилди. 3 та ҳолат бўйича судлар томонидан жиноий ишлар қўшимча терговга қайтарилди [6]. Ушбу қисқа таҳлилдан кўриниб турибдики, бу даврда милиция ходимларига нисбатан ноқонуний ҳаракатлар мамлакатнинг бошқа ҳудудларида кўпайганлиги ва ушбу қонунбузарликларнинг кўпчилиги жазоланмасдан қолганлиги кузатилган. Шу билан бирга, бу даврда ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган қонун ёки норматив ҳужжат етарли эмаслиги ҳам давр хусусияти ҳисобланади. Қабул қилинган ҳужжатларнинг ижроси яхши таъминланмаганлиги ёки амалда тўлиқ татбиқ этилмаганлиги ҳам кузатилган [7].

Аммо шунга қарамай, Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши кураш жадал суръатлар билан олиб борилди ва бу борада кейинги даврда ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот марказидан олинган маълумотларга кўра, 1998 йилда 10 нафар «жиноий обрўманд», 75 нафар жиноят оламининг «йўлбошчиси», 572 нафар шахсдан ташкил топган 142 уюшган гуруҳларнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди. 1999 йилда эса 193 уюшган гуруҳларнинг фаолияти фош қилиниб, шу гуруҳларда жиноий фаолият билан шуғулланган 5 та «жиноий обрўманд», 150 та жиноятчилик дунёсининг «йўлбошчиси» ва 767 аъзолари жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, 2000 йилга келиб уюшган гуруҳларнинг сони 179 та бўлишига қарамай 2 та «жиноий обрўманд», 182 та жиноят оламининг «йўлбошчиси», 797 та уюшган гуруҳ аъзолари қонун олдида жавоб берди [8].

1999 йил 16 февраль куни бир гуруҳ шахслар томонидан Тошкент шаҳрининг 5 та маъмурий бинолари олдида Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ҳаёти ва амалдаги конституциявий тузумга тажовуз қилишга қаратилган террорчилик ҳаракатлари содир этилди.

Қўпорувчилик ҳаракатлари натижасида 13 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган, 100 дан ортиқ фуқаро турли жароҳат олиб касалхонага ётқизилган, 3 нафар ички ишлар органлари ходимлари яраланиб, уларнинг 1 нафари вафот этган. Бир неча машина ёниб кетди, жабрланганларнинг деярли барчаси тинч аҳоли вакиллари эди. Мазкур ҳолат юзасидан кўрилган тезкор

чора-тадбирлар натижасида ушбу қўпорувчилик ҳаракатларига алоқадор шахслар қўлга олиниб, қонуний жазога тортилди.

1999 йил 30 март куни Хоразм вилояти Питнак шаҳрининг «Саримой» блок постида террорчилик гуруҳи томонидан «Тошкент-Урганч» йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган автобуснинг ҳайдовчиси ва 25 нафар йўловчилари гаровга олинган. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида 4 нафар жиноятчи йўқ қилиниб, бир нафари қўлга олинган, гаровга олинган фуқаролар озод қилинган.

2000 йилга келиб, диний ниқоб остидаги террористик ташкилотларнинг Ўзбекистоннинг тинчлиги ва барқарорлигига хавф туғдириши ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб этарди. Жумладан, террористик гуруҳлар ва уларнинг чет эллардаги раҳнамолари Ўзбекистондаги барқарорликни издан чиқариш йўлидаги қабиҳ ниятларидан қайтмади. 2000 йил август ойида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани тоғли ҳудудларига қўшни давлатлар орқали жангарилар гуруҳи кириб келгани аниқланди. Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида икки ой давом этган қидирув ишлари ва ўтказилган жанговар операциялар натижасида Сариосиё ва Узун туманлари ҳудудига жойлашиб олган жангарилар гуруҳи йўқ қилинди [9].

Амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамасдан республикадаги вазиятни беқарорлаштириш, мамлакат мустақиллигини, фуқароларнинг тинч ҳаётини, издан чиқаришга қаратилган ҳаракатлар давом эттирилди. Жумладан, 2004 йил 29–30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳар, пойтахт вилояти ҳамда Бухоронинг Ромитан туманида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида 9 нафар ички ишлар идораси ходими ва 5 нафар фуқаро ҳалок бўлди.

2004 йил 28 мартдан 2 апрелгача Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Бухоро вилоятининг Ромитан туман ҳудудларида, 2005 йил май ойида Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари республикадаги криминоген вазиятга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Хусусан, 2004 йил 28 мартдан 2 апрелгача Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида кетма-кет бир нечта террорчилик ҳаракатлари содир этилаётган, бундай жиноий хатти-ҳаракатлар содир этилиш хавфи мавжуд бўлган шароитда терроризмга қарши курашувчи органлар ҳамкорлигининг самарали ташкил этилганлиги боис террорчилар томонидан режалаштирилган бир қатор қўпорувчиликларнинг амалга оширилишига йўл қўйилмади.

Бундай воқеа тафсилотларини шу ерда тўхтатишга жазм қилдик. Сабаби, Ўзбекистон ички ишлар идоралари ходимлари ўз ҳаётини элюртимиз тинчлиги ва осойишталигини асрашдек эзгу ва олижаноб ишга бағишлаган мард ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар инсонлар -- ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган фидойи ходимлар доимо қалбимизда, юрагимизда.

ИИВ раҳбарияти ИИО фаолияти самарадорлигини ошириш учун конкрет вазифаларни давлат даражасида белгилаб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини тайёрлаш ва Олий Мажлисга тақдим этиш масаласини кўндаланг қўйган эди. Натижада «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 29 ноябрда қабул қилинди, Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда маъқулланди. Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, 25 октябрь Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни этиб белгиланди. Қонун Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2006 йил 6 декабрь куни имзоланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилган 25 октябрь санаси бу соҳада хизмат кўрсатаётган ходимлар учун катта тарихий аҳамиятга эга. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами мустақиллик йилларида биринчи марта 2007 йилнинг 25 октябрь кунидан бошлаб нишонлана бошланди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислоҳотлар ва янгиланишларга ҳамоҳанг тарзда ички ишлар органлари тизимини ислоҳ этиш борасида ҳам бир қатор тизимли ишлар олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар айтиш мумкинки, ички ишлар органларини мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни асраш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий субъектларидан бирига айлантирди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “**Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади**” [10].

Ички ишлар органлари фаолиятининг муҳимлиги ҳуқуқий давлатни шакллантириш, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкам-

лаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш зарурияти, коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича қатъий тадбирлар кўриш муносабати билан ошиб бормоқда.

Ҳаракатлар стратегияси форматида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни "Халқ манфаатларига хизмат қилиш" тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан байрам табригида Президентимиз Шавкат Мирзиёев: "**Мустақиллик йилларида бутун мамлакатимиз қатори ички ишлар органлари ҳам ғоят шарафли ва масъулиятли йўлни босиб ўтди. Соҳа ходимларининг жамоат тартиби ва тинчлик-осойишталикни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фидокорона хизматини, айниқса уларнинг бугунги пандемия шароитида кўрсатаётган жонбозликларини халқимиз яхши англайди ва муносиб қадрлайди**" [11] деб, самимий муносабат билдиргани тизим ходимларига юксак ғурур ва ифтихор бағишлаган эди.

Шунингдек, яқинда маҳаллий ва хорижий экспертлар томонидан кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширган 15 та энг муҳим ташаббуси алоҳида эътироф этилгани ҳам барчамизда юксак фахр ҳиссини уйғотганини таъкидлаш ўринлидир. Бу рўйхатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва қуролли кучлар тизимининг ислоҳ қилиниши ҳам қайд этилган.

Дарҳақиқат, ўтган қисқа вақтда мамлакатда амалга оширилган ислоҳотлар, янгиланишлар бошқа соҳалар қатори ички ишлар органлари тизимида ҳам кенг кўламли ва пухта ўйланган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ички ишлар органларини эл-юрт манфаатига хизмат қиладиган чинакам халқчил тизимга айлантириш йўлида катта ишлар олиб борилмоқда.

Тизимдаги ислоҳотларнинг биринчи босқичи Президентимизнинг 2017 йил 10 апрелдаги фармони билан бошланиб, шу асосда 13 та қонун, давлатимиз раҳбарининг 9 та фармони, 40 та қарори ва 3 та фармойиши, ҳукуматнинг 115 та қарори, 167 та идоралараро ҳужжат қабул қилинди.

Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар Ҳаракатлар стратегиясининг **қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, шунингдек хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенг-**

ликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминламоқда.

Беш йил – тарих учун бир лаҳза ҳисобланса-да, шу қисқа даврда ички ишлар тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бу борада улкан тарихий ютуқларга эришилди Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) қонуни [12] нинг қабул қилиниши бевосита ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши учун замин яратди. Ўтган даврда ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича иккита қонун, Президентнинг 22 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 30 та қарори ва қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ички ишлар органлари фаолияти, соҳада мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги устувор вазифаларга бағишлаб 2017 йил 9 февралда ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан алоҳида кўрсатиб ўтилди. Хусусан, жойларда тизим ходимлари фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлаётгани, мол-мулкка жиноий тажовуз каби салбий ҳолатларга чек қўйилмаётгани ва қасддан тан жароҳати етказиш, фирибгарлик, йўл-транспорт ҳодисалари камаймаётгани танқид қилинди. Шу билан бирга, соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш бўйича йўналиш ва вазифалар белгиланиб, уни комплекс ислоҳ қилиш ва таркибий тузилмаларини мақбуллаштириш юзасидан жуда зарур кўрсатмалар берилди, вазифалар белгиланди:

– ички ишлар органлари фаолиятидаги камчилик ва муаммоларни бартараф этиш;

– шахс, жамият, давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун мавжуд имконият ва илғор тажрибаларни аниқлаш ҳамда амалиётга жорий қилиш;

– тизимли бошқаришни янада демократлаштириш, унинг хизмат ва таркибий тузилмалари фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасидаги чора-тадбирларнинг самарали тарзда амалга оширишга эришиш;

– жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш мақсади, яъни ички ишлар органлари тизимида туб ислоҳотларни ўтказишни тақозо этади [13].

Айнан Ҳаракатлар стратегияси форматида 2017 йилнинг 10 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги 5005-сонли Фармони [14] қабул қилинди.

Фармонда «ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан **«Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш**» [14] Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг магистрал йўналишлари сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарорининг 1-иловаси билан "**Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида"ги Низом тасдиқланди.** Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашини ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади. Муҳим ўзгаришлардан яна бири сифатида профилактика инспекторининг маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича ўринбосари этиб белгиланганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз тарихида илк бор фақат аёл ходимлар ишлайдиган хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор лавозимлари жорий этилди. Бугунги кунда улар ҳар бир маҳаллада фуқаролар йиғинлари раисларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари билан ҳамкорликда опасингилларимизнинг маслаҳатчиси, ҳимоячиси ва кўмакдошига айланмоқда.

Хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, уларни турли тазйиқлардан ҳимоя қилиш мақсадида жойларда аёллар масалалари бўйича 362 нафар катта инспектор фаолияти йўлга қўйилди. Илгари бундай лавозим йўқ бўлиб, оилада, ҳаётда жабр кўрган, тазйиққа учраган аёлларнинг ҳаммаси ҳам ўз дардини ҳудуд профилактика инспекторига айтолмас, бунинг натижасида кўплаб нохуш ҳолатлар юзага келарди. Эндиликда бундай салбий ҳолатларга барҳам берилиб, катта инспекторлар хотин-қизларнинг энг яқин маслакдоши, ҳимоячисига айланмоқда. Тазйиққа учраган аёлларга ҳимоя ордерлари берилиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиняпти. Жиноятга жазо муқарраплиги принципини тўлиқ татбиқ этиш, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли таъминлаш мақсадида соҳага бир қатор инновацион технологиялар жорий этилди.

Белгиланаётган вазифалар аввало, юртимиздаги янгиланиш жараёнлари ва ислоҳотларга дахлдорлигини чуқур ҳис қиладиган, мамлакатимизни энг ривожланган давлатлар қаторига киришидаги ўз ўрни ва иштирокини теран англайдиган, бу йўлда **фаол фуқаролик позициясига,** креатив ва инновацион тафаккурга эга бўлган замонавий ИИОлари кадрларни тарбиялашда жонкуярлик фазилатларини камол топтиришга қаратилган.

Хусусан, 2021 йилнинг 2 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5050-сонли Қарори билан «Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси» тасдиқланди. Мазкур концепция ИИО ходимларини ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган, миллий қадриятларга содиқ, ёт ва бузғунчи ғояларга қарши муросасиз кураша оладиган, имон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, фидойи ва маънавиятли кадрлар этиб тарбиялаш, шунингдек, уларнинг шахсий дахлдорлик ва масъулият ҳиссини шакллантиришга қаратилганлигини алоҳида қайд этишни истардим. Замирини «**Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчими**з!» деган концептуал ғоя ташкил этган ушбу ҳужжатга кўра, осойишталик посбонларининг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик ва касбга садоқат туйғуларини ошириш ҳар қачонгидек ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – 370–371-бетлар.
2. Халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг инсониятга таҳдиди: Ички ишлар идораларининг ходимлари учун қўлланма. – Т., 2004. – 23-б.
3. *Қирғизбоев М.* Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т.: Шарқ, 1998. – 116-б.
4. *Азизхўжаев А.А.* Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар. – Т., 2001. – 67-б
5. Известия газетаси. – 1995. – 6 март сони.
6. *Бутунбоев Н.Б.* Милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш вазифалари // «Илғор тажриба ўрганишга Намуна» 2-сон. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Шахсий тарқиб билан ишлаш хизматининг раҳбарлари билан ўтказилган Семинар-кенгаши материаллари. – Т., 1994. – 36-б. 258 -б.
7. *Соттиев И.А.* Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий чоралари: Юрид.фан.номз... дис. автореф. – Т., 2002. – 3–4-бетлар
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фаолияти хроникаси. 1-ж. (1989–2005 йиллар). – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 196-б
9. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан байрам табриги. – “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 октябрь.
10. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан байрам табриги. – “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 октябрь.
11. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.
12. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1 – Т., 2017. – Б. 312–340.
13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – 15-сон. – 243-м.



В. Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси профессори

Б. Э. Закиров,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти



ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЮРИДИК ФАНЛАР БИЛАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Жиноятчиларнинг жиноятларни тайёрлаш, уларни содир этиш, ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар изларини яшириш усуллари ҳамда уларни аниқлаш ва фош этиш усуллари ўртасида диалектик боғлиқлик мавжуд. Аммо жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва фош этиш усуллари нафақат ТҚФ назарияси, балки жиноят процесси, криминалистика, криминология ва бошқа юридик фанлар томонидан ҳам ишлаб чиқилади. Шу боис жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув фаолиятини бошқа фан тармоқлари ва фаолият йўналишлари тизимида тутган ўрнини аниқлаб олиш, уларни ўзаро таққослаш орқали уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва нисбатини белгилаб олиш ҳам назария, ҳам амалиёт учун муҳим аҳамият касб этади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида жиноят-процессуал фаолиятга оид адабиётларда жиноятларни очишда ТҚФнинг тутган ўрни ҳақидаги дастлабки назарий ишланмалар пайдо бўлди, чунки у вақтларда суриштирув асосан жиноят қидирув усуллари ва воситалари ёрдамида амалга ошириб келинган эди. Ўша пайтдаги процессуалист олимлар томонидан суриштирув ва қидирув тушунчаларининг нисбатини аниқлашга уринишлар бўлган. Жумладан, А.А.Квачевский суриштирувни кенг ва тор маънодаги турларга бўлган. Кенг маънодаги турига иш бўйича барча дастлабки иш юритувни жумладан, жиноят тафсилотларини аниқлаш ва қайд этишга қаратилган тезкор-қидирув ҳаракатлари киритилган бўлиб, тор маънодагисига эса фақат тезкор-қидирув фаолиятига тааллуқли бўлган жиноят ҳодисаси аломатларини тўплашга қаратилган ҳаракатлар киритилган.[1, Б. 49]

В.К.Случевский эса суриштирув жараёнида қидирувнинг ўрнини ҳисобга олган ҳолда, суриштирувнинг мақсади фақат “ҳодисанинг жиноий тавсифга эгалигини аниқлаш бўлиб, жиноятчини қидириш ва фош этиш бўйича кейинги ҳаракатлар эса терговчининг вазифаси” эканлигини таъкидлаган, яъни суриштирувни у фақат жиноят қидирув (тезкор-қидирув фаолияти) доираси билан чеклаган. [1, Б. 51]

Тезкор-қидирув фаолияти тергов фаолиятига қараганда анча олдин пайдо бўлганлигига қарамасдан, унинг назарий-методик базаси терговдан фарқли равишда ривожланмасдан келган. Фақат криминалистика пайдо бўлганидан сўнггина тезкор-қидирув фаолияти жараёнида криминалистика ўзининг тактик-методик ва техник имкониятларини нафақат ноошкора қидирув фаолиятида, балки муайян назарий асосларини шакллантириш имконияти вужудга келди.

XX аср бошларига келиб, криминалистиканинг икки хил соҳада: процессуал (тергов) ва нопроцессуал (тезкор-қидирув фаолияти) қўлланишига оид фикрлар шаклланди. Шу боис унинг айрим тавсиялари кўпинча икки хил тавсифга эга эди. Бу албатта тушунарли эди, чунки криминалистика бу вақтга келиб муқим мавқега эгалиги, шунингдек қидирув ишларини амалга ошириш билан боғлиқ муҳим қисмга эга бўлган тергов санъати ҳақидаги фан сифатида тезкор-қидирув фаолиятини назарий ва амалий жиҳатдан қуроллантиришга мажбур эди.

Криминалистика пайдо бўлганидан сўнг Ганс Гросс, А.Вейнгард, Р.Гейндль, Г.Шнейкер, В.Штибер каби бир қатор хориж криминалист-олимлари мазкур соҳани ривожлантиришга ўз ишлари билан ҳисса қўшишди. Шунингдек, криминалистиканинг шаклланишига биринчилардан бўлиб, И.Н.Якимов, С.М.Потапов, П.С.Семеновский, В.И.Громов ва бошқа криминалист-олимлар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Уларнинг барчаси хорижлик ҳамкасблари таъсири остида криминалистика имкониятларини қўллашнинг ошкора ва ноошкора томонлари мавжудлиги ҳамда ноошкора қидирув ҳам жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш бўйича фаолиятнинг бир қисми эканлиги ҳақида фикр билдирганлар.

Криминалистиканинг кейинги авлод вакиллари (В.И.Попов, Р.С.Белкин, И.Ф.Герасимов, А.Н.Васильев ва бошқалар)нинг ишларида криминалистиканинг ноошкора қисми сифатида тезкор-қидирув фаолиятининг тактик-методик ва техник асосларини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилган. Шу боис анча вақтгача криминалистиканинг тактик-методик ва техник имкониятлари, унинг ёпиқ ноошкора қисми сифатида тезкор-қидирув фаолияти учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Бундай ёндашув “Тезкор-қидирув фаолияти”, кейинчалик эса “Тезкор-қидирув фаолияти назарияси” деб ном олган мустақил фан тармоғи ва ўқув предмети криминалистика доирасидан ажралиб чиқанга қадар сақланиб турди.

Бунда бир қатор криминалист-олимлар (А.Н.Васильев, А.И.Винберг, Р.С.Белкин)нинг алоҳида ҳиссаси бор. Уларнинг барчаси мазкур соҳада ўтказган чуқур тадқиқотлари натижасида ўзларининг дастлабки фикрларидан воз кечиб, тезкор-қидирув фаолиятининг криминалистика предметидан фарқ қилувчи жиҳатлари мавжудлиги ҳамда унинг мустақил фан тармоғи сифатида шаклланганини тан олдилар [2. Б.108]. Ушбу фикрлар ва ёндашувларнинг ҳаққоний ва аниқлигини ҳозирги кунгача ўтказилган

кўпгина жиддий монографик тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқлайди. [3, Б. 44-45]

Ҳақиқатдан ҳам тезкор-қидирув фаолияти назарияси, вазифалари, моҳияти, тузилиши ва кўпгина тактик-методик томонларини ривожига криминалистиканинг тавсиялари муҳим асос сифатида улкан таъсир кўрсатди. Ҳатто тезкор-қидирув фаолиятининг объекти ва предметини аниқлаш борасида ҳам криминалистикада мавжуд бўлган қарашларнинг таъсири сезилади. Таъкидлаш жоизки, тезкор-қидирув фаолияти назариясида криминалистикадаги каби умумий объект сифатида жиноий фаолият тан олинади. Предмет сифатида эса тадқиқот объекти учун муҳим бўлган қонуниятлар, муносабатлар, боғлиқликлар ва бошқа объектив томонлар ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолияти назарияси мазмунида ҳам криминалистиканинг жиддий таъсири кузатилади. Булар: жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва фош этиш мақсади билан боғлиқ умумий масалалар нафақат тезкор-қидирув фаолияти назариясининг, балки криминалистиканинг ҳам асосий вазифалари ҳисобланади. Жиноятларни содир этилиш механизми ва уларнинг хусусиятларига оид билимлар криминалистик ахборотсиз тўлиқ маънога эга бўлмайди, шу боис, криминалистлар томонидан тўпланган улкан ишланмаларсиз бу соҳадаги тадқиқотларни мукаммал амалга оширишни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, тезкор-қидирув фаолияти ва криминалистиканинг ўзаро нисбати ҳақида хулоса қилиш мумкинки, криминалистика томонидан мукаммал ишлаб чиқилган криминалистик техника, криминалистик тактика ва криминалистик методика каби унинг таркибий қисмларига тезкор-қидирув фаолияти назарияси ва амалиёти хусусиятларини жорий қилган ҳолда фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги кунда қўлланилиб келинаётган тезкор-қидирув фаолияти атамаси илк марта ўтган асрнинг 60-йиллари бошида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси қабул қилиниши муносабати билан муомалага киритилган эди. Айнан жиноят-процессуал қонунчилигида биринчи марта “суриштирув органлари томонидан жиноят аломатлари ва уларни содир этган шахсларни аниқлаш мақсадида оператив-қидирув чораларини амалга ошириш” зарурлиги ҳақида кўрсатма ўз ифодасини топган эди. Бундай кўрсатма нафақат мазкур фаолиятнинг давлат аҳамиятига эгалиги ва суриштирув органларига жиноятчиликка қарши курашда оператив-қидирув чораларини қўллаш орқали бу фаолиятга ошкора тус бериш, балки унинг бирламчи тушунчаси ва моҳиятини аниқлаб олиш учун замин яратди. [4, Б. 40]

Тезкор-қидирув фаолияти жиноят процесси билан (нафақат судга қадар, балки жиноят иши бўйича суд ишини юритиш босқичида ҳам) чамбарчас боғланган бўлиб, айнан тезкор-қидирув фаолияти жараёнида

кўпинча жиноятларни фош этиш бўйича фаол ишлар бошланади. тезкор-қидирув фаолияти жараёни вақтига кўра жиноят тафсилотларини аниқлаш босқичига яқин бўлиб, унинг иссиқ изларидан олиб борилади ва нафақат жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш ва фош этиш, балки уларни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган шахсларни аниқлаш ва топиш вазифаларини ҳам бажаради. Айнан шунинг учун тезкор-қидирув фаолияти натижалари жиноят ишини қўзғатиш учун асос ва сабаб бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга тезкор бўлинма ходимлари, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг жиноят-процессуал фаолияти жараёнида тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини уйғун ҳолда олиб борилиши назарда тутилади. Тергов жараёнида тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатлари ташкилий тадбирлар, процессуал ва бошқарув қарорлари билан ўзаро чамбарчас боғланган.

Ушбу фаолиятларнинг вазифалари (ЖПКнинг 2-моддаси, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси) бир хил бўлиб, жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш ва фош этишда ўз ифодасини топади. Тезкор-қидирув фаолияти жиноят процессини таъминловчи, уни тўлдирувчи тавсифга эга.

Уларнинг фарқлари қуйидагилардан иборат:

1) субъектлар ҳар хил (тезкор ходим – терговчи);

2) ҳуқуқий асослари (“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун – ЖПК);

3) ҳаракатлар ҳар хил (тезкор-қидирув тадбирлари – тергов ҳаракатлари);

4) жиноят-процессида ошкора, тезкор-қидирув фаолиятида ноошкора кучлар, воситалар ва усуллардан фойдаланилади;

5) олинган натижалардан фойдаланиш: жиноят-процесси натижалари – далиллар (ЖПКнинг 81-моддаси); тезкор-қидирув фаолияти натижалари – далилларнинг манбалари;

6) тергов ҳаракатлари жиноят иши доирасида ўтказилса, тезкор-қидирув тадбирлари учун бундай чеклов йўқ.

Айтиш лозимки, айрим ҳолларда тезкор-қидирув фаолияти муайян жиноятларни тергов қилиш доирасидан четга чиқиши мумкин, чунки бу жараёнда ҳолатга алоқадор бошқа жиноятлар, шунингдек жиноий фаолиятнинг мустақил баҳолашни ёки жиноят қонунчилигининг қўшимча нормаларини қўллашни талаб қилувчи янги ҳолатлари аниқланиши мумкин. Шунингдек, ЖПК дастлабки терговни тўхтатиш (ЖПКнинг 364-моддаси) имкониятини назарда тутади. Бундай қарор қабул қилинганидан сўнг, иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахсни аниқлаш, унинг қаерда эканлигини топиш, унинг қидирувини ташкил этиш бўйича чоралар кўрилади ва бунда тергов ҳаракат-

ларини ўтказишга йўл қўйилмайди. Бундай чоралар фақат тезкор-қидирув фаолияти доирасида амалга оширилади ҳамда мазкур фаолият вазифаларига мос келади.

Тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят-процессининг ўзаро боғлиқлиги айрим тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асосларида ҳам мавжуд бўлиб, қўзғатилган жиноят иши (ЖПКнинг 321-моддаси)нинг мавжудлиги, суриштирув, тергов органларининг ёзма топшириғи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириғи (ЖПКнинг 36, 38[1], 382-моддалар) тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади (“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддаси).

ЖПК нормалари билан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари ҳам боғлиқ бўлиб, хусусан, ёзишмалар, телефон сўзлашувлари ва бошқа сўзлашувлар, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланиши ҳуқуқларини, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади (“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддаси).

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда фойдаланиш имконияти “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасида ўз аксини топган бўлиб, ушбу норма ЖПКнинг 95[1] –моддасида назарда тутилган (ЖПК нормаларига риоя этилмаган ҳолда олинган далиллардан жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин эмаслиги) талаблар билан ўзаро боғликдир.

Шундай қилиб, тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят процессининг ўзаро боғлиқлиги қуйидагиларда ифодаланади: тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят процесси вазифаларининг умумийлиги; процессуал қонунчиликда суриштирув органларининг жиноят содир этган шахсни аниқлаш бўйича зарур тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш чораларини кўриш мажбуриятининг назарда тутилганлиги; тезкор-қидирув тадбирларининг суриштирув ва дастлабки тергов органлари жиноят-процессуал фаолиятини ахборот билан таъминлашга қаратилганлиги; айрим тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асосларининг жиноят-процессуал тавсифга эгалиги; тезкор-қидирув фаолиятининг жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги; тезкор-қидирув қонунчилигида ТҚФ натижаларидан тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳамда ТҚТни ўтказишда фойдаланиш тартибининг белгиланганлиги; тезкор-қидирув фаолияти ва жиноят-процесси субъектлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишдаги айрим умумий жиҳатлар; “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун ва ЖПКдаги нормаларнинг ўзаро уйғунлиги ва ҳоказо.

Адабиётлар

1. Оперативно-розыскная деятельность: Учебник /Под ред. К.К. Горяинова и др. – М., 2004.

2. *Белкин Р.С.* Курс криминалистики. Том 1. – М., 2001.

3. *Яблоков Н.П.* Криминалистические основы оперативно-розыскной деятельности. – М., 2009.

4. *Каримов В.* Тезкор-қидирув фаолияти: Дарслик. – Т., 2021.

А. А. Матчанов,
начальник кафедры организационно-штабной деятельности Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор



ОСОБЕННОСТИ РЕФОРМИРОВАНИЯ МЕХАНИЗМА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОТЧЕТНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ ПЕРЕД НАСЕЛЕНИЕМ

Органы внутренних дел играют особую роль в обеспечении спокойствия, благополучной жизни граждан, борьбе с преступностью и другими правонарушениями, охране общественного порядка, а также выполнении других жизненно важных задач по обеспечению прав человека. За годы независимости осуществлена эффективная работа по преобразованию органов внутренних дел (ОВД) из контролирующей, применяющей принуждение структуры в защищающую интересы народа, общества и государства.

За период независимости по итогам проведенных системных мер достигнуты существенные результаты в предупреждении и профилактике преступлений, других правонарушений, обеспечении правопорядка и безопасности населения, защите прав, свобод и законных интересов граждан. Приняты законы “Об органах внутренних дел”, “Об оперативно-розыскной деятельности”, “О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних”, “О профилактике правонарушений”, “Об общественном контроле” и др., направленные на правовое урегулирование основных сфер деятельности ОВД.

В целях укрепления правовых основ деятельности ОВД, определения на законодательном уровне их задач, прав и обязанностей, дальнейшего усиления социальной защиты сотрудников ОВД был принят Закон “Об органах внутренних дел”, который, обладая признаками всеобщности и повсеместности, выражается в том, что сотрудники ОВД в своей деятельности обязаны точно соблюдать и исполнять требования Конституции Республики Узбекистан, данного Закона и других актов законодательства.

Всякое отступление от точного исполнения и соблюдения законов, какими бы мотивами оно ни было вызвано, является нарушением законности и влечет за собой установленную ответственность.

Указанные нормы определяют также порядок их действий, которому они должны следовать. Это и есть законодательное выражение открытости, прозрачности как базового правового режима деятельности ОВД, а также основания для осуществления общественного контроля и соответственно механизма отчетности правоохранительных органов перед гражданами.

Высокая степень значимости отчетности, открытости и общественного контроля со стороны граждан в деятельности ОВД обусловлена тем, что они представляют собой самую многочисленную правоохранительную государственную структуру страны и непосредственно взаимодействуют с населением. Кроме этого, ОВД имеют особое функциональное предназначение, круглосуточный режим работы, достаточно разветвленную сеть служб и подразделений, наиболее приближенных к местам проживания и нахождения граждан, что предполагает постоянный контакт с населением по широкому спектру правоохранительных вопросов.

При этом необходимо уточнить, что в последнее время наметился положительный сдвиг в оценке гражданами деятельности ОВД. Об этом свидетельствуют результаты опроса, проведенного в 2019 году среди граждан Узбекистана. На вопрос о том, как ОВД справляется со своими обязанностями, оценку “удовлетворительно” дали 44% опрошенных (в 2016 г. – 36%), а “хорошо” или “отлично” – 21% (в 2016 г. – 12%). При этом наиболее критичными стали жители г. Ташкента, а наиболее удовлетворенными деятельностью ОВД – жители кишлаков, аулов, поселков и малых городов. Впервые за последние десять лет количество тех, кто считает, что отношение населения к ОВД положительное, превысило количество тех, кто уверен в критическом отношении сограждан к представителям внутренних дел, – соответственно 39 и 37% [1].

Практика показывает, что мнение общественности о деятельности органов внутренних дел складывается из степени соблюдения законности и дисциплины, в первую очередь сотрудниками, которых население хорошо знает (инспекторов профилактики, работников патрульно-постовой службы и др.), т.е. теми, кто несет службу в общественных местах и по месту проживания граждан. Такое общественное мнение нередко искажается еще и за счет полярной оценки приоритетов в деятельности органов внутренних дел и понимания ее целей гражданами.

ОВД обладают значительными властными полномочиями, предоставляющими возможность применения различных мер принуждения; они принимают большое количество правовых актов управления, в том числе нормативного и процессуального характера, имеющих существенное

значение для конкретных индивидов, законность которых должна быть предметом постоянного внимания.

Сегодня правоохранительная деятельность ОВД переживает важнейший этап развития, основанного на кардинальном изменении взаимоотношений ОВД с общественностью, населением и отчетности перед ними на основе открытости, гласности, общественном контроле, закрепленных в Конституции Республики Узбекистан и соответствующих законодательных актах.

В настоящее время приняты кардинально новые подходы, направленные на преодоление оторванности ОВД от конкретных реалий жизни и потребностей населения. В основу решения вышеуказанных проблем положен принцип глубокого изучения и качественного и своевременного рассмотрения обращений физических и юридических лиц. Данная работа осуществляется на основе созданной системы народных приемных, внедрения новых эффективных форм и механизмов открытого диалога с гражданами на основе регулярной отчетности руководителей ОВД перед населением.

Необходимо отметить, что права и обязанности сотрудников ОВД не могут быть законодательно урегулированы до мельчайших деталей, и в связи с этим нередко реализуются в рамках служебного усмотрения в соответствии с конкретной ситуацией. Таким образом, сотрудники наделяются дискретными полномочиями, относительной свободой административного и уголовно-процессуального усмотрения, позволяющей исполнять служебные функции наиболее эффективно. Однако изучение возможностей практической реализации требований данного закона, а также обращений граждан, касающихся деятельности ОВД, показывает, что все еще имеется ряд проблем и вопросов, ожидающих своего решения.

В настоящее время в ОВД осуществляется коренное реформирование, которое условно можно разделить на определенные периоды.

Начальный этап современного реформирования приходится на принятие 16 сентября 20216 года Закона Республики Узбекистан “Об органах внутренних дел”. Данный нормативно-правовой акт является судьбоносным для всей правоохранительной системы и в особенности для ОВД. Основываясь на этом законе, Президентом страны был принят Указ от 14 апреля 2017 года №УП-5005, который заложил основы отчетности всех уровней ОВД перед народом и соответствующим образом стал причиной принятия еще 13 законов, 9 указов, 40 постановлений и 3 распоряжений Президента, 115 постановлений Правительства, 167 межведомственных документов. В этих нормативно-правовых актах обозначена главная цель, направленная на создание механизма отчетности и прозрачности правоохранительной деятельности.

Органы внутренних дел, прежде всего, в качестве государственного органа, а их сотрудники в качестве представителей власти осуществляют

очень ответственную и сложную функцию по обеспечению мирной и спокойной жизни, безопасности граждан, защиты их прав и свобод от любых посягательств. В процессе осуществления этой деятельности для завоевания и оправдания доверия народа, представителям государственных органов, в частности сотрудникам ОВД, необходимо, чтобы их дела не расходились со словами, чтобы интересы народа ставились выше своих личных.

Чтобы обрести народное доверие, сотрудники ОВД должны быть вежливыми, честными и являться примером для подрастающего поколения, образцом нравственности и морали и служить народу. На сегодняшний день граждане уверены в том, что любое их обращение по любым вопросам сотрудники ОВД решат справедливо. Здесь уместно привести слова Алишера Навои, который говорил, что человеком называть не стоит нам того, кто не внимает чаяньям народа своего[2].

Внедрение совершенно новой системы организации раннего предупреждения правонарушений в махаллях служит росту доверия и уважения населения к органам внутренних дел и их сотрудникам. В частности, в деятельность по выявлению и устранению условий, способствующих совершению преступлений, внедрена практика социальной профилактики правонарушений посредством системной работы в разрезе каждой семьи, махалли, с каждым ее жителем.

Сегодня сотрудники ОВД вносят важный вклад в организацию адресной работы с нуждающимися слоями населения, в том числе гражданами, включенными в “железную”, “женскую” и “молодежную” тетради, содействуют решению их проблем.

Совместная деятельность ОВД, Национальной гвардии и самоуправления граждан на основе принципов “Безопасная махалля” и “Безопасная территория” в короткий срок дает позитивные результаты, и это очень важно для нас. В результате проведенного реформирования в системе ОВД был сформирован механизм совместной деятельности всех служб, особенно служб профилактики с институтами гражданского общества, органами самоуправления граждан, населением по сохранению общественного порядка, обеспечению безопасности граждан, предупреждению преступлений, раскрытию совершенных преступлений. Более того, проведенное реформирование послужило еще большему укреплению взаимного доверия между населением и органами внутренних дел. Кроме того, коренные преобразования в системе духовной, физической, боевой, профессиональной подготовки, переподготовки и повышения квалификации, социально-правовой защиты сотрудников оказывают плодотворное влияние на деятельность сотрудников ОВД и достижение доверительных отношений с населением.

Для качественного осуществления отчетности ОВД перед гражданами, проведения общественного контроля на принципах открытости,

гласности проводится системная работа по поэтапной цифровизации деятельности и на сегодняшний день 96 процентов структурных подразделений подключено к оптоволоконной системе, 89 процентов – оснащены современной компьютерной техникой. В системе внедрено 32 информационно-справочных базы, до 63 процентов документооборота переведено в электронную форму. Для обеспечения прозрачности деятельности был создан 21 веб-сайт и 47 страниц в социальных сетях. Посредством их ежедневно предоставляется информация 1,2 миллионам постоянных пользователей. Полностью оптимизирована система управления органов внутренних дел, обеспечено обслуживание 85 процентами (ранее 54%) личного состава непосредственно в местах, удобных для населения[3].

Структура отчетности сотрудников о своей профессиональной деятельности по предупреждению преступлений и профилактики правонарушений принципиально изменились. Их первоочередной задачей в повседневной служебной деятельности стала защита прав граждан, а не погоня за цифрами и процентами на основании которых составлялся отчет, по которому давали оценку деятельности подразделения ОВД.

Исходя из общепризнанного положительного опыта международного сообщества в ведении статистики преступности, установлен расчет на 100 тысяч населения. Численность населения увеличилась с 32 млн. 120 тыс. до 34 млн. 860 тыс. человек. За 6 месяцев 2021 года на 100 тысяч населения приходилось 132 преступления.

В целях объективного анализа криминогенной ситуации, недопущения сокрытия преступлений, по инициативе сотрудников был осуществлен переход на систему оценки выявленных преступлений как положительного результата. За 6 месяцев 2021 года было выявлено почти вдвое больше преступлений за аналогичный период прошлого года.

Бугунги кунда инсоният ўзи учун муносиб иш ва яшаш шаротини яратиш мақсадида ижтимоий жараёндаги жуда кўплаб имкониятларни кўриш, ўрганиш ва баҳолаш орқали ўзи учун энг муносибини танлаш ва ундан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда жамиятда ривожланиш юксалиб борар экан, айни дамда бу жараённи техника имкониятларисиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Инсоният компьютер даври бошланган дея эътироф этилган ўтган асрнинг иккинчи ярмида, ахборот технологиялари ривожланган бугунги давр имкониятларини ҳали тўла чамалай олмаган ва ҳатто тасаввур ҳам қила олмаган эдилар.

Ахборот технологияларининг ривожланиши натижасида шахс жамиятда унинг имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда, жумладан, бир жойда туриб ҳар ҳандай ахборотга эга бўлиш, масофадан туриб турли харидларни амалга ошириш, давлат идоралари томонидан белгиланган хизматлардан фойдаланиш, турли кўринилардаги тўловларни амалга ошириш, банк хизматлари орқали пул ўтказмаларида иштирок этиш, ўзи ҳоҳлаган ҳар қандай шахс билан мулоқотга кириша олиш, унга таъсир ўтказиш, керак бўлса уни масофадан бошқариш имкони мавуд. Албатта бундай имкониятлар ҳар доим ҳам тараққиёт сари, инсониятга яхшилик қилиш учун хизмат қилмаётганлигини амалда кузатилаётган айрим жараёнлар кўрсатиб бермоқда.

Ўз манфаатларини бошқалардан устун қўювчи, бошқаларнинг хуқуқ ва манфаатларини тан олмайдиган ғараз ниятли кимсалар, техника тараққиётининг ушбу имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида шундай фойдаланмоқдаки, бунда улар шахснинг шаъни ва қадр-қиммати, унинг ҳаёти ва соғлиги, моддий ва маънавий эҳтиёжларига ҳеч бир қийинчиликсиз тажовуз қилмоқдалар. Яъни бугунги кунда инсоният учун яна бир глобал муаммо сифатида кибержиноятчилик тобора авж олмоқда. Ушбу жиноят натижасида нафақат шахс манфаатлари балки бутун бир давлат манфаатлари бузилмоқда, иқтисодиёт жуда катта зазар кўрмоқда.

Стастик маълумотларга қараганда ҳозирги вақтда 7 млрд.га яқин инсон электр алоқасининг кўчма тармоқлари билан қамраб олинган ва

йилига кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ЯИМнинг 1 фоизини ташкил этади [1]. 2019 йилда жаҳондаги компаниялар кўрадиган киберҳужумлар оқибатида кўрган зарар 2018 йил билан таққослаганда 1,6 мартага ошди, агар 2018 йилда киберҳужумлар оқибатида кўрилган зарар миқдори 1,5 трлн долларни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу рақам 2,5 трлн долларни ташкил этди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, экспертларнинг таъкидлашича, киберҳужумлар кўлами йилдан-йилга ортиб бораверади ва 2030 йилда бунинг оқибатида жаҳон иқтисодиёти 120 трлн. доллар миқдорида зарар кўради. Бунинг асосий сабаби сифатида киберҳужум нишони бўлиши мумкин бўлган технология трендларининг ўсиб бораётганлиги кўрсатилмоқда. Хусусан, 2022 йилда интернетга 1 трлн. дона қурилмалар уланиши мумкин, 2023 йилда эса, 80 фоиз одамлар рақамли дунёдаги ўз “аватар”ларига эга бўлади [2].

Ахборот технологияларидан фойдаланиб, содир этилиши натижасида жамиятда юзага келаши мумкин бўлган муаммоларнинг тури ва қамровига кўра кибержиноятлар эса қуйидаги соҳаларга бўлинади, хусусан, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер саботажи, киберфирибгарлик, киберўғрилик, киберрастрата, кибертовламачилик ва бошқалар.

Ушбу кўринишлардан бири сифатида киберфирибгарлик бугунги кунда ўзининг қамрови ва хавфи даражаси бўйича бошқа турларга нисбатан жуда тез кенгаймоқда. Унинг жамият учун хавфли томонларидан бири шуки, бундай турдаги жиноятларнинг жабрланувчилари жамиятнинг энг содда, ишонувчан ва оддий аҳоли вакиллари эканлигидир.

“Электрон ҳамён” номини олган пластик карталар энг қулай тўлов воситасига айланиши натижасида бугунги кунда Республикамизда ундан фойдаланувчиларнинг қамрови ҳам тобора ортиб бораётгани барчамизга маълум. Аммо ўзига хос ҳимоя тизимига эга бўлган банк ҳисоб варақларидаги пулларга ҳужум қилишдан тап тортмаган кибержиноятчилар, фойдаланиш тизими анча содда кўринишдаги пластик карталардаги маблағларни ўзлаштиришда ҳеч бир қийинчиликка дуч келмайдилар. Бунинг учун IT соҳасида озгина билим ёки пластик карта эгасининг ишончига кириш учун фирибгарлик усулларидан фойдаланишнинг ўзи етарли бўлмоқда.

Фирибгарлар ҳар қандай кўринишдаги “жозибали” таклифлар билан фойдаланувчиларга ижтимоий тармоқлар орқали мурожаат қилишади. Масалан, улар мактубда кўрсатилган ҳаволани босиш орқали турли мукофотлар, бонус ёки эълон қилинган танлов учун белгиланган совринлар ҳақидаги маълумотларни беришга уринадилар. Фойдаланувчи ушбу иловаларга кириши натижасида унинг компьютери ёки уяли алоқа воситасига махсус вируслар ўрнашиши орқали жиноятчилар шахс ҳақидаги ўзлари учун муҳим маълумотларни қўлга киритиш имконига эга бўладилар.

Айтиш мумкинки, биргина банк пластик картасидаги маблағни ўзлаштиришга қаратилган фирибгарлик жиноятларининг бир қанча тури ва усуллари мавжуд. Шулардан дастлабки ва энг кўп тарқалган усул сифатида фишингни айтиш мумкин.

Фишинг – инглизча балиқ ови деган маънони билдиради ва у жиноят банклар ва тўлов тизимлари номидан электрон хатлар юбориш орқали, фойдаланувчини банк ва тўлов тизимлари билан бир хил кўринишда бўлган махсус сайтга киришга ундаш ва фойдаланувчининг махсус сайтга кириши ва унда шахсий маълумотларини қолдириш орқали киберфирибгар тузоғига тушишга оид жиноятдир [3].

Фишинг хужумининг асосий мақсади, мижозга кўрсатиладиган хизматнинг асл сайтини ўзгартириш ёки алмаштириш орқали унинг шахсий (махфий) маълумотларига эга бўлишдир. Бунда жиноятчи сохта сайт ҳақидаги маълумотни мижозга смс хабар, ижтимоий тармоқ аккаунтлари орқали ва ҳатто глобал қидирув тизими (Google, Yandex ва бошқалар) орқали ҳам етказиши мумкин. Яна бир жиҳати шундаки, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари иловалар орқали банк ёки бирор ташкилотнинг мижози сифатида ўз фаолиятларини амалга оширадилар. Жиноятчилар шу илованинг сохта кўринишдан фойдаланиб, гўёки шу банк ёки ташкилот вакили сифатида мижозлар билан сўровномалар ўтказиш орқали ҳам шахсий маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

Фишинг ҳужумлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2020-йилда аниқланган ва блокланган фишинг ресурслари сони 2019-йилга нисбатан икки баравардан кўпроқ – 118 фоизга ошган.

Кўпинча хакерлар қуйидаги манбаларни сохталаштирадилар:

Онлайн хизмат кўрсатиш (39,6%);

Почта хизмати (15,6%);

Молия тизими (15%);

Булутли сақлаш тизими (14,5%);

тўлов хизматлари (6,6%);

букмекерлик (2,2%) [4].

2020 йилдаги фишинг электрон почта хабарларининг аксарияти коронавирус мавзуси билан боғлиқ эди. Хакерлар зарарли электрон хатларга эътиборни қаратиш учун одамларнинг қўрқуви билан ўйнашди. Google ҳар куни 100 миллиондан ортиқ фишинг хатларини блоклайди, уларнинг деярли 20 фоизи COVID-19 билан боғлиқ [5].

Microsoft зарарли Excel 4.0 макросларини ўз ичига олган қўшимчаларни етказиб бериш учун коронавирус мавзусидаги электрон почта хабарларидан фойдаланган ҳолда фишинг кампаниясини эълон қилди. Мактублар Жонс Хопкинс Тиббий хавфсизлик маркази номидан “ЖССТнинг COVID-19 ҳолати ҳақида ҳисоботи” мавзусида юборилган [6].

Фирибгарлар АҚШ Соғлиқни сақлаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш департаментидан ҳам сохта хабарлар юборишган. Матнда коронавирус инфектсияси учун мажбурий тестдан ўтиш учун рўйхатдан ўтиш учун ҳаволалар мавжуд. Аслида, ҳаволаларда қурбонлар ҳақида шахсий маълумотларни тўплайдиган зарарли дастурлар мавжуд эди.

Пандемия даврида банк карталарини ўғирлашлар сони 6 баробарга ошди. Кўпгина дўконлар ёпилганлиги сабабли, одамлар онлайн харид қилишга ўтишди. Бундан фирибгарлар фойдалана бошлади. Кўпинча ҳужумчилар ниқоблар, қўлқоплар ва дезинфекциялаш воситаларини сотадиган онлайн-дўконлар учун сохта саҳифалар яратдилар. Улар фойдаланувчиларни ўзларининг тўлов маълумотларини киритган фишинг сайтларига жалб қилишди. Фирибгарлар ушбу маълумотлардан ўз ҳисобларига пул ўтказиш учун фойдаланганлар.

COVID-19 имтиёзлари яна бир фирибгарлик бўлди. Фирибгарлар COVID-19 TREAS жамғармасидан 1200 доллар тўлашни ваъда қилган хабарларни юборишди. Бунинг учун давлатни тақлид қилувчи фишинг сайтига олиб борадиган ҳаволага риоя қилиш ва карта маълумотларини киритиш керак эди.

Қўшма Штатлардаги президентлик сайловлари ҳам фирибгарлик учун асос бўлди. Сайловчилар онлайн рўйхатдан ўтишди ва фирибгарлар янги фирибгарлик билан келишди. Одамлар рўйхатдан ўтишлари тўлиқ бўлмагани ва шахсий маълумотларини қўшишга ундаган фишинг электрон почта хабарларини олди, кейин фирибгарлар ундан товламачилик ва фирибгарлик учун фойдаландилар [7].

Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, пластик картадаги маблағни ўзлаштириш учун фирибгарларнинг асосий мақсади карта эгасининг шахсий маълумотларини билиб олишга уринишда ифодаланар экан. Бундан маълум бўладики, карта эгаси ўзига бириктирилган картанинг реквизитлари ва ҳимоя кодларини ҳимоя қилиши (ошкор этмаслиги) муҳим ҳисобланади.

Банк карталари устидаги рақамлари, яъни реквизитлар – банк картасининг эгасини унификация ва идентификация қилиш ҳамда картанинг амал қилиш муддатини белгилайди. Шунингдек, карта реквизитлари банк картасини масофавий хизмат кўрсатиш тизимига улаш учун фойдаланилади.

Банк карталаридаги рақамлар бошқа шахсга ошкор бўлиб қолиши хавф туғдирмайди. Аммо бегона шахсларнинг карта эгасининг рухсатисиз масофавий хизмат кўрсатиш тизимига уланишга уриниши мумкин. Карта реквизитлари тармоққа киритилганда карта эгасининг уяли телефонига СМС-хабарнома хизмати орқали махфий код ёки рақамли хабарнома келади. Агар мазкур хабар (код) бегона шахсга ошкор бўлса, уларда масофадан туриб картадаги пул маблағларини ўзлаштириш имкони вужудга

келади. Яъни карта эгаси кибержиноятчиларга ўз маблағларини ўзлаштириш учун шароит яратиб берган бўлади.

Алоҳида қайд этиш жоизки, банк картаси эгаларининг мобил телефонларига “СМС-хабарнома” хизмати орқали келган махфий кодни бошқа шахсларга ошкор қилмасликлари банк картасидаги маблағларнинг бошқалар томонидан ўзлаштирилиш имконини йўққа чиқаради.

Пластик тўлов карталарида икки хил турдаги хавфсизлик коди мавжуд бўлиб, терминал ва банкоматлар учун 4 хонали пинкод ҳамда интернет орқали тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган CVV (CVC) кодлардан иборат.

ПИН-код – ҳар бир банк картаси эгасининг шахсий идентификация рақами бўлиб, у карта ҳисобварағидаги пул маблағларини бошқариш ҳуқуқини беради.

Банк картасининг 4 хонали пин-коди картани мижозга тақдим этиш жараёнида махсус конвертда яширилган бўлади ва мижоз буни мустақил равишда ўзгартириши мумкин. Интернет орқали тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган CVV (CVC) код эса, банк картасининг орқа қисмига ёзилган бўлади.

Интернет орқали тўловларни амалга ошириш учун электрон тижорат ташкилотининг интернет веб-сайтида банк картасининг олд томонидаги реквизитлар ва орқа томонидаги CVV (CVC) кодларини киритиш кифоя қилади ва дунёнинг исталган жойидан интернет орқали тўловни амалга ошириш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, бугунги кунда фуқаролар фирибгарлик жиноятларининг турли кўринишлари хусусан киберфирибгарлик қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ.

✓ Номаълум манбалардан олинган маълумотларга нисбатан хушёр ва танқидий муносабатда бўлиш;

✓ Электрон почта, СМС ёки мессенжер орқали олинган ҳар қандай хабарни олдин ўрганиб чиқиб манфаатли эканлигига ёки юборувчи тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлгандан сўнг муносабат билдириш;

✓ Ижтимоий тармоқлар орқали бериладиган эълонларни синчковлик билан ўрганиш, айниқса пул ўтказмалари, пластик карта рақами ва бошқа маълумотларни билишга уриниш бўладиган жараёнларни эътибордан четда қолдирмаслик;

✓ Карта эгалари савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларида тўловларни амалга ошириш чоғида ушбу ПИН-код рақамини савдо терминалига ўзлари мустақил киритишлари мақсадга мувофиқ.

✓ Ҳар бир карта эгаси ўзининг картаси учун бириктирган ҳимоя кодини қатъий сир сақлашга уриниши лозим.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги кунда жамиятда ривожланиш кун сайин жадаллашиб борар экан, шу жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳар бир шахс ўз тафаккур ва дунёқарашини замон билан ҳамоҳанг тарзда ўстириб бориши, жиноятчиликнинг янгидан янги турлари пайдо бўлаётганлигини инобатга олиб атрофга янада хушёрлик билан боқиши талаб этилади.

Адабиётлар

1. А.Расулев. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича докторлик диссертация автореферати. – Т.: 2018 й., – 5 б.
2. Interpress.uz веб-сайтидан: Киберҳужумлардан кўрилаётган зарар ортиб бормоқда. http://interpress.uz/archives/4170.
3. Что такое фишинг и как от него защититься // https://rb.ru/story/what-is-fishing/.
4. https://trends.rbc.ru/trends/industry/602e9fe79a7947a4bd611504
5. https://vc.ru/promo/322969-kak-doverie-i-nevnimatelnost-obogatili-moshennikov-na-sotni-milliardov-dollarov-za-50-let.
6. https://www.itpro.com/security/hacking/355786/microsoft-warns-of-massive-email-phishing-campaign-using-excel-macros
7. https://threatpost.com/voter-phish-election/159804/.

А. Л. Бредихин,
доцент кафедры истории государства и права
Санкт-Петербургского университета МВД России,
кандидат юридических наук

ПРЕДЫСТОРИЯ ОБРАЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННОЙ СИСТЕМЫ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РОССИИ

Современный этап становления и развития органов внутренних дел России берет свое начало в период распада СССР и образования Российской Федерации как суверенного государства.

Наблюдая негативные тенденции в общественно-политической системе, избранный в 1985 году на пост генерального секретаря ЦК КПСС М.С. Горбачев объявляет курс на “перестройку”, т.е. “преодоление застойности, инерции и консерватизма” в сложившейся общественно-политической системе. Перед Министерством внутренних дел СССР поставлены задачи провести “самоочищение” рядов от взяточничества и лиц, запятнавшим свою репутацию, а также установить партийно-государственный контроль за деятельностью органов внутренних дел.

В этот же период наблюдается повсеместный рост преступности, связанный с возросшими сепаратистскими устремлениями в советских

республиках и нарастанием общественных противоречий; коррупционными проявлениями в деятельности партийно-государственной номенклатуры. Росла преступность и на бытовом уровне, нарастали межнациональные конфликты, снижалась эффективность деятельности органов правопорядка.

В это же время в деятельности ОВД появляется принцип “гласности”, предполагавший некоторую открытость их деятельности, взаимодействие со СМИ и общественностью.

Для противодействия организованной преступности, борьбы с экстремизмом, охраны общественного порядка на массовых мероприятиях и прочих задач в структуре МВД СССР 3 октября 1988 г. образованы Отряды милиции особого назначения (ОМОН) (в Москве, Ленинграде и Риге).

Противостояние политического руководства СССР и РСФСР привело к воссозданию Министерства внутренних дел РСФСР 27 октября 1989 г., руководителем которого назначен В.П. Турушин (1934-2006), которого в сентябре 1990 сменил В.П. Баранников (1940-1995). Съезд народных депутатов РСФСР установил, что “МВД РСФСР подчинено только Совету Министров РСФСР и взаимодействует с МВД СССР. То есть из подчинения МВД СССР оно выведено.

Логичным продолжением стало утверждение в декабре 1989 г. структуры центрального аппарата МВД РСФСР, где, в том числе, образовалось Главное следственное управление РСФСР. Первым начальником ГСУ МВД РСФСР стал генерал-лейтенант милиции А.М. Логвинов (1938 - 2004 гг.). Органы следствия выводились из подчинения городских отделов и областных управлений МВД СССР и переведены в прямое подчинение ГСУ МВД РСФСР.

Задачами органов следствия стали: предварительное следствие по уголовным делам и преступлениям экономической и коррупционной направленности.

Дальнейшим и очевидным шагом в деле реформирования МВД РСФСР и адаптации его к новым общественным реалиям стала разработка нового закона “О милиции”. В результате такой законотворческой работы был принят Закон РСФСР “О милиции” от 18 апреля 1991 г. № 1026.

Новый закон вводил существенные новшества в системе правового регулирования деятельности милиции. Так, милиция уже не участвовала в вопросах “коммунистического строительства”, устранены положения о партийном руководстве деятельности органов внутренних дел, основной задачей милиции становится обеспечение личной безопасности граждан. Милиция уже не должна была руководствоваться законами и иными актами, принятыми общесоюзными органами и входит в состав Министерства внутренних дел РСФСР.

Принципами деятельности провозглашаются: гуманизм, уважение прав человека, гласность. Принцип взаимодействия милиции с государст-

венными органами и общественными структурами сохранялся по сравнению с положением о советской милиции 1974 г., а положение о том, что государственные органы оказывают работникам милиции содействие, в законе не воспроизведено.

Названный закон о милиции подразделял милицию РСФСР на криминальную и милицию общественной безопасности (местную милицию). В отношении криминальной милиции установлена исключительное подчинение МВД РСФСР и МВД входящих в РСФСР республик, а местная милиция, помимо этого, подчинялась еще и соответствующим Советам народных депутатов и их исполнительным комитетам. Надо также отметить, что в республиках, входящих в состав РСФСР, назначался министр внутренних дел этой республики соответствующим региональным Верховным Советом по согласованию с министром внутренних дел РСФСР. На уровне иных субъектов РСФСР, кроме республик, милицией руководили соответствующие начальники управлений внутренних дел исполнительных комитетов Совета народных депутатов, которые назначались министром внутренних дел РСФСР по согласованию с этими исполнительными комитетами.

Основными задачами криминальной милиции являются предупреждение, пресечение и раскрытие преступлений, по делам о которых обязательно производство предварительного следствия, а также организация и осуществление розыска лиц, скрывающихся от органов дознания, следствия и суда, уклоняющихся от исполнения уголовного наказания, без вести пропавших и иных лиц в случаях, предусмотренных законодательством.

В состав криминальной милиции входят оперативно-розыскные, научно-технические и иные подразделения, необходимые для решения стоящих перед ней задач и оказания помощи милиции общественной безопасности (местной милиции).

Основными задачами милиции общественной безопасности (местной милиции) являются обеспечение личной безопасности граждан, охрана общественного порядка и обеспечение общественной безопасности, предупреждение и пресечение преступлений и административных правонарушений, раскрытие преступлений, по делам о которых производство предварительного следствия не обязательно, а также оказание в пределах компетенции милиции помощи гражданам, должностным лицам, предприятиям, учреждениям, организациям и общественным объединениям.

В состав милиции общественной безопасности (местной милиции) входят дежурные части, подразделения патрульно-постовой службы, государственной автомобильной инспекции, охраны объектов по договорам, участковые инспектора милиции, изоляторы для временного содержания задержанных и заключенных под стражу лиц и иные подразделения, необходимые для решения стоящих перед ней задач.

Организация и порядок деятельности милиции РСФСР, установленный законом о милиции от 18 апреля 1991 года, адаптировались к условиям переходного периода страны от республики в составе СССР, до самостоятельного суверенного государства, основанного на совершенно ином конституционном строе и рыночной экономики. Поэтому после распада СССР, структура, принципы и законодательные основы деятельности российской милиции претерпели серьёзные изменения. Так, уже в законе о милиции 1991 г. были установлены принципы деятельности милиции: законности, гуманизма, уважения прав человека, гласности.

С изменением структуры государственного управления, изменялось и место милиции в этой системе, ее права, обязанности, полномочия и принципы взаимодействия с другими органами государственной и местной власти.

Уже в декабре 1991 г. начинаются глубокие преобразования в государственной жизни страны. Действующий на тот момент президент СССР М.С. Горбачев сложил полномочия и 25 декабря 1991 г. Советский союз с даты создания Содружества Независимых Государств прекратил свое существование как субъект международных отношений. Российская Советская Федеративная Социалистическая Республика стала Российской Федерацией и все союзные органы, организации и учреждения МВД СССР включены в состав Министерства внутренних дел Российской Федерации. С этого момента начинается история органов внутренних дел современной России.

Впрочем, в этот период продолжает действовать Закон “О милиции” 1991 г., за исключением положений, определяющих взаимоотношения с органами власти бывшего СССР. Структура, организация деятельности милиции в этот период не подверглись существенному изменению. А нормативное регулирование деятельности милиции определялось актами СССР, в части, не противоречащей действующему на тот момент законодательству.

С образованием суверенного государства – Российской Федерации, в системе органов внутренних дел начинаются качественные изменения. Несистемные и не всегда логичные преобразования правоохранительной сферы следовали одной важной тенденции – освобождение МВД от функций, не связанных напрямую с охраной правопорядка и борьбой с преступностью [2, С. 61].

Верховным Советом Российской Федерации принят Федеральный закон “Об оперативно-розыскной деятельности” от 13 марта 1992 г. № 2506-1, который впервые в истории России производил законодательное регулирование этой деятельности, устанавливал правовые рамки осуществления оперативно-розыскных мероприятий и гарантии граждан от злоупотреблений сотрудников правоохранительных органов. Создание такой

регламентации напрямую продиктовано принятием Декларации прав и свобод человека о общей демократизации деятельности ОВД.

Постановлением Правительства Российской Федерации “О реорганизации подразделений виз, регистраций и паспортной работы милиции в паспортно-визовую службу органов внутренних дел” от 15 февраля 1993 г., создавшее единую систему паспортно-визовой работы.

18 июля 1996 г. Президент РФ своим указом утверждает Положение о Министерстве внутренних дел Российской Федерации, которым МВД России отнесено к числу органов исполнительной власти, находящихся в прямом подчинении Президента РФ.

26 февраля 1996 г. МВД России издало приказ “О мерах по обеспечению законности в органах внутренних дел Российской Федерации и укреплению собственной безопасности”, по которому в структуре органов внутренних дел создается служба собственной безопасности (ССБ), преследующая задачи борьбы с коррупцией в системе МВД России.

Значимые изменения вносятся в Закон “О милиции” в 1999 г. Согласно статье 1 новой редакции данного закона, милиция понимается как система государственных органов исполнительной власти, призванных защищать жизнь, здоровье, права и свободы граждан, собственность, интересы общества и государства от преступных и иных противоправных посягательств и наделенных правом применения мер принуждения. Здесь же прописываются более подробно конституционные демократические принципы деятельности милиции и гарантии их исполнения в деятельности милиции.

Продолжением процесса специализации МВД России в области охраны правопорядка и борьбы с преступностью является передача в ведение Министерства юстиции функций по управлению уголовно-исполнительной системы на основании Указа Президента Российской Федерации № 1100 “О реформировании уголовно-исполнительной системы Министерства внутренних дел Российской Федерации” от 8 октября 1997 г. С этого момента в Министерстве юстиции соответствующие функции стало выполнять Главное управление исполнения наказаний (ГУИН МЮ). Далее, Указом Президента от 9 ноября 2001 г. “О совершенствовании государственного управления в области пожарной безопасности” Главное управление государственной противопожарной службы МВД России передано в ведение МЧС России.

9 марта 2004 г. в соответствии Указом Президента РФ № 314 “О системе и структуре федеральных органов исполнительной власти” в составе МВД России образована Федеральная миграционная служба России (ФМС России), которая призвана была осуществлять широкий спектр задач в сфере реализации миграционной политики, контрольно-надзорные функции, а также оказания государственных услуг в сфере миграции.

В целом, нужно отметить, что в период с 1990 по 2005 г. шла последовательная работа по оптимизации, структурированию и выработки законодательной базы деятельности Министерства внутренних дел Российской Федерации, адаптирования ее под современную демократическую систему и рыночную экономику [1, С. 200]. Процесс реформирования органов внутренних дел предполагает постоянную работу по улучшению эффективности их деятельности, однако в начале 2000-х годов Министерство внутренних дел России уже представляло собой развитую и современную систему подразделений, служб и учреждений, способной на высоком уровне выполнять задачи по обеспечению правопорядка и борьбы с преступностью. В системе МВД России за этот период также образованы вспомогательные службы, образовательные учреждения, которые позволяли повышать профессиональную подготовку сотрудников ОВД.

Тем не менее, еще оставались неурегулированные вопросы и проблемы, которые привели к масштабной реформе органов внутренних дел в 2011 году. В частности, милиция переименовывалась в полицию. Однако помимо переименования произошли и другие преобразования, направленные для восстановления доверия граждан к системе ОВД России.

Литература

1. *Андреева И. А*. История органов внутренних дел России: Учебное пособие / И.А. Андреева, Е. С. Зайцева. — Омск: Омская академия МВД России, 2017.

2. *Киричек Е.В.* Реформа полиции в России: проблемы и перспективы // Власть. – 20014. – № 7. – С. 61.

Ш. М. Газиев,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси профессори



ХАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА УЛАР ОИЛАЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Инсон, унинг ҳаёти, саломатлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари демократик давлатнинг юксак қадрияти саналиб, уларнинг дахлсизлигини таъминлаш ва рўёбга чиқариш ҳар доим давлат ва жамият олдида турган долзарб вазифалардан бўлиб келган. Шу жиҳатдан, олимларнинг қайд этишига кўра, XX аср ижтимоий-сиёсий воқеликлари билан инсон ҳаёти, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатини яратиш борасида халқаро ҳамкор-

ликни йўлга қўйиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида асосий халқаро-ҳуқуқий қоида ва нормаларни яратиш асри бўлди [1].

Дарҳақиқат, 1948 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши шундай муҳим сиёсий воқеалардан бири сифатида тарихдан жой олди. Унинг асосида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрият сифатида эътироф этилиб, улар демократик жамият эришиши лозим бўлган улуғвор мақсад эканлиги қайд этилди.

“Инсон ҳуқуқлари умумҳажон декларацияси”ни мустақиллигимизнинг илк давридаёқ, 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилиниши, мамлакатда халқаро нормалар тан олинганлигини намоён этди. Айнан у республикамиз қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб олган мамлакатимизда ҳам инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳимоялаш, инсон манфаатларини таъминлаш йўлида кенг қамровли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Энди инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 дан зиёд халқаро ҳужжатларга қўшилганимиз соҳада нечоғлик ишлар амалга оширилаётганлигини кўрсатади [2].

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган халқаро универсал ҳужжатларга қўшилиши натижасида ижтимоий таъминот соҳасидаги миллий қонунчилигимизда улкан ўзгаришлар юз берди [3].

Ижтимоий ҳимоянинг конституциявий асосларини яратишда, инсон ҳуқуқларига оид халқаро андозалар, хусусан, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт, “Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида”ги халқаро Пакт ва унинг факультатив протоколи, БМТнинг қатор конвенциялари муҳим аҳамият касб этди [4].

Профессор Д.Аҳмедов таъкидлаганидек, юқоридаги ҳужжатлар “қонунчилик тизимимизга, шу жумладан аҳоли ижтимоий таъминотига оид қонунчиликка асос қилиб олинган” [5].

Профессор А.Саидов фикрига кўра, ушбу халқаро ҳужжатларнинг универсаллиги уларда айнан ижтимоий масалалар ўз ечимини топганлигида бўлиб, ҳар бири ўзида жаҳон бой тажрибасини акс эттиргани учун ва ниҳоят, ҳар бири барқарор ҳукм суриб келгани учун нуфузли саналади [6].

Шу боис Ўзбекистон ҳам мазкур пактларга 1995 йил 31 августдан буён қўшилган [7]. Хусусан, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга қўшилиш ҳақида” қарор, “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга қўшилиш ҳақида”ги қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан алоҳида эълон қилинган [8].

Бизнинг фикримизча, миллий қонунчиликнинг халқаро стандартларга тобора мутаносиблиги орқали унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро индекслардаги нуфузи таъминлаб борилади.

Шу нуқтаи назардан, профессор М.Усманова ҳам ўз илмий ишларида Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоялаш сиёсати ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши чоғида жаҳон тажрибаси, ривожланган мамлакатлар қонунчилик амалиёти асос қилиб олинганини, Европанинг ва Осиёнинг қатор мамлакатлари ижтимоий ҳимоялаш моделларидан тўлиқ фойдаланишга, уларнинг ижобий ва самарали жиҳатларини ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилганини қайд қилади [9].

Муаллиф ижтимоий таъминот бўйича ҳуқуқий меъёрий негизларни яратишда Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) қабул қилган меъёрий ҳужжатлар муҳим ўрин эгаллаганини ўринли таъкидлайди [10].

Республика Президенти Ш.Мирзиёев ҳам ўз нутқларидан бирида халқаро меҳнат ташкилотининг стандарт ва қоидалари ҳаётга фаол татбиқ этилаётгани туфайли Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни йил сайин юксалиб бораётганини қайд этган [11].

Дарҳақиқат, ушбу ташкилот ўз ичига 170 тадан ортиқ давлатларни қамраб олган бўлса, Ўзбекистон 1993 йилда аъзо бўлди. Муҳими, ташкилот ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари борасида 180 дан зиёд конвенцияларни қабул қилган бўлиб, бизнинг давлатимиз ҳам шуларнинг 16 тасига қўшилган.

Масалан, “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-Конвенция (1930 йил), “Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги”ги 47-Конвенция (1935 йил), “Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида”ги 52-Конвенция, “Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўллаш тўғрисида”ги 98-конвенция (1949 йил), “Ногиронларнинг касбий реабилитацияси ва иш билан таъминлаш ҳақида”ги 99-Конвенция (1983 йил), “Тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-Конвенция (1951 йил), “Ижтимоий суғуртанинг минимал меъёрлари ҳақида”ги 102-Конвенция, “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-Конвенция (1952 йил), “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-Конвенция (1957 йил), “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисида”ги 111-Конвенция (1958 йил), “Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида”ги 122-Конвенция (1964 йил), “Касаллик бўйича тиббий ёрдам ва нафақалар ҳақида”ги 130-Конвенция (1969 йил), “Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисида”ги 135-Конвенция (1971 йил), “Энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-Конвенция (1973 йил), “Жамоавий музокараларини олиб бориш тўғрисида”ги 154-Конвенция (1981 йил), “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги 182-Конвенция шулар жумласидан. Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегиясига кўра 2020-2025 йилларда яна 5 тасига қўшилишимиз мумкин [12].

Давлатимиз мана неча йилдирки ижтимоий ҳимоя бўйича халқаро стандарт ва қоидаларни ҳаётга жорий қилиш ҳаракатида. Олимларимизнинг фикрига кўра, миллий қонунчилигимизнинг деярли барча соҳаларида халқаро нормалар эътироф этилади [13].

Агар таққослайдиган бўлсак, Конституциямизнинг 37-, 38-, 39-моддаларида берилган ҳуқуқлар “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 23-, 24-, 25-моддаларига тўлиқ мос келади[14]. Иккала ҳужжатда ҳам ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, шунингдек қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи қайд этилган.

Ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқ аҳоли тоифалари сингари ҳарбий хизматчилар ва ходимларга ҳам тегишлидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасида миллий хавфсизликни таъминлашга оид принциплар ичида Ўзбекистон барча мамлакатлар билан муносабатларни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларини инобатга олиб қуриши қайд қилинган [15].

Доктрина асосида бугунги кунда ҳарбий хизматчилар ва ходимларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича хорижий давлатлар билан ҳарбий ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Айниқса, сўнгги йилларда қўшинларни модернизация қилиш бўйича катта қадамлар ташланди. Қуролли Кучлар тизимидаги таркибий ўзгаришлар, ҳарбий соҳада халқаро ҳамкорлик ва дипломатия кенгайиши бунинг яққол мисолидир. Масалан, ўтган йиллар мобайнида дунёнинг 20 дан ортиқ давлатлари билан ҳарбий-техник ҳамкорлик ўрнатилди, 6 та давлатлар билан ҳукуматлараро комиссия фаолияти йўлга қўйилди, 10 дан ортиқ давлатлар билан ҳарбий ҳамкорлик йўналишида халқаро битим ва келишувлар имзоланди.

Масалан, 1994 йил 6 майда “Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома”, 2000 йил 11 февралда “Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳар тарафлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома”лар имзоланган [16].

Қўшни давлатлар билан ҳам ҳамкорлик алоқалари халқаро қоидалар ва ўзаро қўшничилик муносабатлари асосида йўлга қўйилди.

Жумладан, 1997 йил 25 апрелда “Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома”си [17], 1997 йил 25 апрелда “Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома”си ратификация қилинган [18].

Мазкур ҳамкорлик алоқалари нафақат давлатлараро шартномалар доирасида, шунингдек минтақавий ва халқаро ташкилотлар миқёси даражасида ҳам ўрнатилган.

Жумладан, 2007 йил 27 июнда Бишкекда қабул қилинган “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликдаги ҳарбий

ўқувларни ўтказиш тўғрисида”ги Битим Ўзбекистон Республикаси томонидан 2018 йилда тан олинди.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги ҳамкорлик алоқалари ва ўзаро келишувлар натижасида нафақат мудофаа ва хавфсизлик масалалари, шунингдек тактик машғулотлар ва ўқувлар ўтказиш, бунда ҳарбий хизматчиларнинг малакасини ошириш, хизматдан бўшатилган собиқ ҳарбий хизматчиларни ёки уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга оид масалалар ечимига ҳам аҳамият қаратилган. Ушбу масалаларга янада ойдинлик киритиш мақсадида қўшимча халқаро ҳужжатлар мамлакатлар томонидан имзоланган.

Бинобарин, ушбу келишувларда собиқ Совет ҳарбий хизматчиларининг таъминотига оид норматив ҳужжатларда берилган ҳуқуқ ва имтиёзлар МДҲ давлатлари ҳудудларида ўзаро тан олиниши, шунингдек, бу давлатлар ўз қонунчилиги бўйича ана шу тоифа шахслар ва уларнинг оилаларига қўшимча енгилликлар белгилай олиш ҳуқуқи ҳам эътироф этилади.

Хусусан, таълим, мулк, уй-жой, доимий рўйхатга кириш, мол-мулк кўчириш ва транспортдан имтиёзли фойдаланиш, пенсия, тиббий ва ижтимоий хизмат, иш билан таъминланишга бўлган ҳуқуқлари назарда тутилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, имтиёзларга оид битимлар нафақат чет эл ёки қўшни мамлакатларда, шунингдек Ўзбекистонда имзоланганлиги ҳам юртимизнинг бу борадаги ишлари бўйича ташаббусини намоён қилади.

Масалан, 1992 йил 15 майда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Беларус, Арманистон Республикаси ва Россия Федерациясининг ҳукуматлараро Битими имзоланган. Бу битимга кўра, собиқ Совет давридаги, шунингдек ҳозирги кунда амалдаги Қуролли Кучлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларнинг пенсиялари ушбу давлатларнинг барчасида тенг амал қилади, пенсия тўловлари билан боғлиқ харажатлар ўзаро ҳисоб-китоб қилинмасдан, аъзо давлатлар бюджети ҳисобидан қопланади [19].

Кейинчалик Туркманистон ва Озарбайжон Республикалари ҳам ушбу Тошкент битимига қўшилган.

Бундан ташқари, иштирокчи давлатлар Улуғ Ватан Уруши қатнашчилари ва ногиронларига ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга, байналминал бурчни бажарган ҳамда Афғонистондаги фуқаролар урушида иштирок этган ҳарбий хизматчиларнинг жамоат транспортларидан (таксидан ташқари) текин фойдаланиш имтиёзларини, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи оилаларига 50% чегирмаларни ўзаро қўллашни маъқуллашган.

1993 йил 24 сентябрда Москвада имзоланган Битимда Афғонистон ва ҳарбий ҳаракатлар олиб борилган бошқа давлатларда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар ходимларининг оила аъзоларига давлат ижтимоий ёрдамининг кўплаб бошқа турларини жорий қилишга оид масалалар ҳам ҳал этилган.

Хусусан, Битимнинг 1-моддасида индексацияни инобатга олиб, Афғонистонда ёки ҳарбий ҳаракатлар олиб борилган иштирокчи давлатлар ҳудудидаги урушда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи (ички ишлар ходими) оиласига нафақалар тўлаш кўрсатилган. Ўзбекистон 1993 йилда ушбу битимга қўшилган [20].

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, йиллар давомида шаклланаётган тажриба кўрсатаётганидек, ҳарбий хизматчиларни ва ходимларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича халқаро стандарт ва қоидалар, айниқса МДҲ давлатлари ўртасидаги келишув ва битимлар аъзо иштирокчи давлатларнинг миллий қонунчилигида тобора ўз аксини топиб келмоқда. Бу борада Ўзбекистонда ҳам етарлича қонунчилик амалиёти шаклланган. Эндиликда, ушбу амалиётни Янги Ўзбекистон шиори остида демократик ислоҳотларнинг асл мазмун-моҳияти сифатида бардавом этиш, ҳамкорлик гео-кўламини кенгайтириш, муҳими Марказий Осиё минтақасида ҳар тарафлама етакчи ўринларга чиқиш асосий вазифаларимиздан бўлиб қолади.

Зеро, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг салоҳияти ва қудратини бугунги кунда халқаро ҳамжамият эътироф этиб келмоқда. Ўзбекистоннинг ҳарбий соҳадаги нуфузини янада кўтариш эса барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Адабиётлар

1. *Пўлатов Ю., Муродимов М.* Хорижий мамлакатларда давлат ва ҳуқуқ тарихи. – Т., 2017. – Б.256.
2. *Акрамова Ш.А.* Ҳуқуқий маданият – ҳарбий хизматчиларни жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги олий кўриниши сифатида / ҲТИ ахборотномаси. – 2018. – Махсус сон. – Б.80;
3. *Газиев Ш.М.* Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши. – Т., 2008. – Б.3
4. Инсон ҳуқуқлари. Муаллифлар жамоаси: Ўқув қўлланма. – Т., 1997. – Б. 183-233.
5. *Аҳмедов Д.* Ўзбекистонда давлат ижтимоий ҳимояси: ҳуқуқий асослари ва такомиллаштириш муаммолари. – Т., 2007. – Б. 80.
6. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир А.Саидов. – Т., 2002. – Б.48-52.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1966 йил 16 декабрдаги “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга қўшилиш ҳақида”ги қарори / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1995. – №9. – 201-м.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1966 йил 16 декабрдаги “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга қўшилиш ҳақида”ги қарори / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1995. – №9. – 202-м.
9. *Усманова М.А.* Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. – Т., 2006. – Б 71.
10. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалар тўғрисида”ги 102-сонли Конвенцияси / Халқаро Меҳнат Ташкилоти Конвенция ва Тавсиялари. I-жилд. /Халқаро Меҳнат Бюроси. – Женева, 1991. – Б. 534.
11. *Мирзиёев Ш.* Очиқлик ва ошкоралик йўлида қатъий давом этамиз / Конституциянинг 28 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги. /http://uza.uz/oz/politics.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012 сон фармони /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2020. – 29 июн. – 25-сон. – 276-м.

13. *Рустамбаев М.Х*. Соблюдение требований международно-правовых актов при обеспечении общественной безопасности /ҲТИ ахборотномаси. – 2020. – 1-сон. – Б.14.

14. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси /Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1993. – 1-сон. – 4-м.

15. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси /Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2018. – 2-сон. – 23-м.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида”ги қарори / Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. – 1994. – 5-сон. – 149-м.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида”ги 425-сон қарори /Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1997. – 4-5-сон. – 130-м.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида”ги 428-сон қарори / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1997. – 4-5-сон. – 133-м.

19. Соглашение о порядке пенсионного обеспечения военнослужащих и их семей и государственного страхования военнослужащих государств-участников Содружества Независимых Государств. – Т., 1992; Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунига шарҳлар. – Т., 2004. – Б.6.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 29 декабрдаги “Афғонистонда ва ҳарбий ҳаракатлар олиб борилган бошқа давлатларда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига давлат ижтимоий ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида”ги қарори/ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. – 1994. – 1-сон. – 24-м.

А. В. Девяткин,
начальник отдела организации научно-исследовательской деятельности Университета общественной безопасности РУ, доцент

ИСТОРИЯ, ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ И РЕФОРМИРОВАНИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ КИТАЙСКОЙ НАРОДНОЙ РЕСПУБЛИКИ

Развитию правоохранительных институтов, входящих в систему органов исполнительной власти различных государств, свойственны универсальные тенденции, зависящие от формы политического режима и социально-экономического устройства, однако Республика Узбекистан и КНР различны по своему масштабу и природе государства по всем сферам деятельности и численности Вооруженных сил, но это, тем не менее, не препятствует заимствованию положительного опыта при модернизации СОВБ Республики Узбекистан, в том числе и в совершенствовании деятельности Национальной гвардии Республики Узбекистан. Одновременно с этим, по нашему мнению, некритическое внедрение в правовую систему Вооруженных Сил Республики Узбекистан идеалов восточного консерватизма не только бесперспективно, но и не целесообразно для развития системы правоохранительных органов республики.

В настоящее время наряду с обеспечением верховенства закона и дальнейшей реформой судебно-правовой системы в Республике Узбекистан особое место в числе приоритетных направлений государственной политики занимают защита конституционного строя, суверенитета, территориальной целостности страны, укрепление государственной независимости и суверенитета, что особо отмечено в “Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, которая служит основой для масштабных реформ, осуществляемых в военной сфере в последние годы. В соответствии с реформами образована абсолютно новая структура на базе специальных воинских подразделений, ранее находившихся в составе Министерства обороны и Министерства внутренних дел нашей страны – Национальная гвардия Республики Узбекистан. Согласно закону “О Национальной гвардии Республики Узбекистан” [1] Национальная гвардия является специальным родом войск Вооруженных Сил Республики Узбекистан, наделенным отдельными правоохранительными функциями в сфере обеспечения общественной безопасности и профилактики правонарушений, одной из основной задачей которой является участие в борьбе с терроризмом, а также в устранении последствий террористических актов и чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера [1].

Необходимо отметить, что на сегодняшний день становится актуальным вопрос дальнейшего совершенствования правовых основ деятельности этой структуры с учетом самых передовых аспектов национального и зарубежного опыта, создание основы для эффективной реализации всех поставленных задач.

Совершенствование военно-правовой сферы вносит достойный вклад в повышение эффективности деятельности не только Национальной гвардии, но и всех Вооруженных сил, а также правоохранительных органов. Такие развитые страны, как КНР, США, РФ, Турция и др., обладающие большим и многолетним опытом в этом направлении, требуют системного исследования и рассмотрения возможностей внедрения позитивных и прогрессивных аспектов военного права в национальную правоохранительную практику. Народная вооруженная полиция Китайской Народной Республики является такой организацией, как Национальная гвардия Республики Узбекистан, обладающей военными и правоохранительными функциями, которая в мирное и военное время участвует в поддержании общественного порядка, а в необходимых случаях могут использоваться для обеспечения обороны страны. При этом, основные вопросы соотношения между Вооруженными силами и Народной вооруженной полицией Китайской Народной Республики и конкретные аспекты определены в нормативно-правовых актах, регулирующих деятельность Народной вооруженной полиции Китайской Народной Республики (далее – НВП КНР).

Одновременно с этим, необходимо подчеркнуть, что на современном этапе развития политических, экономических и военных отношений между развитыми странами мира, особое внимание уделяется странам Востока, при этом КНР является одной из самых развивающихся стран мира. В связи с чем, интерес к этой стране заслуживает особого внимания: общество и государство, история и культура, наконец, древние первоосновы великих цивилизаций Востока – все это ныне в центре внимания как самих жителей стран Востока, стремящихся к самопознанию и самоидентификации, к открытию фундаментальных основ собственного бытия, так и тем более представителей иной, западной, европейской традиции, чьи генеральные параметры столь отличны от восточных. Многое в современном мире вплотную связано с Востоком – достаточно напомнить о феномене развивающихся стран с их острейшими экономическими, демографическими и социально-культурными проблемами, пути решения которых пока еще не найдены. Как и когда эти проблемы будут решены, каковы пути, ведущие к их решению, волнует и не может не волновать мир, подавляющее большинство населения которого все возрастающее как абсолютно, так и относительно, живет именно в развивающихся странах, в первую очередь в странах Востока. Китай является ярким представителем восточного государства, которое образовалось уже в XV веке до н.э.

Расцвет общественно-политической мысли Древнего Китая относится к VI-III вв. до н.э. Первым древним общественно-политическим течением в Китае считается “даосизм”. Основателем “даосизма”, одного из наиболее влиятельных течений древнекитайской философской и общественно-политической мысли, считается Лаоцзы (VI в. до н.э.). Его взгляды изложены в произведении “Книга о Дао дэ дзин”.

Фундаментальную роль во всей истории этической и политической мысли Китая сыграло учение Конфуция (551-479 гг. до н.э.). Его взгляды изложены в книге “Беседы и высказывания”, составленной его учениками. На протяжении многих веков эта книга оказывала значительное влияние на мировоззрение и образ жизни китайцев. Опираясь на традиционные воззрения, Конфуций развивал патриархально-патерналистскую концепцию государства. Государство трактуется им как большая семья. Власть императора (“сына неба”) уподобляется власти отца, а отношения правящих и подданных – семейным отношениям, где младшие зависят от старших. Изображаемая Конфуцием социально-политическая иерархия строится на принципе неравенства людей: “темные люди”, “простолюдины”, “низкие”, “младшие” должны подчиняться “благородным мужам”, “лучшим”, “высшим”, “старшим”. Тем самым Конфуций выступал за аристократическую концепцию правления, поскольку простой народ полностью отстранялся от участия в управлении государством.

В целом добродетель в трактовке Конфуция – это “обширный комплекс этико-правовых норм и принципов, в который входят правила ритуала, человеколюбия, преданности правителю, долга и так далее. Вся эта нормативная целостность, включающая в себя все основные формы социально-политического регулирования того времени, за исключением норм позитивного закона, представляет собой единство моральных и правовых явлений” [2].

В целом, уже ко II в. до н.э. официальная государственная идеология в Древнем Китае совмещала в себе положения как легизма, так и конфуцианства, причем последнему нередко, по существу, отводилась роль привлекательного фасада и прикрытия. Подобный идейно-теоретический симбиоз различных концепций управления и право понимания сыграл значительную роль во всем последующем развитии государства и права в Китае. Несмотря на разнообразие общественно-политических течений, официальным учением императорского Китая конфуцианство оставалось вплоть до Синхайской революции 1911-1913 гг.

Необходимо отметить, что основой современной правовой системы Китая является Конституция 1982 г., принятая ВСНП КНР 4 декабря.

Конституция строится на четырех основных принципах:

1) социалистический путь развития;

2) демократическая диктатура народа;

3) руководство Коммунистической партии;

4) приверженность марксизму-ленинизму и идеям Мао Цзэдуна.

По сравнению с предшествующими двумя конституциями Конституция 1982 г. содержит целый ряд нововведений, в частности, в ней восстановлен учрежденный еще Конституцией 1954 г. пост Председателя КНР, предусмотрено создание Центрального военного совета КНР, реализующего свои полномочия на территории всего государства, образовано волостное звено органов власти, в составе правительств различных уровней предусмотрена система ревизионных органов, устранены наиболее одиозные формулировки обязанностей граждан КНР.

Данная Конституция неоднократно подвергалась изменениям, которые отражают трансформацию подхода КПК ко многим общественным явлениям. В результате внесенных изменений на конституционном уровне появились такие новаторские понятия, как социалистическое правовое государство, социалистическая рыночная экономика и др. Отметим, что, хотя в целом эти новеллы не изменяют общую оценку Конституции Китая как социалистической, однако вносят весьма серьезные нюансы. Кроме того, если общее направление изменений, хотя бы в таком медленном темпе, сохранится, то в результате может сложиться текст Конституции, который в целом будет мало чем, за исключением слова “социалистический”, отличаться от конституций большинства стран мира.

Завершая рассмотрение истории современной Конституции КНР, следует, конечно, иметь в виду, что регулятивная роль Конституции, да и вообще закона в Китае относительно невелика. Для чиновника и гражданина большее значение имеют текущие административные указания, чем нормы писаного права. Судебная защита этих норм весьма ограниченна. Они представляют собой своего рода общий ориентир, отклонение от которого в текущей деятельности считается допустимым. Можно лишь надеяться, что укрепление в экономике рыночных принципов и общее повышение уровня образованности населения приведут со временем к демократизации политической системы и созданию подлинного правопорядка. Все вышеперечисленные факторы непосредственным образом влияли на процесс формирования государства, что нашло прямое отражение в особенностях функционирования его системы обеспечения внутренней безопасности.

Считаем целесообразным отметить, что необходимыми элементами СОВБ любого государства, в независимости от политического режима, являются полиция [3] и Вооруженные силы, находящиеся под контролем законно избранных органов государственной власти и действующие в рамках соответствующих норм права, КНР не исключение. Однако в Китае это является ее особенностью, эти элементы СОВБ напрямую подчиняются КПК и ЦВС КНР, который так же подотчетен КПК. Именно

на эти элементы СОВБ возложена задача по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности в стране.

Однако, опираясь на исторические факты, с самого момента образования государства, его охранительная функция, в том числе и функция охраны правопорядка, осуществлялась в основном армией. Именно армия была универсальным инструментом в арсенале государства при его защите от внешних и внутренних угроз, это утверждение распространяется и на Китай. Армия играла огромную роль в Древнем Китае, что определялось частыми войнами и крестьянскими восстаниями. Войны, в частности завоевание "чжоусцами" значительных территорий "шаньскоиньской эпохи", оказали непосредственное влияние на становление китайского государства.

Основу военной силы Китая составляли воины-полупрофессионалы, входившие в армейские группы и размещенные в военных поселениях и лагерях. Военным лагерям выделялись земельные угодья, составлявшие их хозяйственную базу. Источники сообщают о 14 армиях, находящихся в распоряжении "Вана" (императора). Должности командующих группой армий передавались по наследству.

Воинские повинности в империи Цинь существовали наряду со строительными и гужевыми. В армию брали мужчин от 23 до 56 лет, которые должны были пройти годичную подготовку, нести гарнизонную службу в течение года и месяц в году служить в ополчении по месту жительства. На охрану государственных границ без указания сроков службы направлялись прежде всего провинившиеся чиновники, преступники, потерявшие свободу за долги заложники, бродячие торговцы и только в последнюю очередь свободные земледельцы.

Постепенно формировалась и постоянная армия, находящаяся на содержании казны. Она состояла из телохранителей императора, частей, охранявших столицу. На эти части, численность которых в 140 году до н.э. достигала 20 тыс. человек, возлагались и полицейские функции. Так, поимка бандитов и разбойников была обязанностью военного ведомства. Начальник императорской гвардии, телохранитель Вана, занимал важное место при дворе. Необходимо отметить, что на протяжении всей истории Китая роль армии оставалась неизменной, вплоть до образования КНР.

В апреле 1949 г., накануне образования КНР и создания Министерства общественной безопасности КНР, за подписью Председателя Народно-революционного совета Мао Дзэдуна и главнокомандующего Народной освободительной армии Китая (далее – НОАК) Чжу Дэ было принято "Обращение НОАК", которое предусматривало проведение следующей политики: охрана жизни и имущества всего населения; охрана национальной промышленности, торговли, земледелия и животноводства; конфискация бюрократического капитала; охрана всех государственных и частных

учебных заведений, больниц, культурно-просветительных учреждений, спортивных сооружений и так далее; меры в отношении гоминьдановских должностных лиц; обеспечение общественной безопасности в городе и деревне; разрешение земельной проблемы; обеспечение безопасности в Китае иностранцев. Таким образом, именно армия Китая с древних времен и до образования КНР выполняла полицейские функции по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности в стране. НОАК крупнейшая по численности армия в мире (2 млн. 300 тыс. человек на действительной службе). Основана 1 августа 1927 г. в результате Наньчанского восстания как коммунистическая “Красная армия”.

С учетом вышеизложенного, можно сделать следующий вывод, что даже после образования органов общественной безопасности КНР, которые возникли в результате проведенного вскоре после провозглашения КНР слияния Управлений общественной безопасности местных властей КПК и одноименных подразделений военно-контрольных комитетов, роль НОАК по поддержанию общественного порядка в стране оставалась главенствующей. При этом, необходимо отметить, что в связи с нестабильной обстановкой, активизацией международного терроризма и экстремизма, возрастания противоборства в информационном и киберпространстве роль правоохранительных органов в СОВБ КНР, занимает особое место в обеспечении общественной безопасности и правопорядка в КНР, в связи с чем исследование процессов формирования правоохранительных институтов и их взаимодействие в СОВБ КНР является одной из актуальных задач исследователей.

Литература

1. Закон Президента Республики Узбекистан №ЗРУ-647 “О Национальной гвардии Республики Узбекистан” от 18 ноября 2020 года, статья 3. // lex.uz.

2. Древнекитайская философия: собрание текстов. В 2 т. – М., 1973. Т. 1. – С. 215.

3. Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона. Т. 24. – СПб., 1898. – С. 725 – 743.

4. *Мушкет И.И., Хохлов Е.Б.* Полицейское право России: Проблемы теории. – СПб., 1998.

5. *Горожанин А.В.* Государство и полиция. – СПб., 2001.

6. *Быков А.В.* Система обеспечения внутренней безопасности государства. – М., 2007.

М. Х. Абдурахимов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий департаменти
Юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари



ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ГЕНОМГА ОИД АХБОРОТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Инсон геноми тузилишининг кашф этилиши ундан ҳаётнинг турли соҳаларида фойдаланиш имкониятини юзага келтирди. Инсон геноми ҳақида сўз юритишдан аввал инсон геноми нима деган саволга жавоб топиш лозим.

Инсон геноми – инсон ҳужайрасида мавжуд бўлган мерос, яъни наслдан наслга ўтиб келувчи материаллар тўплами, ҳар бир инсоннинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлари ҳамда унинг насли ҳақидаги кодлаштирилган ахборотдир. У айнан ҳужайранинг таркибий тузилишига тааллуқли тушунча бўлиб, ядро ичида жойлашган 23 жуфт хромосома ва митохондриал ДНКдан иборат. Шундан 22 жуфти аутосомаларни, 1 жуфти жинсий хромосомани (Х-аёл, Y-эркак) ташкил этади. Инсоннинг нормал ривожланган диплоид соматик ҳужайрасида 46 та (23 жуфт) хромосома мавжуд бўлади. Инсон геноми 3,1 млрд жуфт асослардан иборат.

Қайд этиш лозимки, геномга оид ахборот ўзида ДНКнинг маълум қисмлари ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштириб, индивиднинг наслдан-наслга ўтувчи маълумотларини ўзида сақлайди. Ушбу маълумотлар биологик объектларни экспертиза қилиш йўли билан тадқиқ қилишда барча генетик-шартли белгиларининг манбаи ҳисобланади. ДНК молекуласи эса ҳар бир индивид учун бетакрор бўлган ҳамда маълум қонуниятлар асосида кетма-кетликда жойлашган нуклеотидларнинг структуравий бирлигидан ташкил топган бўлиб, айнан шу жиҳати уни бетакрорлигини намоён қилади.

Криминалистик вазифаларни ечишда инсон геномига оид ахборотдан фойдаланишда шахсни идентификация қилиш тушунчаси асосий ҳисобланади. Инсон геномига оид ахборотдан фойдаланган ҳолда уни идентификация қилиш деганда, инсоннинг ўзигагина хос бўлган алоҳида хусусиятларини аниқлашга қаратилган фаолият тушунилади. Унинг ўзигагина хос бўлган алоҳида хусусиятларини аниқлаш деганда эса, тадқиқ қилинаётган шахснинг физиологик хусусиятлари ёки ўзини тутиши (хулқ-атвори)га қараб, уни бошқа шахслардан фарқловчи белгиларини тушуниш лозим.

Инсон геномига оид ахборот ёрдамида жиноятларни олдини олиш ва фош этишда геномга оид ахборот базаларидан фойдаланиш дастлаб АҚШ

ва Европа давлатларда амалга оширилган бўлиб, кейинчалик ушбу тажриба Ҳамдўстлик мамлакатларида қўлланила бошлади.

Хусусан, АҚШда 1994 йилда жаҳонда илк бор “ДНК бўйича идентификация қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, унинг асосида Combined DNA Index System (CODIS) кобинациялаштирилган ДНК индекси тизими ташкил этилган. Мазкур тизим локал тармоқдан иборат бўлиб, федерал ҳамда маҳаллий даражадаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга локал тармоқдаги мавжуд ДНК профилларини олиш ва солиштиришга рухсат берилган. Бироқ, ўша вақтда ДНКнинг тузилиши тўлиқ кашф қилинмаганлиги сабабли етарли самарадор тизимга айланмаган.

1995 йилда Буюк Британияда миллий ДНК маълумотлари базаси яратилган бўлиб, National DNA Database (NDNAD) деб номланди. Бугунги кунда у дунёдаги энг катта геномга оид ахборот базаларидан бири ҳисобланади. 1997-1998-йилларда миллий ДНК маълумотлар базалари бошқа Европа давлатларида (Австрия, Германия, Нидерландия, Норвегия, Бельгия) ҳам яратилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 2008 йилда “Россия Федерациясида геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, геномга оид ахборотнинг федерал маълумотлар базаси яратилган. Кейинчалик шу каби қонунлар 2016 йилда Қозоғистонда, 2018 йилда Озарбайжонда қабул қилинган.

2020 йилнинг 24 ноябрида Ўзбекистон Республикасининг “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги ЎРҚ-649-сон Қонуни қабул қилинди [1]. Мазкур қонун 5 та боб ва 36 та моддадан иборат бўлиб, мажбурий равишда геном бўйича давлат рўйхатига олинадиган шахслар тоифасига қуйидагилар киритилган:

биринчидан, оғир ва ўта оғир жиноятлар, шунингдек, жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятларни содир этганлиги, ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этганлиги ва ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлиги учун судланган шахслар;

иккинчидан, оғир ва ўта оғир жиноят содир этишда гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар;

учинчидан, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов давомида олинган аниқланмаган шахсларга ҳамда таниб олинмаган мурдаларга тегишли геномга оид ахборот.

Ихтиёрий равишда геном бўйича давлат рўйхатига олиш эса шахсларнинг аризаларига кўра пуллик асосда амалга оширилиши қайд этилган.

Бугунги кунда амалиётда жиноятлар анъанавий усулларда фош этилмоқда. Бу борада бармоқ излари ва видеотасвир орқали фош этиш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда, инсон геномига оид ахборотдан фойдаланиб шахсларни идентификация қилиш энг ишончли ҳамда самарали усул

эканлигини таъкидлаш ўринли. Мазкур фикримизни қуйидаги омиллар билан асослашимиз мумкин. Жиноят содир этган шахс бармоқ изларини қолдирмаслиги учун қўлларига қўлқоп кийишининг ўзи кифоя ёки видеотасвир орқали идентификация қилиш учун жиноятчи албатта сифатли видеокамерада видеотасвирга тушган бўлиши керак. Агар у юзига ниқоб тақиб олган бўлса, унда бу усул ҳам уни идентификация қилишда самара бермайди. Тажрибали жиноятчи бу ҳолатларни албатта эътиборга олади. Бироқ, жиноят содир этилган жойда шахснинг ҳар қандай ажралмаси (соч толаси, қон изи, сигарета қолдиғида лабдаги сўлак излари ва ҳоказо) қолиб кетиш эҳтимоли юқори бўлиб, буни у олдиндан кўра била олмайди ҳамда назорат қила олмайди. Айниқса, жабрланувчининг қаршилигига учраган шахснинг биологик материаллари ҳодиса содир бўлган жойда қолиш эҳтимоли энг юқори даражада бўлади. Натижада жиноят жойида қолдирилган биологик материал орқали ушбу шахсни 99,9 фоиз аниқлик билан идентификация қилиш имконияти пайдо бўлади. Бундай ҳолатда шахс жиноят содир этган жойда бўлганлигини инкор эта олмайди, чунки ҳеч бир шахснинг геномга оид ахбороти ҳеч қачон бошқа шахснинг геномга оид ахбороти билан бир хил бўлмаслиги исботланган.

Инсон геномига оид ахборотнинг яна бир ўзига хос томони шундан иборатки, у нафақат тирик инсонни, балки инсон мурдасининг таниб бўлмас даражада бузилиши ёки унинг қолдиқлари аниқланиши билан боғлиқ ҳолатларда ҳам идентификация қилиш имконини берувчи универсал усул ҳисобланади. Геномга оид ахборотдан жиноят содир этган шахсларни идентификация қилишда фойдаланиш билан бир қаторда, бедарак йўқолган шахсларни қидириш учун ҳам кенг фойдаланилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда бедарак йўқолган шахсларни қаердалигини аниқлаш ишлари фақатгина тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилган ҳолда амалга оширилмоқда. Бедарак йўқолган шахслар кўп ҳолатларда шахси аниқланмаган мурдалар бўлиб чиқиш эҳтимоли мавжуд. Буни текшириш учун бедарак йўқолган шахснинг яқин қариндошлари, яъни ота-онаси ёки турмуш ўртоғи ва фарзандининг геномга оид ахбороти олиниши ҳамда шахси аниқланмаган мурдаларнинг геномга оид ахбороти билан таққосланиши лозим. Шахси аниқланмаган мурдалардан бирортасининг геномга оид ахбороти ушбу шахсларнинг геномга оид ахбороти билан мос келиши эса бир вақтнинг ўзида мурданинг идентификация қилинишига олиб келиши ҳамда бедарак йўқолган шахснинг вафот этганлигини тасдиқлаши мумкин ёки аксинча, мос келмаса, ушбу шахсни шахси аниқланмаган мурдалар орасида йўқлигини тасдиқлайди.

Хорижий давлатлар амалиётида бедарак йўқолган шахсларни идентификация қилишда бу каби мисоллар талайгина. Масалан, Буюк Британияда 2018 йилнинг 13 апрель куни итини айлантириб юрган шахс вафот этган одамнинг жасадини аниқлаган бўлиб, ушбу шахс бақувват, эгнига

жун кўйлак ва қалин шим кийган бўлиб, бошқа ўзига хос хусусиятларга эга бўлмаган. Ушбу шахснинг ДНК профили миллий ДНК маълумотлари базасидан текширилган. Текширув натижаси ушбу шахс 3 ҳафта илгари бедарак йўқолган инсон эканлигини аниқлаб берган.[2]

Инсон геномига оид ахборотдан фойдаланган ҳолда шахсларни идентификация қилиш нафақат шахсларни жиноятга алоқадорлигини, балки алоқадор эмаслигини исботлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, айрим хорижий давлатларда аввалги йилларда (ДНК-таҳлил усули аниқланишидан олдин) содир этилган жинсий эркинликка қарши жиноятлар бўйича ҳодиса жойидан ва жабрланувчидан олинган биологик келиб чиқишга эга бўлган излар ДНК-таҳлилдан ўтказилган. Бундай тажрибани ўтказган давлатлардан бири АҚШ бўлиб, “Айбсизлик” лойиҳаси давомида ўтказилган ДНК-таҳлил натижалари асосида 245 нафар судланган шахс оқланган. Улардан бири Джеймс Бэйн бўлиб, у 1974 йилда 9 ёшли болани зўрлаганлиги айблови билан 35 йил давомида қамоқда жазо ўтаган.[3]

Мамлакатимизда криминалистик ҳисоботнинг янги турларидан бири сифатида жорий этилиши режалаштирилаётган Ягона маълумотлар базасининг яратилиши жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ўрни ҳам беқиёс. Жумладан, криминология фанининг тадқиқотлари натижалари жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш кўпқиррали комплекс вазифа эканлигини тасдиқлайди. Мазкур вазифани бажариш учун эса албатта жиноятларни олдини олиш борасида барча соҳалар, илм-фан тараққиётининг энг илғор ютуқларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутади. [4]

Баъзи олимлар ўзларининг илмий ишларида такроран жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни ўз вақтида геном базасида ҳисобга олиниши уларни келгуси жиноий фаолиятларини олдини олишга хизмат қилиши ҳамда индивидуал профилактиканинг бир тури сифатида намоён бўлишини келтириб ўтганлар. [5] Шу сабабли инсон геноми бўйича давлат рўйхатига олиш жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни жиноятдан тийилишга мажбур этадиган жиноий жавобгарликдан кейинги профилактик чоралардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунда инсон геноми бўйича давлат рўйхатига олиниши рецидив жиноятларни содир этишдан тийиб турувчи ўзига хос профилактик тизимни ташкил қилади.

Мамлакатимизда геномга оид ахборотдан фойдаланиб, жиноятларни фош этиш масаласи нисбатан янгилик бўлганлиги сабабли бу борадаги халқаро тажриба ушбу янгилик нақадар самарадор бўлиши мумкинлигидан далолат бермоқда. Хусусан, хорижий давлатлар тажрибаси геномга оид ахборотнинг айнан жиноятларни тез ва тўла очишдаги ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахсни жавобгарликка тортилмаслигини таъминлашдаги ўрни ниҳоятда беқиёс эканлигини кўрсатиб берди.

Адабиётлар

1. *Кобзарь С.И.* Организация назначения криминалистических экспертиз и использование их результатов в расследовании преступлений: Учебное пособие. – Луганск, 2007. – С. 256.

2. Missing People and Human Remains: A Guide for Forensic Specialists Working in Contexts of Armed Conflict or Other Situations of Armed Violence, ICRC, Geneva.

3. *Perez E.* Femele DNA Foundon Bombin Boston [Electronic resourse] / E. Perez A. Cullison, D. Barrett/ /The Wall Street Journal. – 2003. – Apr. 29 -Mode of access.

4. *Кобец П.Н.* Современное состояние теории предупреждения преступности и ее роль в оптимизации борьбы с преступлениями // Российская юстиция. – 2012. – № 1. – С. 19-21.

5. *Гармаев Ю.П.* Мультимедийные межотраслевые средства предупреждения преступности: перспективы разработки и внедрения // Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. – 2014. – № 3. – С. 71-80.

6. *Хисамутдинов Ф.Р.* Рецидивная преступность и ее предупреждение // Вестник Казанского юридического института МВД России. – 2015. – № 3 (21). – С. 32–37.

7. *Малков В.Д.* Предупреждение и профилактика преступлений и иных правонарушений в системе борьбы с преступностью // Вестник Московского государственного лингвистического университета. – 2014. – № 22 (708). – С. 78–88.

Ш. Т. Джуманов,
старший преподаватель кафедры уголовного процесса Академии МВД Республики Узбекистан



ОСОБЕННОСТИ КРИМИНАЛИСТИЧЕСКОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ КРАЖИ СКОТА В УЗБЕКИСТАНЕ

В современных условиях борьба с имущественными преступлениями, в частности с кражами скота, не потеряла свою актуальность. Это связано с тем, что данным видом преступной деятельности причиняется значительный материальный ущерб гражданам[1].

Проведенный анализ исследований свидетельствуют, что деяния указанного вида отнесены к преступлениям, имеющим свои особенности, связанные с проживаем граждан в сельской местности.

Данные о лицах, совершающих кражи: включают общую характеристику преступника, занимающегося кражами скота: основная масса краж совершается мужчинами, на долю женщин здесь приходится в среднем около 5% преступлений; возрастной состав преступников: 3% краж совершается лицами в возрасте до 18 лет; 35% – в возрасте от 18 до 30 лет; 62% – от 30 до 50 лет. Несовершеннолетние, как правило, участвуют в кражах в группе со взрослыми, большинство преступников имеют начальное образование, на момент совершения кражи нигде не работали и не учились, а если работали, то на неквалифицированных работах.

Большое число преступников являются местными жителями, по роду своей работы, имеющие непосредственное отношение к содержанию, обслуживанию и обеспечению охраны животных, большая часть краж совершается в группе: 50% из них – в составе 2-3 соучастников, знакомых по месту жительства, работы или имеющих родственные связи. Формирование таких групп можно назвать чаще всего ситуативным, по достижении преступного результата они распадались, похитив, как правило, несколько животных. Оставшаяся часть преступных групп чаще всего включает трех и более участников. Такие группы устойчивы, достаточно организованны, обладают криминальным опытом и действуют квалифицированно, с обеспечением мест сбыта похищенного, или совершая кражи по заказу. Их преступная деятельность носит серийный характер, похищается при этом значительное количество животных.

За последнее время криминальный интерес этой категории лиц приобрел другую преступную направленность, и в связи с этим доля их участия в кражах скота несколько снизилась. Доля ранее судимых за совершение краж скота в числе осужденных за аналогичные преступления составляет в среднем половину от общего числа преступников, которые и составляют организующую основу преступных групп.

Наряду со знанием характеристики личности преступников, необходимым условием успешной борьбы с кражами является осведомленность оперативных сотрудников об этапах их подготовки и совершения, что позволяет не только успешно выявлять причины и условия, способствующие совершению краж скота, но и вырабатывать необходимые меры по их устранению, целенаправленно формировать агентурный аппарат и успешно использовать его в предупреждении и раскрытии преступлений [2].

Нетипичность объекта преступного посягательства определяет и обусловливает ряд особенностей, присущих процессу подготовки и совершения преступления. Можно выделить три основных этапа преступных действий: подготовительный этап, завладение похищенным имуществом и использование похищенного. Данные о подготовке к совершению краж включают сведения о действиях преступников, направленных на подготовку к совершению преступления: приспособление объекта преступных посягательств, обеспечивающего необходимые требования и качество; подбор соучастников или пособников из числа местных жителей, работающих в животноводстве, знающих обстановку на выбранном объекте, маршруты и места выпаса животных и др.; выбор способа завладения животными (на перегоне, перевозке транспортными средствам); приискание автомобилей, специально оборудованных для перевозки скота, подбор и подготовка технических средств для проникновения в помещения и воздействия на животных (монтировки, ломы, топоры, веревки, кнуты, упряжки, корм, мешки, сыпучие вещества и т.д.); выработка маршрута перегона

животных, мест дневных стоянок; выбор места временного содержания, кормления или убоя (частный двор, участок местности, заброшенные или пустующие строения); выбор места содержания животных, определение количества похищаемых животных, изучение обстановки в месте содержания животных, состояния охраны, освещения, ограждений; выбор способа и орудий забоя, разделки туши; поиск места сбыта краденого живым весом (заготовители, частные лица, убойные цеха), мяса в тушах (рынки, коммерческие магазины, колбасные цеха) или места длительного хранения мясопродуктов (продовольственные базы, холодильники и т.д.); обеспечение необходимыми сопроводительными документами (справки санэпидстанций, товаротранспортные накладные, путевые листы и т.д.).

Данные о способах совершения краж включают непосредственные действия преступников, направленные на завладение похищенным: отбивание и отгон от стада необходимого количества голов животных и перегон их в подготовленное место для убоя, длительного содержания или погрузки в транспортное средство; преодоление преград, запоров и освобождение пути перегона животных из помещения для загрузки, убоя и др.; убой животных и разделка туш в заранее подготовленном или подобранном месте; транспортировка животных или туш к месту их содержания, сбыта или хранения. Данные о действиях преступников, направленных на использование похищенного: сбыт похищенных животных в живом виде (частным лицам, заготовителям, в убойные цеха, на мясокомбинаты); сбыт мяса в тушах (на рынки, торгово-закупочные предприятия, оптовые коммерческие фирмы и т.д.); сбыт мяса самими преступниками (на стихийных рынках, с автомашин в жилых массивах, в кругу знакомых, использование для личных нужд); сбыт животных и мяса на территории приграничных государств. Выделение перечисленных этапов совершения краж скота и определение их содержания позволяют органам внутренних дел эффективно осуществлять деятельность, направленную на выявление лиц, замышляющих, подготавливающих или совершивших преступления этого вида.

Особое значение имеют данные о способах совершения краж. К ним прежде всего относятся: осведомленность сотрудников о способах совершения краж скота, а также умение выявлять и контролировать каналы и места сбыта похищенного.

Выбор способа совершения преступлений определяется, прежде всего, целями, которые преследуют преступники при совершении краж. А выбор преступниками способа совершения краж обусловлен формами содержания животных. В специальной литературе выделяются две основных формы: первая – пастбищного или отгонного содержания, вторая – стойлового или стационарного содержания. На практике часто используется сочетание обеих перечисленных форм, поэтому следует выделить и смешанную форму содержания животных. Изучение практики борьбы со

скотокрадством позволяет выделить основные способы совершения краж, которые в большой мере и определяют направления деятельности оперативных работников по их раскрытию, расследованию, розыску преступников и установлению места нахождения похищенного.

Первый способ: кражи животных совершаются при перегоне стада, отары или табуна с мест стойлового содержания на места летнего выпаса. Эти маршруты обычно заранее известны, так как используются ежегодно. Данный способ, как правило, применяется местными жителями, проживающими вблизи указанных маршрутов. Они отбивают от стада 1-2 животных, перегоняют их в места содержания или убоя для использования в личных целях.

Второй способ: кражи животных в местах постоянного выпаса поголовья, занимающего достаточно большие территории. Преступник или преступная группа предварительно определяют состояние и режим охраны стада, а затем отбивают от стада, табуна или отары животных, отгоняют или перевозят их к месту забоя, сбыта или содержания. Данный способ используется преступниками или преступными группами при целевых, заранее подготовленных, заказных кражах большого количества животных. При этом может использоваться огнестрельное оружие для забоя животных, нейтрализации охранных собак и других целей.

Третий способ: кражи скота с мест стойлового (фермы, кошары, загоны, сараи и т.д.) содержания. Преступник или преступная группа перед совершением кражи изучают состояние и режим охраны, систему запоров и ограждений, возможные пути подъезда и отъезда от объекта, направления выгона животных. В этом случае похищается большое количество голов животных, используются транспортные средства, орудия взлома или холодное оружие. Как правило, в подготовке и совершении кражи здесь принимают участие местные жители, бывшие сотрудники сельскохозяйственного предприятия или лица, работающие в настоящее время на данном объекте. Данный способ совершения преступления часто используется при инсценировке краж работниками предприятия для сокрытия недостачи поголовья перед плановыми ревизиями или контрольными пересчетами животных, недостача может образоваться в результате присвоения скота материально ответственными лицами, значительного падежа, несвоевременно выявленной кражи, или разбредания животных при отсутствии надлежащей охраны и ограждений [3].

Практика показывает, что даже в одном районе, но на разных территориях характеристика краж может значительно отличаться. В местности, где интенсивно используется стойловое содержание скота, преобладают одни способы краж, при отгонном содержании животных – другие. Около двух третей краж при этом приходится на скот, принадлежащий хозяйствам, одна треть на домашний скот, находящийся в индивидуаль-

ном владении, что обусловлено главным образом степенью обеспечения охраны животных. В дневное время кражи совершаются чаще всего с мест выпаса, а в ночное – с мест стойлового содержания. Независимо от места содержания животных и региона, наибольшая преступная активность приходится на осенне-зимний период. Это объясняется началом массового забоя скота, благоприятными условиями хранения мясопродуктов, резким повышением спроса на них населения.

Для перевозки похищенных крупных домашних животных преступники используют специально оборудованный или предназначенный для этих целей автотранспорт, находящийся в личном или служебном пользовании. Это определяет высокую степень мобильности скотокрадов, позволяет перевозить животных на значительные расстояния, в другие регионы Узбекистана и страны ближнего зарубежья (Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан) [4].

Использование преступными группами традиционных способов совершения краж скота и многократное использование для его перегона известных органам внутренних дел маршрутов позволяет оперативным работникам с достаточной долей достоверности прогнозировать поведение преступников. А это, в свою очередь, дает возможность предварительно определять местонахождение похищенных животных, преступников и принимать необходимые меры по их задержанию.

Литература

1. *Ханов Т. А*. Особенности хищений скота, совершаемых путём кражи / Т. А. Ханов, К. К. Биржанов // Актуальн. проблемы гуманит. и естест. наук. — 2016. — № 6—2. — С. 161—165.

2. *Голощапов М.С., Тямкин А.В., Худяков Ю.М.* Предупреждение и раскрытие краж скота: Учебное пособие. – М., 1993. – С. 13-16. 43.

3. Влияние социально-территориальных факторов на расследование преступлений в сельской местности // Проблемы борьбы с преступностью (региональный аспект). – М., ВНИИ МВД РФ, 1996.

4. Некоторые проблемы расследования преступлений в сельской местности // Проблемы укрепления законности, усиления борьбы с преступностью и профилактика правонарушений в современных условиях: Материалы научно-практической конференции. – Воронеж.1996.

Ж. С. Мухторов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
Касбий тайёргарлик факультети
Махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси



АСОСИЙ МАҚСАД: ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ

Барчамизга маълумки, ҳар бир инсон учун энг буюк неъмат бу – тинчлик-хотиржамликдир. Тинчлиги йўқолган одам, хонадон, мамлакат асло хотиржам бўла олмайди. Ҳақиқатан ҳам, дунёда энг қимматли, азиз ва бебаҳо неъмат, бу – тинчлик неъматидир. Зеро, тинчлик-хотиржамлик – тараққиётимиз гаровидир. Ота-боболаримиз уруш бўлган жойдан қирқ йилгача файз-барака қочади, деб таъкидлаган. Мисол учун Араб мамлакатлари Ироқ, Миср, Суриядаги урушлар уларга катта кулфат келтирди. Тинч яшаб келаётган аҳолида саросима, нотинчлик, хавотир пайдо бўлди. Халқнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи баттар ёмонлашди. Демак, қандай ҳудуд, қандай минтақа ёки давлат бўладими, тинчлик, осойишталикнинг бош омили юрт раҳбарининг одилона сиёсати ва халқнинг тинч яшаши учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бугунги кунда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг самарали тизими яратилди. Бунинг натижасида Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, кўп миллатли бағрикенг халқимиз хотиржам турмуш кечирмоқда. Ҳолбуки, тинчлик-осойишталик ҳукм сурган жойда, юксалиш ва тараққиёт бўлади, юрт гуллаб-яшнайди, фуқароларнинг турмуши фаровонлашади. Шундай экан, бу ютуқлар ўз-ўзидан бўлмагани, унга халқимизга хос сабр-бардош, қатъий ишонч, ҳамжиҳатлик ва ҳамфикрликда яшаш, тинчлик-осойишталикни асраш, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиш орқали эришилганини ўсиб келаётган ёш авлодга тушунтириш ва онгига сингдириш зарур. Токи, бугунги таҳликали ва мураккаб шароитда тинчликни асраш учун огоҳлик, сезгирлик, ҳушёрлик ҳар қачонгидан кўра муҳимлигини улар тўлиқ тушуниб етсинлар.

Таъкидлаш жоизки, халқимиз тарихнинг ҳар қандай тўфон ва суронларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини, ватанпарварлик туйғуларини сақлаб қолиб, бугунги дориламон замонларга безавол етиб келишида унинг қони ва жонида мужассам бўлган маънавий жасорат туйғуси, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи омил бўлиб келган.

Чунки ўзбек халқи дунё майдонида куни кеча тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Биз-бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисларимиз. Қадимий тарихимизни ҳар томонлама ўрганиб, шундай хулосага келиш мумкинки, энг қалтис ва таҳликали даврларда миллатимизга умид ва ишонч берган, уни ёвларга қарши курашга ундаган, аждодларимизни илмий кашфиётлар, ҳарбий зафарларга, маърифат машъалини баланд кўтариб жаҳолатга қарши чиқишга чорлаган беқиёс куч ҳам айнан маънавий жасорат туйғусидир. Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келган.

Шу маънода халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алпомиш” достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Шу боис “Алпомиш” достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз қўрғонини қўриқлашга, дўсту-бародаримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Шунинг билан бирга ўтган асрларда ясалган қарийб барча идишларда ватанпарварликни тарғиб этувчи расмлар чизилиб келажак авлодга етказиб бориш мақсад қилингани ҳам сўзимизнинг исботидир.

Ана шундай улуғ аждодларимизнинг илмий-ижодий мероси ва ибратли фаолияти кейинчалик диёримизда Тўмарис, Широқ, Спитамен, Урганчни босқинчилардан ҳимоя қилишда байроқ тутиб жон берган Нажмиддин Кубро, дунёни тўфондек босган Чингизхон қўшинига қарши ўн йилдан ортиқ мардона кураш олиб борган Жалолиддин Мангуберди, юртимизни истилочилардан озод қилиб, буюк давлат барпо этган Амир Темур, мусулмон оламида “муҳаддислар султони” дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий, “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга сазовор бўлган Имом Мотуридий, босқинчилик урушлари авж олган замонда халқнинг азалий орзуси – тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатган Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқа кўплаб номлари дунёга танилган машҳур илм фан, адабиёт ва маданият арбобларининг етишиб чиқишига асос бўлиб хизмат қилди.

Ўйлайманки, ўзини шу халқнинг фарзанди деган ҳар қайси инсон ана шундай фидойи юртдошларимиз билан чексиз фахрланади, униб-ўсиб келаётган болалари, шогирдларига маънавий жасорат тимсоли сифатида айнан мана шундай одамларни намуна қилиб кўрсатади.

Шу маънода, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан миллий истиқлолимизнинг эълон қилиниши ва мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида амалдаги Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ана шундай жасорат намунасидир.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда жиноятчилик, айниқса унинг оғир ва ўта оғир турларининг камайишига эришилаётганлиги жамиятнинг барча соҳаларидаги, шу жумладан ички ишлар органлари тизимидаги ислоҳотларнинг, қолаверса ушбу тизимда фаолият олиб бораётган ходимларнинг машаққатли ва ўта масъулиятли фаолияти натижасидир.

Чиндан ҳам, барча эзгу мақсад-муддаоларимиз, хайрли саъй-ҳаракатларимизнинг рўёби, энг аввало, юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталикдандир. Бунда ички ишлар органлари ходимларининг муносиб ҳиссаси борлиги бу соҳада мардлик, жасорат, қаҳрамонлик каби маънавий фазилатларга эга бўлган инсонлар фаолият олиб бораётганлигининг далолатидир.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистоннинг мустақиллигини, гуллаб-яшнашини, барқарор тараққиётини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини, республикамиздаги миллатлараро тотувликни кўролмайдиган қора кучлар ўзларининг ёвуз ниятларини амалга оширишга бир неча бор ҳаракат қилдилар. Жумладан, 1999 йил 16 февраль куни республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида, 2000 ил Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани ва Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳудудларида, 2004 йил 27 ва 31 март кунлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларининг бир нечта нуқталарида ҳамда 30 июль куни республика Бош прокуратурасида, шунингдек 2005 йил 13 май Андижон шаҳрида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари бунга яққол мисол бўлади.

Олиб борилган оқил сиёсат, халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлиги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, ички ишлар органларининг саъй-ҳаракатлари, қолаверса мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган ходимларнинг ўз жонини қурбон қилиши туфайли мустақиллигимизга рахна солувчи кучларнинг ёвуз ҳаракатлари тўхтатилди.

Бу мудҳиш воқеалар ўнлаб ёш аёлларни шодлик ва қувончдан, фарзандларни отадан, ота-оналарни эса жондан азиз фарзандидан айирди. Уларнинг айримлари оилада ёлғиз фарзанд эди. Айни пайтда бу бахтли кунларимиз учун ўз жонини фидо қилган жасур ҳамкасбларимизни хотирлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ўзбекистон мустақиллигини, Она Ватанни, халқининг тинчлиги ва осойишталигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай кўринишдаги таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлганларнинг хотирасини ички ишлар органларининг ҳар бир ходими доимо эсда тутишлари, уларнинг мардлиги, жасорати, қаҳрамонлигидан ибрат олишлари керак.

Жумладан, буюк аждодларимиз, хусусан ички ишлар органлари ходимлари амалга оширган буюк тарихий ишларини абадийлаштириш, уларнинг енгилмас иродаси ва матонатини, қаҳрамонликларини, ўтган таҳликали йиллар ҳақиқатини аниқ мисоллар асосида замондошларимизга, авлодларга етказишга мақсадида, мамлакатимизнинг ҳуқуқ-тартибот идораларида 40 йилдан ортиқ хизмат қилган, хавфсизлик ва осойишталик посбонларининг фаолиятини ичдан билган, уларнинг кучли ирода ва қаҳрамонлик фазилатларига гувоҳ бўлган, мураккаб ва қалтис жараёнларда бир неча бор ўзи ҳам иштирок этган Баҳодир Ахмедович Матлюбов томонидан “Ўзбекистонда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш тарихи” монографияси чоп этилди. Бу ҳақда маълумот Халқ сўзи газетасининг 2021 йил 10 сентябрдаги сони биринчи саҳифасида “Осойишталигимиз посбонларининг машаққатли ва жасоратга бой фаолияти ифодаланган мажмуа” сарлавҳаси остида мақола чоп этилгани Ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятига берилган юқори баҳо ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги Қарори билан Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилди. Ушбу сана мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи ходимлар учун тарихий аҳамиятга эга. Шу боис 2006 йил 6 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунига асосан, 25 октябрь Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни этиб белгиланди. Бу *биринчидан,* ушбу касбнинг ўта масъулиятли ва шарафли эканлигини кўрсатса, *иккинчидан,* унинг эгаларидан юксак маънавий-ахлоқий ва касбий фазилатларга эга бўлишни, *учинчидан,* ҳар қандай вазиятда ҳам хизмат мажбуриятларини юқори даражада адо этишни талаб қилади. Таъкидлаш жоизки, юрт осойишталиги йўлида намунали хизмат қилаётган ҳамкасбларимиз давлатимиз раҳбари томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқдалар.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни холисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди. Айниқса, қўшни мамлакатларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар бизни янада огоҳликка чақиради ва ҳамма вақт сергак туришга ундайди. Бу эса ушбу тизимдаги ҳар бир ходимдан ўз хизмат бурчини бажаришда мард, жасур, фидоий бўлишни, Ватан, халқ олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда фаолият олиб боришни, керак бўлса юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашда ўз жонини фидо қилишни талаб қилади.

Шунинг билан бирга юртдошларимизни турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлардан асраш, айниқса, ёшларда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, уни янада мустаҳкамлаш, турли воситалар орқали қадриятлари-

миз, миллий-диний анъаналаримиз, менталитетимизга ёт бўлган тушунча ва ғояларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишига тўсқинлик қилиш барчамизнинг касбий ҳамда инсонийлик бурчимиздир. Шуни унутмайликки, маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга даҳлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч ва осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган кучларга қарши изчил кураш олиб бориш ички ишлар органлари зиммасига юклатилган асосий вазифадир.

Ушбу мақсадда кейинги йилларда ички ишлар органлари соҳасида ислоҳотлар тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Қайд этиш жоизки, ички ишлар органлари тизимида ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади – кадрлар салоҳиятининг ривожланиш истиқболларини белгилаш, профессионал, барқарор, ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар қандай шароитда ўзини бошқара оладиган, юклатилган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажаришга қодир бўлган малакали ва етук кадрларни тайёрлашдан иборатдир.

Бугун янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган “хавфсиз шаҳар”, “хавфсиз қишлоқ”, “хавфсиз маҳалла”, “хавфсиз оила” концепциялари боис турмуш ободлиги, юрт осойишталиги барқарор, кунларимиз баракали, тунларимиз ҳадик-хавотирсиз, сокин, осмонимиз мусаффо. Ана шундай саодатга эришишда ҳуқуқ-тартибот ва осойишталик посбонларининг меҳнати беқиёсдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бугунги таҳликали замон ҳар биримиз, Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатни қўллаб-қувватлашимиз, тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётган Ўзбекистонда яшаётганлигимизга шукр қилишимиз, атроф-муҳитимизда бўлаётган воқеаларга зийрак бўлишимиз, Ватанни севиш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ҳар тонг уни соғиниб уйғониш бахти билан яшашимиз лозим.

Адабиётлар

1. *Мирзиёев Ш.М.* Халқимзнинг розилиги – бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т., 2018. – Б.512.

2. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. / Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // URL: http://xs.uz.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар

ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 230-м.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 240-м.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори.

9. *Матлюбов Б.А.* Ўзбекистонда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш тарихи: Монография. – Т., 2021. – Б. 331.

10. Ички ишлар органлари тизимидаги туб ислоҳотлар – халқ манфаатларига хизмат қилишни таъминлаш кафолати: Ўқув қўлланма. – Т., 2020. – Б. 331.

11. Ички ишлар органлари фаолияти: Дарслик. – Т., 2020. – Б. 382.

12. Маънавиятимизга таҳдид – келажакка таҳдид // Илмий-мақолалар тўплами. – Т., 2011. – Б.199.

А. У. Ҳайдаров,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими катта офицери

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИ



Инсон фаолиятининг турли соҳаларига ахборот технологияларининг жадал кириб бориши, бир тарафдан, юқори ютуқлар ва натижаларга эришиш имконини берган бўлса, бошқа тарафдан, фуқаролик жамиятида энг кутилмаган ва зарарли оқибатларнинг юз беришига сабаб бўлди. Натижада айрим давлатларнинг хавфсизлик масалаларига халқаро хавфсизликнинг умумий тизимига таъсир кўрсатадиган халқаро қарама-қаршиликнинг мутлақо янги сегментининг пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасида жиноятчиликка қарши курашиш ҳозирги босқичда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим. Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилгандан буён ахборот технологиялари соҳасидаги муносабатларни жиноят ҳуқуқига оид чоралар билан ҳимоя қилиш борасида изчил ишлар

амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ушбу соҳада жиноий жавобгарлик тўғрисидаги нормалар мавжуд бўлиб, бу, албатта, унинг замонавий хусусиятидан далолат беради, чунки собиқ ЎзССР Жиноят кодексида компьютер техникаси ёки компьютерлардан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи норма мавжуд бўлмаган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилда қабул қилинган [1] Жиноят кодексида жиноятнинг ушбу тури учун жавобгарлик назарда тутилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 174-моддасида ахборотлаштириш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди. Қонун чиқарувчи ушбу турдаги жиноятни “ахборот тармоқларига рухсатсиз кириш ёки бундай тармоқларга зарур ҳимоя чораларини кўрмасдан рухсат этилмаган ҳолда кириш ёки улардан ноқонуний равишда маълумот олиш, шунингдек, рухсат этилган ахборот тизими билан ишлашда ахборотни қасддан ўзгартириш, йўқотиш, олиб қўйиш ёки йўқ қилиш” ,деб таърифлаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-модда (ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-тарож қилиш), 16-модда 8 (фирибгарлик), 169-модда (ўғирлик) моддалари ҳам мазкур жиноятларни компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳолатларини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутган. Шунингдек, 1994 йилда қабул қилинган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ахборот технологиялари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи 155-модда (ахборотдан фойдаланиш қоидаларини бузиш) киритилган [2].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмининг ўзига хос хусусияти унда умумий объект асосида бўлимларга ажратилишидир. Бундан ташқари, ушбу жиноятларни алоҳида жиноят тоифасига ажратиш талаб этилади. Шу боис 2007 йилда ахборот хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашдаги навбатдаги муҳим қадам сифатида янги алоҳида “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” номли XX[1]-бобнинг қабул қилинишини алоҳида эътиборга молик.

Хусусан, унда еттита модда мавжуд бўлиб, булар:

– 278[1] модда – Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш;

– 278[2] модда – Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш;

– 278[3] модда – Компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш;

– 278[4] модда – Компьютер ахборотини модификациялаштириш;

– 278[5] модда – Компьютер саботажи;

– 278[6] модда – Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш;

– 278^{7} модда – Телекоммуникация тармоғига қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) кириш.

Ушбу моддалар жиноий тажовузнинг умумий турдош объекти билан боғлиқ бўлиб, унда умумий тушунчалар доирасида ахборот, маълумотлар базалари ва уларни қайта ишлаш ахборот тизимларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар – жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби ифодаланади. Агар XX^{1} боб Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни таҳлил қилсак, унинг умумий объекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш бўйича жамоатчилик билан алоқалар ҳисобланади. Бироқ, мазкур бобнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, умумий объект шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашдан иборатлигини кўришимиз мумкин. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XX^{1} бобида кўрсатилган жиноятлар доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг асосида “Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги, телекоммуникация ва алоқа воситалари соҳасидаги жиноятлар” номли бўлимни яратиш лозим и. Ушбу бўлимдаги моддаларни қайта кўриб чиқишда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш лозим.

Шундай қилиб, ахборотлаштириш тушунчаси ахборотдан фойдаланиш тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ (278^{1}-278^{3}-моддалар ахборотдан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ). Эркин ва тўсиқсиз ахборотни излаш, олиш, тадқиқ қилиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотдан фойдаланишнинг кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги[3] Қонуни бўлиб, унга кўра, ҳар бир фуқарога ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади ва давлат ҳар бир инсоннинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ қилиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар давлат ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган ахборотни тақдим эта олмаслиги алоҳида таъкидланади.

Шунинг учун жиноят содир этувчи шахслар давлат органлари ва ташкилотларининг веб-сайтларини ёки бошқа ахборот ресурсларини бузиш учун чоралар кўришлари мумкин. Масалан, 2013 йил 19 ноябрь куни Bangladesh Grey Hat Hackers хакерлар гуруҳи “Народное слово” газетаси ва унинг ўзбек тилидаги “Халқ сўзи”[4] веб-сайтларини бузиб киришди. Худди шундай ҳолат 2016 йил 27 март куни республикамизнинг бошқа газеталарига нисбатан ҳам содир этилди. Шунда сайтларнинг асосий саҳифаларида ўзларини “anonymous” деб номлаган гуруҳнинг экран пардаси жойлаштирилганди. Натижада газеталарнинг асосий саҳифалари ўзгартирилди [5]. 2017 йил 20 ноябр куни Адлия вазирлиги, Тошкент ҳокимлиги, Давлат тест маркази ва бошқа давлат муассасалари ва

ташкилотларининг веб-сайтлари ишламай қолди. Ушбу сайтларнинг Google даги манзиллари қидирилганда “Hacked By Skidie KhaN:TeaM Cyber Commandos”[6] иборасини кўриш мумкин эди. Шундай бўлишига қарамай Жиноят кодексида давлат ахборот ресурслари ва тизимларига ташқаридан рухсатсиз кирганлик учун жавобгарлик белгиланадиган махсус норма назарда тутилмаган. Шунинг учун бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик ўрнатилиши оқилона қадам ҳисобланади.

Амалда кибержиноятчиликнинг асосий қисми, яъни иқтисодий жиноятларнинг 90% электрон тижорат билан боғлиқ. Электрон савдо майдончасида ҳар хил киберҳужумлар содир бўлиши мумкин [7]. Хусусан, Россия Федерацияси ички ишлар вазирлигининг маълумотига кўра, электрон тижорат соҳасида келишувларни амалга ошириш жараёнида россиялик компаниялар фирибгарлик ва бошқа ҳаракатлардан кўп миқдорда зарар кўришининг ҳажми ортиб, сўнгги уч йилда кредит-молия тизимида мазкур кўрсаткич 26,8 % га ошиб, 8,9 миллиард рублни ташкил этди [8].

Бугунги кунда ҳар бир киши блог яратиши, блоггер бўлиши ва янгиликлар ҳақида хабар бериши мумкин. Бу катта муаммо, чунки бу инсонлар ахборот майдонини ўзига хос равишда ўзгартирадилар. “Араб баҳори” мамлакатларида аксарият фаоллар ҳукмрон режимдан норозилигини билдиришда асосий восита сифатида ижтимоий тармоқдан фойдаланишган. Фаоллар норозилик намойишлари уюштириш учун Facebook, ахборот тарқатиш учун Twitter ва YouTubeд ан бутун дунёга намойиш учун фойдаланганлар. “Twitter инқилоби” ва “ижтимоий тармоқлар орқали инқилоб” каби тушунчалар “Араб баҳори” воқеаларидан сўнг илмий атама сифатида ўрнашиб қолди. Шу муносабат билан 2014 йилда блогерни масъулиятини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўзгартириш киритилди. Блогер – Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ахборотдан фойдаланувчилар томонидан уни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 12^1-моддасига кўра [9], веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан:

– Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш;

– уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш;

– давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;

– миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш;

– гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

– порнографияни тарғиб қилиш;

– қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилиш таъқиқланади.

Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни жойлаштиришдан аввал унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда уни дарҳол ўчириб ташлаши шарт.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган мажбуриятлар веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан блогер томонидан бажарилмаган тақдирда мазкур веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда махсус ваколатли орган томонидан чекланиши мумкин.

Ҳозирги кунда киберҳужумлар нафақат иқтисодий характерга, балки одамларнинг, айниқса, ёшларнинг онгига таъсир қиладиган энг хавфли таҳдидлардан биридир. Шу боис ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда соғлом муҳитни тарғиб этиш, болаларни ахборот маконининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳеч кимга сир эмаски, Интернет сўнги пайтларда хакерларни жалб қилиш ва тайёрлаш учун “платформа” га айланган.

Масалан, iso27000.ru сайт маъмурияти “Ахборот хавфсизлигини бошқариш санъати” хакерлик технологиялари, компьютер тизимларини бузиш ва хакерликдан ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган хакерлик сайтлари тўғрисида (hackzona.ru, inattack.ru, cracklab.ru)[10] ҳаволалар келтирган. http://hack-academy.ru сайтида Интернетдан янги фойдаланишни бошлаган шахсларга сайтларга кириш ва рухсатсиз фойдаланиш учун тавсиялар ва маслаҳатлар берилган [11].

Ёшлар ўртасида ўзига хос “виртуал маданият ва ахлоқ” (Интернет тармоғидаги хатти-ҳаракатлар маданияти) тарғиботи ижтимоий чора-тадбирлар орасида муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда таълим муассасаларида тренинглар, махсус курслар ўтказиш, оммавий ахборот воси-

лари ва Интернетда тарғибот материалларини (Flyers, стендлар, презентациялар) тайёрлаш ва тарқатиш каби комплекс чора- тадбирларни ўз ичига олган Интернет маданиятини шакллантириш бўйича Давлат дастурини қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, ахборот-коммуникация технологиялари ва кибер-хавфсизлик соҳасида зарур билим ва кўникмаларга эга истеъдодли ва ижодкор ёшларни бирлаштирадиган “Ёш дастурчилар-ватанпарварлар клуби”-ни ташкил этиш вақти келди. Фикримизча, ушбу клубни Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи қошида, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги кўмагида мутахассислар, экспертлар ва таҳлилчиларни жалб этган ҳолда яратиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур клубнинг ташкил этилиши ёшлар билан очиқ мулоқотнинг ёрқин намунаси, ахборот ҳуқуқбузарликларини содир этишга мойил бўлган шахсларни олдини олиш ва аниқлаш, шунингдек, уларни ватанпарварлик, қонунга ҳурмат ҳамда ривожланган давлат ва ахборот жамиятини барпо этишга дахлдорлик руҳида тарбиялаш бўйича ўзига хос профилактика маркази бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда Ахборот технологиялари ва хавфсизлик соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш давлатдан самарали ва чуқур ўйланган сиёсат олиб боришни талаб қилади, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосларини тизимлаштириш ва аниқлаштириш зарурлигидан далолат беради. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги концепциясини қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ахборот хавфсизлиги концепциясида ахборот хавфсизлигининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш асосида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсад, вазифалари ва асосий муаммолари аниқланиши керак.

Бунда ахборот хавфсизлиги объектлари, таҳдидлари ва уларнинг юзага келиши мумкин бўлган оқибатлари, таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш усуллари ва воситалари, шунингдек, давлат фаолиятининг турли соҳаларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилиши керак. Концепция Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асоси бўлиб, унда ахборот хавфсизлиги тизимини қуришнинг ташкилий тузилмаси ва тамойиллари баён қилинади. Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида, бизнинг фикримизча, ахборот технологиялари ва хавфсизлик соҳасидаги жиноятлар доирасини кенгайтириш, янги жиноят таркиби – электрон тижорат соҳасидаги жиноятлар, давлат ахборот ресурсларини “бузиш”, блогерлар томонидан нотўғри ахборот тарқатиш, шунингдек, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлиги Концепциясини ишлаб чиқиш зарур. Ўз навбатида,

ахборот технологиялари ва хавфсизлик соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни такомиллаштириш, хусусан, “Ёш дастурчилар-ватанпарварлар клуби”ни, ахборот хавфсизлиги соҳасида синов ва тадқиқот ишлари, шунингдек хавфсизлик воситаларини синовдан ўтказиш учун махсус лабораторияни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳузуридаги махсус Кибер-жиноятларга қарши курашиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга ихтисослаштирилган марказ ташкил қилиш лозим.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги 400-I-сонли Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (www.lex.uz).

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (www.lex.uz).

5. *Чупрова А.Ю., Яцеленко Б.В.* Электронная коммерция как вид экономической преступности // Вестник Нижегородской академии МВД России. – 2017. – № 3 (39) – С. 239-240.

У. А. Қодиров,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Магистратура Ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари масаласига бутун дунё аҳли катта эътибор билан қарамоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасида турли ислоҳотларнинг амалга оширилиши, унинг кўплаб халқаро ташкилотларга аъзо бўлганлиги ҳамда инсон ҳуқуқларига оид ҳужжатларнинг ратификация қилинганлиги мамлакатимизда ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга эътибор кучайганлигининг яққол далилидир.

Албатта, қонун устуворлиги халқ ҳокимияти ва инсон ҳуқуқлари тушунчалари билан бевосита боғлиқ принципдир. Чунки халқ ҳокимияти деганда фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этиш ҳуқуқи тушунилади. Шу маънода халқ иродасининг ифодаси бўлган, фуқароларнинг парламентга сайлаб қўйган вакиллари орқали ёки ўзлари томонидан бевосита референдум орқали қабул

қилинган қонунлар халқ ҳокимиятчилигининг натижаси, мажозий қилиб айтганда, меваси ҳисобланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар воситасида ҳаётга жорий этилади, аслида қонунларнинг пировард мақсади ҳам инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Бу борада мамлакат Президенти Ш.М. Мирзиёев инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосий вазифаси ҳисобланган ички ишлар органларининг фаолиятига ҳам алоҳида эътибор бериб, унинг самарали фаолият олиб бориши учун бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар имзолади. Жумладан, 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони [1], 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон Қарорлари асосида ички ишлар органлари фаолиятида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда [2].

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Дарҳақиқат ички ишлар органлари мустақил Ўзбекистоннинг мамлакатдаги тинчлик ва барқарорлик мавжуд бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди. Ўзбекистонда олий қадрият деб тан олинган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари таъминланишини янада мустаҳкам кафолатлаш мақсадида, ички ишлар органлари тизимидаги амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартда “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони [3] ва мазкур Фармонга мувофиқ, 2021 йил 2 апрелда “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарори, 2021 йил 15 апрелда “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон Қарорлари қабул қилинди.

Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш,

уни тартибга солиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш каби бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, Президентимизнинг ПФ-6196-сон Фармонида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари белгилаб берилган бўлиб, унда вазирликнинг бир қатор бошқармалари негизида депатраментлар ташкил этилди. Унга мувофиқ:

– Жиноят қидирув бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига оладиган Тезкор-қидирув департаменти;

– Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат хавфсизлиги департаменти;

– Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси, Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармасини ўз ичига оладиган Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти;

– Кадрлар бош бошқармаси, Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси, касбий тайёргарлик бошқармасини ўз ичига оладиган Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти;

– Жазони ижро этиш бош бошқармаси негизида Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментлари ташкил этилди.

Бундан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органларига бир қатор вазифалар белгаиланди ва шунга мос равишда ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш борасидаги ишлари ҳам яхшиланди. Энг муҳими, тизим ходимларининг халқ билан ҳамкорлиги кучайтирилди. Эл-юрт тинчлигига рахна солувчи ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларга қарши кенг жамоатчилик билан биргаликда, ҳамжиҳатликда кураш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – 15-сон. – 243-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2018. – 06/18/5456/1316-сон.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. –2017. – 07/17/3413/0334-сон.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. –2021. – 06/21/6196/0240-сон.

Б. Исломов,
Самостоятельный соискатель Академии МВД Республики Узбекистан



ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ И ИСКЛЮЧАЮЩИЕ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ ЭСТОНСКОЙ РЕСПУБЛИКИ (сравнительный анализ)

Известно, что развитие науки и образования при должной поддержке государства неминуемо приводит к совершенствованию всей правовой системы государства в целом. Так, цели, поставленные перед любым государством недостижимы без совершенствования законодательства, в силу того, что для практической имплементации какой-либо идеи или проекта изначально требуется создания почвы, т.е. нормативно-правовой базы.

В свою очередь, совершенствование уголовного законодательства стало одной из главных задач, предусмотренных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах [6]. Логичным продолжением реализации предусмотренных в ней задач стало Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года №ПП-3723 “О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства” [1], которым была утверждена Концепция совершенствования уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан.

На наш взгляд, целесообразна имплементация передового зарубежного опыта в уголовное и уголовно-процессуальное законодательство с учетом национальных особенностей и условий, что невозможно представить без изучения опыта зарубежных государств. Предложения о внесении

соответствующих изменений и дополнений в Уголовный кодекс Республики Узбекистан (далее – УК РУз) и по возможности в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан (далее – УПК РУз) должны быть основаны на нормах, доказавших свою эффективность на практике применения зарубежных государств, а в данном случае Эстонской Республики.

Следует отметить, что правовая система Эстонии входит в романо-германскую правовую семью, занимая в ней своеобразное место. Нынешняя правовая система Эстонии (так же как и соседней Латвии) сформировалась на протяжении последних 150 лет в результате взаимодействия самых различных правовых культур, главным образом немецкой, дореволюционной русской, а также советской. Немецкие завоеватели и колонисты, составлявшие правящий класс в Эстонии до начала XX века, принесли с собой германское право, основанное в свою очередь на римском праве. Это право, благодаря тесным торговым связям, стало развиваться под влиянием общих тенденций развития германского частного права в Европе, даже когда немецкое владычество в XVI веке сменилось шведским, а в начале XVIII века – русским. Правительство Российской империи сохранило и упорядочило действовавшие в Остзейском крае разнообразные законы (германские, шведские, польские и др.), составив “Свод местных узаконений губерний остзейских”. Третий том этого свода, охватывавший гражданские законы, был утвержден в 1864 г., вступил в действие с 1 июля 1865 г. Он продолжал действовать в качестве основного источника гражданского права Эстонии на протяжении всего периода Первой республики (1918-1940 гг.). Только к 1940 г. был подготовлен проект современного Гражданского кодекса, однако его принятию помешали смена политического режима и включение Эстонии в состав СССР.

В отличие от частного, в сфере уголовного права и процесса в конечном счете возобладало русское законодательство. В 1889 г. на Прибалтику было распространено действие судебных уставов России. В 1917 г. немецкие оккупационные власти ввели на территории Прибалтики русское Уголовное уложение 1903 г., сохранившее силу и после достижения Эстонией независимости. В межвоенный период эстонское право развивалось на основе сложившихся в предыдущие эпохи правовых традиций. Земельная реформа, проведённая в это время, ликвидировала земельную собственность прибалтийских немецких помещиков и окончательно утвердила хуторской уклад сельского хозяйства. В ноябре 1940 г. Президиум Верховного Совета СССР ввел в действие на территории Эстонии, как и других прибалтийских республик, законодательство СССР: уголовное, уголовно-процессуальное, гражданское, гражданско-процессуальное, трудовое и семейное. Лишь в 1960-е гг. у Эстонии (как и других прибалтийских республик) появились “собственные” кодексы [2].

Уголовный (официально именуемый “Пенитенциарным кодексом”) кодекс Эстонии (эст. karistuseadustik) (далее – УК Эстонии) вступил в силу 1 сентября 2002 года и является основным источником уголовного права, который предусматривает составы преступлений и проступков, возможность привлечения юридического лица к ответственности за преступление или проступок. Кодекс основан на немецком уголовном праве [3]. УК Эстонии состоит из Общей (ст.ст. 1-61) и Особенной (ст.ст. 61-1 - 284) частей.

А теперь поочередно рассмотрим вопросы смягчения уголовного наказания, а также учета обстоятельств, исключающих преступность деяния по уголовному законодательству, точнее УК Эстонии.

Во-первых, часть 2 ст. 6 УК Эстонии [2] определяет действие уголовного закона во времени, согласно которому закон, устраняющий наказуемость деяния или смягчающий наказание, имеет обратную силу, то есть распространяется также на деяния, совершенные до принятия этого закона. Аналогичные, но наиболее регламентированные положения предусматривает и ст. 13 УК РУз.

Во-вторых, ст. 36 УК Эстонии и ст. 54 УК РУз устанавливают во многом аналогичные общие начала назначения наказания. Круг указанных начал УК РУз дополняет мотивами содеянного, характером и размером причиненного вреда.

В-третьих, следует обратить внимание на различие в терминологии, согласно которому часть 1 ст. 37 УК Эстонии устанавливает перечень “обстоятельств, смягчающих ответственность”, а часть 1 ст. 55 УК РУз “обстоятельств, смягчающих наказание”.

Так, согласно часть 1 ст. 37 УК Эстонии смягчающими обстоятельствами признаются:

1) предотвращение виновным вредных последствий совершенного преступления, или добровольное возмещение нанесенного ущерба или устранение причиненного вреда;

2) совершение преступления вследствие стечения тяжелых личных, семейных или иных обстоятельств;

3) совершение преступления под влиянием угрозы или принуждения либо в силу материальной, служебной или иной зависимости;

4) совершение преступления под влиянием сильного душевного волнения, вызванного неправомерными действиями потерпевшего;

5) совершение преступления при защите от противоправного посягательства, хотя и с превышением пределов необходимой обороны;

6) совершение преступления несовершеннолетним;

7) совершение преступления женщиной в состоянии беременности;

8) чистосердечное раскаяние или явка с повинной.

Из вышеупомянутых обстоятельств, в перечне смягчающих обстоятельств УК РУз не содержится только обстоятельство “о совершении

преступления под влиянием угрозы". Следует отметить, что согласно УК РУз, совершение деяния в результате физического или психического принуждения либо угрозы, является обстоятельством, исключающим ответственность (часть 2 ст. 35 и ст. 41-1), согласно которому не является преступлением причинение вреда правам и охраняемым настоящим Кодексом интересам, нанесенного в результате физического или психического принуждения либо угрозы применения такого принуждения, если вследствие такого принуждения либо угрозы лицо не могло руководить своими действиями (бездействием). А вопрос об уголовной ответственности за причинение вреда правам и охраняемым настоящим Кодексом интересам, нанесенного в результате физического или психического принуждения либо угрозы применения такого принуждения, вследствие которого лицо сохранило возможность руководить своими действиями (бездействием), решается с учетом положений статьи 38 настоящего Кодекса. Необходимо обратить внимание на что, совершение преступления под принуждением или в силу материальной, служебной либо иной зависимости является смягчающим обстоятельством согласно положениям пункта "г" части 1 ст. 55 УК РУз, где речь о "совершении преступления под влиянием угрозы" не идет.

Т.е. если совершение "преступления под угрозой" УК Эстонии причисляет к ряду смягчающих обстоятельств, то УК РУз при соблюдении определенных условий (часть 1 ст. 41-1) к обстоятельствам, исключающим ответственность. Тут также следует чувствовать тонкую грань между "совершением преступления под принуждением", что является смягчающим обстоятельством, и "причинением вреда правам и охраняемым настоящим Кодексом интересам, нанесенного в результате физического или психического принуждения", что является обстоятельством, исключающим преступность деяния только, если вследствие такого принуждения либо угрозы лицо не могло руководить своими действиями (бездействием). Ну а если под принуждением лицо сохранило возможность руководить своими действиями (бездействием), то уголовная ответственность решается с учетом положений статьи 38 УК РУз, регламентирующих институт "крайней необходимости". С нашей точки зрения, законодатель полагает, что, если под принуждением лицо сохранило контроль над своими действиями (бездействиями) и в данном случае произошло превышение пределов, то данное обстоятельство превращается в обстоятельство, смягчающее наказание.

В свою очередь, УК Эстонии не предусматривает ряд смягчающих обстоятельств, предусмотренных УК РУз, таких, как активное способствование раскрытию преступления, совершение преступления при превышении пределов правомерности крайней необходимости, причинение вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние,

оправданного профессионального или хозяйственного риска и совершение преступления под влиянием противоправного или аморального поведения потерпевшего.

Также часть 2 ст. 37 УК Эстонии и часть 2 ст. 55 УК РУз устанавливает аналогичное правило, согласно которому при назначении наказания суд может учитывать также смягчающие обстоятельства, не указанные в настоящей статье.

В-четвертых, ст. 39 УК Эстонии устанавливает правила "назначения более мягкого наказания, что предусмотрено Особенной частью настоящего Кодекса", согласно которым суд, учитывая исключительные обстоятельства, существенно смягчающие тяжесть совершенного преступления, а также личность виновного и признавая необходимым назначить ему наказание ниже низшего предела, предусмотренного Особенной частью настоящего Кодекса за данное преступление, а перейти к наказанию другого вида, может допустить такое смягчение с указанием его мотивов. Аналогичное правило устанавливает и ст. 57 УК РУз, использовав раздельно термины "исключительные случаи" и "обстоятельства, существенно снижающие степень общественной опасности преступления". УК Эстонии в данном плане использует объединяющий термин "исключительные обстоятельства, существенно смягчающие тяжесть совершенного преступления". Вышеупомянутые термины обладают схожим содержанием.

В-пятых, УК Эстонии не содержит отдельных правил смягчения наказания, установленных УК РУз, таких, как назначение наказания при деятельном раскаянии виновного в содеянном (ст. 57-1) и назначение наказания по преступлениям, по которым заключено соглашение о признании вины (ст. 57-2).

В-шестых, часть 1 ст. 49 УК Эстонии гласит, что амнистия и помилование могут служить основанием как для освобождения от наказания, так и смягчения наказания. По УК РУз, если акт амнистии может служить основанием как освобождения от ответственности (ст. 68), так и освобождения от наказания либо замены неотбытой части наказания более мягким наказанием (ст. 76), то акт помилования может служить основанием освобождения от наказания или замены неотбытой части наказания более мягким наказанием (ст. 76).

В-седьмых, УК Эстонии содержит правила "условно-досрочного освобождения от наказания и замены наказания более мягким видом наказания" (ст. 55), также основания неприменения правил, установленных в ст. 55 УК (ст. 55-1) в отношении совершеннолетних, а также правила "условно-досрочного освобождения от наказания и замена наказания более мягким видом наказания в отношении несовершеннолетних".

А ст. 74 УК РУз содержит более регламентированные правила замены наказания более мягким, согласно которым к лицам, осужденным к лише-

нию свободы, ограничению свободы или исправительным работам, неотбытая часть наказания может быть судом заменена более мягким наказанием.

Если УК Эстонии устанавливает альтернативу в виде применения либо условно-досрочного освобождения либо замены неотбытой части наказания более мягким видом наказания (ст.ст. 55, 55-1, 56), то УК РУз устанавливает единые правила замены наказания более мягким (ст. 74), рассматривая правила “условно-досрочного освобождения от отбывания наказания” в отдельном порядке (ст. 73).

В-восьмых, УК Эстонии устанавливает следующие состояния и обстоятельства, исключающие ответственность:

1) невменяемость (ст. 11);

2) необходимая оборона, при условии недопущения превышения пределов необходимой обороны (ст. 13);

3) деяния, направленные на задержание преступника (ст. 13-1);

4) имитация преступлений (ст. 13-2);

5) крайняя необходимость (ст. 14);

6) добровольный отказ от преступления (ст. 16).

Законодательной новеллой является ст. 13-2 УК Эстонии, которая исключает уголовную ответственность за имитацию преступления [4], согласно которой, не является преступлением действие, хотя и подпадающее под признаки деяния, предусмотренного настоящим Кодексом, но направленное на выявление преступления или личности преступника и совершенное лицом, уполномоченным компетентным государственным органом имитировать преступление (ст. 13-2). Хотя УК РУз и не содержит аналогичный институт, но устанавливает, что не является необходимой обороной умышленная провокация посягательства с целью нанесения вреда (часть 4 ст. 37). Если в УК Эстонии речь идет о санкционированной провокации, то УК РУз регламентирует самовольную и не санкционированную провокацию. Считаем целесообразным рассмотреть имплементацию в УК РУз института “имитации преступления” как обстоятельства исключающего преступность деяния.

Согласно УК РУз, если невменяемость также исключает ответственность (часть 2 ст. 18), то ограниченная вменяемость не является основанием для исключения ответственности (ст. 18-1).

Если по УК Эстонии, крайняя необходимость исключает ответственность и не содержит понятия “превышения пределов крайней необходимости”, то по УК РУз если сама крайняя необходимость исключает преступность деяния (часть 1 ст. 38), то превышение ее пределов смягчает наказание (пункт “е” части 1 ст. 55).

По УК РУз, добровольный отказ от преступления также является обстоятельством, исключающим преступность деяния (ст. 26, часть 5 ст. 30).

Также УК Эстонии не упоминает ряд обстоятельств, исключающих ответственность, указанных в УК РУз, такие как малозначительность деяния, исполнение приказа или иной обязанности, оправданный профессиональный или хозяйственный риск.

В-девятых, ст. 15 УК Эстонии определяет порядок привлечения к ответственности за приготовление к преступлению и за покушение. Наказание за приготовление и покушение назначается по статье настоящего Кодекса, предусматривающей ответственность за данное преступление. При назначении наказания суд учитывает личность виновного, тяжесть и характер совершенного преступления, степень осуществления преступного намерения и причины, в силу которых преступление не было доведено до конца (часть 3 ст. 15). В данном случае законодатель косвенно допускает смягчение наказания за неоконченное преступление.

А вот УК РУз устанавливает более развернутые правила смягчения наказания при неоконченном преступлении. При назначении наказания за неоконченное преступление суд, руководствуясь общими началами назначения наказания, учитывает также тяжесть преступления, степень осуществления преступного намерения и причины, в силу которых преступление не было окончено. Срок или размер наказания за приготовление к преступлению и покушение на преступление не может превышать трех четвертей максимального наказания, предусмотренного соответствующей статьей Особенной части настоящего Кодекса. Данное правило не применяется при назначении наказаний:

а) к особо опасным рецидивистам, членам организованной группы или преступного сообщества;

б) за неоконченные преступления против мира и безопасности, а также преступления, связанные с:

умышленным убийством при отягчающих обстоятельствах;

изнасилованием или насильственным удовлетворением половой потребности в противоестественной форме в отношении потерпевшего, заведомо для виновного не достигшего четырнадцати лет;

контрабандой ядерного, химического, биологического и других видов оружия массового уничтожения, материалов и оборудования, радиоактивных материалов, которые заведомо могут быть использованы при его создании.

За неоконченное преступление не может быть назначено наказание в виде пожизненного лишения свободы (части 1-3 ст. 58 УК).

В-десятых, при определении правил назначения наказания за соучастие в преступлении, УК Эстонии и УК РУз устанавливают вполне аналогичные положения. Так, согласно части 7 ст. 17 УК Эстонии, степень и характер участия каждого из соучастников должны быть учтены судом при назначении наказания.

А по УК РУз, при назначении наказания за преступление, совершенное в соучастии, суд учитывает характер и степень участия в нем каждого из виновных. Смягчающие и отягчающие обстоятельства, относящиеся к личности отдельного соучастника, учитываются судом только при назначении наказания этому соучастнику (часть 4 ст. 58).

В-одиннадцатых, касательно применения института “условно-досрочного освобождения от наказания”, в отличие от положений УК РУз (ст. 73), УК Эстонии устанавливает некоторые случаи именно смягчения положения, т.е. обязанностей осужденного. Так, если суд на основании донесения надзирающего лица придет к выводу о том, что осужденный своим примерным поведением и исполнением возложенных судом обязанностей доказал свое исправление, он может постановить о смягчении или отмене обязанностей, возложенных на осужденного на время испытательного срока (часть 8 ст. 56-1).

Следует отметить, что, с одной стороны, ввиду нахождения под общесоветским влиянием в течение долгого времени, УК Эстонии и УК РУз имеют во многом схожее строение. А с другой стороны, УК Эстонии является более продвинутым ввиду установления уголовной ответственности юридических лиц, наличия специальной конфискации (ст.ст. 33 и 33-1) и т.п. Считаем, что связано с тем, что, являясь членом Европейского союза с 1 мая 2004 года, УК Эстонии больше привержен к интеграции с европейскими странами, обладающими наибольшим опытом развития уголовного законодательства, нежели страны-участники Союза независимых государств.

Считаем, что в сфере смягчения наказания УК РУз устроен более обстоятельно и законодателю Эстонии есть что перенять из опыта применения УК РУз.

Также, по итогам проведенного анализа УК Эстонии, предлагаем внесение следующих дополнений в Уголовный кодекс Республики Узбекистан, а точнее включение в перечень обстоятельств, исключающих преступность следующее новое обстоятельство:

“Статья 41-2. Имитация преступления

Не является преступлением действие, хотя и подпадающее под признаки деяния, предусмотренного настоящим Кодексом, но направленное на выявление преступления или личности преступника и совершенное лицом, уполномоченным компетентным государственным органом имитировать преступление”.

Следует отметить, что здесь речь идет о санкционированной со стороны суда либо правоохранительных органов имитации преступления, а не о самовольной либо умышленной провокации преступления. Что, в свою очередь, потребует внесения соответствующих изменений и дополнений в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан.

Считаем, что данное дополнение будет способствовать повышению эффективности оперативно-розыскной деятельности.

Литература

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года №ПП-3723 “О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства” / https://lex.uz/docs/3734183

2. Уголовный кодекс Эстонской Республики / Научный ред. и перевод с эстонского В.В.Запевалова, вступ. статья к.ю.н., доц. СПбГУ Н.И.Мацнева. – СПб.: Изд-во “Юридический центр Пресс”, 2001 – 262 с.

3. Уголовный кодекс Эстонии по состоянию на 06.12.2019 г./ https://constitutions.ru/?p=24972

4. Уголовный кодекс Эстонской Республики / Вступительная статья к.ю.н., доц. СПбГУ Н.И.Мацнева. – СПб.: Изд-во “Юридический центр Пресс”, 2001. – С. 7-34.

5. Уголовный кодекс Республики Узбекистан / https://lex.uz/docs/111457

6. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 07.02.2017 г. “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” / https://lex.uz/docs/3107042

7. Penal Code of Estonia as of 01.07.2019 / https://www.legislationline.org/download/id/8244/file/Estonia_CC_am2019_en.pdf

Қ. М. Каримқулов,
Божхона институти кафедра бошлиғи,
божхона хизмати полковниги



БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ УЧУН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ўзбекистон Республикасида ҳар соҳада бўлгани каби божхона тизимида ҳам тизимли ислоҳотлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Божхона амалиётига замонавий ахборот технологиялар, масофавий электрон декларациялаш, “Ягона дарча”, “Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими” дастурлари ва 30 та интерактив хизматларнинг жорий этилганлиги натижасида ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) қатнашчиларига ва кичик бизнесни ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда [1,2].

Божхона органлари учун малакали кадрлар тайёрлаш, божхона хизматини ҳам жаҳон андозалари талаблари даражасига етказиш, ТИФ қатнашчиларига намунали хизмат кўрсатиш, божхона процедуралари ва расмийлаштируви механизмини соддалаштириш, тизимга профессионал кадрлар тайёрлаш борасида ҳам бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва малакасини ошириш жуда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Давлат божхона қўмитаси ходим-

ларининг малака ошириш курсларида Масофавий таълим дастурини (МТД) амалиётга жорий этиш механизми яратилди. Таҳлилий маълумотларга кўра, бу лойиҳани амалиётга татбиқ этилиши натижасида бир вақтда деярли барча божхона ходимларини босқичма-босқич малакасини ошириш имконияти яратилади.

Ўқув материаллари ва ўқув дастурисиз ходимларнинг касбий малакасини ошириб бўлмайди. Шу сабабли МТДни амалиётга татбиқ этиш учун ҳам ўқув материаллари, замонавий педагогик технологиялар ва воситалардан унумли фойдаланиш талаб этилади. Бунинг учун босқичма-босқич қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур. Хусусан, барча тоифадаги божхона ходимларининг дастлабки билим даражасини аниқлаш; билим даражаси асосида гуруҳларга бўлиб чиқиш; гуруҳлар учун замонавий ўқув дастурлари яратиш; дастурлар асосида услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш; масофавий таълим дастури асосида ҳар бир гуруҳ тингловчилари билан бевосита дарс машғулотларини ўтказиш; натижаларни таҳлил этиш, тест натижаларининг мониторингини ўтказиш; мониторинг натижалари асосида ўқув дастурларини такомиллаштириб бориш даркор. Натижада *биринчидан,* божхона ходимларининг ўқитиш учун маблағ иқтисод қилинади, *иккинчидан,* МТД асосида ҳар бир ходим аввал дастур билан танишиб, дастлабки биринчи босқичидан ўтиб, аниқ янги ишлаб чиқилган услубий дастур бўйича ҳар йили малака ошириш курсларида таълим олади ва профессионал маҳоратини оширади. Касбий маҳоратини МТД асосида узлуксиз давом эттириш имконияти яратилди.

Замонавий педагогик технологиялар. Технология сўзи фанга 1872 йилда кириб келди. У юнонча “*техос*” – ҳунар, маҳорат ва “*логос*” – таълимот ёки фан деган маънони беради. Қисқача “маҳорат ҳақидаги фан” маъносини англатади. Бугунги кунда айрим кишилар педагогик технология – бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ЎТВ, компьютер, масофали ўқиш ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб ўйлашади. Бу тўғри эмас. Педагогик технологиянинг энг асосий негизи – бу ўқитувчи-тренер ва талаба-ўқувчиларнинг бегиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқ. “Педагогик технология” ибораси биринчи марта 1970 йилда япон олими Т.Сакамотэ томонидан киритилган. Педагогик технологияларнинг йўналишлари кўп. Масалан, замонавий педагогик-технологиялар назарий жиҳатдан қуйидагилар ҳисобланади: дарснинг технологик харитаси, интерфаоллик воситалари, интерфаол дарс ишланмасининг схемаси, кичик гуруҳларда ишлаш хонаси, комплектлаш усули, интерфаол технологиялардан намуналар, ақлий ҳужум, бумеранг технологияси ва уни ўтказиш босқичлари, мулоқот тренинги ва уни ўтказиш босқичлари, ФСМУ технологияси ва уни ўтказиш босқичлари, блиц-сўров технологияси, блиц-ўйин технологияси ва ҳоказо.

Божхона институти курсантлари назарий олган билимларини амалиёт билан боғлаш мақсадида *“Амалий таълим тизими”*ни жорий этилди. Бунда анъанавий шаклдаги ўқиш жараёнида курсантлар ДБҚнинг Тошкент шаҳри атрофидаги иш ҳажми катта бўлган чегара ва ТИФ божхона постларига ўқитувчилар раҳбарлигида амалий машғулотларга олиб чиқилади. Шунингдек, ўқитувчилар томонидан режа-график асосида бевосита ҳудудий божхона бошқармалари ва божхона постларига чиққан ҳолда сайёр ўқув машғулотлари ўтказилади. Бевосита амалиётчи мутахассислар иштирокида Божхона институтида практикум машғулотлари ташкил этилади.

Бу тизимнинг самараси шундан иборатки, психология қонунларига асосан, инсон назарий маълумотларни маъруза орқали эшитиш, презентация орқали танишишдан кўра, амалий ўзи бажарганда, ўзи бевосита иштирок этганда назарий билимлар 90% хотирада сақланиб қолинади ва мукаммал кўникма шаклланади. Бунга “Э.Дейлнинг таълим конуси”ни мисол қилиб келтириш мумкин. Э.Дейл таълим конуси (пирамидаси) турли таълим усулларининг самарадорлиги диаграммаси ҳисобланади. Унга АҚШнинг Огаё штати университети профессори Эдгар Дейл томонидан асос солинган эди. Яъни юқоридаги “Э.Дейлнинг таълим конуси”дан (пирамида) кўриниб турибдики, ахборотнинг турли усулларда тингловчиларга етказилиши билимларни ўзлаштиришнинг самарадорлик даражаси ҳар хиллигини кўрсатмоқда. Бунда қуйидаги замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиб, улар қуйидагилардан иборат:

Маъруза – ушбу усул орқали тингловчиларга етказилган билимларнинг эслаб қолиниши 5%ни, яъни энг кам ўзлаштириш даражасини кўрсатмоқда. Сабаб шундаки, бу жараёнда инсон сезги органлари кам даражада иштирок этади ва инсон диққати маъруза мазмунидан бошқа нарсаларга чалғиб кетиш имконияти катта бўлади.

Ўқиш – бу тур билим олиш энг кенг тарқалган бўлиб, эксперимент шуни кўрсатмоқдаки, одамлар ўқиганларининг фақат 10%ни эслаб қолмоқда. Сабаб шундаки, сезги органларининг иштироки кам даражада ва узоқ вақт давомида диққатни жамлаб туриш қийин бўлади.

Тинглаш (аудиовизуализация) – инсон тинглаганда, ўқигандан кўра кўпроқ яъни 20% эслаб қолмоқда. Бундан кўриниб турибдики, тингловчиларга етказилаётган ахборотларни ўзлаштиришда эшитиш органларининг имконияти ва диққатни жамлаш юқорироқ ҳисобланади.

Тақдимот (презентация) – маъруза ёки бошқа ҳар қандай оғзаки ахборотни тақдимот-слайдлар, диаграммалар ёки руҳий хариталар билан бирга олиб борилса яхши эсда қолади. Яъни тажриба таҳлилига кўра, намойиш этиш орқали 30% маълумот хотирада сақланиб қолмоқда. Иложи бўлса матнни тасвир ёки диаграмма билан алмаштириб маъруза қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, видеолавҳа маъруза ўрнига ходимлар-

га видеоклипни кўрсатиш, матн ёки оғзаки маърузадан кўра яхшироқ қабул қилинади ва ўзлаштирилади. Албатта, бу маърузанинг оддий видеоёзуви бўлмаслиги керак, видеороликда ҳаракатлар намойиш этилиши керак. Шарҳли намойиш қилиш (тақдимот) – бунда реал ҳаётий вазиятлар, макетлар, амалий моделлар намойиш қилинган ҳолда мавзуни тушунтириш олиб борилса, тингловчилар бир вақтнинг ўзида ҳам кўриш ҳам эшитиш сезгиларидан фойдаланиш орқали маълумотларни узоқ вақт эслаб қолишади.

Гуруҳли муҳокама – таълимнинг янада самаралироқ фаол шаклларидан биридир. Инсон ўзига айтилганидан кўра ўзи фикр билдириб, айтганини узоқроқ эслаб қолади. Шу боис, ходимларини самарали ўқитишда уларнинг олдига муаммоли вазиятни қўйиб, муҳокама ташкил этилса, ҳар бир иштирокчи муаммони ҳал этиш бўйича ўз фикрини билдириш орқали билимлар узоқ муддат сақланиб қолишига эришилади. Яъни эксперимент таҳлилидан маълумки, гуруҳли муҳокама орқали билимларни тингловчиларга етказиш 50% даражада маълумотларни уларнинг хотирасида сақланиб қолишига эришилади.

Аниқ ҳаракатни бажариш – энг самарали таълим бериш йўли ҳисобланади. Бирор нарса қилишни ўрганиш учун ўша ҳаракатни амалга ошириш, яъни бажариш керак. Ҳеч қандай маъруза, амалий иш, видео ёки саҳна ҳақиқий фаолиятга тақкосланмайди. Бироқ шуни ёдда тутиш керакки, реал фаолият ўқитишнинг бошқа шаклларини инкор қилмайди (алмаштирмайди). Аниқ ҳаракатни бажаришдан олдин у ҳақда умумий тасаввур, яъни назарий билим бўлиши керак. Эксперимент таҳлилидан маълумки, бирор бир билимни янада самаралироқ ўзлаштириш учун уни амалда бажариш зарур, чунки бажариш орқали 75% даражада ахборотни ўзлаштириш ва узоқ муддат хотирада сақлаб қолиш имкониятига эришилади.

Билимларни бевосита қўллаган ҳолда ўқитиш – бу таълим бериш усули амалий тажрибалар ўтказиш, назария билан бир вақтнинг ўзида амалий ишларни бажариб боришни ўз ичига олади. Масалан, маълум бир норматив ҳужжатда белгиланган тартибларни ундан ўқиб, бир вақтнинг ўзида тартибларни амалда бажариб бориш мумкин. Эксперимент таҳлилидан маълумки, бу ўқитиш услуби орқали 90% даражада билимларни хотирада узоқ вақт сақлаб қолиш мумкин.

Билим олиш жараёни ходимнинг ўз устида мунтазам равишда ишлашини таъминлаш мақсадида божхона органларида узлуксиз таълим тизими жорий этилган. Техникум, бакалавриат (3+1 шаклда), магистратура (1 йиллик), Олий таълимдан кейинги таълим Докторантура (янги ташкил этилди). Шунингдек, тингловчилар ва профессор-ўқитувчиларнинг электрон портфолиоси ишлаб чиқилди.

Тингловчиларни фанни ўзлаштиришида мустақил таълим ва мустақил топшириқлар муҳим ўрин тутади. Мустақил ишни бажаришдан асосий

мақсад – профессор-ўқитувчиларнинг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида талабаларни семестр давомида фанларни узлуксиз ўрганишини ташкил этиши, олинган билим, кўникмаларини чуқур ўрганиб мустаҳкамлаш, келгусидаги дарсларга тайёргарлик кўриш, ақлий меҳнат маданияти, янги билимларни мустақил равишда излаб топиш ва қабул қилиш кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш лозим. Мустақил ишга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар магистратура талабаларининг мустақил ишини ташкил этиш бўйича кафедрада ишлаб чиқилган ва мунтазам янгиланиб борадиган услубий қўлланмаларда кенг ёритилган. Мустақил таълим – профессор-ўқитувчилар томонидан аудиторияда талабаларга етказиладиган мавзулардан ташқари ўқув фанининг мазмунига кирувчи ва алоқадор мавзулар, масалалар, ахборотларни мустақил ўрганиш ва ўзлаштиришга қаратилган муҳим таълим жараёнидир. Талаба мустақил таълимининг асосий мақсади – аудиториядан ташқари вақтда ўқитувчининг бевосита ва билвосита раҳбарлиги ҳамда назоратида муайян уқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборатдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таълим-тарбияда аниқ мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган ижобий натижага эришиш учун ҳам ўқитувчи, ҳам курсантнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар олдига қўйган аниқ мақсад, танланган мазмун, метод, шакл, воситалар, яъни педагогик технологияларга ҳам боғлиқ деган хулосага келиш мумкин. Ўқитувчи ва курсантнинг мақсадли натижага эришишида қандай технологияларни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган. Курсантнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитига қараб ишлатиладиган технологиялардан бири танланади. Масалан: натижага эришиш учун баъзан интернет маълумотлари билан ишлаш зарур бўлар, балки видеофильмлар, тарқатма материаллар, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, замонавий ахборот технологиялари керак бўлар, буларни ҳаммаси – ўқитувчининг касбий маҳорати ва қобилиятига шунингдек таълим олувчиларга, курсантларга ҳам боғликдир. Ўқитувчи ёки тьютор (маслаҳатчи)нинг қобилиятига боғлиқ.

Божхона ишини жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган, профессионал божхона ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими яратилди. Ушбу олиб борилаётган барча тизимли ислоҳотлар, божхона тизими учун замонавий тафаккур, психологик тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларга эга, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, хорижий тилларни чуқур ўрганган, зиммасига юклатилган вазифаларни адо этишга тўлақонли қодир бўлган, бурчига содиқ кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017. – Б. 485.

2. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., 2017. – Б. 215.

3. Илғор педагогик технология нима ва уни қандай қилиб ўқув жараёнида қўллаш мумкин //Ma'rifat nuri газетаси. – 2007. – 20 сент.

4. *Имомов Х.Х.* Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш фани бўйича таълим технологияси. – Т., 2016. – Б. 220.

5. *Ишмуҳамедов Р.Ж.* Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т., 2016. – Б. 330.

6. *Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А.* Педагогик технология асослари. – Т., 2015. – Б.340.

З. Қ. Жаббаров
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси



ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ – ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси – жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришни назарда тутади. Чунончи, сиёсий тизимни модернизация қилиш, чуқур маъмурий ислоҳотлар ўтказиш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилиши лозим бўлган тезкор ва тизимли чора-тадбирлардан бири саналади. Мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси асосида Президентимизнинг 3200 дан ортиқ фармон ва қарорлари ҳамда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, илмий-техника, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларни ривожлантириш бўйича кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳозирги кунда жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигини ислоҳ қилиш борасида ишлар жадал олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида биринчи галдаги масала маҳкумлар ҳуқуқ ва манфаатларини адолатли ҳимоя қилишдир. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда 54 та жазони ижро этиш муассасалари мавжуд. Уларнинг 18 таси ёпиқ турдаги колониялар, 25 таси очиқ манзил колониялари, 11 таси эса тергов ҳибсхоналари ҳисобланади. Мазкур муассасаларда 22 мингдан ортиқ маҳкумлар жазони ўтайди. Уларнинг 7 мингдан ортиғи манзил колонияларда, қолган 14 мингдан ортиғи эса ёпиқ турдаги колонияларда жазони ўтайди.

Эътиборлиси шундаки, 2020 йил ҳолатига кўра, АҚШда ҳар юз минг одамдан 639 нафари, Россияда 340 нафари, Туркияда 335 нафари, Беларусда 343 нафари, Ўзбекистонда эса ҳар юз минг одамдан 68 нафари жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган шахслар ҳисобига тўғри келади.

Халқаро стандартлар асосида маҳкумлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни сақлаш ва яшаш шароитларини шаффофлигини таъминлаш мақсадида юртимиздаги жазони ижро этиш муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жумладан, қийноқ, руҳий тазйиқ ўтказиш, шахсни шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳолатларини олдини олиш, уларга чек қўйиш мақсадида барча жазони ижро этиш муассасаларининг яшаш саҳни, ишлаб чиқариш саҳни, тергов ҳибсхоналарининг тергов хоналарида, ташқи маъмурий ҳудудларига 3280 дан ортиқ замонавий видеокузатув мосламалари ўрнатилди.

2020 йилда мамлакатимизда амалга оширилган кен кўламли ислоҳотлар натижасида судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. Шунингдек улар пробация назоратига олинди.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ҳуқуқларини янада кенгроқ таъминлаш мақсадида, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш масаласига алоҳида тўхталиб, “кейинги йилларда халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колониялари босқичма-босқич қисқартирилишини, шунингдек, бундан буён биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо енгилроғи билан алмаштирилса, у манзил-колонияга ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробация назоратига олиниши” ни маълум қилди [1].

Маълумки, манзил колонияларида биринчи маротаба ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этилган шахслар, шунингдек рағбатлантириш тариқасида умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан ўтказилган маҳкумлар жазони ўтайди. Маҳкумлар соқчи назорати остида юради, фуқаролар киядиган кийим-бош кияди. Пул сақлашлари ва ундан чекланмаган миқдорда фойдаланишлари, ёзишма ва телефон сўзлашувлари чекланмаган. Муассаса маъмуриятининг қарори билан муассаса ташқарисида оиласи билан яшаш ҳуқуқига эгадир. Маҳкумлар манзил колониясидан ташқарида жойлашган корхона, муассаса ёки ташкилотларда ишлашлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йилнинг 12 февраль куни Ички ишлар вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида иштирок этиб, жорий йилда 6 та манзил колонияси ўз фаолиятини тугатилиши назарда тутилаётганлигини маълум қилган.

Шуни ҳам қайд этишимиз керакки, халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган Нельсон Манделла қоидаларида “Маҳкумни жамиятга қайтариш. Зарур бўлса маҳкумнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда озод қилиб, уларга синов муддатини белгилаб, уларга самарали ижтимоий ёрдам кўрсатадиган, маҳкумларни жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам берадиган марказлаштирилган ва мувофиқлаштирилган ташкилот мавжуд бўлиши зарурлиги” қайд этилган [2].

Манзил-колонияларини босқичма-босқич қисқартириб, маҳкумларни озодликка чиқариш хусусида сўз борганида, тарихий тажрибамиз шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунига мувофиқ, республика бўйича жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган 56 мингдан ортиқ маҳкумларнинг 15 мингга яқини озодликка чиқарилган. Ушбу ислоҳотлар натижасида рецидив жиноятчилик сони ошиб кетгани йўқ, аксинча жиноятчиликнинг ҳолати барқарор сақланиб қолган. Ҳозирги кунда манзил колонияларида жазони ўтаётган 6 мингдан ортиқ маҳкумларнинг оиласи бағрига чиқарилиши, уларни маҳалласи, умуман жамоа ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамланишига хизмат қилади. Шунингдек, маҳкумнинг давлатга нисбатан ишончи ортади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда манзил колонияларини қисқартириш ва пробация фаолиятини такомиллаштиришда манзил-колонияларининг қисқартирилиши натижасида ҳозирда жазо ўтаётган 6 минг нафар шахс ўз маҳалласи ва оиласи бағрига қайтарилади. Бу эса, ўз навбатида, Жиноят кодексининг 7-моддасида назарда тутилган “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши лозим” деган инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш имконини беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари”, яъни, 106-Манделла қоидасида “Маҳбус ва унинг оила аъзоси ўртасидаги алоқаларни сақлаш ва мустаҳкамланишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим, улар зарур ва иккала томон манфаатларига хизмат қилиши назарда тутилади, деган устувор қоида бор.

Мамлакатимиз Конституциясида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” деган устувор қоида белгиланган. Шунингдек, қайд этишимиз керакки, ўзбек оилаларида эр ёки аёл озодликдан маҳрум этилса, уларнинг танишлари ёки маҳаллада яшовчи фуқароларда маҳкумнинг бутун оила-аъзоларига

нисбатан салбий қараш уйғонади. Бу эса оиланинг обрўсига катта путур етказади.

Шу боис пробация назорати остидаги шахс кенг жамоатчилик билан мулоқотда бўлиш, ўз фарзандларини ёнида бўлиб, уларни тарбиялаш, уларга меҳрини бериш, ғамхўрлик қилиш имкониятига эга бўлади ва энг асосийси, атроф-муҳит, табиат имкониятларидан фойдаланиши мумкин. Унда сўз, фикр ва эътиқод эркинлиги жамият ривожига мутаносиб ҳолда шаклланиб боради. Яъни, пробация назорати остидаги шахс ўзи истаган ахборотни излаши, олиши ва ундан фойдаланиши орқали жамиятга муносиб ҳолда ривожланади. Шунингдек, шахс ўзи истаган жойда билим олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. *Шу* билан бирга пробация назорати остидаги шахс ўзининг қизиққан касбини танлаши ёки тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланиши мумкин бўлади. Натижада маҳкум оиласини етарлича моддий таъминлаш имкониятига эга бўлади.

Мазкур таҳлиллардан шуни кўришимиз мумкинки, келгусида мамлакатимиз жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ислоҳ қилиш зарурати мавжуд. Жумладан, биринчи маротаба ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан манзил-колонияларида жазони ўташи учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш зарурати йўқ. Сабаби уларнинг аксарияти биринчи маротаба билиб-билмай жиноят содир этган шахслардан иборат бўлиб, уларнинг аксарият қисмига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш орқали ҳам аҳлоқан тузатиш ва тарбиялаш мумкин.

Юқоридаги умумий таҳлилларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 50-моддасининг 7-қисми “а” бандига “ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноятни содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо тайинланмайди” мазмундаги ўзгартириш киритиш зарур. Шунингдек, аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини либераллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 50-моддасининг 8-қисми “а” бандига “ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо тайинланмайди” деган мазмундаги ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур ўзгартиришларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига киритилиши озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муассасаларида инсонпарварлик тамойилини янада кенгроқ жорий этишга, маҳкумлар ҳуқуқ ва эркинликларини тўлароқ ҳимоя қилишга, коррупция

омилларини олдини олишга, асосийси жамиятда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. –30 дек.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари”. www.penalreform.org/keep-informed.

Д. А. Юсубов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИ

Инсоннинг маданияти унинг тилида, хатта-ҳаракати, хулқида, нутқида бевосита намоён бўлади. Тил инсоннинг кучли муомала қуроли ҳисобланади. Ички ишлар органлари ходимларининг ўз вазифалари бажариш, олдига қўйган мақсадларига эришишда тил, нутқ маданияти ўзига хос аҳамиятга эга.

Нутқ маданияти даставвал тил билан боғлиқ. Нутқ маданияти гапираётган инсоннинг тил, грамматика қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишидир. Нутқ тўғри ёки нотўғри, чин ёки ёлғон, гўзал ёки хунук бўлиши мумкин. Нутқ қатъий равишда грамматик қонун-қоидаларига мувофиқ амалга оширилса, тўғри нутқ ҳисобланади, аксинча, уларни бузса нотўғри бўлади. Мутахассисларнинг таъкидлашига, гўзал гапириш учун нутқ предметини яхши билиб олиш, ижобий ва салбий хусусиятларини аниқлаш, она тилини чуқур ўзлаштириш талаб қилинади. Нутқ маданияти бу уни ташкил қилувчи кўпгина элементлар – талаффуз, дикция, сўзлар захираси, мантиқий таркиб, қўл, юз ҳаракат (жест, мимика) лари мажмуасидир. Яхши нутққа эга бўлган ички ишлар органлари ходимлари одамларни ўзига жалб қила олади.

Нутқ – бу фикрнинг ифодаланиши. Нутқ — тилнинг фикр ифодалаш ва алмашиш жараёнларида амал қилиши, тилнинг алоҳида ижтимоий фаолият тури сифатидаги муайян яшаш шакли [1]. Нутқ маданияти – бу ходимнинг фикрлаш маданияти ва унинг ривожланиш даражаси тавсифи ҳамда ахлоқий барқарорлигининг яққол далилидир. Ички ишлар орган-

лари ходими яхши гапириши учун тўғри фикрлаши керак. Сўздаги, гапдаги чалкашлик – бу фикрлашдаги чалкашлик, ноаниқликдир. Бу, албатта, ходимнинг обрўсига ва амалга ошираётган хизматининг самарасига салбий таъсир кўрсатади.

Нутқ маданияти – бу ходимнинг ўз фикрларини тил воситасида тўғри, аниқ ва ифодали етказиш маҳоратининг юқори даражасидир. Ички ишлар органлари ходимлари ўз фикрларини тушунарли, ўринли ва ҳолатга мос келувчи воситалардан фойдаланиб баён қилишидир. Нутқ маданияти ички ишлар органлари ходимларидан нутқнинг аниқлиги, равшанлиги, тушунарлилиги, тилнинг софлигига қатъий риоя қилиши, мазмундорлиги, мантиқийлиги, далилланганлиги, ишонарлилигини талаб этади.

Нотиқлик санъати билан шуғулланувчи кўпчилик назариётчилар нутқ маданиятининг қуйидаги хусусиятларини эътироф этадилар.

Уларнинг фикрича, нутқ маданияти:

- *биринчидан,* инсон умумий маданиятининг бир қисмидир, зотан маданиятсиз одамда нутқ маданияти ҳам бўлмайди;

- *иккинчидан,* у нотиқ ўзидаги илм ва билимни гўзаллик қонунларига асосан бошқаларга етказиш усулидир;

- *учинчидан,* объектнинг субъектга, нотиқнинг тингловчига етказадиган ахборотларни, маълумотларни дилдан чиқариб, мўътадил маъром, севинч, ҳаяжон, куюниш, ачиниш, афсусланиш каби хилма-хил ҳолатларда тингловчиларга етказиш жараёнидир.

Нутқ маданияти муайян мавзуни содда, тушунарли, равон тилда, шу билан бирга муайян ҳиссий ҳолатлар воситасида суҳбатдошга етказишдир.

Бу жараёнда нутқ билан боғлиқ равишда илмий, грамматик, лексик, ҳиссий ва ҳоказо кўплаб сўз ҳамда қоидаларни ўз ўрнида ва ўз мазмунида мунтазам ҳолда ишлатиш зарурдир.

Ички ишлар органлари ходимларида умр бўйи уларни тарк этмайдиган бир эҳтиёж бор – бу мулоқотдир. Ички ишлар органлари ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида ўзаро ва фуқаролар билан мулоқотга киришади. Мулоқот инсоннинг, ходимнинг иккинчи табиати, борлиғидир. Мулоқотнинг турлари кўп. Уларга сўз (оғзаки), нигоҳ (кўриш), ушлаш (вужудий), хат-мактуб (ёзма) орқали, хаёлан (телепатия) ва бошқаларни киритиш мумкин. Мулоқотлар ичида кенг тарқалгани ва энг таъсирчани сўз орқали, оғзаки мулоқотдир. Сўз ички ишлар органлари ходими нутқ маданиятининг ўзаги (хом ашёси) ҳисобланади. Инсонларни, шу жумладан ички ишлар органлари ходимларини ҳам сўзнинг кўплиги эмас, камлиги безовта қилади. Америкалик мутафаккирлар Алан Пиз ва Барбара Пизнинг айтишича, аёллар бир кунда мулоқот жараёнида 20-21 мингта сўз ишлатар экан. Эркаклар улардан уч марта кам гапиради. Демак, ўртача одам (аёллар ва эркакларни қўшиб ҳисоблаганда) бир кунда мулоқот жараёнида ўз фикрларини баён қилиш учун 13,5-14 мингта

сўздан бир кунда мулоқот жараёнида фойдаланар экан. Энг кўп гапирадигани 3-4 ёшли гўдаклардир.

Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат хусусияти улардан нутқ маданиятини ўзларида яхши шакллантиришни, сўздан самарали фойдаланишни тақозо қилади. Сўз ходимнинг қандай одам эканлигини ўзида акс эттирувчи ёрқин мезондир. Сўзга қараб ходимнинг қандай одам эканлигини пайқаш, билиб олиш мумкин. Ички ишлар органи ходимининг сўзи уни маъно-мазмунининг акси-садоси. Сўз шу қадар қудратли кучга эгаки, унинг воситасида ҳатто ўлимга ҳам даъво топиш мумкин.

Бундан мақсад юқорида айтганимиздек, сўзнинг ғоятда кучли қудрат соҳиби эканлигини тан олишдир, ҳамда ундан унумли фойдаланишдир. Шу сабабли ички ишлар органлари ходимлари оғиздан чиқадиган сўзларига эҳтиёт бўлиши, имкон қадар ижобий, эзгулик сўзларини ишлатишга интилиши лозим. Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан муомила жараёнида ҳар бир оғзидан чиқаётган сўзга жуда эҳтиёткор бўлиши, ўйлаб ишлатиши керак. Ички ишлар органлари ходимлари айтиладиган сўзга ўта масъулият нуқтаи назаридан ёндашиши, ҳатто шаклланадиган сўз ҳақидаги фикрнинг мусаффолигига, инсоний мазмунига эътибор қаратиши керак. Кўриниб турибдики, сўзга қайси нуқтаи назардан ёндашмайлик, у ички ишлар органлари ходимлари нутқ маданиятида, ҳатто оддий мулоқот жараёнларида ҳам асосий хом ашё бўлиб ҳисобланади. Фақат бу хом ашё ички ишлар органлари ходимлари томонидан обдан ишланиши, сайқалланиши ва ўз ўрнида ишлатилиши лозим. Шунда у фақатгина хом ашё эмас, сеҳрли, бир қудратли кучга айланиб фуқаролар диққатини ўзига ром қила олади.

Ички ишлар органлари ходимлари муомала жараёнида оҳангга жиддий қарамоғи лозим. Чунки оҳанг орқали кўп нарсага эришиш ёки кўп нарсани йўқотиш мумкин. “Гап сўзда эмас, оҳангда, қайси сўзнинг қандай талаффуз этилишида”[2], дейди рус олими В.Г.Белинский. Ходим нутқининг ёқимли, ёқимсизлиги, ўринли, ўринсизлиги, ходим томонидан фуқарони ўзига ром этиши ёки уни бездириши оҳангга боғлиқ жараёндир.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб борар экан, фикр-мулоҳазаларини қисқа, лўнда, тушунарли қилиб ифодалаши керак. Нутқ жараёнида имо-ишора, қўл ҳаракатлари, тўхтам (пауза)лардан ўринли фойдаланиши лозим. Айтиш мумкинки, юқоридаги фикрлар Ички ишлар органларида хизмат қилаётган барча ходимларга тааллуқлидир. Лекин озодликдан маҳрум қилинганлар билан ишлаш улардан янада масъулиятни оширишни талаб қилади. Чунки улар оммадан ажралиб ўзига нисбатан жуда юқори нутқ маданияти билан муомала қилишни талаб қилишади. Уларнинг баъзилари мутахассисликка (юриспруденция) оид тилни ҳам бироз ўзлаштириб олишади. Бу эса ички ишлар органлари ходимларидан мутахассисликка оид тилни, юридик атамаларни чуқурроқ ўзлаштиришни талаб қилади.

Нутқ маданияти ички ишлар органлари ходимлардан юридик атамалардан тўғри, унумли, тушунарли фойдаланишга, юристга хос фазилатларни эгаллашга қаратилган бўлишини талаб қилади. Ходим ҳар бир юридик атамани маъносини билиб ишлатиши лозим. Маъносини англамаган атамаларни муомила жараёнида ишлатмагани маъқул. Акс холда хижолатли ҳолатга тушади. Кайковус "Қобуснома" асарида бу ҳақда шундай деган: "Агар сўз айтиб, сўзнинг нечук эканини билмасанг қушга ўхшарсанки, унга тўти дерлар, ул доим сўзлар, аммо сўзнинг маъносин билмас. Сухангўй шу киши бўлғайки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлғай ва халқ ҳам сўз деса унга маъқул бўлғай. Бундай кишилар оқиллар қаторига киргай, йўқ эрса ул инсон суратига мавжуд бўлғон бир ҳайвондур. Нутқни жуда яхши ва санъаткорона ўрганиб ол, доимо гапга чечан бўлишга ҳаракат қил. Нутқи ширин кишининг меҳрибон кишилари ҳам кўп бўлади"[3].

Ходимнинг нутқдаги масала ва далилларга ўз муносабатини билдириши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, ички ишлар органлари ходимлари ишончи комил бўлган масалалар бўйича аниқ башоратлар қилиши ва дадил гапириши уларнинг нутқ салоҳиятини оширади. Муомала жараёнида ички ишлар органлари ходимларининг нутқи шундай жаранглаши лозимки, фуқаролар қалбига гўёки ноёб бир малҳам бўлиб кириб бориши керак. Бунинг натижасида фуқаролар ички ишлар органлари ходимларини доно, кўпни кўрган, билимдон, юрагида кири йўқ, олийжаноб инсон деб тан олишдан бошқа иложи қолмаслиги лозим. Хўш, бундай нутққа қандай тайёрланиш керак?

Нутқ жараёнида ходим ўзини эркин ҳис этиши лозим. Уялиш, ийманиш, ётсираш, тортиниш каби ҳолатлар ходим фаолиятига хос бўлмаган ҳодисалардир. Шу билан бирга нутқ давомида ортиқча ҳаракатлар, имо-ишоралардан сақланиш керак.

Нутқ маданиятини яхши эгаллаган ходимлар фаол нутқ билан бирга суст нутқдан, яъни қўл остидагиларнинг фикрини, асосларини тинглай олиши, қабул қила олиши лозим. Ходим фуқаролар билан муомала жараёнида асослаш ва исботлаш, аниқ далиллаш ва ишонтира олиш, танқид қилиш ва рад этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ички ишлар органлари ходимлари нутқ маданиятига сўзсиз амал қилишлари лозим, деб хулоса қилиш мумкин.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси – Т., 2013.– Б. 350.
2. *Воронцов В.В.* Тафаккур гулшани – Т., 1989. – Б. 173.
3. Кайковус. Қобуснома. – Т., 1992. – Б. 31-37.
4. *Ҳаққул И.* Навоийни англаш машаққати // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2005.– №1. – Б.5.
5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг "Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида" ги 2016 йил 30 майдаги 82-сонли буйруғи.

Д. А. Таджибаева,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
олий таълимдан кейинги таълим факультети
таянч докторантура докторанти



ПЕНИТЕНЦИАР ТИЗИМНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қиммати, қонуний манфаатлари ҳурмат қилиниб, инсоннинг эъзозланиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, жиноий жазони ижро этишга оид ҳуқуқ нормалари қонунчиликнинг халқаро меъёр ва стандартларига мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратилиб, 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал кодекслари, 1997 йил Жиноят-ижроия кодекси қабул қилинди. 2001 йил 29 августда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди. Унга кўра, Жиноят кодексининг қатор моддаларида назарда тутилган ўлим жазоси бекор қилинди, 75% жиноят турлари оғир ва ўта оғир турлардан ижтимоий хафви катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар турларига ўтказилди. Шунингдек, содир этилган жиноят натижасида етказилган зарар жиноятчи томонидан тўлиқ қопланган тақдирда, судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни қўллаш амалиёти бекор қилинди [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрда қабул қилинган “Биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган шахсларни жазони ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида”ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасидаги навбатдаги ислоҳот бўлди. Унга кўра, биринчи марта қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этилган шахс жазони манзил колонияларида, ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахс жазони умумий тартибли колонияларда ўташлиги белгиланди [2].

Ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгаришлар маҳкумларнинг жазони ўташ шароитларини яхшилашга имкон берди, маҳкумларни муддатидан олдин озод қилиш мумкин бўлган моддалар кўпайди ва жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни жазони ўташ ва яшаш шароитлари сезиларли даражада яхшиланди.

Сўнгги йилларда Республикамизда жиноят-ижроия тизимини ислоҳ қилишни таъминлаш ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кенг кўламли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистонда демократия уларнинг инсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият экани тўғрисидаги конституциявий принципни таъминлашга қаратилган [3].

Ҳаракатлар Стратегиясининг бешта устувор йўналишлардан бири қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишда иборат.

Ўзбекистон Республикасида жиноят-ижроия тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ва тизимни либераллаштиришдан кўзланган мақсад маҳкумларни ва қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари, қадр-қимматларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, жиноий жазоларни ижро этиш ва ўташ шароитларини халқаро стандартларга жавоб берадиган тизимга айлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, жиноий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди, жумладан:

жиноят-ижроия қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, тизимлаштириш ва уйғунлаштириш;

маҳкумлар ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилиши, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилишини таъминлашни сифат жиҳатидан янги механизмларини жорий этиш;

маҳкумлар онгида қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, меҳнатга, ижтимоий турмуш қоидаларни ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантириш тизимини такомиллаштириш;

умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш;

маҳкумлар, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшларнинг таълим олиши, касбий тайёргарлигини ташкил этиш ҳамда бандлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш;

жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, уларнинг озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослашувида фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорлигини таъминлаш каби янги замонавий талабларга жавоб берадиган тизим шакллантирилди [4].

Юқорида қайд этилган ҳуқуқий ҳужжатнинг мантиқий давоми сифатида жиноят-ижроия тизимини тубдан такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатлари доирасини кенгайтириш, жазони ўташ шароитларини яхшилаш мақсадида сўнгги 5 йилда 3 та қонун, Президентнинг 5 та Фармони, 5 та Қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарори ва фармойишлари ҳамда 14 та бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди [5].

Шунингдек, давлатимиз олиб бораётган инсонпарварлик сиёсатининг ҳамда халқимизга хос эзгулик ва меҳр-оқибат, кечиримлиги каби олийжаноб фазилатларининг амалий тасдиғи сифатида жазо муддатини ўтаётган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни афв этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13 та фармони қабул қилиниб, 4 мингдан ортиқ шахслар жазодан озод қилинди. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга жорий этилди. Ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жазо муддатини ўтаётган шахсларга биринчи марта сайлаш ҳуқуқи берилди.

Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг телефон сўзлашувлари, яқин қариндошлари билан учрашувлар, жўнатмалар олишлари сони кўпайтирилди. Вояга етмаган маҳкумларга ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувларга амалдаги мавжуд чекловлар бекор қилинди. Ҳомиладор аёлларга ва ёш болали аёлларга қўшимча ҳуқуқлар берилди. Маҳкума аёллар учун вояга етмаган фарзандлари билан бир йилда 4 маротаба узоқ муддатли 5 кунгача учрашув олиш ҳуқуқи берилди, манзил муассасасида жазо муддатини ўтаётган маҳкума аёлларга учрашувлар, ишдан бўш вақтларда чекланмаган миқдорда берилиши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди [6].

Қорақалпоғистон Республикаси Жаслық қўрғонида жойлашган жазони ижро этиш колониясининг ёпилиши давлатимизнинг жиноят-ижроия тизимида амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг янада ёрқин ифодаси бўлди [7].

Яна бир муҳим воқелик шу бўлдики, Республика жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкумларнинг жазони ўташи билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва ижобий ҳал этиш мақсадида жазони ижро этиш Департаменти жамоатчилик вакиллари иштирокида сайёр қабуллар ташкил этиши, жазони ижро этиш муассасаларига Олий мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллар (Омбудсман) ва унинг минтақа вакиллари мунтазам ташриф буюриб, маҳкумларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиши ёки муассасаларда жамоатчилик вакилларидан тузилган интизомий комиссиялар, инсонпарварлик комиссияларининг фаолияти, халқаро ва маҳаллий нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг жазони ижро этиш муассасаларига ташрифи, тизим фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлиги таъминлаганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жиноят, жиноят-ижроия қонунчилигини либераллаштириш натижасида республиканинг 43 та жазони ижро этиш муассасаларида бугунги кунда 22,9 минг ёки республика аҳолисининг 100 мингига 67 та маҳкум тўғри келади. Бу кўрсаткич 2019 йилда республикамизда 100 минг аҳолига 150 та маҳкум тўғри келган, тизимда 43,9 минг маҳкум сақланган, Ўзбекистон маҳкумлар сони бўйича 222 давлат орасида 105 ўрини эгаллаган.

Бугунги кунда мамлакатимизда 43 та жазони ижро этиш колониялари (18-ёпиқ турдаги колония, 25 та манзил колониялар) ва 11 та тергов ҳибсхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда, тизим 56,4% тўлдирилган [8].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март кунидаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига асосан жазони ижро этиш бош бошқармаси ИИВ ҳузуридаги “Жазони ижро этиш департаменти” этиб қайта ташкил этилди ва бевосита ички ишлар вазирига бўйсундирилиб, вазир зиммасига ички ишлар органларининг жиноий жазоларни ижро этиш тизимини ривожлантириш ва унда қатъий интизомни таъминлаш юклатилди [9].

Барча тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал бўйсунувидан чиқарилиб, Департамент бўйсунувига ўтказилди. Тергов ҳибсхоналари ва Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Департамент тизимида ташкил этилган 6 та минтақавий мувофиқлаштириш марказлари зиммасига юклатилди. Улар томонидан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилди:

маҳкумларнинг жазоларни ўташ шароитларини яхшилаш, халқаро стандартларга келтириш мақсадида жазоларини ижро этиш муассасаларининг мавжуд маҳкумлари учун ётоқхоналар реконструкция қилиниб хона (кубрик) типига келтириш, 6 та янги ётоқхоналар қуриш;

- жазони ижро этиш тизимини рақамлаштириш, маҳкумларнинг “Электрон назорати”ни таъминловчи ахборот технологияларини жорий қилиш;

- муассаса ходимларини хизмат олиб боришида видеорегистраторлар (бодикамера) билан таъминлаш;

- муассасаларга тақиқланган нарсаларни олиб киришнинг олдини олиш мақсадида муассасага кириш назорат пунктларида бодисканер мосламаларини ўрнатиш;

- муассасаларида маҳкумларни кузатиш ва мустақил назорат қилиш учун интеллектуал камералар (SMART) ўрнатиш белгиланган.

Пенитенциар тизимни такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни тўлиқ шаклда ишга жалб қилишга эришиш;

- жазони ижро этиш муассасаларида ишлаб чиқариш тизимини янада ривожлантириш учун янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган цех ва объектларни ишга тушириш;

- маҳкумларни сақлаш шароитларини яхшилаш мақсадида илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда маҳкумлар учун алоҳида-алоҳида хоналарни ташкил этиш;

- маҳкумларнинг ҳисобини юритиш борасида рақамлаштириш тизимини жорий этиш;

- маҳкумларни ҳисобга олишнинг электрон шаклини жорий этиш.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда республикамизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шу жумладан жиноят-ижроия тизимидаги ижобий ўзгаришлар мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, унинг қонуний манфаатлари, қадр-қимматини юксак даражага кўтариш учун хизмат қилаётганлигидан далолат бераётганлигини гувоҳи бўлиб турибмиз.

Адабиётлар

1. 2001 йил 29 августда қабул қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни / https://lex.uz

2. 2003 йил 26 сентябрда қабул қилинган “Биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган шахсларни жазони ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони / https://lex.uz/

3. 2017 йил 14 февралда қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони / https://lex.uz

4. 2018 йил 7 ноябрда қабул қилинган “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори / https://lex.uz

5. 2021 йил 13 августда Жазони ижро этиш Департаменти бошлиғи, полковник Р. Турсуновнинг “Янги Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий газетада “Президент ислоҳотлари – амалда. Инсонпарварлик тамойили: адолат ва қонун устуворлиги – инсон ҳуқуқлари кафолати” чиқиши // iiv.uz/oz/news/prezident-islohotlari–amalda//

6. 2019 йил 28 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси қонуни / https://lex.uz/

7. 2019 йил 2 августда қабул қилинган “Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори / https://u24.uz/uz/zhaslik-kamokhonasi-rasman-yopildi

8. Ўша ерда – 13 августа 2021 полковник Р. Турсуновнинг чиқиши //iiv.uz/oz/news/prezident-islohotlari–amalda//

9. 2021 йил 26 мартда қабул қилинган “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони / https://lex.uz/

Р. Х. Душанов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
хизмат фаолият психологияси кафедраси бошлиғининг
ўринбосари, психология фанлари номзоди, доцент



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда ички ишлар органлари соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, 2016 йил 16 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон фармони ҳамда 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сонли, 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3413-сонли қарорлари ҳам Ватан ҳимояси, юрт осойишталиги ҳамда давлат келажаги учун жонкуяр, олижаноб, фидойи, ўз хизмат бурчини сидқидилдан бажарадиган виждонли ходимларни тарбиялаб етиштириш вазифасини қўймоқда. Чунки бугунги мураккаб шароитда ички ишлар органлари ходимлари, жумладан, тезкор-қидирув ходимларининг халқ олдидаги нуфузини кўтариш, уларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш бевосита ана шу ислоҳотлар самарасига боғлиқ.

Мазкур ислоҳотларни ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти соҳасида ҳам амалга оширишда психологик билимларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлиги:

биринчидан, ички ишлар органлари тизимида профессионаллашув жараёнининг кучайиб бориши барча тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг касбий – руҳий жиҳатдан жиноятчилар дунёсига қарши доимо шай туриши зарурлиги;

иккинчидан, глобаллашув жараёнларининг ҳам ижобий, ҳам салбий таъсиридан руҳий зўриқишнинг олдини олувчи психологик усул ва воситаларнинг замонавий авлодларини яратиш ва улар орқали тезкор ходимларни янги вазифаларни бажаришга тайёрлаш;

учинчидан, ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг хизмат вазифаларини бажариш чоғида олган руҳий жароҳатларини бартараф этиш учун психодиагностика, психокорреция, психологик кузатув, психологик маслаҳат тизимини шакллантириш;

тўртинчидан, экстремал шароитларда ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг хизмат жамоаларида маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашнинг психологик омилларини ишга солишнинг психологик методикасини ишлаб чиқиш;

бешинчидан, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида олиб борилаётган тезкор профилактик чора-тадбирлар доирасида тезкор ходимларга мунтазам равишда психологик ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш кабилар билан белгиланади.

Президентимизнинг “Жиноят-қидирув фаолиятида жиддий нуқсонлар учрамоқда, айрим жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик талаб даражасида эмас. Қидирувда юрган аксарият шахсларнинг қўлга олинмаётгани уларга жиноий қилмишларини давом эттиришга имкон беради ва бу ғоят ташвишли ҳолдир” деган фикрларида катта маъно бор.

Шу нуқтаи назардан, психология фани инсон фаолиятининг турли соҳаларига чуқур кириб бориши билан бир қаторда, жиноятчиликка қарши амалий кураш олиб бориш жараёнида юзага келадиган бир қатор психологик муаммоларни ечиш эҳтиёжи сабаб бўлди. Булар:

Биринчидан, жиноят шахснинг эркин ҳаракати бўлиб, унинг руҳий-иродавий ҳолати билан боғлиқ салбий ҳаракатларининг оқибатидир. Жиноятчи ва жабрланувчининг, айрим ҳолларда эса жиноий ҳодисага у ёки бу даражада алоқаси бўлган бошқа шахсларнинг руҳий муносабати ҳам муайян аҳамиятга эга.

Иккинчидан, жиноятни очиш жараёни ички ишлар органлари бўлинмаларининг ходимлари, жамоатчилик вакиллари, шу билан бирга жиноятни содир этган шахслар ва жиноят иштирокчилари ўртасида қарама-қаршилик ҳамда мураккаб зиддиятли психологик муносабатлар юзага келишига сабаб булади.

Махсус ва юридик психологияга оид адабиётларда, тезкор-қидирув фаолиятида психологик муаммоларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб чиқиш зарурлиги тўғрисида бир қатор фикрлар айтилган.

Жумладан, рус олими А.Р.Ратинов “Маълум бир вақтдан кейин психология фанидан тезкор-қидирув фаолияти психологияси махсус соҳа фанлари қаторида ажралиб чиқади ва юридик психология тизимида ўз ўрнини эгаллайди”, деб ёзган эди.

Олимлар А.И.Алексеев ва Г.К.Синиловлар эса “Тезкор-қидирув фаолияти психологияси, энг аввало, мазкур фаолиятнинг психологик хусусиятларини ўрганиши, тезкор ходим ва бошқа иштирокчилар учун зарур бўлган

профессионал хусусиятларга психологик баҳо бериши, бу хусусиятларни аниқлаш ва такомиллаштириш йўл-йўриқларини белгилаши керак” деган фикрни билдиришган.

Албатта, бу фикр бир қатор олимлар ва амалиёт ходимлари томонидан қўллаб қувватланди ва аниқ тадқиқотларда амалга оша бошлади. Яъни, тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг психологик жиҳатлари тўғрисидаги тасаввурларнинг ривожланиши билан боғлиқ жараённи бир неча босқичларга ажратилди.

Биринчи босқичда тезкор-қидирув фаолияти психологияси фанининг асосий қоидалари, тезкор вазифаларни амалга оширишнинг психологик хусусиятлари алоҳида ўрганилиб, ўзлаштирилди ва амалий вазифаларни ҳал этишда фойдаланилди.

Психология фани эришган ютуқлар тезкор-қидирув фаолиятининг ҳам ривожланишига ҳисса қўшди. Шу билан бирга, унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, амалиётда кенг фойдаланиш учун қўйидаги масалалар:

- тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг индивидуал-психологик хусусиятлари ва руҳий-иродавий ҳолатини ўрганиш;

- қидирувда бўлган шахсларнинг психологик қиёфасини яратиш, тусмолларни тузиш ва уларнинг руҳий ҳолати ҳамда хатти-ҳаракатини ўрганиш;

- тезкор бўлимларга бўлажак профессионал ходимларни танлаб олишда уларнинг психик жараёнлари, шахсий ва касбий фазилатларини ўрганиш;

- тезкор ходимларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида уларнинг руҳий-иродавий ҳолатларини ҳисобга олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мазкур масалаларлар қуйидаги олимлар, яъни А.И.Алексеев, В.П.Бахин, И.И.Басецкий, Р.К.Безруких, В.Г.Бобров, А.С.Вандышев, А.Ф.Возный, Т.А.Хрусталева, В.Н. Гриднев, В.В. Дементьев, А.М. Качур, И.А.Климов, А.Г.Лекарь, В.Г.Самойлов, Г.К.Синиловларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Иккинчи босқичда эса, тезкор-қидирув фаолияти психологиясининг қонуниятлари, тезкор ходимлар ва уларга кўмаклашувчи шахсларнинг билиш жараёнлари, индивидуал психологик хусусиятлари ва руҳий-иродавий ҳолатлари ўрганилган бўлиб, бу кенг маънодаги ҳуқуқий, ташкилий ва услубий масалаларга бағишланган (В.А.Данилов, А.Н.Роша, Л.М.Колодкин, Н.З.Филимонов, Ю.Е.Скалин ва бошқ.).

Учинчи босқичда эса тезкор-қидирув фаолияти психологиясининг умумий назарияси элементларини яратиш жараёнига бағишланган. Бунда тезкор-қидирув фаолияти психологиясининг предмети, тадқиқот усуллари ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган. Тезкор-қидирув фаолиятининг психогогик тузилиши, мулоқот олиб боришнинг услубий томонлари илмий асосда (В.В. Аврамцев, Ю.Е.Аврутин, В.М.Атмажитов,

И.И.Басецкий, В.Г.Бобров, В.Т.Вербовой, А.В.Губин, С.И.Винокуров, В.А.Данилов, С.В. Игнатов, В.А. Ильичев, И.А. Климов, А.С. Коноплев, О.Г.Ковалев, А.П.Ковачев, В.В. Лисицын, В.А. Лукашов, И.В.Михалева, Е.А. Пономарева, Е.Г.Самовичев, В.И.Филиппенко, М.И.Цыганенко, В.В.Шувалов, Т.А.Хрусталева, Г.К.Синилов, А.К.Семенов ва бошқ.) ўрганилган.

Бугунги кунга келиб, мазкур фаолият бўйича психологик ёндошувлар қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда. Булар:

- ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолияти бўлимларини бошқаришнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ўрганиш;

- тезкор-қидирув фаолияти услублари асосида, тезкор ходимларнинг иш жараёнини бошқаришини ташкил қилиш мақсадида, илм-фан ютуқларига мос келадиган асосий психологик қоидаларни тадқиқ этиш;

- тезкор-қидирув фаолиятида фойдаланиладиган куч ва воситаларининг психологик жиҳатларини комплекс ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда кўп учрайдиган вазиятларда мазкур усул ва воситаларни қўллашни ҳисобга олиш;

- жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда, алоҳида тезкор хизматлар йўналишларининг услубларини яратиш ва қўллашни ташкил қилишнинг психологик хусусиятларини ўрганиш;

- тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг руҳий-идоравий ҳолатлари ва ташқи ҳамкорликнинг психологик компонентларини тадқиқ этиш.

Албатта, ушбу йўналишлар тезкор-қидирув фаолияти психологияси предметининг каттагина қисмини ёритади.

Бизнинг фикримизча, тезкор-қидирув фаолияти психологияси - бу ушбу соҳа субъектларининг психологик қонуниятлари ва мазкур фаолиятни такомиллаштириш механизмлари ҳамда усулларини ўрганади.

Чунки, ҳар бир шахс қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, билишнинг энг мураккаб объекти бўлиб, у доимо ривожланишда, ўсишда, ўзгаришда бўлади ва шу асосда шахсий, касбий жиҳатдан шаклланиб боради. Шу билан бирга, шахс ўзи ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмайди, яъни хулқи, хатти-ҳаракатлари моҳиятини ҳамма вақт ҳам англаб етавермаслигини кузатиш мумкин. Шахснинг хулқи, руҳиятига таъсир этувчи кучлар, психологик омиллар шу қадар хилма-хилки, уларнинг ҳаммасини ўрганиб ҳам у ёки бу инсон ҳақида батафсил маълумотга бўлиш ёхуд унга тўлиқ тавсиф беришнинг имконияти йўқ. Бундай омиллар қатори (англанган ва англанмаган мотивлар, майллар ва бошқ.)да шахснинг ўзи ҳам англаб етавермайдиган, лекин унинг руҳияти, хулқининг намоён бўлишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга онг ости жараёнлари таъсирини инобатга оладиган бўлсак, тезкор-қидирув фаолияти психологияси фани доирасида ўрганилувчи шахс психикасининг нақадар мураккаб эканлигини тасаввур қилиш мушкул эмас.

Шу маънода, тезкор ходимнинг изланиши, ижодкорлиги, унинг билими, кўникмаси, малакаси, йўналганлиги ва ҳаётий тажрибаси билан мустаҳкамланиб борилиши унинг малакали мутахассис сифатида камол топишини таъминлайди. Тезкор-қидирув фаолияти психологиясининг асосий вазифаси шу ижодкорликнинг муҳим омилларини илмий тадқиқ қилиш, қидириб топиш, аниқлаш ва уларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг энг самарали усулларини аниқлашдан иборатдир.

Шу нуқтаи назардан, тезкор-қидирув фаолиятида психологик билимларнинг зарурати қуйидаги масалаларни ёритишда намоён бўлади, жумладан:

– тезкор-қидирув фаолияти субъектлари ва жамоаларининг психологиясини ҳар томонлама ўрганиш;

– тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг индивидуал-психологик хусусиятлари ва имкониятларини тадқиқ қилиш;

– жабрланувчи, айбланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи ва бошқа шахсларнинг онги, руҳияти, онглилик ва онгсизлик ҳолатларини ўрганиш;

– тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг махсус вазифаларни бажаришга яроқлилигининг психологик моҳиятини очиб бериш;

– тезкор-қидирув фаолиятининг психологик тамойиллари ва усулларини ишлаб чиқиш;

– тезкор-қидирув фаолиятига оид муҳим маълумотларни олиш мақсадида турли тоифадаги шахслар билан ишончли психологик алоқа ўрнатиш ҳамда психологик таъсир кўрсатиш усулларини яратиш;

– мазкур фаолиятга оид муаммоларни объектив, илмий асосланган ҳолда баҳолаш ва бартараф этиш усулларини тавсия этиш;

– турли тоифадаги шахслар билан ишончли алоқа ўрнатиш усуллари ва ривожланишининг психологик қонуниятларини ишлаб чиқиш;

– жиноятчи шахсининг тузилиши, унинг фаолияти ва фаоллигини ўрганиш орқали олинган назарий ва амалий хулосаларни яратиш;

– тезкор-қидирув фаолиятида намоён бўладиган психик ҳодисаларнинг психологик қонуниятларини ўрганиш.

Айни вақтда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирда психологик билимлар тезкор-қидирув фаолиятида илмий даражада эмас, балки ўзўзидан тизимсиз ҳолда қўлланилмокда. Бу соҳадаги илмий қарашлар ҳам камчиликни ташкил этади. Шу сабабли бугунги кунда ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятида психологик билимларни тарғиб қилиш ва қўллашнинг самарали муқобил тизимини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш зарурати вужудга келди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сонли қарорига асосан ИИВ Академиясида “Хизмат фаолиятини психологик таъминлаш” йўналиши ташкил этилди. Бу эса ўз вақтида, бугунги замон талабларига мос

“Юрист-психолог” мутахассисларни тайёрлаш ва ички ишлар органлари ходимларини психологик билимлар билан қуроллантириш имконини беради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Ахборотномаси. – 2012.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Ахборотномаси. – 2016.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2017. – 312 б.

4. Ратинов А.Р. Судебная психология для следователей. – М., 1976. – С.41.

5. Алексеев А.И., Синилов Г.К. Актуальные проблемы теории оперативно-розыскной деятельности органов внутренных дел. – М., 1973. – С.31-36.

6. Решетников М.М. Профессиональный психологический отбор: развитие проблемм и основные понятия: Сборник докладов 1 научно-практической конференции врачей психофизиологов ВМФ. – М., 2005.

7. Скалин Ю.Е. Профессиональный психологический отбор оперативных сотрудников угловного розыска: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. – Санкт-петербург, 2010.

8. Скворцова Е.В. Психолого-педагогическая реабилитация сотрудников милиции в ситуации профессиональной деформации личности: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. – М., 2007.

9. Хрусталева Т.А. Психологические особенности формирования личности оператив-ного работника уголовного розыска: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. – М., 2009.

10. Душанов Р.Х. Тезкор-қидирув фаолияти психологияси: Дарслик. – Т., 2015.

Й. Ш. Эшмурзаев,
старший инструктор Учебного центра специальной подготовки УКСО МВД РУз, кандидат химических наук

О МЕТОДАХ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ТЕРРОРИСТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ, ОСУЩЕСТВЛЯЕМОЙ С ПРИМЕНЕНИЕМ ВЗРЫВНЫХ УСТРОЙСТВ И ХИМИЧЕСКИ ОПАСНЫХ ВЕЩЕСТВ



Наряду с чрезвычайными ситуациями (ЧС) природного, техногенного и биолого-социального характера, которые чаще возникают от случайного стечения обстоятельств, человечество периодически переживает трагедии, вызываемые умышленными, целенаправленными действиями людей. Эти действия, всегда связанные с насилием, получили название терроризм.

Понятие “терроризм” произошло от латинского слова “terror” — страх, ужас [1, 2].

Терроризм — это насилие или угроза его применения в отношении физических лиц или организации, а также уничтожение (повреждение)

или угроза уничтожения (повреждения) имущества и других материальных объектов, создающие опасность гибели людей, причинения значительного имущественного ущерба либо наступления иных общественно опасных последствий, осуществляемые в целях нарушения общественной безопасности, устрашения населения или оказания воздействия на принятие органами власти решений, выгодных террористам, или удовлетворения их неправомерных имущественных и (или) иных интересов; посягательство на жизнь государственного или общественного деятеля, совершённое в целях прекращения его государственной или иной политической деятельности либо из мести за такую деятельность; нападение на представителя иностранного государства или сотрудника международной организации, пользующихся международной защитой, а равно на служебные помещения либо транспортные средства лиц, пользующихся международной защитой, если это деяние совершено в целях провокации войны или осложнения международных отношений [3,4].

Наиболее распространёнными средствами ведения террористической деятельности в настоящее время являются взрывные устройства, применение которых ведёт к гибели людей или причиняет значительный материальный ущерб, а также различные каналы связи (почта, а чаще всего — телефон), с помощью которых преступники передают угрозы насилия или физической расправы.

Террористическая деятельность, осуществляемая с применением взрывных устройств. Опыт последних лет, особенно в нашей стране, показал, что террористы чаще всего используют взрывные устройства, отдавая им предпочтение при решении проблем политического, религиозного или этнического характера.

В общем виде взрывоопасный предмет (ВОП) — это устройство или вещество, способное при определённых условиях (наличие источника инициирования, возбуждения и т.п.) быстро выделять химическую, электромагнитную, механическую и другие виды энергии [5].

Взрывные и зажигательные устройства по внешнему виду могут не отличаться от обычных предметов. Единственный общий признак закладываемых террористами взрывных устройств это то, что они должны взрываться. Большинство взрывных устройств изготавливаются кустарным способом, и различия между ними в основном связаны с изобретательностью и возможностями кустарей-изготовителей. Поэтому следует обращать внимание на:

- необычные предметы и их нестандартное размещение;

- наличие на найденных предметах элементов (источников) питания, электропроводов, антенн, изоляционных материалов;

- особый (специфический запах), не характерный для окружающей местности;

- возможный шум, раздающийся из обнаруженного предмета;

- наличие на предметах средств связи (сотовых телефонов, пейджеров, радиостанций);

- растяжки из проволоки, прочной нитки, верёвки.

Поиск взрывного устройства должен проводится только специально подготовленной поисковой группой! В случае, если вы самостоятельно смогли обнаружить взрывное устройство, немедленно сообщите в ближайшее отделение ОВД по телефону “102”.

Террористическая деятельность, осуществляемая с использованием химически опасных веществ. При совершении террористических акций с применением химически опасных веществ наиболее вероятно использование таких отравляющих веществ (ОВ), которые можно изготовить в производственных и лабораторных условиях, которые удобны в хранении и доставке к месту преступления, легко переводятся в рабочее состояние и т.п. Такие вещества, как правило, оказывают ингаляционное (через органы дыхания и слизистые оболочки) или кожно-резорбтивное (через кожу) воздействие на живые организмы. Не исключено применение боевых ОВ.

Применение террористами ОВ возможно как на открытой местности, так и в закрытых помещениях — в местах массового скопления людей. Первыми признаками применения ОВ являются:

- внезапное ухудшение самочувствия групп рядом расположенных людей (боль и резь в глазах, кашель, слезо- и слюнотечение, удушье, сильная головная боль, головокружение, потеря сознания и т.п.);

- массовые крики о помощи, паника, бегство;

- не характерные для данного места посторонние запахи;

- появление не характерных для данного места капель, дыма, тумана.

Следует отметить, что руководителям при проведении занятий по тематике ЧС, вопросам безопасности при террористических актах основное внимание р е к о м е н д у е т с я уделять следующим вопросам:

- объяснению сути возникающей опасности и обучению слушателей правилам их возможного поведения;

- в ходе обучения не акцентировать внимание слушателей на масштабность терактов, не демонстрировать натуралистические детали терактов, избегать запугивания;

- воспитанию у слушателей бдительности и наблюдательности;

- больше времени отводить на практические действия, в том числе при обнаружении бесхозных предметов на транспорте, в общественных местах, в учреждениях;

- при проведении занятий, как с детьми, так и взрослыми, давать полную информацию, подкрепляемую ссылками на нормативно-правовые акты, о юридических последствиях участия в подготовке и осуществлении

актов терроризма, а также за распространение ложной информации о возможных террористических актах;

- рассматривать с обучаемыми методы вовлечения в террористические организации и способы вербовки исполнителей терактов. Особое внимание уделять распространенному методу – вовлечении в нетрадиционные религиозные секты и общества, а также возможные пути и способы противодействия вербовщикам.

Говоря о воспитании у сотрудников бдительности и наблюдательности, необходимо обратить внимание на то, что наиболее эффективный метод борьбы с террористическими актами – это их предупреждение.

Здесь неоценимую помощь играет своевременная информация со стороны населения, правоохранительных органов и специальных служб, как при обнаружении подозрительных предметов, так и о неадекватном поведении сомнительных людей.

Необходимо подробно остановиться, как на предупредительных мерах, так и на действиях должностных лиц и сотрудников при:

- обнаружении взрывных устройств и предметов, похожих на взрывные устройства;
- поступлении угрозы по телефону;
- поступлении угрозы в письменной форме;
- захвате заложников.

Основными действиями могут быть:

- незамедлительно сообщить о случившемся в дежурную часть, по “102” или органы по делам местного отдела ЧС;
- не трогать, не вскрывать и не перемещать находку. Запомнить время её обнаружения. Помните: внешний вид предмета может скрывать его настоящее назначение. В качестве камуфляжа для взрывных устройств используются обычные бытовые предметы: сумки, пакеты, свертки, коробки, игрушки и т.д.;
- не предпринимать самостоятельно никаких действий с предметами, похожими на взрывное устройство – это может привести к их взрыву, многочисленным жертвам и разрушениям!

Литература

1. Ибрагимов С., Жўраев А.К., Туланбаев Т.К. Терроризм ҳақида нималарни билишимиз шарт? Услубий қўлланма. – Т.: “Шарқ”, 2004. – 32 б.

2. Ахмедов О.Т., Клементьев В.Н., Эшмурзаев Й.Ш., Кодиров С.С. Тенденции развития террористических актов с применением самодельных взрывных устройств в Сирии и Ираке за период 2017-2019 // “Дунёнинг нотинч минтақаларидаги ҳарбий можароларда қуролли кураш олиб бориш усулларининг ўзгариш тенденцияси (Сурия ва Ирок мисолида)”: Сборн. матер. научн-практич. конф. – Т., 2019. – С.18-26.

3. Турғунов Э.Т., Эшмурзаев Й.Ш. ва бошқ. Мураккаб бўлмаган портлатиш қурилмалари ва портловчи моддаларнинг экспертиза тадқиқотлари: Методич рекомен. – Т.: “Академия МВД РУз, 2017. – 88 с.

4. Ахмедов О.Т., Эшмурзаев И.Ш. Особенности обеспечения пожаро-взрывобезопасности на объектах электроэнергетики // “Ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар”: Сборн. матер. научн-практич. конф. молод. ученых. – Т.: Академия МЧС РУ, 2019. – С.13-15.

5. Маматқулов Т.М., Саитбаев Т.Р., Ахмедов О.Т. Шубҳали буюмлар топилганида, портлаш ва портлатиш содир этиш хавфлари пайдо бўлганида амалга ошириладиган ҳаракатлар: Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси”, 2007. – Б.40.

А. Т. Усманов,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Магистратураси тингловчиси



ЁШЛАРНИНГ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРИСТИК ТАШКИЛОТЛАР ТАЪСИРИГА ТУШИБ ҚОЛИШ САБАБЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Бугунги кунда дунё миқёсида тобора мураккаблашиб бораётган ўзаро сиёсий зиддиятлар ва турли келишмовчиликлар, аввало ёшларни ўз домига тортишга уринаётгани сир эмас. Агар ушбу жараёнда дунё ҳамжамияти ўзаро келишган ҳолда мазкур долзарб муаммони ҳал этмас экан, бу жараён бир давлат ёки бир минтақа доирасида ҳал этилиши тобора қийинлашиб боради. Шу боис Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида минтақадаги бир қатор муаммоларга дунё ҳамжамияти эътиборини қаратишга уринар экан: “... дунёда терроризм таҳдиди айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётган бир пайтда, бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси”нинг тарқалишини олдини олиш, ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим”, деб таъкидлаган.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, экстремистлар ўз мақсадлари учун асосан ёш йигит ва қизларни танлайдилар, аёллардан эса келгуси авлодни шакллантириш мақсадида фойдаланадилар. Бунинг сабаби – айнан ёшлар давлатимиз келажагини, миллатнинг эртанги куни ва тараққиётини белгилаб беради. Маълумотларга кўра, Ўзбекистон дунёдаги энг ёш давлатлардан бири бўлиб, ўртача ёш 24 ёшни ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистонда 35 миллиондан ортиқ аҳолининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил қилади.

Шу ўринда, ёшлар ташқи таъсирларга кўпроқ мойил бўлишини алоҳида қайд этиш лозим. Мутахассисларнинг қайд этишича, айрим ҳолларда ҳаётдаги орзу-мақсадларга мустақил эришиш мақсадларининг ҳамма вақт ҳам амалга ошавермаслиги оқибатида ёшларда “инфантиллик” (ўзини ночор, ёрдамга муҳтож ҳис қилиш) кайфияти кузатилади. Бундай шароитда улар ўзларининг мақсад ва интилишларини тушунадиган кишилар, яъни “олий мақсадларга етаклайдиган шахслар ёки жамоа”ни излай бошлайдилар. Айни пайтда масъулиятга эга бўлмаган ёшлар учун шахсий тажрибанинг етишмаслиги, соддадиллик ва хаёлпарастлик табиий ҳолдир. Шу билан бирга ёшлар фикрида атрофда кузатилаётган адолатсизлик натижасида юзага келадиган зўриқишни йўқотишда фақат биргина йўл – “буюк ғоя”ни ўзида мужассамлаштирган етакчи билан маслакдош бўлишни танлашга мойиллик юзага келади.

Маълумотларга кўра, 2020 йилда диний экстремистик ташкилотлар таркибида конституциявий тузумга қарши жиноят содир этган шахсларнинг 75%ни 30 ёшгача бўлганлар ташкил этган. Ушбу рақамлар диний экстремистик ҳаракатлар ўзларининг ғараз мақсадларига эришиш йўлида ёшларнинг руҳий хусусиятларини инобатга олиб амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Ҳар қандай диний мутаассиб оқим ўз “ўлжа”сининг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ўз таълимотини жозибали қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Одамларнинг бундай оқимлар таъсирига тушиб қолиши, одатдаги ахборот доирасидан ташқарига чиқадиган турли шов-шувларга ортиқча эътибори билан ҳам белгиланади.

Экстремистик гуруҳларнинг асосий мақсадлари — зўравонлик ва алдаш усуллари билан сиёсий ҳокимиятга эришиш бўлиб, бу йўлда гуруҳ етакчилари оддий аъзоларни бемалол қурбон қилиб юборадилар. Натижада мутаассиб ғоялар домига тушиб қолган шахслар оиласидан, жамиятдаги ўрнидан, ҳатто ҳаётидан ажраладилар. Бундай шахсларни ҳар қандай топшириқни ҳеч иккиланишсиз бажариш даражасига олиб келиш учун эса синалган услублардан фойдаланилмоқда. Жумладан, “оз-оздан” технологияси асосида фақат биргаликда намозга бориш, дам олиш кунларини бирга ўтказиш, фақат бир ҳафта кечқурунлари бирга диний адабиёт ўқиш, жамоа йиғинларида қатнашиш, фақат бир марта варақа тарқатиш каби кичик илтимослар орқали ёлланаётган шахсни ушбу шартларга кўнишга мажбур қилиш йўлидан борилади.

Шунингдек, доимий “мия ювиш” воситасида жамоа ғояларини амалга ошириш ёлланаётган кишининг шахсий қийинчиликлари ва жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул йўли, деган қараш тинмай уқтириб борилади. Сўнгра “гуруҳ орқали таъсир этиш” услуби қўлланилади. Бунда жамоанинг барча аъзолари янги аъзони турли томондан ягона ғояга йўналтирилган фикрлар билан “кўмиб” ташлайди. Айни пайтда ёлла-

наётган шахсга бетиним янгидан-янги маълумотлар бериш ва ўз фикрлари билан ёлғиз қолишига йўл қўймаслик орқали унда эътироз билдириш ёки баҳслашишга имкон қолдирмасликка ҳаракат қилинади ва бир пайтнинг ўзида унга нисбатан жамоа томонидан фақат ширин сўзлар гапирилиб, у ҳақда ғамхўрлик, аксарият ҳолларда моддий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, киши “ўзимни назорат қила оламан ва хоҳлаган вақтимда жамоадан четлаша оламан”, деган хаёлдан узоқ бўлиш лозим. Чунки кўпчилик мутаассиб оқимлар янги тарафдорларни ёллашда руҳий таъсирнинг юқоридаги каби усулларидан фаол фойдаланадилар ва ортга қайтишга деярли имкон қолдирмайдилар. Фараз қилайлик, юқоридаги каби ҳолатларда номаълум ёки яхши таниш бўлмаган шахс мурожаат қилди. Ушбу кимса суҳбат бошида ислом асосларини ўрганишга қаратилган ҳаракатларга рағбат бериб, асл мусулмоннинг бурчи ва мажбуриятлари каби мавзуларда сўз юритади. Сўнгра билвосита саволлар билан унга тааллуқли маълумотлар, хусусан диний ва сиёсий қарашлар билан қизиқади. Суҳбатнинг охирида эса ўзининг исломга қизиқиши беҳад экани ва яқин биродарлари билан диний билимларини пухта эгаллаётганини айтиб, “ўлжа”га ҳам шуни таклиф этади. Шуни таъкидлаш жоизки, бундай суҳбатлар бир мулоқотда бўлиб ўтиши ёки бир неча учрашувга чўзилиши мумкин. Шубҳасиз, ислом ақидаларини биргаликда ўрганиш ҳақида таклиф қилганларнинг барчаси ҳам ўз олдига кишини экстремистик ғоялар билан заҳарлаш ва ноқонуний фаолиятга жалб қилишни мақсад қилиб қўймайди. Бироқ шахснинг қандай жамоага жалб қилинаётгани ҳақида тўла маълумотга эга бўлишга интилиши келажакда ўзи ва оиласини жиддий кўнгилсизликлардан сақлайди.

Масалан, “Исломга доир билимларни кимдан ва қайси асарлар орқали чуқур ва мукаммал ўрганиш мумкин?” деган саволга “суҳбатдош“ умумий жавоб, яъни “Қуръони карим ва ҳадислардан”, дейиш билан чегараланса, ундан кенгроқ жавоб олишга ҳаракат қилиш зарур. Агар суҳбатдош анъанавий, расмий усулларни рад этса, ёки уларнинг саёзлигини таъкидласа, ёхуд нашр қилинган жойи кўрсатилмаган, норасмий адабиётлар масалан, Тақийуддин Набаҳоний қаламига мансуб “Ислом низоми”, “Исломий оламга қайноқ нидолар”, Юсуф ас-Саботиннинг “Иззат ва шараф сари”, Абдулқадим Заллумга тегишли “Халифаликнинг тугатилиши” ҳамда муаллифи кўрсатилмаган “Имонга йўл”, “Ширин жон қиссаси” каби китобларни тилга олса ёки номлари зикр қилинган шахсларнинг ислом дунёсидаги ўрни ҳақида ижобий сўзласа, унинг мутаассиб ғоялар тарафдори эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳамма вақт ҳам диний мутаассиб оқимлар аъзолари илк суҳбатданоқ, норасмий адабиётлар ва шахслар ҳақида батафсил сўзламайди. Улар ўз жамоаларига жалб қилиш мақсадида расман тан олинган диний адабиётлар орқали сабоқ олишни тавсия этиши ҳамда

бошланғич илмларни ўрганиш учун ўз жамоасига таклиф қилиши мумкин. Буларнинг барчаси қанчалик жозибадор ва тўғри бўлиб кўринмасин, диний маълумоти ва аниқ мақсадларини билмаган одамдан диний билимларни ўрганишга ҳаракат қилиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Диний билимларга бўлган эҳтиёжни Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида таъминлаш тўғри бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги жадал ўзгараётган дунё инсоният ва ёшлар олдида янгидан янги буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга дучор қилмоқда. Чунончи ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда, бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ суҳбатлашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Агар биз ёшларимиз онги ва руҳиятини заҳарли мафкуралардан қатъият билан ҳимоя қилсак, ҳар қандай ғаразгўй кучлар мамлакат мустақиллиги ва унинг порлоқ келажагига рахна сола олмайди. Одамлар қалбида бугунги тинч ва осуда дамларимизга шукроналик ҳиссини теварак-атрофдаги вайронагарчиликлар, дин номидан содир этилаётган ваҳшиёна хатти-ҳаракатлар мисолида ҳис эттиришни шакллантиришимиз, ҳар биримиз жондан азиз фарзандимизни, ўз оиламизни асраганимиз каби динимизни, юртимизни турли бузғунчи кучлар адоватидан асрашимиз даркор.

Адабиётлар

1. *Юнусов М.* Диний экстремизм ва бузғунчи оқимларнинг сохта ғояларига қарши кураш.// http://hazratnavoi.uz/maqolalar/diniy-ekstremizm-va-buzunchi-oimlarning-sohta-oyalariga-arshi-kurash.html.

2. *Исломов З., Икромов Ш.* Экстремизм ва терроризм тараққиёт душмани: Ички ишлар тизими ходимлари учун ўқув–амалий қўлланма. – Т., 2015.

3. Диний экстремизим – ноаниқ хавф // https://telegra.ph/Dinij-ehkstremizim--noani%D2%9B-havf-08-30.

4. *Закурллаев А.К.* Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият: Ўқув-услубий қўлланма. – Т., 2010.

Б. И. Ахмедов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
кадрлар бўлими бош инспектори



МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ - ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ДУШМАНИ

Бугунги кунда глобаллашув жараёнининг кучайиб бориши жамиятимиз ҳаётига ҳам ижобий, ҳам салбий томондан таъсир кўрсатаётганлигини кузатишимиз мумкин. Минг афсуслар бўлсинки, бугунги кунда миссионерлик фаолияти билан шуғулланаётганлар йўқ эмас, улар ҳам бундан ўз мақсадларига эришиш учун кенг фойдаланиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Муқаддас динимизнинг поклигини асраш вазифаси бугунги кунда қандай улкан аҳамият касб этаётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Нега деганда, айнан шу масалалар бизнинг бугунги ва эртанги кунимизни, фарзандларимиз, набираларимиз тақдири ва келажагини, бир сўз билан айтганда ҳаёт-мамотимизни ҳал қилиши ҳеч кимга сир эмас”, деб таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.

Албатта, миссионерлик глобаллашув жараёнлари сабабли пайдо бўлган деб айтиш ноўрин. Чунки мазкур ҳаракатлар анча олдин бошланган бўлиб, ўзининг ривожланиш даврида янада янги ва серқирра кўринишни ҳосил қилмоқда. Лекин глобаллашув мазкур ҳаракатларни тезлашиб янада кенг ёйилишига ўзининг таъсирини кўрсатмоқда, деб айтсак муболаға бўлмайди.

Асрлар давомида юртимизда меҳр-мурувват ва оқибат, эзгулик ва яхшилик, тинчлик ва дўстлик ғояларига асосланадиган, уларни тарғиб этадиган турли динларга эътиқод қиладиган кишилар ҳамкор ва ҳамжиҳат яшаб келган. Хусусан, қадимдан диёримизда ислом, насронийлик, иудаизм каби динлар ёнма-ён яшаб келган. Йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогалар фаолият кўрсатгани, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида ҳам улар ўртасида келишмовчилик ва можаролар бўлмагани ҳам бунинг тасдиғидир.

Бугун ҳам мамлакатимизда турли конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, фуқароларимиз ўз диний амалларини эркин адо этиб келмоқдалар.

Диний ташкилотлар ўз фаолиятларини амалга оширишлари ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда ўз ифодасини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, улуғ ва муштарак ғоялар йўлида ҳаракат қилиши учун имкон яратади.

Миссионерлик тўғрисида гапирганда, биринчи навбатда, унинг келиб чиқиши ва ривожига тўхталиш лозим.

Миссионерлик энг умумий маънода бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа динни тарғиб қилишни англатади. Миссионерлик, асосан, христианликка хосдир. Бундай ҳаракат христианлик Византия империясининг давлат дини сифатида эълон қилинган пайтдан бери олиб борилмоқда. Христиан руҳонийлари дастлаб миссионерлик ҳаракатини Европа ва Яқин Шарқдаги кўп худоликка эътиқод қилиб келган аҳолини яккахудоликка тарғиб қилиш байроғи остида олиб бордилар. Шу тариқа IV асрда пайдо бўлган христиан миссионерлиги XIII–XVI асрларда Ҳиндистон, Хитой, Японияга кириб борди.

Католик черковида миссионерлик Испания ва Португалия империялари ташкил топгач (XIII–XVI асрлар) кучайди. Миссионерлик Рим империясига янги ерларни ўз таъсири остига олишда катта ёрдам берди. Католик миссионерлигига раҳбарлик қилиш учун Папа Григорий XV 1662 йилда Диний тарғибот конгрегациясини таъсис этди. Миссионерлик XIX асрда янгидан фаоллашди, айниқса, христиан миссионерлари Африкада фаолиятларини кучайтирдилар ва ўз мамлакатларининг сиёсатини ўтказишга ёрдам бердилар.

Юқоридаги маълумотлар ҳам миссионерлик ўз тарихига эга эканини кўрсатади. Шундай бўлса-да, христиан диний ташкилотлари томонидан олиб борилаётган миссионерлик ҳаракати бугунги кунгача кўпдан-кўп баҳсларга сабаб бўлмоқда. Зеро, ҳозирги даврда жаҳон аҳолисининг мутлақ кўпчилиги ўз динига, аксарият ҳолларда яккахудоликка эга бўлган даврда “миссионерлик” салбий бир ҳолатга айланиб қолганини таъкидлаш зарур.

Шу ўринда бир ҳолатга эътибор қаратиш зарур. Библиянинг муқаддас китоблигини ҳеч ким инкор этмайди. Шу билан бирга, унда қайд этилган юқоридагига ўхшаш фикрларнинг айнан Библия ёзилган давр учун тўғри келишлигини айрим христиан диний ташкилотлари тушунишни хоҳламаётганликларини ва улар олиб бораётган ҳаракатлар ҳақли норозиликларни келтириб чиқараётганини таъкидлаш зарур.

Қайд этилган ҳолатлар ҳам миссионерлик бугунги кунда мутаассибликнинг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлаётганини кўрсатади.

Прозелитизм бу – тўғридан-тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишдир.

Прозелитизм келтириб чиқараётган салбий оқибатларни айрим ҳаётий мисолларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, бизга қўшни бўлган айрим

давлатларда христиан динини қабул қилган кишилар вафот этганда жасадни қабристонга қўйиш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқмоқда. Маййитнинг мусулмон ота-оналари ўз фарзандларини христиан мозорига дафн этишни хоҳламаганлари, мусулмонлар эса христиан дини вакили жасадини ўз мусулмон биродарлари ётган жойга қўйишни истамаганликлари натижасида келишмовчиликлар юзага келмоқда.

Шунингдек, христиан динини қабул қилган киши ўз ўғлини хатна қилдиришни хоҳламагани, унинг отаси эса, ўз набирасини мусулмон урф-одатларига кўра хатна қилдиришни истагани туфайли ота-бола ўртасида жанжаллар келиб чиққани ҳам маълум.

Юқоридаги каби мисолларни яна кўплаб давом эттириш мумкин. Аммо шуларнинг ўзи ҳам миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари бошқа динни қабул қилган туб миллат вакиллари оилаларида низолар ва жанжалларнинг авж олишига ҳамда ислом динига мансуб аҳолида христианликнинг айрим йўналишлари вакилларига нисбатан душманлик ҳиссиётларининг пайдо бўлиши орқали динлараро ва миллатлараро низоларни келтириб чиқаришига замин яратиши мумкинлигини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

Шу билан бирга дин миллий маънавият ва маданиятнинг таркибий қисми, миллатни бирлаштириб турувчи муҳим омиллардан бири эканини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Бир тилда гаплашадиган, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган, аммо турли динлар ёки диний йўналишларга эътиқод қиладиган миллатлар ҳамон ички миллий бирликни таъминлай олмаётгани, кичкина бир сабаб билан қайта-қайта низоли вазиятлар ва фуқаролар урушининг келиб чиқишига замин яратаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради. Масаланинг ана шу жиҳатига эътибор берилса, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари ортида диний заминда миллатни ичидан бўлиб ташлашга қаратилган ғаразли сиёсий мақсадлар ётгани ҳамда у келтириб чиқарадиган фожиаларни англаб етиш мумкин.

Миссионерларнинг турли давлатлар, жумладан, Марказий Осиё минтақаси мамлакатларида олиб бораётган амалиёти таҳлили христианликни тарғиб қилишда махсус адабиётлар, аудио ва видеокассеталарни маҳаллий тилларда тайёрлаш, бепул тарқатиш, масиҳийликка даъват ғоялари билан суғорилган махсус газета ҳамда журналларни нашр қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади.

Эркин тарғибот олиб бориш ва фаолият доирасини кескин кенгайтириш мақсадида айрим миссионерлик ташкилотларининг ўз ҳаракатларини халқаро нодавлат ташкилотлари мақомида амалга оширишга интилаётгани ҳам ҳозирги даврдаги миссионерликнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Бундай интилиш ортида ўзига хос мантиқ бор, албатта. Тажриба бундай мақом миссионерлик фаолияти ҳақли эътирозларни келтириб чиқарганда уларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини рўкач қилишига ва

унинг ҳимоя механизмларидан фойдаланишга уринишларига, ўз ҳаракатларини хаспўшлашга ва жавобгарликдан қочишга интилишларига замин яратишини кўрсатади.

Миссионерлар замонавий техника, технология, оммавий ахборот ва коммуникация воситалари имкониятларидан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Турли давлатлар ҳамда минтақаларда иш юритаётган миссионерлар интернет тармоғи орқали ўз фаолиятларини мувофиқлаштираётгани, молиявий маблағларни бемалол у мамлакатдан бу мамлакатга ўтказаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш учун асос бўлади. Бундай йўл билан миссионерлар ва уларнинг ҳомийлари у ёки бу давлатдаги диний мувозанатни издан чиқариш, сохта инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш баҳонасида ўз таъсир доираларини кенгайтиришга интилмоқдалар.

Аввало, замонавий миссионерликка хос хусусиятлар бундай ҳаракатларни республикамизда амалга оширишга интилаётган ташкилотларга ҳам у ёки бу даражада хослигини қайд этиш лозим.

Мамлакатимиздаги барқарор ижтимоий-иқтисодий вазият, олиб борилаётган кучли ва тизимли ижтимоий муҳофаза сиёсати, миллий ғоя концепциясининг ишлаб чиқилиб, унга асосланган ҳолда олиб борилаётган ғоявий тарбия ҳамда маънавий-маърифий тарғибот ишлари, халқимизнинг ўз эътиқодида мустаҳкамлиги миссионерлик ҳаракатлари йўлида жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

Миссионерлар асосий эътиборни аралаш миллат вакилларидан иборат оилаларнинг аъзолари, илгари ҳеч бир динга эътиқод қилмаган, оғир хасталикка, жудоликка, моддий қийинчиликка дуч келган, ахлоқ тузатиш муассасаларидан чиқиб келган, яъни моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларга қаратмоқдалар. Шунингдек, жисмоний нуқсони мавжуд фуқаролар, яъни кар-соқовлар, ногиронлар орасида фаол иш олиб боришга ҳаракат қилиш ҳам тез-тез кузатилмоқда. Шу билан бирга, зиёлиларнинг турли қатламлари вакиллари – ўқитувчилар, врачлар, санъаткорлар орасида тарғиботни кучайтиришга интилиши ҳам мавжудлигини таъкидлаш зарур. Афсуски, бундай тарғиботга эргашаётган, келиб чиқиши мусулмон бўлган фуқаролар ҳам кам бўлса-да, учраб турганлигини қайд этиш лозим.

Шундай экан миссионерлик республикамиз аҳолиси тинчлиги ва осойишталиги учун таҳдид эканини чуқур англаш, унинг олдини олиш ҳамда қарши кураш бўйича тизимли ва тадрижий ишларни олиб бориш ҳар бир фуқаронинг миллат ва Ватан олдидаги муқаддас бурчи ҳисобланади.

Адабиётлар

1. *Мирзиёев Ш.М.* Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби. – Т., 2018.

2. *Юсупов О.* Диний бағрикенглик ва мутаассиблик. Юз саволга – юз жавоб. – Т.2007.– Б. 92.

Н. Б. Абдурашитова,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Таҳририй-ноширлик бўлими катта муҳаррири, мустақил тадқиқотчи



ТАРЖИМОННИНГ ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ БОСҚИЧИДА ИШТИРОКИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш билан бир қаторда кўп миллатли ва кўп маданиятли давлат ҳисобланади. Бунда давлат-ҳокимият институтларининг асосий вазифаси – миллати ва динидан қатъий назар, ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоялашнинг ишончли кафолатини таъминловчи асосий ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси бўлиб, уларда жиноят-процессуал ҳимоя, яъни жабрланувчи ва бошқа шахсларга ноқонуний ҳамда асоссиз айблов қўйиш ҳамда жазо тайинлашдан ҳимоя қилиш назарда тутилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида судлов ишларини юритиш тили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддасига мувофиқ белгиланган бўлиб, у тил, миллий мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларнинг одил судловда иштирок этишларини таъминлайди [1]. Ўзбекистон Республикасида судлов ишлари ўзбек, қорақалпоқ тилларида ва мазкур жойда яшовчи кўпчилик аҳолининг тилида олиб борилади. Ушбу жиҳат аҳолига судларда она тилидан фойдаланиш имконини беради. Ўз фикрини эркин ифода этишда қийналадиган, махсус ҳуқуқий атамаларни тушунмайдиган фуқаролар иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишида фаол иштирок этиш учун таржимонлар билан таъминланмоғи лозим. Бундай шахслар судда она тилидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Судлов ишларида тил ҳақидаги қоидаларнинг бузилиши суд ҳукми, қарори ва ажримининг бекор қилиниши учун асос бўлади. Бундай қоида Жиноят-процессуал қонунда ҳам ўз ифодасини топган бўлиб [2], унга кўра иш юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи биладиган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, судда ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Шу билан бирга жиноят процессининг барча иштирокчилари иш материаллари билан танишиш вақтида қонунда белгиланган тартибда таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин. Айбланувчига, судланувчига ёки процессда иштирок этувчи бошқа шахсларга

тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб берилиши лозим.

Дарҳақиқат, жиноят иш юритувида қонунчиликка риоя қилиш ва терговнинг объективлигини таъминлаш учун иштирокчи сифатида таржимонни жалб қилиш зарурати вужудга келади. Дастлабки тергов жараёнида таржимон иштироки алоҳида аҳамиятга эга, зеро айнан ушбу субъект Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари юритиладиган тил принципини рўёбга чиқарувчи шахс бўлиб ҳисобланади.

Таржимон мақоми тил принципининг қўлланилиши жараёнида муҳим ўрин тутади, унинг иштирокисиз ҳуқуқий нормаларни жиноят-процессуал муносабатларга татбиқ қилиб бўлмайди. Жиноят ишларини юритиш жараёнида процесс иштирокчиси ҳисобланган таржимоннинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлашда унинг процессда қатнашиши муҳим аҳамиятга эга. Жиноят ишларини юритишда тил қоидасини амалга оширишни ва таржимоннинг процессуал мақомини таъминловчи айрим процессуал нормаларнинг қонунда йўқлиги ва тегишли нормаларда мавжуд бўлган ноаниқликлар инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади.

Шу билан бир қаторда таржимоннинг жиноят ишини тергов қилишдаги роли ҳамон баҳслилигича қолмоқда. Хусусан, жиноят-процессуал қонунда жиноят иши юритиладиган тилни билмайдиган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми етарлича аниқлаштирилмаган; таржимонни дастлабки тергов жараёнига жалб қилишнинг ягона механизми ишлаб чиқилмаган; ва ниҳоят, дастлабки тергов, умуман олганда, жиноят ишида иштирок этиш учун жалб қилинган таржимон компетенцияси билан боғлиқ масалаларга ойдинлик киритилмаган. Натижада жиноят иши бўйича дастлабки терговни амалга оширишда қонунийлик, айбсизлик презумпцияси, ҳақиқатни аниқлаш, жиноят иши тарафларининг тортишуви каби принципларни амалга оширишда жиддий тўсиқлар пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 20-моддасида: “Жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади”, дейилган. Бироқ, тергов амалиётининг кўрсатишича, дастлабки терговга жалб қилинган шахс аслида таржимон хизматига муҳтож бўлмайди. Натижада иш юритиладиган тилни билган ҳолда дастлабки тергов процессини узайтириш ёки иш бўйича чиқарилган қарордан шикоят қилиш мақсадида қонунда белгиланган ҳуқуқни суиистеъмол қилишга ҳаракат қилади. Баъзи ҳолларда эса, дастлабки тергов жараёнига гумонланувчи, гувоҳ сифатида жалб қилинган шахс жиноят ишлари юритиладиган тилни билиб туриб, суд жараёнига келганида уни билмай қолади. Шу боис суриштирувчи, терговчи дастлабки терговда иштирок этаётган шахслар томонидан жиноят ишлари юритилаётган тилни билишлари (билмасликлари) ёки

етарли даражада тушунмасликлари бўйича барча асослар ва жиҳатларни аниқлашда эътиборли бўлишлари зарур. Бунда шахснинг жиноят иши юритиладиган тилни билиш (билмаслиги) ёки етарли даражада тушунмаслигини аниқлашда, унинг жиноят иши юритиладиган тилда оғзаки ва ёзма нутқни тушуниш, иш юритилаётган тилда сўзлаша олиш қобилиятини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [3].

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 71-моддасида: “гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса, таржимон чақирилади”, дейилган. Бундан таржимон нафақат оддий сўзлашув тилини билиши, балки жиноят иши бўйича жалб қилинган эксперт ва мутахассислар ўз хулосаларида қўллаган турли касбий атамаларни тушуниши ва таржима қила олиши керак, деган хулоса келиб чиқади. Ушбу кодекснинг 72-моддасида “таржимон таржима қилиш учун зарур билим ва малакага эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан воз кечиш ҳуқуқига эга”, дейилган. Ушбу норма ҳам баҳсли бўлиб, бунда жиноят ишига жалб қилинган таржимон гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳнинг кўрсатмаларини таржима қилишга қурби етиши, бироқ эксперт, мутахассис ва шу кабиларнинг чиқарган хулосаларни таржима қилишга етарлича билимга, тўғрироғи, компетенцияга эга бўлмаслиги мумкин. Зеро, ушбу қонуннинг 72-моддасида: “таржимон ўзига топширилган таржимани аниқ ва тўлиқ бажариши; таржиманинг тўғрилигини ўзининг иштирокида ўтказилган тергов ҳаракати баённомаси ва суд мажлисининг баённомасига, шунингдек процесс иштирокчиларига уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб топшириладиган процессуал ҳужжатларга имзо чекиш билан тасдиқлаши зарур дейилган”. Кўриниб турибдики, жиноят иши бўйича иш юритуви, хусусан дастлабки терговга жалб қилинган таржимон жиноят иши юритилаётган тилни билиши билан бир қаторда, етарлича компетенцияга ва ҳуқуқий билимларга эга бўлиши зарур.

Россия Федерацияси амалиётида юқорида келтирилган масалани қуйидагича ҳал қилиш таклиф қилинади[4]:

биринчидан, таржимоннинг ҳуқуқий лаёқатлилиги ва тил билиш компетенциясига эгалиги тегишли ҳужжатлар (олий таълим муассасасини тамомлаганлиги тўғрисида тегишли диплом) билан тасдиқланиши керак;

иккинчидан, таржимонларни танлашда улар айнан жиноят ишлар бўйича дастлабки терговда иштирок этиш амалиётига эга бўлиши, ҳуқуқий атамаларни тўғри таржима қилиши зарур;

учинчидан таржимонларни дастлабки тергов жараёнига жалб қилишдан аввал, улар томонидан оғзаки ва ёзма таржима қилиш, ҳуқуқий атамаларни билиш нуқтаи назаридан имтиҳон қилиниши керак [5].

Дастлабки тергов жараёнида жиноят иши юритилаётган тилни билмайдиган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш нуқтаи назаридан таржимоннинг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Масалан ЖПКнинг 76-моддасига биноан таржимон дастлабки тергов-да, умуман жиноят ишида терговчи, суриштирувчи сифатида иштирок этмаслиги керак. Шундай бўлишига қарамай, амалиётда суриштирувчи ва терговчи томонидан жиноят иши юритиладиган тилни билмайдиган шахс гувоҳ, жабрланувчи, гумонланувчи сифатида иштирок этаётган жиноят ишига таржимон чақирмасдан сўроқ қилиш ҳолатлари учраб туради. Яна бир ҳолат: ЖПКнинг 78-моддасида: “эксперт, мутахассис, таржимоннинг ўз касбига нолойиқлиги аён бўлиб қолса, холислар эса, ички ишлар органи, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ёки суд ходими бўлсалар, рад қилиниши лозим”, дейилган. Ушбу моддадан таржимон айнан ўз касбига нолойиқлиги сабабли рад қилинади, ички ишлар ходими ёки бошқа куч ишлатувчи тизим вакили бўлса рад этилмайди, деган хулоса келиб чиқади. Кўриниб турибдики, ушбу модда ниҳоятда баҳсли бўлиб, унга аниқлик киритилиши талаб қилинади. Жиноят-процессуал қонунда адвокат (ҳимоячи)нинг иштирок этишига, у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади, дейилган. Назаримизда, ушбу қоида жиноят иш юритуви жараёнига таржимонни таклиф қилишга нисбатан ҳам татбиқ этилиши зарур, яъни таржимон ҳам, қолаверса, эксперт ва мутахассис ҳам ўзининг ушбу соҳада етарлича компетенцияга эгалигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганидан сўнг жиноят процессига жалб қилиниши керак. Шунда таржимон ёки бошқа мутахассисларнинг ўз касбига нолойиқлиги сабабли рад этилиши масаласи ўз-ўзидан ҳал бўлади [5].

Хулоса ўрнида айтиш керакки, таржимоннинг дастлабки тергов жараёни ва умуман жиноят процессида иштироки масаласи жиддий норматив-ҳуқуқий нуқтаи назардан тартибга солинишни талаб қилади. Бу масалани ижобий ҳал этиш учун нафақат миллий жиноят-процессуал қонунчилик чуқур таҳлил қилиниши, балки ривожланган давлатларнинг ушбу соҳадаги тажрибаси чуқур ўрганилиши ва амалиётга татбиқ этилиши зарур. Муҳими, жиноят-процессуал қонунчилик авваламбор, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиши, жиноят-процессуал қонуннинг ҳозирги кун талабларига жавоб бериши нуқтаи назаридан мукаммал бўлиши керак.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси//URL: http://lex.uz/m/acts/20596
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: https://lex.uz/docs/111463.

3. Узбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни URL://https://lex.uz/docs/108915

4. *Атабекова А.А.* Переводчик в уголовном процессе РФ и зарубежных стран: Монография. – М., 2018. – С. 30-35.

5. *Джураев И.Б.* Жиноят ишлари юритиладиган тил принцип ива таржимоннинг процессуал мақоми: Юрид.фан ном. дисс ... автореферати. – Т., 2012.

6. *Бунова И.И.* Возникновение и развитие института переводчика в уголовном судопроизводстве России // Исследования молодых учёных. – 2011. – № 18

Ф. Ф. Абдуқодиров,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий таълимдан кейинги таълим факультети таянч докторантура докторанти



ЎН ТЎРТ ЁШГА ТЎЛМАГАН, КЕКСА, НОГИРОН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН СОДИР ЭТИЛГАН ТАЛОНЧИЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ ҚИЛИШ

Амалдаги жиноят қонунига кўра ёш бола, қария, ногирон шахсларга нисбатан талончилик содир этган шахсларга умумий асосларда жазо тайинланади. Назаримизда, ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан талончилик содир этилганда, талончилик асосий бевосита *объекти* – ўзганинг мулк ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, қўшимча бевосита объекти – шахснинг соғлиғи дахлсизлигини қўриқловчи ижтимоий муносабатлардан ташқари, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсларнинг нормал, ижтимоий, маънавий ва жисмоний ривожланишини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатларга ҳам зарар етади.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги хусусиятга эга шахсларга нисбатан жиноят содир этилиши ЖК 56-моддаси 1-қисми “б” бандида қилмиш учун жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида берилган. Шунингдек, жиноят кодекси махсус қисми айрим нормаларида мазкур тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят содир этилиши бевосита модданинг ўзида жавобгарликни алоҳида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, объектив белгиларига кўра талончилик жиноятига ўхшаш бўлган безорилик жиноятини “ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб” (ЖК 277-моддаси 2-қисми “д” банди) содир этилиши белгиланган. Демак, уларнинг ҳар бири мустақил маъносига эга. Бироқ, ёш бола, қария, ногирон тушунчалари жиноят қонунида бир неча ўринларда келтирилган бўлса-да, қандай маъно англатиши бўйича якдил тушунтиришлар берилмаган. “Ёш бола” атамаси жиноят кодекси махсус қисмининг “Меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш (ЖК 148-модда)” ва “Безори-

лик (277-модда)” моддаларида келтирилган бўлиб, қуйидаги маъноларни англатади:

1. ЖК 148-модда 2-қисми диспозициясида “ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб” деганда, Меҳнат кодексининг 237-моддасига мувофиқ уч ёшгача бўлган болалар назарда тутилган;

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сон қарорининг 6-банди, 3-қисмида “ёш бола деганда 14 ёшга тўлмаган шахс тушунилади” деб тушунтириш берилган.

Таъкидлаш жоизки, жиноят кодекси махсус қисмининг 118-модда, 4-қисми ва 119-модда, 4-қисмларида жабрланувчининг ёши “ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан” тушунчаси билан ёритилиб, ёш бола атамасидан фойдаланилмаган. Шунингдек, миллий қонунчилигимизнинг бошқа бир соҳаси Фуқаролик кодексида ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларни ифодлашда “кичик ёшдаги болалар” атамасидан фойдаланилган (ФК 29-модда). Демак, бугунги кунда миллий қонунчилигимизда жабрланувчининг ўн тўрт ёшга тўлмаганлигини ифодлашда “ёш бола”, “кичик ёшдаги бола”, “ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс” атамаларидан фойдаланиб келинмоқда. Таъкидлаш жоизки, қонунда атамаларнинг бу каби номутаносиблиги, уларни амалда қўллашда қийинчилик, тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Жиноят қонунида атамаларнинг бир хилда қўлланилиши таъминлаш мақсадида шахснинг ўн тўрт ёшга тўлмаганлигини англатиш учун қўлланилган “ёш бола” атамасини “ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс” атамасига ўзгартириш лозим.

Маълумки, шахс муайян ёшга етганида организмида ўзгаришлар вужудга келиб кучсизлана бошлайди, бу эса шахсда ўзига нисбатан содир этилаётган ташқи хавфга қаршилик кўрсатиш имкониятини пасайтиради, аксарият ҳолларда мазкур имкониятдан маҳрум этади. Жабрланувчининг юқоридаги хусусиятини қонун чиқарувчи инобатга олган ҳолда, бу тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят содир этганлик учун жавобгарлик ва жазони оғирлаштирган.

Жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ЖК 56-моддаси 1-қисми “б” бандида “ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан” кўринишида берилган.

Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ЖК 127^1-моддаси иккинчи қисмида “вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш”, ЖК 235-моддаси 2-қисмининг “д” бандида “кекса шахсга ёки ночор аҳволдаги шахсга, вояга етмаган шахсга ёхуд ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан”, ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “д” бандида “ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб” деб белгиланган.

Жабрланувчининг ёши катталиги, заифлигини ифодалаш учун биргина жиноят қонунининг айрим моддаларида “кекса” атамаси, айрим моддаларида “қария” атамасидан фойдаланилган.

Олий суд Пленум қарорларига назар ташласак, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2002 йил 16 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сон қарорининг 6-бандида “қария деганда 55 ёшдан ошган аёл ва 60 ёшдан ошган эркак”лар тушунилиши лозимлиги белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сон қарорининг 8-бандида ва “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2010 йил 29 октябрдаги 13-сон қарорининг 6-бандида жабрланувчининг жуда кексалиги яъни физиологик, жисмоний жиҳатдан ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслиги ожиз аҳвол деб топиш лозимлиги бўйича тушунтиришлар берилган.

Кўринадики, амалдаги жиноят қонунчилигида жабрланувчининг ёши ўтганлигини икки кўринишда биринчиси, жабрланувчи яъни эркак кишининг 60 ёшдан, аёл кишининг 55 ёшидан юзага келувчи қария, кекса атамалари орқали бўлса, иккинчиси, жабрланувчининг жуда кексалиги сабабли физиологик, жисмоний жиҳатдан ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслиги, яъни ожиз аҳвол атамаси орқали ифодаланмоқда. Шу ўринда, кекса, қария ва ожиз аҳвол атамалари бир хил маънони англатадими? Агар бир хил маънони англатса нега қонунда айнан бир атама билан ифодаланмаган? Агар турли маъноларни англатса, уларнинг чегарасини қандай аниқлаймиз? деган саволлар туғилади.

Бу борада жиноят ҳуқуқи назариясида тадқиқот олиб борган олимларимиз, тадқиқотчиларимиз томонидан билдирилган фикрларга мурожаат қиламиз.

Хусусан, М.Х.Рустамбаев қарияликни анъанавий тарзда пенсия ёши билан боғланган ва пенсия ёшига етганларни қария сифатида эътироф этган. А.Қодиров қария деганда, ёши қайтган шахслар танилиши, 60 ёшдан ошган эркак, 55 ёшдан ошган аёллар шулар жумласига кириши лозимлигини таъкидлаган.

Бироқ, Д.Ю.Каракетова юқоридаги фикрларга қўшилмаган ҳолда, жабрланувчининг қариялигини белгилашда ёш мезонининг ўзи етарли эмас, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, қариялик шахснинг маълум бир ёшга етганлиги билан эмас балки, шу ёшда юзага келадиган физиологик ўзгаришлар билан боғлаш лозим. Шу муносабат билан, ЖК 277-моддасидаги “қария” ва “ногирон” атамаларини “ожиз аҳвол” атамасига ўзгартиришни таклифи илгари сурилган.

Л.В. Лобанова и Д.В. Давтянлар, аксинча қари шахсни аниқ қайси ёшдан ожиз деб ҳисоблаш имкони мавжуд эмаслигини таъкидлашган.

Жиноят кодексида “қария, кекса” атамалари қўлланилган бўлса, Олий суд Пленуми қарорларида шахсни ожиз аҳволда деб баҳолашда “ёши жуда кекса” тушунчаси қўлланилган. Бундан тушунишимиз мумкинки, жабрланувчи 60 ёшга етганида ўзига нисбатан содир этилаётган қилмишни англайди, айбдорга нисбатан қисман қаршилик кўрсатиш имкониятига ҳам эга бўлади, шу сабабли бу тоифадаги шахсларни ожиз аҳволда деб баҳолаш мумкин эмас, фақатгина бундай тоифадаги шахсларнинг жиноий-ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш мақсадида жиноятларнинг хусусиятидан келиб чиқиб жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаш лозим.

Жабрланувчининг ёши жуда кексалиги баҳоланадиган тушунча бўлиб, жуда кексалиги сабабли, ўзига нисбатан содир этилаётган қилмишни англаса-да, ҳимояланиш имкониятидан бутунлай маҳрум бўлади, бундай ҳолат одатда 70-75 ёшдан кейин юзага келади.

Қонунда атамаларни бир хилда қўлламаслик уни нотўғри тушуниш ва қўллашга олиб келади. Бу каби ҳолатга йўл қўймаслик мақсадида, жиноят қонунида айнан бир маънони англатиш учун қўлланилган “кекса”, “қария” атмаларидан бирини танлаш, аввало уларнинг қандай луғавий маъно англатишидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Жиноят кодексининг рус тилидаги таҳририга назар ташласак, ўзбек тилидаги кекса, қария сўзлари ягона “*престарелий*” бўлиб таржима қилинганлигини гувоҳи бўламиз. “Кекса” сўзи “узоқ яшаб катта ёшга етган, умрининг охирги босқичини яшаётган, қари” маъноларини англатади.

Қария сўзи эса “қариган киши, кекса, мўйсафид, чол” деган маъноларни англатади. Бу икки сўз луғавий маънолари уларни синоним эканлигини тасдиқлаб, айнан бир маънони англатишини кўрсатмоқда. Демак, ҳар икки сўздан бирини танлаш хато бўлмайди.

Шу муносабат билан, жиноят кодекси 56-моддаси 1-қисми “б” бандидаги “қария”, 277-моддаси 2-қисми “д” бандидаги “қария” сўзларини “кекса” сўзларига ўзгартириш лозим.

Жабрланувчининг кексалиги талончилик содир этиш ниятида бўлган ҳар қандай жиноятчини зудликда жиноят содир этишга чорлайди. Нега деганда, кекса кишида талончини таъқиб қилиш, унга нисбатан қаршилик кўрсатиш эҳтимоли кам бўлади. Ушбу ҳолатни қилмиш учун жавобгарликни алоҳида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаб, бу тоифадаги шахсларнинг жиноят-ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш лозим.

Навбатдаги категория бу ногирон шахслардир. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги 641-сон қонунининг 3-моддаси 4-қисмига кўра ногиронлиги бўлган шахс – ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига

муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахсдир.

Бу каби шахслар ногиронлиги сабабли, ҳимояланиш, қаршилик кўрсатиш каби имкониятларга эга бўлмайди, бу эса жабрланувчига қўшимча равишда руҳий азоб етказади. Шу боисдан ногиронларга нисбатан талончилик содир этганлик учун жавобгарликни алоҳида оғирлаштириш лозим. Бироқ, жабрланувчининг руҳий жиҳатдан ақли норасолиги қилмишни талончилик сифатида баҳолашга монелик қилади. Ҳолатга ҳуқуқий баҳо беришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сон қарорининг 2-банди яъни “Айбдор томонидан содир этилаётган воқеани тушуниб етиш қобилиятига эга бўлмаган (масалан, ёши жуда кичиклар, руҳий жиҳатдан ақли норасолар, алкоголдан ёки наркотик моддалардан кучли мастлик даражасида бўлган ёки ухлаб қолган) шахсларнинг мулкини талон-тарож қилишни ўзганинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш деб тавсифланиши лозим.” деган тушунтиришига амал қилиш лозим.

Юқоридаги таҳлилларга асосланиб хулоса қилиб, ЖК 166-моддаси 3-қисмини янги “г” банд билан тўлдириш лозим:

г) ўн тўрт ёшга тўлмаган, кекса, ногирон шахсларга нисбатан содир этилган бўлса;.

Қонунга бу каби ўзгартиришни киритилиши, келгусида мазкур тоифадаги шахсларни жиноят-ҳуқуқий муҳофазасини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. https://lex.uz/docs/142859
2. Ўзбекистон Республикаси олий суди Пленумининг 14.06.2002 даги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сон қарори. https://lex.uz/docs/1452654. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. https://lex.uz/docs/111189 .
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. https://lex.uz/docs/111189 .
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сон қарори (https://www.lex.uz/acts/1452654).
5. Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сон қарори (https://www.lex.uz/docs/1455961); Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги 2010 йил 29 октябрдаги 13-сон қарори (https://www.lex.uz/docs/2414120).
6. *Рустамбаев М.Х.* Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Умумий қисм. – Т., 2016. – Б. 413.
7. *Қодиров А.* Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар: Монография. – Т., 1998. – Б.46-47.
8. *Каракетова Ю.* Безориликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: Монография. – Т., 2021. – Б. 87.
9. *Лобанова Л.В., Давтян Д.В*. Об уголовно-правовом значении престарелого возраста потерпевшего // Российская юстиция. – 2010. – №11.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А. Мадвалиев таҳрири остида. Т.5.– Т., 2007. – Б. 344.

11. Узбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги 641-сон қонуни https://lex.uz/docs/5049511.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сон қарори https://www.lex.uz/docs/1448644.

Д. О. Ўролова,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети 1-босқич таянч докторанти



АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЁШЛАР СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Фуқаронинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси қанчалик юқори бўлмасин, у қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлмаса, ўз фаолиятида унга амал қилмаса, унинг кўрсатмаларини бажармаса, жамиятда қонун устуворлигига, яъни демократик тамойиллар тантанасига эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ОАВнинг асосий вазифаси ҳуқуқий ахборотларни шунчаки тарқатиш эмас, балки ҳар бир инсонда ёшликдан бошлаб қонунга амал қилиш кўникмасини англанган зарурият сифатида шакллантиришдан иборатдир.

ОАВ орқали ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш, янги лойиҳаларни йўлга қўйиш, халқчил, оммабоп ҳуқуқий дастурларни тайёрлаш давр талабидир. Айниқса, интернет нашрларда ҳуқуқий онгни оширишга қаратилган махсус рукнлар ташкил этиш, мавжуд сайтларнинг эса бу борадаги сифат ва савиясини ошириш зарур. Келгусида ахборотнинг асосий қисми интернет орқали узатилиши, халқаро тармоқ тобора кенг қулоч ёйгани эътиборга олинса, бу борадаги ишларни кучайтириш нечоғлик зарурлиги маълум бўлади.

Ғарбда эса ҳуқуқий маданият деганда қонунларга риоя қилиш одати инсоннинг қон-қонига сингиб кетиши тушунилади. Чорак аср аввалги илмий адабиётларда ҳам қуйидаги фикрлари учрайди: ҳуқуқий маданият қонунларга маданият сифатида қарашни ўз ичига олади, қонун ижроси доимий урф-одатга айланиб қолади [1, Б.78].

АҚШ олимларининг XX аср ўрталарида ҳуқуқий маданиятга берган таърифлари ҳам бугунги кунгача тасдиғини топиб келмоқда. Уларнинг фикрича, ҳуқуқий маданият – қачон, қаерга ва нима учун одамлар қонунга ёки ҳукуматга мурожаат қилишини ёки юз ўгиришини аниқлайдиган ҳуқуқ билан боғлиқ қадриятлар ва муносабатлар тармоғидир [2, Б.29-44].

Давлат ва ҳуқуқ сиёсат ва сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқдир. Сиёсат ҳам давлат ва ҳуқуқ билан чамбарчас боғланган. Ҳуқуқий маданият шаклланган инсонда табиийки, қайсидир даражада сиёсий маданият ҳам ривожланиб боради. Шу туфайли, ҳуқуқий маданият ва сиёсий маданиятни алоҳида эмас, биргаликда ўрганиш, ёшлар онгида биргаликда шакллантириш айни муддаодир. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини бугунги воқелик талабидан келиб чиқиб ўрганиш давлат ва жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Фикримизни юридик фанлар доктори Э.Қодиров ҳам тасдиқлаб, қуйидагиларни ўз илмий тадқиқот ишида қайд этган: “ҳуқуқий ҳамда сиёсий маданиятни ўзаро алоқадорликда ўрганиш мазкур тушунчаларнинг тўлиқ, батафсил таҳлилини илмий-назарий жиҳатдан асослашга замин яратади” [3, Б.192].

Ҳуқуқий маданият жамият сиёсий ҳаёти билан доимий боғлиқликдаги ижтимоий-сиёсий воқеликдир. Ҳуқуқни жамият ҳаётидан алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди. У реал ҳаётдаги ижтимоий, сиёсий-иқтисодий шарт-шароитлар асосида вужудга келади. Демак, ҳуқуқий маданиятни илмий-назарий жиҳатдан янгича ёндашув асосида тадқиқ этганда, уни сиёсий маданият билан алоқадорликда таҳлил этиш лозим. Чунки келтирилган таҳлилдан ҳам аниқ бўладики, сиёсий маданият моҳиятига кўра ҳуқуқий маданиятнинг кейинги босқичи ҳисобланади. Яъни, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг тенг асосда шаклланганлиги давлат ва жамият тараққиётининг муҳим кафолатидир. Шу боис ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мантиқан ўзаро боғлиқликда таҳлил ва тадқиқ этиш ҳуқуқий маданиятни илмий-назарий жиҳатдан комплекс ёндашув асосида талқин этилишига замин яратади. “Ҳуқуқий маданият сиёсий маданият билан узвийдир. Зеро, сиёсий маданият ҳуқуқий давлатнинг зарурий белгиларидан биридир. У фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий эркинликлари мезонининг инъикоси бўлиб, оқибат-натижада фуқаролар иштирокида қабул қилинадиган қонунларнинг ижтимоий қадр-қимматини аниқлаб беради” [4, Б.114].

Сиёсий маданият атамасини ҳам ҳуқуқий маданият тушунчаси каби таърифлаш мумкин. Яъни сиёсий маданият, содда қилиб айтганда, фуқаронинг сиёсий тушунчалар, билимларга юксак даражада эга бўлиши, шунингдек, ана шу билимларни қўллаган ҳолда сиёсий жараёнларда доимий фаол иштирок этиши ҳисобланади.

Сиёсий маданиятга эгаликнинг хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) сиёсатга қизиқиш;
2) демократия фаолиятидан қониқиш;
3) сиёсатга таъсир кўрсатишга лаёқатлилик туйғуси;
4) сиёсий ҳаётда иштирок этиш;
5) демократик институтлар ва қадриятларга тарафдорлик.

Худди ҳуқуқий маданият сингари сиёсий маданият даражасига эришишдан аввал фуқароларда сиёсий онг шаклланган бўлиши лозим. Масалан, кичик ёшдаги бола ҳам Ўзбекистонни президент бошқаришини билади. Яъни у Ўзбекистоннинг сиёсий тизимидан қисман хабардор. Бироқ бола Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби президентлик институтига бағишлангани, унга кўра Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғи ҳисобланиши ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлашидан хабардор бўлмаслиги мумкин. Бундай вазиятда, боланинг сиёсий онги мавжуд, бироқ сиёсий саводхонлиги етарли даражада эмас, дейишимиз мумкин. Агар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби билан яқиндан танишиб чиқиш билан биргаликда, президентлик сайловларида ҳам иштирок этса, сиёсий жараёнларда қатнашса, бир сўз билан айтганда, сиёсий билимларини амалда ҳам қўлласа, мазкур фуқаронинг сиёсий маданияти юксак даражада деб баҳолай оламиз.

Рус олимлари Н.Блинов, Ю.Ожегов ва Ф.Шергилар фикрича, “сиёсий маданиятнинг ўзагини ҳамиша инсон, унинг шаклланиши ва камол топиши ташкил этади. Сиёсий маданият сиёсий онг билан узвий боғлиқ, аммо у билан айнан бир нарса эмас. Зеро, у сиёсий онгнинг реал сиёсий фаолиятига хос хусусиятни очиб беради. У фақат инсоннинг фикрлари ва ҳис-туйғуларини эмас, реал ҳаракатларини ҳам тавсифлайди. Сиёсий тажриба, анъаналар, сиёсий билимлар ва сезгилар масаласига келсак, “улар сиёсий маданиятнинг таркибий қисмларидир”. [5, Б.8] Мазкур фикр сиёсий маданият бевосита инсоннинг шаклланиш ва камолоти жараёнлари билан боғлиқлигини англатади.

Сиёсий маданият ҳамда ҳуқуқий маданиятни умумлаштирган ҳолда сиёсий-ҳуқуқий маданият атамаси келиб чиқади. Мазкур атамани изоҳлаш учун уни таркибий қисмларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сиёсий-ҳуқуқий маданият қуйидагиларни қамраб олади:

– сиёсий билимлар;

– шахсий ҳуқуқ ва бурчлар;

– жамият сиёсий-ижтимоий ҳаётида фаол иштирок ;

– ҳуқуқий ва сиёсий воқеа ҳамда ҳодисаларни мустақил баҳолай олиш кўникмаси;

– қонунларга зид ишларни ишларни қилмаслик;

– ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан самарали фойдалана олиш;

– қонуний ва ҳуқуқий институтларга нисбатан ҳурмат ҳисси шаклланган бўлиши ва бошқалар.

Жамиятимиздаги ҳар бир ёш авлодни мана шу даражага олиб чиқиш масаласига жиддийроқ ёндашиб, тезкор чоралар кўрмас эканмиз, давлатимизда коррупция авж олиши, фуқароларнинг бошқаларга алданиб қолиши ҳолатларининг кўпайиши, ёшларнинг ёт ғояларга эргашиб кетиши,

жиноят ва ҳуқуқбузарликлар сонининг ортиши ва шу каби бошқа нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

Адабиётлар

1. *Laster K.* Law as culture. – M., 1997.
2. *Friedman, Lawrence M.* Legal Culture and Social Developmen t/ Law & Society Review. – 1969.
3. *Қодиров Э.* Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш: Монография. – Т., 2018.
4. *Тожихонов У.* Ҳуқуқий маданиятнинг илмий-назарий муаммолари. – Т, 1995.
5. *Блинов Н., Ожегов Ю.* Политическая культура и молодёжь. – М., 1982.

У. А. Закирова
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси



НАФРАТ ВА АДОВАТ МОТИВИ БИЛАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

Барча инсонлар эркин ва инсоний қадр-қиммат ва асосий, табиий ҳуқуқларда тенг туғиладилар. Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг рўйхати ва мазмуни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамлаб қўйилган. 1945 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотини (кейинги ўринларда – БМТ) тузилишнинг асосий мақсадлардан бири Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари унинг ирқи, жинси, тили ва эътиқодидан қатъи назар ҳамма учун бир хилда ҳурмат қилинишини рағбатлантириш ва ривожлантириш эканлиги бежиз эмас (БМТ низомининг 1-моддаси). БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” 2-моддасида: “Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур”, деб белгиланган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шартлиги белгиланган.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида диний, ирқий бағрикенглик муаммоси жаҳон ҳамжамияти давлатлари учун ғоят долзарб масалалардан бири ҳисобланади. 1995 йил 16 ноябрда БМТнинг фан, таълим ва маданият бўйича ихтисослашган ташкилоти ЮНЕСКО томонидан “Бағрикенглик принциплари Декларацияси”нинг қабул қилиниши бунинг ёрқин ифодасидир. Мазкур Декларацияда эътиқод ва виждон эркинлигига ҳам эътибор қаратилган. Унинг 1-моддасида бағрикенглик ўзимиз яшаб турган дунё маданиятининг бой ва хилма-хиллиги, инсон индивидуаллигининг намоён бўлиш шакллари ва усулларини ҳурмат қилиш, уни қабул қилиш ва тўғри тушуниш ҳамда виждон ва эътиқод эркинлигига таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” деб белгиланган. Ушбу нормани амалга ошириш механизми 2021 йил 5 июлда янги таҳрирда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кенг ёритиб берилган. Мазкур Қонуннинг 4-моддасига кўра, виждон эркинлиги – бу фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига путур етказиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, урушни, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилиш, фуқароларнинг соғлиғи ва ахлоқига тажовуз қилиш, фуқаролар тотувлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштирувчи туҳматдан иборат уйдирмаларни тарқатиш, аҳоли ўртасида саросима уйғотиш ҳамда шахс, жамият ва давлатга қарши қаратилган бошқа ҳаракатлар содир этиш мақсадида диндан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Бироқ, шахснинг у ёки бу миллатга, ирққа мансублиги билан боғлиқ ҳолда, у ёки бу ирқ вакилларининг ҳаёт тарзи, турмуши, оила қуриш тарзи, маданияти, урф-одатларини хуш кўрмаслик ёки улардан нафратланиш туфайли унинг ҳаёти ёки соғлиғи ёхуд мулкига қарши қаратилган жиноятлар содир этиш ҳолатлари ҳаётда учраб туради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида (кейинги ўринларда – ЖК) жиноят мотиви сифатида ирқий, миллий адоват ва диний таассублик жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий ёки факультатив белгиси сифатида берилиб, мазкур мотивларнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида;

иккинчидан, айбни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида;

учинчидан, суд томонидан жазо тайинлаш вақтида жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида.

Бироқ, ЖКда адоват, душманлик, таассуб каби атамаларни қўллашда ягона ёндашув мавжуд эмаслигини учратиш мумкин. Жумладан:

- ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида (ЖК 56-моддаси 1-қисми “л” банди);
- миллий ёки ирқий адоват замирида (ЖК 97-моддаси 2-қисми “к” банди);
- диний таассублар замирида (ЖК 97-моддаси 2-қисми “м” банди; ЖК 104-моддаси 2-қисми “з” банди; ЖК 105-моддаси 2-қисми “з” банди);
- миллатлараро ёки ирқий адоват замирида (ЖК 104-моддаси 2-қисми “ж” банди ва ЖК 105-моддаси 2-қисми “ж” банди);
- миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб... (ЖК 153-моддаси диспозицияси);
- миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш (ЖК 156-моддаси);
- миллатлараро ёки ирқий адоват ёхуд диний таассублар замирида (ЖК 173-моддаси 2-қисми “а” банди);
- миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича (ЖК 235-моддаси 2-қисми “б” банди).

Ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, ҳуқуқни қўллашда бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ЖК 56-моддаси 1-қисми “л” бандида ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб кўрсатилган. Суд жазо тайинлашда ушбу моддада назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эмас. Бироқ, диний таассублар замирида содир этилган жиноятлар масаласи бу нормада очиқ қолган. Шунингдек, ўзбек тилининг изоҳли луғатларида “*адоват*” атамаси замирида “душманлик” тушунчасининг мавжудлиги бир норманинг ўзида бир атаманинг турли синонимлари қўлланилаётганлиги ЖКни сунъий равишда ҳажми ошишига сабаб бўлмоқда.

Агар эътибор берсак, кўпгина моддаларда миллий ёки ирқий адоват атамаси алоҳида бандда, диний таассублар замирида атамаси алоҳида бандда келтирилган. Модомики, буларнинг барчасининг ўзагини жабрланувчининг муайян бир белгига эгалиги ёки муайян гуруҳга мансублиги сабабли айбдорни жиноят содир этишга ундаган нафрат ёки адоват ташкил этади.

Таассуб атамаси ЖКнинг тўртта моддасида қўлланилган бўлиб, айрим амалиётчилар томонидан бу атаманинг маъно-мазмунини тушуниш қийинчиликлар туғдиради. ЖКда мазкур атама фақат “диний” сўз билангина ёнма-ён келади. Бироқ, “диний” сўзи адоват атамаси билан ҳам ёнма-ён келган ҳолатлар мавжуд. Бу ҳолатда жиноятни ЖКнинг муайян қисм, банди билан квалификация қилишда “диний таассуб” ва “диний адоват” билан содир этилган жиноятларда жиноят эпизоди, шахснинг

руҳий ҳолати бир хилми ёки фарқланадими, иккисининг чегараси борми ёки йўқми деган саволлар туғилади.

Таассуб – бирор нарса ёки ғояга беҳад берилиш, кўр-кўрона эргашиш, фанатизм маъноларни англатади [1, Б. 624].

Адоват – ўзаро низолар, душманлик муносабатлари, кек, хусумат, душманлик, нафрат, душманлик муносабати, шундай муносабатга хос ҳис-туйғу деган маъноларни англатади [2, Б.27].

Демак, жиноят қонунчилиги “диний таассуб” деганда, диний фанатизмни, “диний адоват” деганда, бошқа динга нисбатан душманлик ва нафратни тушуниш керак. Бироқ, “фанатизм” атамасини тушунчасини ўрганадиган бўлсак, фанатизм – ўз дини ва эътиқодига ортиқ даражада ёпишиб олиб, бошқа ҳар қандай қарашларни рад этиш, фанатикларча фикр юритиш ва ҳаракат қилиш; ўта кетган мутаассиблик, жоҳиллик деган маъноларни англатади. Демак, диний таассубни биз диний фанатизм деб тушунчсак ва унинг ўзагини ўзининг динидан бошқа қолган барча динларни рад этиши тушунилса, диний адоват ва диний таассуб ўртасида деярли фарқ ва чегара йўқлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ−3723-сонли “Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида Жиноят кодексида қўлланиладиган атама ва тушунчаларга уларнинг мазмунига кўра аниқ таъриф бериш ва ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш зарурлиги белгиланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрдаги 662-сон қарори билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, 2023 йилнинг 1 январидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасида соҳа атамаларининг тўғри қўлланилиши, янги атамалар қўлланилганда, уларга мос таъриф берилишини текшириш, шунингдек лойиҳа матни аниқ ва тушунарли баён қилинганлигига баҳо бериш каби талаблар лингвистик экспертизанинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Шунга кўра, ЖКда қўлланиладиган бир-бирига ўхшаш атамаларни оптималлаштириш орқали ягона ёндашувни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигига кўра шахсларни дискриминация қилиш орқали уларга нисбатан ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш “нафрат замиридаги жиноятлар” (hate crimes, racial violence, bias-motivated crime or bias crime) деб номланади. Айбдор шахс жабрланувчини муайян бир гуруҳга аъзолиги сабабли қасддан танлаши нафрат жиноятлари ёки “bias motiv” замирида содир этиладиган жиноят содир этишини келтириб чиқаради [3]. Нафрат жиноятларида айбдор шахс жабрланувчининг нафақат маълум бир ижтимоий гуруҳга аъзолиги балки аъзо

эмаслиги, умуман ҳеч қайси динга итоат этмаслиги (атеистлиги) сабабли ҳам намоён бўлиши мумкин.

Кўпгина давлатларнинг жиноят қонунчилигида нафрат замирида содир этиладиган жиноятлар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб топилган. Бундай гуруҳларга жабрланувчининг жинси, этник келиб чиқиши, ногиронлиги, тили, фуқаролиги, жисмоний кўриниши, диний эътиқоди, жинсий идентификатори ёки жинсий ориентациясига нисбатан нафратлар киради.

Нафрат – қаттиқ ғазаб ва жирканиш туйғуси, ғазаб аралаш жирканиш. Адоват бу – ўзаро низолар, душманлик муносабатлари, кек, хусумат. Нафрат кучли адоват ва жирканиш ҳисси, адоват бу нафрат билан сингиб кетган муносабат ва ҳаракат таассуб эса, адоват, низо маъноларини англатади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, МДҲ давлатлари жиноят қонунчилигида ҳам бу атамалар муқобил вариантда қўлланилади [4 С. 66].

Имловий ва ҳуқуқий атамалар луғатларида берилган изоҳларга назар ташласак, “нафрат” термини ичида ғазаб, “адоват” термини ичида эса, ўзаро низолар, душманлик муносабатлари ҳам киритилган. Шу сабабли ЖКда мазмуни бир-бирига ўхшаш терминнинг турли синонимларини қўллаш ҳуқуқни қўллайдиган шахсларни чалғитади ва уларни амалиётда турли хил талқин қилишга сабаб бўлади [5 С.358].

Уларни алоҳида бандларда кўрсатиш ёки уларни муайян бандларда тўлиқ ифода этиш ЖКнинг ҳажмини сунъий равишда ўсишига олиб келади. Масалан, амалдаги ЖКда кўрсатилган мансабдор шахс, яқин қариндошлар, ғаразгўйлик ниятлари каби атамалар ЖК Умумий ва Махсус қисм моддаларида (қисмлари, бандларида) қисқа ифода этилган бўлиб, уларнинг маъно-мазмуни ЖКнинг Атамаларнинг ҳуқуқий маъносига бағишланган 8-бўлимида ўз аксини топган.

Шу сабабли миллий, миллатлараро, диний, ирқий адоват, таассуб, душманлик каби терминларни умумлаштириб “нафрат ёки адоват замирида” атамаси билан номлаш ва ЖКнинг атамаларнинг ҳуқуқий маъносига бағишланган 8-бўлимида қуйидагича “Нафрат ёки адоват замирида – ўзга шахснинг миллати, дини, ирқи, этник келиб чиқиши, эътиқоди, сиёсий ёки мафкуравий қарашлари сабабли ўзаро низо, душманлик келтириб чиқаришга қаратилган ички қўзғатувчи куч” деб белгилаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларга кўра, кўп миллатли Ўзбекистон давлати тамойилларидан бири толерантлик, диний бағрикенглик ғояларидир. Бағрикенглик тушунчаси миллатлар, элатлар, халқлар, маданиятлар, қарашлар, мафкуралар хилма-хиллиги шароитида ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирини қабул қилиш, англаш жараёни ҳамда ўзаро барқарорлик тушунчасини англатади.

Муайян белгисига қараб нафрат ёки адоват замирида жиноят содир этилиши, инсонларнинг шахсий ҳаётига, келгусида уларни жамиятда тинч яшашларига хавф солиниши мумкинлигини инобатга олиб, қонунчилик

ҳужжатларида миллатлараро, ирқлараро, динлараро бағрикенглик (толерантлик) муносабатларини янада мустаҳкамлашда юқоридаги таклиф ва тавсиялар хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т., –2008. – Б. 624.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / С.Ф.Акобиров ва бошқалар таҳрири остида. Т.1. – М., 1981.– Б. 27.
3. *Stotzer R.* Comparison of Hate Crime Rates Across Protected and Unprotected Groups // Williams Institute. Retrieved.– 2012. – № 3.
4. *Волков Б. С.* Мотивы преступлений. – Казань, 1982. – С. 66.
5. *Ожегов С. И.* Словарь русского языка. – М., 1984. – С. 358.

Ж. Ж. Айтмуратов,
ИИВ Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультетининг махсус фанлар цикли ўқитувчиси



ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИНИ ОШИРИБ ЮБОРИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жаҳонда автотранспорт воситалари иштирокида содир этилган ҳуқуқбузарликлар натижасида жабрланланлар сони ортиб бораётганлиги ҳамда унинг келтириб чиқараётган зарарининг нақадар жиддийлиги инсониятни ташвишга солмоқда. Маълумотларга кўра дунёда ҳар йили 1.3 миллиондан ортиқ одам йўл транспорт ҳодисаси қурбонига айланиши, 20-50 миллиондан ортиқ одам эса турли хил даражадаги жароҳатлар олганлиги, шулардан кўпчилиги ногирон бўлиб қолганлиги ҳақида, оммавий ахборот воситалари орқали кўплаб инсонлар эшитган ва баъзи инсонлар видео лавҳаларини кўрган, шу билан бирга шахсан гувоҳи бўлганлар ҳам орамиздан топилади. Лекин ушбу бир неча сонияда содир бўладиган аянчли оқибатларнинг, бевақт ўлимларнинг юзага келиши, йўл ҳаракати иштирокчиларининг арзимаган эътиборсизлиги ёки ҳаддан ташқари ўзига ишонганлиги натижасида содир бўлаётганлиги кўпчиликка маълум.

Тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқ бўлдики, “Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши” ҳуқуқбузарлиги натижасида, кўплаб оғир оқибатларга сабабчи бўлган, йўл транспорт ҳодисалари содир бўлган. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юборишига қарши курашиш-

нинг ҳуқуқий асосларини ёритишдан аввал, куйидаги асосий тушунчаларга таъриф бериб ўтсак мантиқан тўғри бўлади.

Транспорт воситаси – одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма.

Механик транспорт воситаси – двигатель билан ҳаракатга келтириладиган транспорт воситаси (мопеддан ташқари). Бу атама барча трактор ва ўзиюрар мосламаларга ҳам тааллуқлидир.

Мопед – иш ҳажми 50 $см^3$ гача, юқори тезлиги соатига 50 километрдан ошмайдиган двигатель билан ҳаракатга келтириладиган икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси. Осма двигателли велосипедлар ва юқоридаги таърифга эга бўлган бошқа транспорт воситалари ҳам мопедларга тенглаштирилади.

Мотоцикл – кажавали ёки кажавасиз икки ғилдиракли механик транспорт воситаси. Аслаҳаланган ҳолатдаги вазни 400 килограммдан ошмайдиган уч ва тўрт ғилдиракли механик транспорт воситалари, шунингдек двигателининг иш ҳажми 50 $см^3$ дан ёки энг юқори конструктив тезлиги соатига 50 километрдан ортиқ бўлган скутер, квадроцикл, электроскутерлар ҳам мотоцикларга тенглаштирилади.

Арава – от (ёки бошқа ҳайвонлар)га қўшиб тортиладиган ёки одам мушак кучи билан ҳаракатга келтириладиган двигатель билан жиҳозланмаган, юк ташишга мўлжалланган қурилма.

Транспорт воситасининг эгаси – транспорт воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Ҳайдовчи – йўлларда транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс. Бошқаришни ўргатувчи, от аравани бошқараётган, ҳайвонларни миниб ҳаракатланаётган ёки уларни етаклаб бораётган, чорва моллари (пода)ни ҳайдаб бораётган шахслар ҳайдовчига тенглаштирилади.

Йўл ҳаракати – одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи.

Йўл – транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ер бўлаги ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл автомобиль ва шаҳар электр транспорти йўлларини ҳамда тротуарларни ўз ичига олади.

Йўл ёқаси – йўлнинг қатнов қисмига у билан бир сатҳда бевосита туташган, қоплама тури билан фарқ қиладиган ёки йўл ҳаракати қоидасида билан белгиланган 1.1 йўл чизиғи ёрдамида ажратилган, ушбу қоидаларга мувофиқ ҳаракатланиш, тўхташ ва тўхтаб туриш учун мўлжалланган бўлаги.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидасининг

77-бандида транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлигига таъриф берилган.

Ҳаракатланиш тезлиги— бу ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда, транспорт воситасини рухсат этилган тезлик чегарасидан оширмасдан бошқариши керак. Транспорт воситасининг ҳаракат тезлиги, ҳайдовчига йўл ҳаракати қоидалари талабларини тўлиқ бажариши ҳамда транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак.

Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги белгилаб берилган. Ушбу қоиданинг 78-бандида эса, аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 километрдан, турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига 30 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилган. Аҳоли пунктларидан ташқарида енгил автомобилларга ва рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автомобилларига тезликни соатига 100 километрдан оширмасдан ҳаракатланишига, шаҳарлараро қатнайдиган автобусларга ва микроавтобусларга тезликни соатига 90 километрдан оширмасдан ҳаракатланишига, бошқа автобуслар, тиркамали енгил автомобиллар, мотоцикллар, рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларига тезликни соатига 80 километрдан оширмасдан ҳаракатланишига, тиркамали юк автомобилларига тезликни соатига 70 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилганлиги йўл ҳаракати қоидасининг 79-бандида белгиланган. Ушбу қоиданинг 80-бандида ҳар қандай йўлларда юкхонасида одам ташиётган юк автомобилларига тезликни соатига 60 километрдан оширмасдан, болалар гуруҳини ташкилий ташиётган транспорт воситаларига тезликни соатига 60 километрдан оширмасдан, механик транспорт воситаларини шатакка олган транспорт воситаларига тезликни соатига 50 километрдан оширмасдан, хавфли, оғир вазнли ва катта ўлчамли юкларни ташиётган, ташкилий жамланмада ҳаракатланаётган транспорт воситаларига Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан келишилган тезликдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат берилган. Бундан ташқари ҳолатларда транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлигини ошириши тақиқланади, агарда транспорт воситасининг ҳаракатланиш тезлиги белгиланган тезлик чегарасидан ошиб кетганда, ҳолатда транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши ҳуқуқбузарлиги содир этилган деб баҳоланади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши ҳуқуқбузарлиги Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22-сентябрда тасдиқланган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128^3-моддасида белгилаб белгиланган. Демак шундан маълумки йўл ҳаракати қоидасининг 78, 79, 80-бандларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, МЖтКнинг 128^3-моддасининг тегишли бандларида кўрсатилган жазоларнинг бири қўлланилиши мумкин. Ушбу модданинг *биринчи қисмида* агарда транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда ошириб юборганда, (масалан белгиланган тезлик чегараси соатига 50 километр бўлганда соатига 70 километрдан ошмаганда ва белгиланган тезлик соатига 70 километр бўлганда соатига 90 километрдан ошмаганда), бундай ҳуқуқбузарликлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 128^3-моддаси иккинчи қисмига асосан, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида худди шундай ҳаракат такроран содир этилганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 128^3-моддаси учинчи қисмида эса агарда транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталикда ошириб юборганда, бу ҳолат учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўққиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 128^3-моддаси тўртинчи қисмида транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юборганлиги учун эса базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум қилишга сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 128^3-модда бешинчи қисмида транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталикда худди шундай ҳуқуқ-

бузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда, худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун уч марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йил муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади, дейилган. Лекин ушбу ҳуқуқбузарликнинг такрорийлиги инобатга олиниши учун ҳуқуқбузарлик махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилмаган бўлиши керак. Сабаби Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 17^1-моддаси 3 қисмида шундай белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 17^1-моддасининг 3-қисми махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган тақдирда, ҳуқуқбузарликнинг такрорийлиги ҳисобга олинмайди, лекин ушбу кодекснинг 321-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно. Ушбу ҳолатлар қуйидагилардан иборат: махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги бўйича иш янгидан кўриб чиқиш учун юборилиб, қарор бекор қилинган тақдирда, мазкур иш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у илгари содир этган ҳуқуқбузарликларнинг такрорийлигини инобатга олган ҳолда умумий асосларда кўриб чиқилиши лозим. Агар маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш жараёнида тегишли транспорт воситасига ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда эгалик қилган шахс аниқланса ёхуд мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари натижасида транспорт воситаси мулкдорининг эгалигидан чиқиб кетганлиги аниқланса, транспорт воситасининг мулкдори ўзига тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари учун маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

Маълумот учун тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари, шунингдек улар кузатиб келаётган транспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ имтиёздан фойдаланган ҳолда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар махсус фото ва видео қайд этишнинг

автоматлаштирилган техник воситалари орқали қайд этилган тақдирда ҳамда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажарганликни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда ҳайдовчиларнинг маъмурий қоидабузарлиги охирги зарурат ҳолатларида содир этилган деб топилади ва маъмурий иш ушбу кодекснинг 271-моддасига мувофиқ тугатилади. Тезкор ва махсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёхуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқчани ёққан ҳолда ҳамда махсус товушли сигналлар билан яқинлашиб келаётган транспорт воситаларига уларнинг тўсиқсиз ўтиб кетиши учун йўл берган транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар фото- ва видео қайд этишнинг махсус автоматлаштирилган техник воситалари орқали қайд этилган тақдирда, ҳайдовчиларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги охирги зарурат ҳолатларда содир этилган деб топилади ва маъмурий иш ушбу кодекснинг 271-моддасига мувофиқ тугатилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида базавий ҳисоблаш миқдори 270 000 (икки юз етмиш минг) сўмни ташкил қилади. Бу жарима миқдорини тўлаш мумкин албатта, баъзи инсонларга қийинчилик ҳам туғдирмаслиги бор гап, лекин ушбу ҳуқуқбузарлик содир бўлиши натижасида бегуноҳ инсонларнинг соғлигига, ҳаётига етказилган зарарнинг баъзиларини ҳеч қандай моддий маблағ билан тиклашнинг имконини бўлмайди.

Юртимизда транспорт воситалари иштирокидаги содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони бугунги кунда ортиб бораётганлигини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 6 ойида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахборотидан ҳам билиш мумкин. Ушбу ахборотда 2021 йилнинг 6 ойи давомида жами 3,5 миллионга яқин, 2020 йилга нисбатан 40,8 фоизга кўпроқ йўл ҳаракати қоидабузарлиги, жумладан 2 миллионга яқин қўпол қоидабузарлик, 2020 йилга нисбатан 37,3 фоизга ортган, 20 мингдан ортиқ транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш 2020 йилга нисбатан қарийб 100 фоизга ортган, 250 мингга яқин пиёдалар қоидабузарлиги қайд этилган. Оқибатда 3754 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 3170 нафар фуқаро жароҳатланган ва 954 нафар фуқаро ҳалок бўлган. Энг ачинарлиси, 2021 йилнинг ўтган 6 ойида болалар билан боғлиқ 542 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 458 нафар бола жароҳатланган ва 104 нафар вояга етмаган бола ҳалок бўлган. Ана шундай шароитда 2021 йилнинг 6 ойида содир этилган қоидабузарликларнинг бор-йўғи 1,1 миллиони компьютерлаштирилган бошқарув тизими орқали аниқланган.

Мамлакатимизда транспорт воситалари иштирокида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тизимини ташкил этишда, жаҳон тажрибасини чуқур ўрганилиб, бу соҳада ижобий натижаларга эришган

давлатларнинг услубларига таққослаб амалга ошириладиган бўлса, кўзланган натижаларга эриш мумкин. Масалан Исроилда шаҳар доирасида ҳайдовчилар 50 км/соат тезликка риоя қилишлари керак ва мамлакат йўлларида 90 км/соат тезликка рухсат берилади, тезлик чегараси 100 км/соат бўлган тезликда ҳайдаш пайтида ҳайдовчилар барча тезлик чегаралари тегишли қоидалардан хабардор бўлиши талаб қилинади. Маълумот учун Исроил давлатида тезюрар йўллар мавжуд.

Исроилда йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жазо, балларини ҳисоблаш бўйича амалга оширилади, лекин бу давлатда қоидабузарлик учун жазолар Германия давлатига қараганда анча юмшоқ. Исроилда жарима ва балл нафақат автомобил ҳайдовчиларини жазолаш, балки пиёдалар, велосипедчилар, ва ҳатто шахсий электр транспорт эгаларини ҳам қоидабузарликларини ҳисоблаш тизими йўлга қўйилган. Унга кўра, ҳайдовчиларга нисбатан энг енгил қоидабузарликлар “2 балл”, энг жиддий қоидабузарликларга эса “10 балл” қилиб белгиланган. Шулардан энг жиддий йўл ҳаракати қоидаларини бузиш, яъни “10 балл”га тенг ҳуқуқбузарликларга қуйидаги қоидабузарликлар киради. Улар светофорнинг қизил чироқдан ўтиш, одамларнинг ўлимига сабаб бўлган йўл-транспорт ҳодисасини содир этиш, ҳуқуқсиз транспорт воситасини бошқариш, хавфли ўтиш, шу жумладан қаттиқ чизиқни кесиб ўтиш (қарама-қарши ҳаракатланиш), рухсат этилган тезликни ошириб юбориш (шаҳарда 30 км/соат, йўлда 40 км/соат), маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш, спиртли ичимликлар учун тестдан ўтишни рад этиш, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойини тарк етиш, рухсат этилган 25 дан ортиқ массали юк ташиш, “тўхташ” ва “йўл беринг” белгиларига бўйсунмаслик шулар жумласидандир.

Юқоридаги билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши ҳуқуқбузарлигига қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида бир қатор таклифлар киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биринчидан, йўлларда транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлигини назорат қилишнинг замонавий механизми жорий этилиш ва қоидабузарликларни аниқлаш юзасидан компьютерлаштирилган бошқарув тизимини янада кенгайтириш таклиф этилади.

Иккинчидан, йўл ҳаракати қоидасини бузган йўл ҳаракати иштирокчилари учун қонунчилигимизда белгиланган жазоларни қайта кўриб чиққан ҳолда, жазодан ташқари ҳар бир содир этган ҳуқуқбузарлиги учун жарималар баллари жорий этилиб, ушбу баллар тўплами асосида қоидабузарларни қайта тарбиялаш учун хизмат қиладиган *“тузатиш”* механизмини йўлга қуйиш ҳамда тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатларга, ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида таълим хизматларини сифатини яхшилаш, ҳайдовчилар ва ҳайдовчиликка номзодлардан амалий имтиҳон олиш учун замонавий махсус ажратилган ва жиҳозланган автодромлар қуриш.

Тўртинчидан, йўл шароитларидан келиб чиқиб, юқори ва кичик тезликда хавфсиз ҳаракатланишни таъминлайдиган ҳолларда йўлларнинг айрим қисмлари ёки ҳаракатланиш бўлакларида айрим транспорт воситаларига ҳаракатланиш тезлигини оширишга ва пасайтиришга қаратилган тегишли йўл белгиларини ўрнатиш ёки қайта ўрнатиш.

Бешинчидан, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш юзасидан жойларда таъсирчан тарғибот учрашувларини ташкиллаштириш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жойизки, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши ҳуқуқбузарлигини олдини олиш ва қарши курашда юқори натижаларга эришиш учун, автомобиль йўлларимизни замонавий тезлик ўлчайдиган техник воситалар билан жиҳозлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни янада ривожлантириш лозим. Шунингдек ушбу ҳуқуқбузарликларга нисбатан қонунчилигимизда мавжуд жазо турларини, жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда такомиллаштирилса, мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларнинг камайишига эришган бўлар эдик.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2018. – Б. 519.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги ЎРҚ-348-сонли қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. //lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3127-сон қарори. //lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарори. //lex.uz.
6. *Зиёдуллаев М.З.* Ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолияти курсидан масалалар тўплами: Ўқув-амалий қўлланма. – Т., 2013. – Б. 121.
7. *Икрамов Ш.Т.* Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари ва ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги: Ўқув қўлланма. – Т., 2013. – Б.210.

У. А. Батиров,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳарбий тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси



ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакат келажагини ёшлар, уларнинг салоҳияти белгилаши ҳаммага маълум. Шундай экан, ҳар қандай мамлакат ўз келажагини ёшлар тимсолида, уларни илмий, маънавий-маърифий ва жисмоний жиҳатдан баркамол, ҳарбий ватанпарварлик фазилатлари шаклланган ҳолда вояга етказишда кўриши табиийдир. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг келажагини белгилаб берувчи ёшларни ҳақиқий ватанпарвар бўлиб етишишига катта имконият яратади. Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки кунларидан республикамизда ёшларнинг баркамол инсон бўлиб, улғайишига алоҳида эътибор берилди. Бу борада айниқса, ёшларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбияланиши учун улкан ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий асослар яратилди.

Лекин мазкур соҳада амалга оширилган тадбирларимиз ўзининг асосий мақсадига эриша олмади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу ҳақида танқидий фикр билдириб “ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва ўқитиш, навқирон авлодимизни бизнинг халқимизга мутлақо бегона бўлган бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш масалаларига зарур даражада эътибор қаратилмади”, деб таъкидлади. Дарҳақиқат, юртбошимиз билдирган танқидлар ҳамда мазкур соҳада белгилаб берган вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимиз ёшларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Шу ўринда савол туғилади: “Ватан”, “ватанпарварлик” тушунчалари нима англатади? Бу муқаддас туйғу ҳақида саноқсиз фикрлар, ғазаллар, китоблар ёзилган. “Ватан” тушунчаси – кенг қамровли, кўп маъноли тушунча. Инсон ўз киндик қони тўкилган, туғилиб ўсган диёрини Ватан дейди, аммо ҳар бир инсон бу тушунчага ўз маънавий камолот даражасидан келиб чиқиб қамров беради. “Ўз уйим – ўлан тўшагим”, дейди биров, бошқаси туғилган шаҳар ёки қишлоғини Ватаним, юртим дейди. Аммо қандай талқин этилмасин, муҳими, “Ватан” тушунчаси маънавий қадриятдир.

“Ватан” тушунчаси маънавий қадрият сифатида инсон онгида ҳар хил камол топади, вазиятлардан келиб чиқиб, турлича талқин этилади. Агар

уларнинг барчаси назарга олинмаса, қиёсий таҳлилдан ўтказилмаса, ёш авлод руҳига сингимайди, оддий бир шиор даражасида қолиб кетаверади. Ватан (арабча – *ўсган жой, юрт*) – кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрт, диёр ёхуд киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юрт. "Ватан" аниқ тушунча. У кенг ва тор маъноларда қўлланади. Бир халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудудни ифодалаганда у кенг маънога эга бўлади. Яъни, тили, эътиқоди, урф-одатлари ва миллий хусусиятлари бир бўлган авлодлар яшаётган жуғрофий муҳит Ватанни ифодалайди.

Барча тинчликсевар мамлакатлар сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинлиги, давлат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар учун эркин ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароитларни яратиш каби вазифалари мавжуд. Албатта, мамлакат ёшларида бу вазифаларни амалда таъминлаш кўникмаси ортган, малака ва тажрибаси шаклланган бўлиши мақсадга мувофиқ. Уларда ҳарбий ватанпарварлик қиёфаси ёшликдан шаклланган бўлиши мамлакат тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда ҳам 2018 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 140-сон Қарори билан "Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси" қабул қилинди. Унда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялашга оид яхлит таълим-тарбия тизимининг узвий ва ажралмас қисми сифатида қаралиб, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, бугунги Ўзбекистон ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи умуммиллий миқёсидаги вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки ватанпарвар бўлмаган инсон ўз юрти, ўз халқи учун қайғурмайди, жонини фидо қилмайди. Зеро, ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний таъкидлагандек, ҳар бир кишининг туғилиб-ўсган шаҳар ва мамлакатини шу кишининг Ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу Ватан ҳис-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз Ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-фароғатда яшамас, маишати бўлиб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз Ватанининг муҳаббати турар. Демак, инсон онгли мавжудот сифатида ўз Ватанини улуғлаши, тараққиёти учун қайғуриши, тинчлиги, хавфсизлиги учун курашмоғи унинг ватанпарварлигидан далолат беради. Таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларни мана шу руҳда тарбиялаш мамлакат равнақи учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Асосий қонунимизда “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”, дейилган. Ушбу нормадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз барча фуқаролари учун инсонпарварлик принципидан келиб чиққан ҳолда бир хил эътибор қаратилади. Шу сабабли озод ва обод Ватанимизни севиш ва қадрлаш, у билан фахрланиш, унинг сарҳадларини мудофаа қилиш ватанпарварлик намунасидир. Ёки Конституциямизнинг 52-моддасида: “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар”, деган ҳуқуқий норманинг киритилганлиги ҳам ҳар бир фуқарога ватанпарварлик унинг ажралмас бурчи эканлиги англатади. Ёшларимизда ватанпарварлик фазилатларини шаклланти-ришни ёшликдан амалга оширишимиз муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, уни фақатгина ижтимоий-маънавий масала бўлибгина қолмай, балки Ўзбекистон Конституциясига асосланган ҳолда сиёсий-ҳуқуқий масала эканлигини ёшларимизни онги ва тафаккурига сингдирсак уларнинг ватанапарварлигини янада юқори чўққиларга кўтариш имконияти юзага келади.

Ёшларни ҳарбий, ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига республикамизда катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи, ёшларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ўқув муассасалар ва бошқа ўқув юртлари, “Ватанпарвар” мудофаага кўмаклашувчи ташкилот ўқув тўгаракларида, чақириққача ва чақириқ ёшидаги ёшларнинг ҳарбий тайёргарлик тизимида, Қуролли Кучларда шахсий таркибнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташи давомида ҳарбий лицейлар, республика фуқаролик олий таълим муассасаларининг ҳарбий факультет ва кафедраларида, Қуролли Кучларга тегишли бўлган махсус тузилмаларда, академик лицейларда олиб борилмоқда**.**

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида “Чақириққача ҳарбий тайёргарлик” фани, кўпчилик олий таълим муассасаларида ҳарбий кафедралар, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида “Чақириққача ҳарбий таълим” йўналиши доирасида ўқувчи ва талаба ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор берилмоқда.

Ёшлар – Ватанимизнинг, миллатимизнинг келажагидир. Ватанимиз тақдирини уларга ишониб топширар эканмиз, аввало улар зиммаларига юклатилаётган мураккаб ва масъулиятли вазифани бутун моҳияти ила чуқур англашлари, унга ўзларини ҳиссаларини қўшишлари лозим. Зеро, Ватанни севиш, унга меҳр-муҳаббат қўйиш бевосита ҳар кимнинг шу юрт равнақи йўлида амалга ошираётган бунёдкорона ишлари билан белгиланади. Миллий ўзликни англашнинг ривожланишида миллий ватанпарвар-

лик ғоялари билан суғорилган, теран фикрловчи ёшларни тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун Ватан ҳимоясига тайёрланаётган ёшларимизнинг ҳар бири юксак ватанпарварлик руҳида тарбияланиши шарт.

Ватанпарварлик – юксак инсоний фазилат ҳисобланади. Алишер Навоий шаҳзода Бадиуззамонга ёзган мактубларидан бирида мақсад хусусида шундай ибратли фикрларини баён этган: “Одамнинг мурод-мақсади бўлмаса, балолардан омон қолмайди. Аммо ҳар кишининг муроди кўпроқ бўлса, ҳақ-таоло амрига итоати кўпроқ бўлади”. Ватани бор одамнинг ғурур-ифтихори юксак, мақсад-муддаоси аниқ бўлади. Ватани – тоғдек таянчи борлигини ҳис этган инсон ҳар қандай синовга, ҳар қандай машаққатга доимо тайёр туради. Широқ, Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур каби халқ қаҳрамонларининг жасорати, душманга қарши кураш, Ватан озодлиги йўлидаги мардлиги ва жонбозлиги бунинг ёрқин тасдиғидир. Мустақиллик туфайли халқимиз ўзининг ҳақиқий тарихи ҳақида гапириш ҳуқуқига эга бўлди, Ватан озодлигига эришди. Таълим муассасаларида ўқувчи, талаба, тингловчи ва курсантларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш бош ғоямизнинг маъно-мазмунини уларнинг онгу-шуурига сингдириш воситасида амалга оширилади.

Айрим ҳолатларда ватанпарварлик деган тушунчанинг мазмуни нотўғри талқин этилиб, бир томонлама тавсиф берилади. Яъни ватанпарвар деганда ҳарбий жасорат ёки қаҳрамонлик кўрсатган шахслар назарда тутилади. Бизнинг фикримизча, бу ватанпарварликнинг муайян бир кўринишидир. Ватанпарварликнинг кўринишларига мустақил фикрлаш, маънавиятлилик, махсус касбга эга бўлиш ҳам унинг қирраларини кўрсатиб беради. Ҳақиқат ҳам, мустақил фикр бўлмаган жойда тобелик, маънавий таҳдид мавжуд бўлади. Мустақил фикрга эга бўлган инсон ҳеч қачон ўзгаларга қарам бўлмайди. Мустақил фикр яратувчанлик ва бунёдкорликнинг маънавий йўлидир. Ватанпарварликнинг шакли мустақили фикрлаш мавжуд бўлмаган жойда эса сотқинлик бошланади. Демак, ёшларимизни мустақил фикрлашга ўргатишимиз, уларни нопок йўллардан асраб қолади. Бежизга ҳадисларда “ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир” дейилмаган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти бу ҳақида билдирган қуйидаги фикрлари ҳаммамиз учун дастуриламал вазифасини ўташи керак, яъни “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитратнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф

бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”.

Ёшларда ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш адолатпарварлик билан ҳам мустаҳкам боғлиқ. Инсон умрига маъно-мазмун бахш этувчи адолат ҳақиқатга риоя қилишда, ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўя билишда намоён бўлади. Жоҳиллик, ялқовлик ва бекорчилик, худбинлик ва ҳасадгўйлик, қўрқоқлик, журъатсизлик ва такаббурлик охир-оқибатда Ватан тақдирига бефарқликни вужудга келтирадиган иллатлардан ҳисобланади. Бекорчилик – ҳар қандай истеъдод учқунини ўчириб, бошланган ҳар қандай эзгу ният ва интилишларни йўққа чиқарадиган, қўлга киритилган муваффақиятларнинг бой берилишига олиб келадиган иллат. Бекорчилик оқибатида инсон ўз ҳаётида хаёлдан ва хоҳиш-истакдан нарига ўта олмайди. Инсон умри оқар сув каби тез ўтиб кетади. Халқимиз мақолларидан бирида таъкидланганидек, “йўқолган олтин топилар, йўқолган вақт топилмас”. Шундай экан биз ҳар бир сония ва имкониятдан оқилона фойдаланишга интилишимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ватан равнақига ғов бўладиган ҳаракатларга йўл қўймаслик, уларга нисбатан муросасиз бўлиш ҳам Ватанга муҳаббат ҳиссини камол топтиришга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи // URL – http://press-service.uz/uz/lists/view/1419.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи // URL – http://press-service.uz/uz/lists/view.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 1. – Т., 2006. – Б. 444.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон Қарори // http://lex.uz/docs/3571158.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // http://lex.uz/docs/20596#39092.
6. *Сатибалдиев А.А., Мамуров У.И.* Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси: Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2007. – Б. 7-8.
7. *Алишер Навоий.* Асарлар. 13-жилд. – Т., 1996. – Б.126.
8. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // https://nrm.uz/contentf?doc=480816_o‘zbekiston_respublikasining_saylangan_ prezidenti_shavkat_mirzieev_(2016_yil_7_dekabr).



О. М. Бойназаров,
ИИВ Малака ошириш институти
Ахборот технологиялари цикли ўқитувчиси

Ш. Э. Шералиев
ИИВ Малака ошириш институти Ахборот технологиялари цикли катта ўқитувчиси



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЎҚУВ ЖАРАЁНЛАРИ УЧУН МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ҳозирги кунда ички ишлар органларига ўқув жараёнлари шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки ички ишлар соҳаларида, кундалик ҳаётимизда замонавий ахборот коммуникацион технологияларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги эффектни берадиган ўзгартиришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлиши аниқ. Шунинг учун қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот – коммуникацион технологияларини жорий этиш ички ишлар органларига юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур ҳисобланади.

Бугунги кунда ички ишлар органларига таълим тизими фаолиятида юзага келган вазиятларда, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини такомиллаштириш ва замонавийлаштириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Бироқ, ўқув жараёнининг амалиётига арзонлиги учун ҳаммабоп, локал тармоққа уланган ва шунинг учун дунё миқёсдаги (глобал) Internet тармоғига кириш имкони бўлган шахсий компьютерларнинг жорий қилиниши, бу ишларни янада жадаллаштирди. Ўрта маълумотни кўпинча компьютерлаштиришга ва интернетлаштиришга асосланган, замонавийлаштириш дастурини муваффақиятли амалга ошириш учун, на фақат ўқув масканлари замонавий техника воситалари билан таъминланмоғи, балки таълим тизимининг ташкилотчилари ва педагоглари ҳам бу соҳада етарли билимга эга бўлишлари керак. Аслини олганда бунда ҳеч қандай янгилик йўқдек, фақат эришилган билим доирасини кенгайтириш керак: педагогика олий ўқув юртларида ушбу мутахассисликка ихтисослашган ўқитувчиларни тайёрлашишлари йўлга қўйилган, компьютерлар билан таъминланган мактабларда ахборотлаштириш дарси ўтказилмоқда, таълим масканларининг нафақат раҳбарлари, балки маъмурияти ҳам ўз столлари устида

шахсий компьютерлар туриши ва ундан фойдаланишни табиий ва жуда зарур ҳол, деб ҳисоблашади.

Шуни айтиш мумкинки, буларнинг ҳаммаси ҳам жуда оддий эмас, бу нарсаларни диққат билан кўриб чиқсак, унда қарама қаршиликни кўрамиз, яъни ҳаммабоп таълим бериш ва унинг сифати ўртасидаги зиддиятни. Ҳар бир педагог, у хоҳ мактаб ёки олий ўқув юрти ўқитувчиси бўлсин, уларнинг асосий мақсади, таълим бериш сифатини юксалтиришдир, бу ишда уларга ички ишлар органларига ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш жуда яхши ёрдам беради. Шунингдек раҳбар учун сифатдан ташқари, амалдаги техник жиҳозлар ва бошқа ўқув ресурсларидан имкони борича кўпчилик фойдалана олишини ташкил этиш зарур. Шунинг учун кўпинча ҳаммабоп ва сифатли таълим беришда улардан бирига кўпроқ эътибор берилади. Юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун, педагогика ходимларини тайёрлаш босқичида, бу масалага алоҳида эътибор берилиши керак. Бунда масофавий таълим элементларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Масофавий таълим – аҳолини кенг қатлами учун махсус информацион таълимга қаратилган бўлиб, масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситалари (йўлдошли алоқа, телевидение, радио, компьютер ва бошқалар) асосида ишловчи таълимга қаратилган хизматлар комплекси ҳисобланади.

Ички ишлар органларига масофавий таълимнинг афзалликлари шундан иборатки, масофавий таълим таълимнинг барча муаммоларини ҳал қила олмайди, лекин янги информацион технологияларни қўллаш, олий таълимнинг бир қатор муаммоларини ечиш имконини беради. Булар:

– Ўқиш тури ва воситаларининг хилма-хиллиги;
– Ўқиш учун ҳудудий чекловнинг йўқлиги;
– Ўқиш учун кетадиган маблағни тежаш;
– Ўқиш хусусиятини ўзи танлаш имконияти;
– Янги информацион технологиялар бўйича қўшимча билим олиш;
– Яқин соҳавий хизматларида мавжуд бўлган фанларни ўрганиш;

Ходимлар замонавий ахборот технологияларида масофавий таълим воситалари эса масофавий таълим жараёнида компьютер техникаси ва телекоммуникация воситалари ҳамда бошқа янги ахборот технологияларни қўллашга асосланган анъанавий ва инновацион таълим воситаларидан фойдаланилади. Бу замонавий таълим тили билан “таълимнинг дастурий-техник воситалари” деб юритилади.

Ходимлар учун масофавий таълимни ўтказиш учун жорий қилинадиган дастурий-техник воситалар қуйидаги педагогик вазифаларни ҳал этиши зарур:

1. Мустақил ўқиш ва компьютер тестларидан ўтиш имконияти.
2. Ўқув материалини етказишни қулай шарт-шароитларини таъминлаш.

3.Ўқувчилар билан ишлаш ва ўзаро муносабатни жамоавий мулоқот асосида олиб бориш.

Репродуктив технологиялар (ўқув материалларини тарқатиш технологиялари) кўпроқ ўқитувчига йўналтирилган бўлиб ўқитиш моделига асосланган. Технологиянинг асосий мақсади – ахборот жўнатиш ҳисобланади.

Ички ишлар органларини ўқитишда репродуктив методикасини амалга ошириш учун биринчи навбатда ўқитиш воситалари ва ўқув материаллари етказиш воситаларини қўллаш лозим.

Аслида бу технологияни классик амалиёти ТВ-технологиядир. Бу технологияни замонавий кўриниши тармоқ технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади. Бу ҳолда ўқув-методик материалларни етказишда тармоқ технологияларидан, ўқитувчи ва ходим ўзаро мулоқоти учун эса махсус ўқитиш платформадан фойдаланилади.

Ички ишлар ходимларини масофавий таълимнинг платформада интерактив технологиялари якка шахсга йўналтирилган ўқитиш моделига асосланган ва биринчи навбатда мукаммал билимларни эгаллаш ва маҳорат орттиришга қаратиш ҳисобланади.

Интерактив технологияларни замонавий кўриниши репродуктив технологиядаги бўлгани каби тармоқ технологиялари ҳисобланади. Бунда ҳам якка шахсга йўналтирилган моделнинг юқорироқ даражадаги техник шаклидан фойдаланилади. Ходимларни тармоқда ўқиётганларга компьютер курслари етказиб берилади ва ўзларининг ўқиш ҳолатларини талаб қилинган ва ўзини-ўзи текшириш топшириқларини бажариш, ўқитувчи билан платформа орқали мулоқот қилишда билиб боради.

Платформада биргаликдаги таълим технологиялари фикрлаш қобилиятини ривожлантириш (таҳлил қилиш, синтез, баҳолаш)га йўналтирилган бўлиб, ўқитишни ўқув гуруҳларига қўллашни кўзлайди. Бу технологиялар синфи кичик гуруҳларда ўқийдиганлар учун қўллашга йўналтирилган.

Мулоқотни ташкил этишнинг тармоқ технологиялари кўп функцияли, жамоавий фойдаланиладиган, турли хил интерактивликдаги ва ахборотни жўнатишда турлича кўринишли виртуал ўқув муҳитини қўриш имконини беради.



Бу виртуал муҳитда ўқиётганларнинг ўзаро жамоавий ҳаракати ўқитувчи назорати остида бўлади.

Масофавий таълим технологик платформалари дейилганда, масофавий таълим кўрсатиш хизматига қаратилган ўқув процедураларини бошқариш ва масофадан туриб ўқув жараёнларини ўтказишни ўз ичига олган дастурий-техник воситалар мажмуини тушунамиз. Ички ишлар органлари ходимларини масофавий таълим технологиялари самарадорликка эришиш ва анъанавий аудитория ўқитиш тизимини ўрнини эгаллаши учун осон соддалашадиган бўлиши талаб этилади.



Ички ишлар органларининг ўқув жараёнлари учун масофавий таълим тизими дастури.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда ички ишлар органларига масофавий таълим комплексини таълим муассасаларига жорий этилиши ҳар томонлама фойда келтиради. Ички ишлар органлари таълим тизимида бу комплексни жорий қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Республика миқёсидаги барча ички ишлар органлари таълим масканлари компьютер, ахборот ва коммуникация технологиялари билан яхши таъминланган. Ушбу технологияларни таълим тизимига кенг жорий этиш ички ишлар органлари олдига қўйилган кўп муаммоларни ўз пайтида тезкор, ишдан ажралмаган ҳолда ҳал этишга ёрдам беради. Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради.

Адабиётлар

1. *Кривошеев А.О.* Компьютерные обучающие программы. Состояние и перспективы развития // Перспективные информационные технологии в высшей школе. – Самара, 1993

2. *Курганская Г.С.* Структура учебного курса в системе дистанционного обучения: Методическое пособие. – Иркутск., 1999.

3. Методы и средства управления процессом обучения в АОС / Под общей ред. Новикова В.А. – М., 1985.

4. *Чванова М.С.* Использование аппарата теории нечетких множеств при проектировании современных технологий дистанционного обучения // Образовательные технологии и общество. – 2013.

5. *Kiseleva E.I.* Mathematical model concept for education progress control system // Информационные технологии и нанотехнологии. – Самара., 2017

Г. З. Тулаганова,
ТДЮУ Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси профессори



ЖИНОЯТ КОДЕКСИДАГИ НОРМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШДА ТЕРГОВ ВА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, одил судловга эришиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган. Дастлабки терговни юритувчи органлар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига ва нормаларига асосан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда амалга оширадилар. Мазкур Кодекс ва амалдаги қонун ҳужжатлари прокуратура органларига жиноят иши бўйича дастлабки терговни юритувчи органлар томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш мажбуриятини юклайди. Бу эса, ўз навбатида, жиноятларни тезкорлик билан тўлиқ очиш, уни ҳар томонлама, холисона тергов қилиш ҳамда суд томонидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқарилишининг кафолатларидан бири ҳисобланади. Прокуратура органларининг бу соҳадаги фаолияти қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 7 январь куни прокуратура органлари ходимлари билан учрашувда прокуратура органлари хусусида: “Прокуратура органлари кундалик ҳаётимизда қонун устуворлигини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши зарур” деб таъкидлади [1].

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 17 август куни Тошкентда ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида дастлабки тергов органларидан бири ҳисобланган ички ишлар органлари фаолиятида жиноятларни фош этиш, жиноят содир этган шахсларни топиш ва ушлаш борасидаги ишларда камчиликларга йўл қўйилаётганлигини, ички ишлар органлари томонидан жиноятларни яшириш ва рўйхатга олмаслик ҳолатлари кузатилаётганлигини, прокуратура органлари эса дастлабки тергов органларини, ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш ва жиноятларни фош қилиш, қидирувдаги шахсларни ушлаш билан боғлиқ фаолиятини назорат қилиши лозимлигини, бир сўз билан айтганда, ички ишлар органлари фаолияти устидан прокурор назорати етарли даражада ўрнатилмаганлигини таъкидлаган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига мувофиқ, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган тақдирда кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ўз навбатида, прокурорнинг жиноят-процессуал қонунида назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органларига ҳамда терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурийлиги ҳам мазкур Кодекснинг 382-моддасида ўз тасдиғини топган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 30 ноябрь кунги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПФ-5268-сон фармонида ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили, аҳоли билан очиқ мулоқот натижаларини умумлаштириш, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш, баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бераётганлигини, ушбу ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётганлигини, оқибатда эса аҳолининг асосли эътирозига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг беғаразлигига бўлган ишончининг пасайишига олиб келаётганлигини таъкидлаган. Ваҳоланки, суриштирув ва дастлабки терговда ҳам далиллар етарли бўлмаса, жиноий тақиб остига олинган шахс ҳаракатларида эса жиноят аломати бўлмаса, жиноят иши тугатилиши лозим. Шунингдек, терговда айбланувчиларга нисбатан асоссиз жиноят қонунида назарда тутилган моддаларнинг қўйилиши ҳам дастлабки тергов ва суриштирувда

йўл қўйилаётган камчиликларни англатади. Аслида прокурор Жиноят-процессуал кодексининг 384-моддасига кўра, айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан келган жиноят ишини кўриб чиқаётганда айбланувчи зиммасига қўйилаётган қилмиш содир этилган ёки этилмаганлигини ва бу қилмишда жиноят таркиби бор-йўқлигини; қўйилган айб ишдаги мавжуд далиллар билан асослантирилган-асослантирилмаганлигини; тергов синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона ўтказилган-ўтказилмаганлигини, барча важлар текширилганлигини ва ҳимоянинг илтимосномалари кўриб чиқилганлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Демак, мазкур ҳолатларда ҳам прокуратура органлари томонидан камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини нафақат судлар, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан дастлабки тергов органлари ҳам ҳимоя қилиши даркор. Прокуратура органлари эса бу борада дастлабки терговни амалга оширувчи органлар устидан назоратни кучайтириши, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлар ва манфаатларини ҳимоя қилиши, дастлабки тергов жараёнида қонун нормаларига риоя қилинишини оғишмай назорат қилишлари лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 2-моддасига асосан, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир. Суриштирувни ва дастлабки терговни амалга ошираётган органларнинг жиноят-процессуал фаолияти устидан прокурор назоратининг мақсади ва вазифалари юзасидан ҳам юридик адабиётларда илмий мутахассислар ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Ҳеч бир жиноят фош этилмасдан қолмаслиги ва жиноят содир этган ҳар бир шахс қонунда белгиланган жавобгарликдан қутулиб қолмаслиги;

Қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратини амалга ошириш жараёнида прокурорлар жиноят содир этилишидан жабрланган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун талабларини суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан ижро этилишини таъминлашга йўналтирилган чораларни, шунингдек шахсни қонунсиз ва асоссиз айбланишидан, унинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини чекланишидан ҳимоя қилиш чораларни кўриши лозим. Дастлабки тергов даврида ЎзР ЖК 243-моддаси билан айб эълон қилинган шахсларни ишларини юритиш ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 243-моддаси жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш деб номланади. Унга кўра жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш,

яъни мулк пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш тушунилади. Демак, мазкур модда мазмунида жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштириш сифатида ҳар қандай жиноят сифатида топилган мулкни легаллаштириш, яъни унга қонуний тус бериш, унинг келиб чиқиш манбасини яшириш тушунилади.

Ҳозирги кунга келиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлари халқаро уюшган жиноятчилик характерини ўзида акс этиб, унга қарши кескин кураш олиб боришни тақозо этмоқда. “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан кўплаб ишлар амалга оширляпти. Ўзбекистон Республикасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятига қарши курашиш соҳасида бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2004 йил 26 августда қабул қилинган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги 660-II қонунига, 2019 йил 15 январда ЎРҚ-516-сонли қонун билан ўзгартириш киритилди. БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” конвенцияси ҳамда 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши” конвенцияларида жиноий даромадларни легаллаштириш жиноят сифатида қайд этилди ҳамда конвенцияга аъзо давлатлар ўз қонунчилигида жиноий даромадларни легаллаштиришни жиноят сифатида киритиши белгиланди. Конвенциянинг 6-моддасида англаш, мақсад ва қасд жиноят таркиби элементи сифатида ишнинг объектив фактик ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Яъни, конвенцияда мазкур жиноят қасддан, мақсад билан онгли содир этилиши жиноят таркибини элементи эканлиги қайд этилган. Демак, жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятида айбдорнинг мақсади жиноий йўл билан топилган мулкка ёки даромадга қонуний тус бериш орқали унинг келиб чиқиш манбасини яширишга қаратилади.

Замонавий ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожланиши, халқаро пул ўтказмалари тизимининг ривожланиши, виртуал пулларнинг пайдо бўлиши каби омиллар ҳам жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини халқаро миқёсда ҳам долзарб муаммога айлантирди. Бу эса ўз навбатида бундай жиноятларга қарши курашда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни, ушбу жиноятларга қарши кураш

бўйича малакали мутахассисларни тайёрлашни, бу соҳадаги хорижий тажрибани ўрганишни тақозо этади. Легаллаштириш шартли равишда икки шаклга бўлинади: оддий ва мураккаб. Оддий шакли тузилишига кўра мураккаб легаллаштиришнинг бир босқичи бўлиб, у кўп томонлама молиявий операциялар, тижорат, молиявий ва банк структуралари, суғурта компаниялари, бошқа ташкилот ва муассасалар, тижорат фаолияти билан шуғулланадиган муассасалар ва бошқаларни ўз ичига олган турли бошқарув ва тижорат фаолиятини ифодалайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки босқичларида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни етарли ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги боис капитал (нақд пул ва бошқа мол-мулк)нинг қонунга хилоф равишда орттирилиши ва унинг жисмоний ва юридик шахсларнинг қўлида тўпланиши учун муайян имкониятларни яратганини ёдда тутиш лозим. “Яширин” капитал жиноий фаолият натижасида шаклланиб, солиққа тортилмаган махфий капитал ҳисобланади.

Легаллаштириш – пул маблағларини “яширин” капиталдан чиқариш ва қонуний муомалага киритиш, яъни улар (пул ва бошқа мол-мулк)га муайян жисмоний ёки юридик шахснинг қонуний мулки ҳуқуқий мақомини беришдан иборат. Иқтисодиёт ва молия соҳасидаги ҳуқуқий тартибот асосларига таҳдидларни ҳисобга олиб, жиноий сармоянинг иқтисодиёт ва бошқа давлат фаолиятига кириб келишига тўсқинлик қилиш Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга. Чунки жиноятчиликнинг активларини легаллаштириш давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига рахна солади. Хорижий мамлакатларда хусусан, Россия Федерацияси жиноят кодексида легализация учун иккита модда бўйича жавобгарлик белгиланган. Жумладан, РФ ЖКнинг 174-моддаси “бошқа шахс томонидан содир этилган жиноят натижасида қўлга киритилган пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш” деб номланса, 174[1]-моддаси “жиноят содир этган шахс томонидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштириш” деб номланади. Яъни, Россия Жиноят кодексида ўзи томонидан содир этилган жиноят натижасида топилган мулкни легаллаштириш билан, бошқа шахс жиноят содир этиши натижасида топилган мулкни легаллаштириш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган. Бошқа бир қатор давлатлар жиноят қонунида эса, бу жиноят содир этиш усулига кўра бир неча кўринишлари алоҳида кўрсатилади. Масалан, Корея Республикаси жиноят кодексида “Ўғирланган мулк билан боғлиқ жиноятлар”, Исроил жиноят қонунида “Ўғирланган мулк” ва Россия Федерациясининг жиноят кодексида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти “иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар” туркумига киритилган ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти шахсан жиноят содир этиш орқали топилган даромадларни легаллаштириш ва бошқа шахслар томонидан жиноят содир қилиш орқали топилган даромадларни легаллаштириш каби кўринишларини фарқлайди.

Халқаро ҳуқуқ доктринаси ва амалиётида эса жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легллаштириш “пулларни ювиш, тозалаш” сифатида эътироф этилади ҳамда наркотрафик, порахўрлик, ўғрилик ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар натижасида олинган пул маблағларининг “ҳақиқий” кўринишини яшириш мақсадида қонуний молия тизимидан фойдаланиш сифатида баҳоланади. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг амалдаги таҳририда жазонинг фақат битта тури − озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 243-моддаси санкцияга муқобил жазо турларини киритиш тавсия этилади, энг мақбули жарима, озодликни чеклаш. Яъни жиноятчиликка қарши курашда, судлар томонидан содир этилган жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва уни содир этганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш, бу борадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтиришмиз зарур. Бунга мисол Қозоғистон Республикаси жиноят кодексининг 218-моддаси, Молдова жиноят кодексининг 243-моддаси, Беларус Республикаси жиноят кодексининг 235-моддаси, Украина Жиноят кодексининг 209-моддалари бўйича ҳам жиноий йўл билан топилган мулкни легаллаштириш учун дифференциялаштирилган жавобгарлик белгиланган ҳамда муқобил жазо турлари назарда тутилган.

Бундан ташқари, Украина жиноят кодексида мазкур жиноят хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларга, Россия, Беларус, Молдова, Қозоғистон жиноят кодексларида иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибига қарши қаратилган жиноятлар тоифасига киритилган. Яъни, МДҲ давлатлари жиноят кодексида ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган моддалари қисмларга ажратилган. Бундан хулоса қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида 243-моддасини ҳам қисмларга ажратиш, унга қўшимча яна иккинчи қисм билан тўлдириб, қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатлари учун алоҳида жавобгарлик белгилашни; шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига мос равишда ЖКнинг 243-моддаси 1-қисми санкциясига озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ташқари муқобил жазолар яъни жарима, озодликни чеклаш жазо турлари билан тўлдиришни; жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти кўпроқ иқтисодиётга қарши қаратилганлигини инобатга олиб, мазкур жиноятни иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар бобига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, айрим хорижий давлатларни жавобгарлик турларини айрим жиҳатларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш инсонпарварлик принципига ва ҳозирги олиб бораётган ислоҳотларимизга тўлиқ мос келади деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар

1. Ш.М.Мирзиёевнинг ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқи. – 2017. –17 авг. /URL: https://president.uz/uz/lists/view/931

М. М. Кадиров,
ТДЮУ доценти

ИНФОКОММУНИКАЦИОН ТИЗИМЛАРНИНГ ҲИМОЯЛАНГАНЛИГИ МУАММОЛАРИ

Жаҳонда инфокоммуникацион тизимларда ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни аниқлаш ва бартараф этиш, тизимларнинг ҳимояланганлигини баҳолаш ва рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоялаш воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Рақамли иқтисодиётда ахборот технологияларини қўллаш орқали барча соҳаларнинг самарадорлиги ошиб бормоқда [Б.1, 17-46]. Бу эса ахборотнинг ҳимояланганлик масаласида муайян хавф-хатарларни келтириб чиқаради. 2021 йилнинг биринчи чорагида киберинцидентлар сони тез суръатлар билан ошиб борди ва бунинг натижасида ахборот тизимларга бўладиган ҳужумлар сони 2020 йилга нисбатан 22,5% га ошганини яққол кўриш мумкин. Хавфсизлик бузилишларининг сабаблари таҳлили натижаларига кўра, инфокомуникацион тизимларда ҳимоя воситаларининг камчиликларининг 69% фойдаланишни бошқариш тизимининг улушига тўғри келади. 2023 йилга бориб киберхавфсизлик харажатлари 248,3 млрд. АҚШ долларига ўсиши кутилмоқда [2].

Республикамизда давлат ва хўжалик бошқарув органларида инфокоммуникацион тизимларини ривожлантириш ҳамда шу тизимларда маълумотларни сирқиб чиқишини ва ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чеклаш усул ва воситаларини кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, ахборот тизимларини ҳужумлардан ҳимояланганлик самарадорлигини ошириш – тизимдан идеал иш кутилаётганда, лекин унинг ўрнига тизимда қийинчиликларга дуч келаётган жойда амалга оширилади. Фойдаланувчида хизмат кўрсатиш учун зарур воситаларнинг захираси бўлиши ва зарурият туғилганда унинг доимий иш қобилиятининг самарали ҳолатини сақлаш, шунингдек, ахборот тизимлари модулларидан фойдаланилганда нуқсонларни аниқлаш ва бартараф этиши лозим.

Шундай қилиб, “Positive technologies” компаниясининг маълумотларига кўра, 2020 йилнинг IV чорагида маълумотларни олишга йўналтирилган ҳужумларнинг улуши ўсишда давом этган [3; Б.4-18]. Кибер ҳодисаларнинг 48%ида жиноятчилар мақсади ахборотни олишга йўналтирилган, 39%и эса – молиявий фойдага қаратилган. Ҳисоб маълумотлари сотилиши ва улардан фойда кўрилиши мумкин, шу сабабли, ҳужум орқасидан олинган маълумотдан сўнг ахборот эгаларига ёки ходимларнинг компанияларига маълумотларни ошкор қилиш учун янги ҳужумлар уюштирилиши мумкин. 1-расмда ҳужум қилувчи ёвуз ниятли фойдаланувчиларнинг мақсад (мотив)лари диаграммаси келтирилган.



1-расм. Ҳужум қилувчи ёвуз ниятли фойдаланувчиларнинг мақсадлари

2020 йилнинг тўртта чорагида қандай маълумотлар жиноятчиларни энг кўп жалб қилганлиги кўриб чиқамиз. Ҳужум қилувчи ёвуз ниятли фойдаланувчиларнинг мақсадлари юридик шахсларга қилинган ҳужумларда шахсий маълумотларни (логин ва пароллар) олиш ташкил этган. Шахсий маълумотлардан турли хил сервис ва тизимларга кириш мақсадида фойдаланилган, жумладан компания ходимларининг электрон почталари ва ҳоказо. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳужум қилувчи ёвуз ниятли фойдаланувчилар қайд маълумотларини олишда махсус дастурий таъминот ёрдамисиз амалга оширилган [4, Б.6]. Бунга сабаб фойдаланувчилар қайд маълумотларига кириш учун пароллар сифатида туғилган сана, телефон рақам, уй ҳайвонларининг лақаблари ва шунга ўхшаш маълумотлардан фойдаланганлиги бўлган. Жисмоний шахсларга қилинган ҳужумларда асосий мақсад фойдаланувчиларнинг қайд маълумотлари бўлган.

Кейинги ўринларда ҳужумлар тўлов карталарининг маълумотлари ўғирланган, уларни амалга оширган ёвуз ниятли фойдаланувчилар кўпинча бу маълумотларни жосус зараркунанда дастурий воситалар ёки ошкор этилган сайтлар ёрдамида олишган.

Мақсадли ҳужумлар сонининг кўпи турли хил ташкилотларга уюштирилган, хусусан мақсадли ҳужумларнинг улуши оммавий ҳужумларнинг улушидан ошиб кетган ва 60%ни ташкил этган. Ҳужумлардан кўриш мумкинки хар бир ҳужум учун ёвуз ниятли фойдаланувчилар индивидуал ёндашув қўллашган [5, Б.29-30]. 2-расмда ўғирланган маълумотларнинг турлари кўрсатилган.



2-расм. Ўғирланган маълумотларнинг турлари

Кенг миқёсли кибер ҳужумлар, асосан зараркунанда эпидемиялар бўлиб, битта соҳага таъсир кўрсатиш билан чекланиб қолмайдилар. 2020 йилнинг IV чорагида инфратузилмага қаратилган ҳужумларнинг улуши 53%ни ташкил этган, веб-ресурсларга бўлган ҳужумларнинг улуши 2019 йилнинг айнан шу вақтига нисбатан ошган ва 25%ни ташкил этган. Бундан ташқари, IoT-қурилмаларига ҳужумлар улуши III чоракка нисбатан ошган: бу асосан PyRoMineIoT, Muhstik, Wicked Mirai каби янги ботнетларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ [6, Б.70].



3-расм. Ҳужум объектлари

2020 йилнинг якунларига кўра ёвуз ниятли фойдаланувчилар томонидан амалга оширилган ҳужум усуллари қуйидагича тақсимланган (4-расм):



4-расм. Ҳужум турлари

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, асосий ҳужумлар фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларига нисбатан қаратилган. Шуларни инобатга олиб тизим хавфсизлигини ошириш воситаларига катта эътибор қаратиш лозим. Инфокоммуникацион тизимларда киберҳужумлардан сақланиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- лицензияга эга бўлган антивирус воситаларидан (зараркунанда дастурий воситаларни аниқлаш имконини берувчи) фойдаланиш;
- хавфсизликни таҳлил қилувчи ва дастурий таъминотдаги заифликларни аниқлаш учун автоматлаштирилган воситалардан фойдаланиш;
- веб-ресурсларни ҳимоя қилиш учун тармоқлараро экрандан (web application firewalls) фойдаланиш;
- шахсий маълумотларни ҳимояланганлигини ошириш;
- содда пароллардан фойдаланмаслик;
- фойдаланадиган дастурий воситаларни вақтида янгилаб туриш.

Адабиётлар

1. *Egamberdiev R.* Trends in the Development of the Digital Economy in Uzbekistan //International Journal on Integrated Education. – №. 11. – С. 66-69.
2. https://www.marketsandmarkets.com/telecom-and-IT-market-research-113.html
3. https://www.ptsecurity.com/upload/corporate/ru-ru/analytics/Cybersecurity -threats-2021-Q2-rus
4. *Guggenberger T.* et al. A structured overview of attacks on blockchain systems //PACIS 2021 Proceedings. AIS, Dubai. – 2021. p 1-14.
5. *Kadirov M.M., Yuldasheva M., Akbarova Sh.A.* Problems of Security of Infocommunication Systems // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology, Vol. 6. Issue 2. – India 2019. –P. 26-31.
6. *Захаров М. В.* Расследование инцидентов в области ИБ // Ресурсам области-эффективное использование. – 2019. – С. 67-74.

Б. А. Улугбеков,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти бошлиғининг ўринбосари – касбий тайёргарлик факультети бошлиғи



ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ФОШ ЭТИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Бугунги кунда жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳномалигида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйганимиз ва эришилаётган салмоқли ютуқларимизнинг эътирофидир. Ҳолбуки, демократик мамлакатнинг асосий тамойили бу – жамиятда фуқароларнинг хавфсиз яшашини таъминлаш, уларни турли хил тажовузлардан ҳимоя қилишдир. Мазкур вазифаларни бажаришда ички ишлар органларининг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шуни инобатга олган ҳолда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг 9 февраль куни ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишга доир видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Натижада, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди.

Бироқ, олиб борилаётган ишларга қарамай, ҳозирги кунда содир этилаётган янги турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш, уларни таснифлаш, таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва фош этишга оид янги илғор тажрибаларни фаолиятга жорий этиш билан боғлиқ масалалар долзарб бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, бугунги кунда турли хил жиноятлар хусусан, ўғрилик жиноятларини фош этишда айрим мамлакатлар етакчи ҳисобланади. Ўйлаймизки, уларнинг тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, ушбу соҳада тахсил олаётган ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда мазкур йўналишдаги ишларни самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда ўғриликларни самарали фош этиш муаммоси кўплаб давлатлар томонидан кенг муҳокама қилинаётган мавзу ҳисобланади. Барча хорижий мамлакатлар амалиётида ушбу жиноятларнинг олдини олишда самарали тезкор-қидирув тадқиқотлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Мўғулистон давлатида ўғрилик жиноятини фош этишда полиция тизимининг турли хизмат ходимлари ўзаро ҳамкорликда 1998 йил 3 февралдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги

қонунига биноан тезкор-қидирув тадбирлар ўтказилади, шу жумладан, объектни тезкор текшириш натижасида ўғирланган нарса, ашё ва предметлар сақланаётган жой аниқланиб, жабрланувчилар иштирокида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати ўтказилади ва далилий ашёлар процессуал тартибда расмийлаштирилади. Ҳамкорликнинг самарали йўлга қўйилгани натижасида аксарият ҳолларда ўғрилик жинояти "иссиқ изи"да фош этилади [1, с. 144-150].

Россия Федерациясида ҳам ўғрилик жиноятини фош этишда "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуни асосида тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилади. Полиция тезкор ходимлари, биринчидан, шахсий изқуварлик асосида комплекс тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асосида; иккинчидан, тезкор-техникадан фойдаланиш асосида; учинчидан, полиция тизимининг соҳавий хизматлари ва бошқа давлат органи билан самарали ҳамкорликда ишни ташкил этишда; тўртинчидан, ўғриликларини содир этишда гумонланаётган тезкор қизиқиш уйғотувчи шахслар билан бевосита ёки кўмаклашувчи шахснинг имкониятидан унумли фойдаланиб, сўров, маълумотлар тўплаш каби тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилиши натижасида мазкур жиноятлар "иссиқ изи"да фош этилади [2].

Арманистонда ўғрилик жиноятларини фош этишда полиция хизматининг тезкор-қидирув бўлинмаси тезкор ходимлари томонидан 2007 йил 19 ноябрдаги "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган тезкор сўров; тезкор маълумот олиш; қиёсий тадқиқотлар учун намуналар тўплаш; нарса ва ҳужатларни тезкор кўздан кечириш; ички ва ташқи кузатув; шахсни аниқлаш; бинолар, иншоотлар, ерлар, транспорт воситаларини текшириш; телефон сўзлашувларини назорат қилиш; тезкор киритиш; тезкор эксперимент [3] каби тезкор-қидирув тадбирлари кетма-кетликда амалга оширилиб, айбдор шахсларнинг жиноий фаолияти фош этилади.

Беларусь Республикасида ўғрилик жиноятларини фош этишда 2015 йил 15 июлдаги "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасида назарда тутилган тезкор сўров; маълумотлар тўплаш; намуналар йиғиш; кузатув; ашёлар ва ҳужжатларни текшириш; тезкор киритиш; тезкор эксперимент; сўзлашувларни назорат қилиш [4] каби тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилиб, жиноятлар фош этилади.

Озарбайжонда ўғриликларни фош этишда мулкий турдаги жиноятларга қарши курашиш билан шуғулланувчи тезкор-қидирув бўлинмалари томонидан 1999 йил 28 октябрдаги "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган фуқароларни сўров қилиш; маълумотлар тўплаш; телефон сўзлашувларини эшитиш; алоқанинг техник каналлари ва бошқа техник воситалардан маълумотлар олиш; транспорт воситаларини текшириш; биноларга, шу жумладан, турар жойларга, шунингдек ёпиқ бошқаишоотларга, ер участкаларига кириш ва текшириш;

турар жойлар, бино, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни назорат қилиш; шахсниидентификация қилиш; шахсни кузатиш; нарса ва ҳужжатларни текшириш; қиёсий тадқиқотлар учун намуналар йиғиш; жиноий гуруҳларга ёки криминоген объектларга қўшилиш; тезкор эксперимент, яъни жиноий фаолиятга тақлид қиладиган хатти-ҳаракатлар моделини қўллаш [5] каби тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилиб, гумондор шахс (шахслар)нинг жиноий хатти-ҳаракатлари фош этилади.

Қозоғистон Республикасида ўғрилик жиноятини фош этишда асосан полиция ходимлари Қозоғистон Республикасининг 1994 йил 15 сентябрдаги "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасида назарда тутилган фуқаролар,мансабдор шахслар билан сўров ўтказиш ва улардан маълумотлар олиш; фуқаролар билан ошкора ва ноошкора ҳамкорлик ўрнатиш; жиноий гуруҳ ичига ходимларни киритиш; махсус техник воситалардан фойдаланиш; қидирув итларидан фойдаланиш; шахснинг белгилари бўйича излаш, айнанлаштириш каби тезкор-қидирув тадбирлари [6] амалга оширилади. Қозоғистон Республикасида чорва моллари ўғирликлари кўп содир этилишини инобатга олиб, 2019 йилнинг 27 декабрь куни Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексига янги "188^{1}-модда. Чорва моллари ўғирлиги" ҳуқуқ нормаси [7] киритилди. Бундан кўзланган асосий мақсад республика ҳудудида чорва моллари ўғирликларини кескин равишда камайтириш, шундай ижтимоий хавфли қилмиш содир этган айбдор шахсларга нисбатан жавобгарликнинг таъсирчанлигини оширишдан иборатдир.

Ўғрилик жиноятини "иссиқ изи"да фош этишда Австралия, АҚШ, Аргентина, Бразилия, Испания, Канада, Ҳиндистон, Хитой [8] каби давлатларнинг федерал (полиция) хизмати ходимлари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиб, асосан замонавий кузатув камераларнинг хотирасидаги видео ёзувлардан, шунингдек, ўғриланадиган нарса, ашёга ўрнатилган микрочиплар орқали назорат қилинадиган "GPS назорат" тизими имкониятидан кенг фойдаланиб, биринчи навбатда, жиноят содир этган шахс (шахслар)нинг шахси аниқланади, сўнгра далилий ашёни қаерга олиб кетаётгани ёки яшириб қўйганлигини, ўтказаётганлигини аниқлаш орқали мазкур жиноятларнинг самарали фош этилишига эришилади [9].

Албатта, ушбу тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга етарли асос бўлганида полиция ходими томонидан ўғриликни фош этишда, биринчидан, кўмаклашувчи шахсларнинг имкониятидан унумли фойдаланиб; иккинчидан, тезкор-қизиқиш уйғотувчи шахсларга нисбатан тезкор киритиш тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириб; учинчидан, сўров, маълумотлар тўплаш, тезкор кузатув каби тезкор-қидирув тадбирларини турли хил афсона, тактикалар асосида амалга оширади. Мана шундай тактик усуллар орқали ўғрилик жиноятлари самарали фош этилади ҳамда айбдор бўлган шахс (шахслар) жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар, жумладан ўғрилик жиноатларининг олдини олувчи ва фош этувчи субъектлари, айниқса ички ишлар органлари ҳам ўзларининг профилактик фаолиятини амалга оширишади. Биринчидан, улар оилада, мактабда ва бошқа ўқув муассасаларида, меҳнат жамоаларида, яшаш жойларида ва бошқа ижтимоий соҳаларда шахснинг маънавий шаклланишига салбий таъсир қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, зарасизлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Иккинчидан, ички ишлар органлари асосан шахсдаги салбий маънавий хусусиятларнинг муайян ижтимоий хавфли қилмишда намоён бўлишига кўмаклашувчи криминоген вазиятларнинг вужудга келишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва зарарсизлантириш чора-тадбирларини амалга оширади.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, инсоннинг маиший турмуши унинг шахсий иши ва у асосан ўзининг дам олиш вақтини норасмий гуруҳларда ўтказади. Шунинг учун бу кичик норасмий гуруҳлардаги муҳит, урф-одатлар, анъаналар, ёзилмаган тартиб ва қоидалар шахс маънавий шаклланишининг асосий манбалари ҳисобланади. Мисол учун, вояга етмаганлар Шайхонтоҳур тумани Катта боғ маҳалласи 65-уйда яшовчи, Меҳмонхона сервис ва касб-ҳунар коллежининг 1-курс талабаси 2000 йилда туғилган Х.Ю. билан, Шайхонтоҳур тумани Катта боғ маҳалласи 6-уйда яшовчи, 45-сонли ўрта мактаб 8-синф ўқувчиси 2002 йилда туғилган Й.А. ўзаро жиноий тил бириктиришиб, 31 январь куни соат 01:30 ларда Шайхонтоҳур тумани Қоратош даҳаси “Хуромад” бекати олдида Яккасарой тумани Ж.Турсунова кўчаси 55-уйда яшовчи, 1997 йилда туғилган Н.Х. тегишли “Пайнет” шоҳобчасида ўғрилик жиноятини содир этишган [10, Б. 27].

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ўғрилик жиноятининг олдини олиш, бартараф этиш, тўхтатиш бўйича Америка, Европа, Осиё давлатларининг илғор тажрибаси қиёсий таҳлил қилинганда ички ишлар (полиция) органлари тизимидаги соҳавий хизматлар, аҳоли билан ўзаро ҳамкорлик асосида маълумотлар алмашиш; умумий, махсус, якка тартибдаги профилактик чоралар кўриш, жумладан, тизимли равишда аҳоли орасида ёки якка тартибда тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказиш; маъмурий ҳудудни доимий равишда тезкор кўздан кечириш; ҳокимият органлари билан ҳамкорликда маъмурий ҳудудларда замонавий сифатли кузатув камераларни керакли нуқталарга ўрнатиш ҳамда улардаги видео ёзувлардан унумли фойдаланиш; амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаби асосида тезкор-қидирув профилактик тадбирлар амалга оширилади.

Жумладан, Австрия, АҚШ, Буюк Британия, Венгрия, Ирландия, Канада каби давлатларда ўғрилик жиноятини барвақт олдини олишда биринчидан, маҳаллий полиция таянч пунктларида хизмат қилаётган ходимлар ва кўнгилли фуқароларнинг ташаббуси билан тунги вақтларда

патрулликни амалга ошириш; иккинчидан, ўғрилик содир этиладиган ҳудудларда видеокузатув камераларини ўрнатиш; учинчидан, полиция органи ходимлари аҳоли билан ҳамкорликда ўғрилик жиноятининг олдини олишга доир ишлаб чиқилган истиқболли ахборот дастури асосида амалга оширилади [11; Б. 3-15].

Австралия, Аргентина, Белгия, Бразилия, Голландия, Жанубий Африка Республикаси (ЖАР), Испания, Мўғулистон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Янги Зеландия давлатлари, шунингдек, МДҲдаги Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркманистон Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларда, биринчидан, жиноят қонунчилигидаги ўғрилик жинояти учун жазо чорасини сезиларли даражада кучайтириш; иккинчидан, ушбу жиноятни олдини олишб бўйича давлатнинг Олий профилактика кенгашини тузиш орқали мазкур жиноятларни олди олиниши маълум бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўғрилик жиноятларига қарши курашишда илғор хорижий тажриба таҳлили асосида қуйидагиларни амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

1) мазкур жиноятларга самарали қарши курашда республика миқёсида ўғрилик жиноятининг тезкор-қидирув профилактикасига хизмат қилувчи умумий, якка, махсус ва виктимологик тезкор-қидирув профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш лозим;

2) ўғрилик жиноятларини кескин камайтириш, мазкур жиноятни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини тушунтириш борасида аҳоли орасида таъсирчан тарғибот ва ташвиқот ишларини тизимли равишда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадга мувофиқдир;

3) ўғрилик жиноятларига қарши курашишда тезкор ходимлар томонидан сўров; маълумотлар тўплаш; шахснинг айнанлигини аниқлаш; турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини ва транспорт воситаларини текшириш; тезкор кузатув; тезкор киритиш; тезкор эксперимент; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш; абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш каби тезкор-қидирув тадбирларини самарали ташкил этиш ва ўтказиш лозим;

4) ўғрилик жиноятига қарши курашда замонавий ахборот-коммуникациялари ва технологиялари имкониятидан унумли фойдаланиш тавсия этилади.

Ҳолбуки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда жиноятларни ўз вақтида фош этиш ҳар бир муайян ижтимоий хавфли қилмишнинг ички қонуниятларини ва унинг тўлиқ жараёнини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни ҳамма вақт талаб этади.

Адабиётлар

1. *Цэрэн* Нямдорж. Методика расследования краж лошадей: По материалам Монголии: Дис. … канд. юрид. наук. –М., 2005. – С.144-150.

2. Федеральный закон Российской Федерации от 12 августа 1995 года № 144-ФЗ “Об оперативно-розыскной деятельности” // Электрон манба: http://www. Consultant.ru. (мурожаат вақти: 19.04.2019).

3. Закон Республики Армения от 19 ноября 2007 г. ЗР-223 “Об оперативно-розыскной деятельности” // Электрон манба: https:// www. arlis.am. (мурожаат вақти: 01.05.2019).

4. Закон Республики Беларусь от 15 июля 2015 г. № 307-З “Об оперативно-розыскной деятельности” //Электрон манба: https://kgb.by/ru/zakon.(мурожаат вақти: 11.05.2019).

5. Закон Республики Азербайджан от 28 октября 1999 г. № 728-IГ “Об оперативно-розыскной деятельности” // Электрон манба: http: // continent-online.com. (мурожаат вақти: 27.04.2019).

6. Закон Республики Казахстан от 15 сентября 1994 г. № 13 “Об оперативно-розыскной деятельности” // Электрон манба: https://online.zakon.kz. (мурожаат вақти: 15.04.2019).

7. Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 07.07.2020 г.) // Электрон манба: https://online.zakon.kz. (мурожаат вақти: 01.08.2020).

8. Criminal Investigation: The Art and the Science, 9th edition Michael D. Lyman Published by Pearson (February 28th 2019) – Copyright© 2020.// Электрон манба: https://www.amazon.com/Criminal-Investigation-Art-Science-9th/dp/0135186218_____(мурожаат вақти: 20.10.2020).

9. Identity Theft. Graeme R. Newman. 2004 ISBN: 1-932582-35-5.https: // www.ncjrs.gov / (мурожаат вақти: 05.05.2020).; U.S. Department of Justice Office of Community Oriented PolicingServices 1100 Vermont Avenue, N.W. Washington, D.C.20530.https://www. federalregister. gov/ documents /2010/05/28/2010-12939/__(мурожаат вақти: 17.05.2020).; http://www.npr.org/sections/thesalt/ 2015/08/25/434605993/an-old-crime-is-on-the-rise-cattle-theft. (мурожаат вақти: 08.03.2020).; https://modern farmer.com/2017/02/aussie-kiwi-scientists-use-tech-fight-livestock-rustling. (мурожаат вақти: 05.04.2020).

10. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма / И.Исмаилов, Д.М.Миразов, Ж.С.Мухторов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 178 б. – Б 27.

11. Хамдамов А.А. Особенности информационно-поисковой системы полиции зарубежных стран в борьбе с преступностью // Жиноятчиликка қарши курашда тезкор аппаратлар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: Илмий мақолалар тўплами / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори А.А.Хамдамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б.3-15.; Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В.,Таджиев А.А., Миразов Д.М. – Т.: Издательство “Fanvatexnologiya”, 2010. – 452 с.; Васильев Д.В. Концепции организации деятельности полиции и возможности их использования в отечественной практике (По материалам США и некторых стран западной Европы): Дис. ... канд. юрид. наук (12.00.11). – М., 2005. – Б.74-75.

Д. М. Усмонов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси



ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАЗО ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, жумладан маъмурий, жиноий, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилиги такомиллаштириб борилмоқда ҳамда инсонпарварлик тамойилига янада мослаштирилмоқда. Афв этиш ва жамоат бирлашмаларининг кафиллиги остида шахсларни жазодан озод қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Қорақалпоғистон Республикасининг Жаслиқ қўрғонида жойлашган ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясининг ёпилиши муҳим инсонпарвар воқелик бўлди. Қабул қилинаётган чора-тадбирлар натижасида озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг сони 2,5 баравар камайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “Суд-ҳуқуқ соҳаси, жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислоҳотларимиз ҳам изчил давом эттирилди. Натижада бу йил судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди”.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида оғир жазолардан бири сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлиб, бу борада ҳуқуқшунос олимлар ҳам мазкур жазо ҳақида ўз фикрини билдирган.

Жумладан, М. Усмоналиев ва Ғ.О. Эрматовлар “жиноятчиликка қарши курашда фақат қаттиқ жазо чораларини қўллаш орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини”, Ғ. Абдумажидов “ўта оғир жазо жиноятчиликка қарши курашишда самара бермаслигини”, профессор Қ.Р. Абдурасулова “судлар томонидан фақат муқаддам судланган шахсларга оғир жазо тайинланишини”, А.А. Шамансуров, Ч.А. Сатторов, А.Р. Пайзиевлар эса “озодликдан маҳрум қилиш жазоси бошқа жазоларни қўллаш самарасиз бўлганида” қўлланилиши зарурлигини ўринли қайд этадилар. Айрим ҳолатларда, жазони ижро этиш жойларига юборилган маҳкумлар қайта тарбияланиш ўрнига, жиноят оламининг барча қонун-қоидаларини ўзлаштириб, “профессионал” жиноятчиларга айланишига сабаб бўлмоқда. Натижада

кенг жамоатчилик диққат-эътиборидан четда қолиш эҳтимоли кўпроқ бўлмоқда. Бундай шахсларни “қайта тарбиялаш” мураккаб кечади. Охир оқибатда, жиноят содир этган шахсни умрбод таъқиб этилиши давлатга, жамиятга нисбатан ишончсизлигини вужудга келтириши мумкин.

Шу ўринда, профессор И. Исмаилов ўринли таъкидлаганидек, “Амалиёт жавобгарликни кучайтириш, айниқса озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жиноий жазоларни қўллаш орқали жамиятда жиноятчиликка қарши курашни самарали ташкил этиб бўлмаслигини кўрсатмоқда”. Мазкур ҳолатларни батафсил ўрганиш мақсадида, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумлардан “Озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлланилиши натижасида қандай имкониятлардан маҳрум бўлдингиз” деб сўралганида, уларнинг 43 фоизи “оиласи билан бирга бўлишдан, уларга моддий томондан ёрдам беришдан маҳрум бўлганлиги”, 24 фоизи “келажакда ўқиш ва эркин иш танлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлиги”, 14 фоизи “судланганлик ҳолатини келтириб чиқарганлиги”, 19 фоизи “озодликка чиққандан сўнг жамиятга мослашишида қийинчиликларга дуч келиши”ни қайд этганлар.

Шу ўринда, профессор Э.Х. Нарбўтаев фикрича, “қонунчиликда жазолаш йўналишини кучайтириш тенденциясига барҳам бериш керак”. Бу борада профессор Р. Кабулов “Озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга катта хавф туғдирадиган ёки бошқа жазо турларини ўташдан қасддан бўйин товлаётган шахсларга охирги жазо чораси сифатида қўлланилиши керак”, дея ўринли таъкидлайди. Шу ўринда, Ф.М. Муҳитдинов ўринли таъкидлаганидек, “хусусий манфаат – бу омма манфаатининг бир қисмини ташкил этади”. Мамлакатимизда барча шахсларнинг манфаатлари давлат қонунлари билан адолатли ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Шуни ҳам қайд этиш керакки, жамият учун хавф туғдирмайдиган жазоларни қўллаш орқали маҳкумларнинг жазони ижро этадиган органларига юк камаяди ва уларни сақлаш учун маблағлар тежалади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади”.

Профессор И. Исмаилов таъкидлаганидек, жиноятларнинг олдини олиш шуниси билан афзалки, бу фаолиятга жиноят содир этган шахснинг жазоланиши муқаррарлигини таъминлаш учун сарфланадиган анча кам

харажат қилиниши билан бир вақтда, инсонни, айниқса ёшларни жамиятда ўз ўрнини топишга, ҳаётда атрофидаги яқин кишилари, бошқа инсонлар ва жамият учун фойдали бўлган фаолият билан шуғулланишга ундайди ҳамда уни амалга оширишда кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг ижросини самарадорлигини ошириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек, ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ижро этиш фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги "Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ижро этиш фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 316-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазони ижро этиш соҳасида махфийликдан чиқариладиган қуйидаги маълумотлар рўйхати назарда тутилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар сони тўғрисидаги маълумотлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналари сони ҳамда улар жойлашган жой тўғрисидаги маълумотлар.

3. Жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш фаолияти, улар томонидан номенклатура бўйича ва пул билан ифодаланадиган ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар орасида ўлим ҳолатлари сони тўғрисидаги маълумотлар.

5. Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ва тиббий тусдаги мажбурий чоралар қўлланиладиган маҳкумлар сони тўғрисидаги маълумотлар.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланмоқда.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-

6012-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. –2020.–26 июн. – 06/20/6012/0953-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 30 дек.

3. *Усмоналиев М., Эрматов Ғ.О.* Шартли ҳукм тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти. – Т., 2005. – Б. 3-4.

4. *Юлдашев М.Ш.* Маҳкумлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши: Илмий рисола. – Т., 2010. – Б. 30.

5. *Исмаилов И.* Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари: Монография. – Т., 2005. – Б. 26.

6. *Нарбўтаев Э., Кабулов Р.* Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати ва унинг ички ишлар органлари фаолиятида амалга оширилиши: Ўқув қўлланма. – Т., – Б. 26.

7. *Кабулов Р.* Озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил бўлган жазоларни қўллаш доирасини кенгайтириш // Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш – ҳозирги босқичдаги демократик ислоҳотларнинг асосий йўналиши: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2002. – Б. 53.

8. *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 36.

З. М. Юсубов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бош илмий ходими



ЗАРУРИЙ МУДОФААНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Зарурий мудофаа ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа қарши бўлган тажовузлардан – жиноятлардан ҳимоя қилишнинг усулларидан бири бўлиб, унинг натижасида тажовузчи шахсга зарар етказилади, бу эса унинг жиноий қилмиш билан ташқи жиҳатдан ўхшашлигини белгилаб беради. Айни пайтда, зарурий мудофаа фуқароларнинг ижтимоий фойдали фаолияти бўлади, чунки у мажбуран тусга эга бўлиб, жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш ва унга чек қўйишга қаратилган. Жиноят Кодексининг 37-моддаси 1-қисмига мувофиқ юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли қонун зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Энг аввало, тажовузчига зарар етказиш орқали ҳимоя қилинадиган қилмиш ҳимоя қилинадиган муносабатларга шу ондаги ва бошқача олдини олиб бўлмайдиган зарар етказилиши билан тажовуз қилиши лозим

ва фақат тажовузчига жисмоний таъсир этиш билангина унинг олдини олиш мумкин бўлиши лозим. Суд амалиёти кўрсатишича, бундай ҳаракатларга, асосан, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлигига қарши жиноятлар, безорилик, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш ва бошқа жиноятлар, яъни зўрлик ишлатиш билан кечадиган жиноятлар киради.

“Айни пайтда, бир қатор ҳуқуққа қарши тажовузлар мавжудки, улар шу ондаги ва бошқача олдини олиб бўлмайдиган зарар етказилиши билан тажовуз қилмайди ёки уларнинг содир этилишидан зарар зўрлик ҳаракатлари билан олди олиниши лозим бўлмайди. Бундай жиноятлар сифатида, масалан, меҳнат ҳуқуқини бузиш, туҳмат, пора бериш ва бошқалар тан олинади. Шу сабабли бундай қилмиш содир этилишига чек қўйиш мақсадида тажовузчига зарар етказиш зарурий мудофаа деб қаралиши мумкин эмас, зарар етказган шахс эса умумий асосларда жавобгарликка тортилиши лозим бўлади”.

Жиноий тажовузнинг амалда бошланиши деб, ЖК да жавобгарлик кўзда тутилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг хронологик жиҳатдан биринчи элементининг содир этилиши, яъни жиноят таркибини амалга ошириш бошланиши тан олиниши керак. Бунда ушбу таркибнинг тугалланган бўлиши, тажовузчининг қилмишида унинг барча аломатлари мавжуд бўлиши аҳамиятга эга эмас. Масалан, ўғрилик қилиш, воқеаларнинг кейинги ривожидан қатъи назар, шахснинг ўзга мулкни эгаллаган пайтидан бошланади.

Тажовузнинг амалда тугалланиши эса зарар етказилишининг хавфи тугаган ёки жиноий оқибат юзага келган вазиятни билдиради.

Тажовузнинг амалда тугалланиши қуйидаги ҳолларда аниқланиши лозим: 1) жиноят тажовузчининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли (жиноятга суиқасд) ёки унинг иродасига кўра (жиноятни содир этишдан ихтиёрий воз кечиш) тўхтатилган бўлса; 2) тажовузчи ўз мақсадига етган бўлса.

Тажовузнинг амалда тугалланишининг вақти муайян қилмишнинг элементлари жамулжамлигидан келиб чиқиб аниқланиши лозим, бунда тажовузчининг ижтимоий хавфли мақсадига объектив етганлиги масаласи устувор бўлиши керак. Шундай қилиб, тажовузчи ўз жиноий мақсадига етмаган бўлса ва у тажовузнинг муайян вақтида унга эришишдан воз кечмаган бўлса, у тугалланган деб эътироф этилиши мумкин эмас.

“Зарурий мудофаа ҳолати тажовуз тугагандан сўнг ҳам бўлиши мумкин, агар ҳимояланувчи иш ҳолатларига кўра тажовуз тугаган вақтни аниқ англай олмаган бўлса. Ҳужум вақтида ишлатилган қурол ва бошқа ашёларнинг тажовузчидан ҳимояланувчининг қўлига ўтиб қолишининг ўзи тажовуз тугаганлигидан далолат бермайди”.

“Агар ҳодиса ҳолатларига кўра, мудофаа чораларини қўллаган шахс ўзининг янглишганини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса,

унинг ҳаракатлари зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб ҳисобланиши керак”.

Мудофааланувчининг ҳаракатлари бу вазиятда зарурий мудофаа деб тан олиниши туфайли уларга ушбу ҳуқуқий институтнинг барча шартлари қўлланишини таъкидлаш лозим. Хусусан, хаёлий мудофаада шахснинг ҳаракатлари билан тегишли ҳақиқий тажовуз шароитида йўл қўйиладиган зарарнинг доирасидан очиқдан-очиқ чиқиб кетадиган зарар етказилган бўлса, улар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб қаралиши, ушбу шахснинг ўзи эса қонунчилик билан белгиланган жавобгарликка тортилиши лозим.

Зарурий мудофаада ҳимоя қилишнинг қонунийлиги шартлари**,** тажовуз қонунийлиги шартларидан фарқли равишда, ҳимоя қилиш унинг кўриниши, ижтимоий фойдали манфаатга қаратилганлиги жиҳатидан, шунингдек, қатъий белгиланган шахсларга мудофаа пайтида зарар етказилиши жиҳатидан, етказилган зарарнинг тажовуз характерига ва хавфига мувофиқлиги, мос келиши жиҳатидан таърифланади.

Ижтимоий хавфли тажовузга жавоб бериш фаол ҳимоя ҳаракатлари қўлланмаган ҳолда, пассив ҳимоя қилиш орқали (масалан, ҳужумдан қочиш, қочиб кетиш ва ҳоказолар) амалга оширилган ҳолатлар зарурий мудофаа сифатида тан олинмайди, ҳатто унинг оқибатида тажовуз қилувчига маълум зарар етказилган бўлса ҳам (масалан, қувлаш давомида тажовузчи йиқилиб тушиб, тан жароҳатини олган бўлса ва ҳоказо). Бундай ҳаракатлар, умуман, ҳатто жиноятнинг расман белгиларига ҳам эга бўлмайди, шунинг учун бундай шаклида зарурий мудофаа сифатида таснифланиши мумкин эмас.

Хусусан, зарурий мудофаани қўзғатиш жиноят бўлади, бунда кейинчалик зарурий мудофаа ниқоби остида унга зарар етказиш учун бирор-бир шахс бошқа шахс томонидан агрессив ҳаракатларни юзага келтириши мумкин бўлган шароитларни онгли равишда ҳосил қилиши ҳолатлари тушунилади. Бу ҳолда мудофааланувчи ижтимоий фойдали манфаатга эришиш учун эмас, балки фақат ўзининг Ғаразли мотивларидан келиб чиқиб ҳаракат қилгани учун бундай ҳаракатларни зарурий мудофаа сифатида квалификация қилиш мумкин эмас, бу ЖК 37-моддаси 4-қисмида бевосита кўрсатилган. Бундай ҳолда “мудофааланувчининг” ҳаракатлари қасддан қилинган жиноят деб квалификация қилиниши лозим. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига кўра, “агар шахс зиён етказиш (уришиш, азоб бериш, ўч олиш ва бошқалар) ниятида ҳужумнинг келиб чиқишига сабабчи бўлса, бундай ҳаракатларни зарурий мудофаа йўсинида қилинган деб топиш мумкин эмас. Бу ҳолатларда содир этилган хатти-ҳаракатлар умумий асосларда тавсифланиши лозим”.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш фақат қатъий белгиланган ҳолатда – зарурий мудофаа ҳолатида бўлиши мумкин, бу эса муайян қилмишда зарурий мудофаа қонунийлигининг барча шартлари мавжуд бўлишини талаб этади. Айни пайтда, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш шахс хаёлий тажовуздан ҳимоя қилишни амалга оширган ҳолларда – хаёлий мудофаа ҳолатларида ҳам юзага келиши мумкин. Жумладан, хаёлий мудофаада шахснинг ҳаракатлари билан тегишли ҳақиқий тажовуз шароитида йўл қўйиладиган зарарнинг чегарасидан очиқ-ойдин четга чиқадиган зарар етказилган бўлса, улар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб квалификация қилиниши лозим.

Субъектив жиҳатидан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш айбнинг қасддан бўлган турига киради. “Тажовузчига унинг ҳужумини қайтариш вақтида эҳтиётсизлик билан етказилган зарар жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди”.

Агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишнинг оқибатида тажовузчининг ўлими юз берса ёки унга оғир тан жароҳати етказилса, у ҳолда мудофааланувчи мос ҳолда ЖК 100 ва 107-моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши лозим. ЖК нинг ушбу моддалари бўйича зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда квалификация қилиш, шунингдек, у ёки бу жиноятнинг квалификация қилинувчи аломатлари мавжуд бўлганда ҳам ўтказилиши лозимлигини унутмаслик лозим. Жумладан, “зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб одам ўлдириш Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг “а-, б-, д-, ж-, р-, с-” бандларида кўрсатилган ҳолатларда содир этилган ҳолларда ҳам Жиноят кодексининг 100-моддаси билан тавсифланиши лозим” ва ЖК 107-моддаси бўйича ҳам шундай квалификация қилиниши керак.

Тергов ва суд органлари, шунингдек, “зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб, содир этилган қасддан одам ўлдириш, қасддан оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати етказиш жиноятларини кучли ҳаяжонланиш ҳолатида юз берган одам ўлдириш, оғир ёки ўртача оғир тан жароҳатлари етказиш жиноятларидан фарқ қила билишлари керак. Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида содир этилган жиноятларда жабрланувчига зарар етказиш ҳимояланиш мақсадида бўлмайди. Демак, зарурий мудофаа ҳолатида ҳам юз бермайди. Бундан ташқари, жабрланувчининг хатти-ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган руҳий ҳаяжонланиш жиноятлари (Жиноят кодексининг 98, 106-моддалари) худди шундай ҳаяжонланиш таъсири остида вужудга келади, зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб содир этилган жиноятлар учун эса бундай белги бўлиши шарт эмас.

Агар ҳимояланувчи тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида зарурий мудофаа чегарасидан чиқса, айбланувчининг ҳаракати Жиноят кодексининг 100 ёки 107-моддалари билан тавсифланиши керак”.

Бунда ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш бирор-бир ташқи ҳолатларга, хусусан, “бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда қутулиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар” боғлиқ бўлмайди (ЖК 37-моддаси 3-қисми). “Тажовузга учраган шахс, ундан қочиб қутулиш, бошқа фуқароларга ва ҳокимият вакилларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёки бошқа усуллар билан тажовуздан сақланиш имкониятига эга бўлса, бундай ҳолда тажовузга қарши актив равишда мудофаланиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар” деган фикр мутлақо нотўғри.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, зарурий мудофаа жамиятимизнинг жиноятчиликка қарши курашишини уюшқоқлик билан амалга оширишга хизмат қилишини ҳисобга олган ҳолда, суд-тергов амалиётида ушбу ҳолатлар билан боғлиқ содир этилган жиноятлар юзасидан қарор қабул қилиш вақтида мавжуд қонун ҳужжатларига тўлиқ амал қилинса ҳамда улар юзасидан қабул қилинган қонуний ечимлар фуқаролар орасида оммавий ахборот воситалар орқали кенг тарғиб қилиниши лозим.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ / М.Рустамбаев таҳрири остида. – Т., – Б. 608.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланилиши ҳақида”ги 1996 йил 20 декабрдаги 39-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. – Т., 2007. – Б. 76.

С. Х. Турсоатов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура Бошқарув фанлар кафедраси катта ўқитувчиси



ХАЛҚАРО ТЕРРОРЧИЛИК ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ЁРИТИЛИШИ

Терроризм ва диний экстремизм иллатларининг сўнги пайтларда тобора кучайиб бораётгани мазкур муаммонинг нақадар долзарб эканини кўрсатади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бу масала юзасидан сўз юритиб: “... айни вақтда дунёнинг баъзи минтақаларида юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига, бу эса ўз навбатида, терроризм ва экстремизмнинг тарқалишига ҳамда уларнинг глобал муаммоларидан

бирига айланишига олиб келмоқда. Бундай вазиятда миллий давлатчилигимиз, мустақиллигимиз, аҳолимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ва хавфсизлигимизни сақлаш биз учун энг устувор вазифага айланиб бормоқда", деб таъкидлаган [1].

Бундай вазиятда юртимизнинг ҳар бир фуқаросидан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиши, ён-атрофда юз бераётган ҳодисаларга бефарқ қарамаслик талаб этилади. Айниқса, бу масалада халқ тинчлиги ва хавфсизлиги йўлида хизмат қилаётган масъул соҳа ходимлари кўпроқ ҳушёр ва сергак бўлмоғи, юрт тинчлиги ва ҳамда халқ фаровонлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ўзига хос билим ва тажрибага эга бўлишлари муҳимдир.

70-йилларда компьютерларни ўзаро боғлаб, академик мақсадларда фойдаланилган тармоқ 20 йил ўтиб ўзининг хусусиятини ўзгартирди ва жаҳон бўйлаб кенг миқёсда тарқалди. 90-йилларнинг ўрталарида 18000дан зиёд шахсий, жамоат ва миллий тармоқлар бир-бирига уланди. Уларга 3,2 миллион бош компьютерлар ҳамда ривожланган давлатлардан қарийб 60 миллион фойдаланувчи боғланган. XXI асрнинг бошидаги тахминий ҳисоб-китобларга кўра уларнинг сони миллиарддан ортиб кетган [2].

Интернет оммалашгани сари маданиятлар интегратори, бизнес, истеъмолчи ва ҳукумат учун бир-бирини боғловчи воситага айланди. Бироқ, тармоқдан фойдаланувчилар сони ва ҳажми ортгани сари унинг дастлабки мақсадларидан ўзга мақсадлар, яъни порнография, зўравонликни тарғиб қилувчи контентлар ҳамда турли экстремистик ташкилотлар томонидан интернетдан фойдаланишлар ҳам орта бошлади. Турли сиёсий мақсадларни кўзлаган гуруҳлар тармоқдан ўзларининг ташвиқотларини олиб бориш, тарафдорлари билан боғланиш, олиб бораётган ишларига нисбатан жамоатчилик хабардорлигини кучайтириш ва ҳатто ўзларининг операцияларини амалга ошириш учун фойдалана бошладилар.

Интернет ўзининг осон алоқа боғлаш, қоидаларнинг йўқлиги, катта аудиторияни қамраши, маълумот оқимининг тезлиги каби имкониятлари билан жамиятга хавф солувчи террорчилик ҳаракатларни амалга оширувчилар мақсадларига эришишнинг енгил йўлига айланиб улгурди. Бу афзалликлар сиёсий мақсадидан қатъи назар, террорчи ташкилотларнинг эътиборидан қолмади. Дунёнинг турли нуқталарида фаолият юритувчи террорчи ташкилотлар ягона глобал тармоқда бирлашди.

2003-2004 йиллар давомида интернетдаги веб-сайтлар таҳлил қилинганда экстремистик фаолият юритувчи ёки экстремизмни қўллаб қувватловчи юзлаб сайтлар аниқланган. Интернетда террорчиларнинг веб-сайтлари тезлик билан пайдо бўлади, ўзининг форматини ўзгартиради ва бир зумда ғойиб бўлади. Аксарият ҳолларда ғойиб бўлганда ўзининг онлайн манзилини ўзгартиради, аммо маълумотлар жойлаштирилган контент ўшалигича қолаверади.

Ҳайфа университетининг профессори Габриел Вейнман таҳлилига кўра, террорчилик руҳидаги веб-сайтлар уч турдаги аудиторияни ўзига нишон қилиб олади. Булар:

- жорий ва потенциал қўллаб-қувватловчилар;
- халқаро жамоатчилик фикри;
- қарши турувчи жамоатчилик.

Жорий ва потенциал қўллаб-қувватловчилар. Террорчилик веб-сайтлар шиорлардан фойдаланишга катта куч сарф қиладилар ва ўзларининг тарафдорларига сотиш учун турли буюмлар, масалан: футболка, эмблема, нишон (значок), байроқ, видео ва аудиолар тарқатадилар. Одатда, бундай ташкилотлар маҳаллий тарафдорларни ўша тилдаги веб-сайтлар орқали "қармоққа илинтириш"га ҳаракат қилади. Шунингдек, сайтларида ўзларининг фаолиятлари тўғрисида, ташкилотнинг ички сиёсати, унинг тарафдорлари ва душманлари тўғрисида батафсил маълумотлар жойлаб борадилар.

Халқаро жамоатчилик фикри. Халқаро жамоатчилик бу – мазкур можароларга бевосита алоқаси бўлмаган, аммо сайтнинг маҳаллий тилдан бошқа тилдаги талқини билан ҳамда уларнинг амалиётига қизиқувчи шахслар жамоасидир. Кўпинча хорижлик мухбирларга бўлиб ўтган воқеанинг батафсил маълумоти жуда муҳим. Биргина "Ҳизбуллоҳ"нинг сайти журналистларга ўзларининг матбуот уйи билан электрон почта орқали ҳамкорлик қилишни таклиф қилади.

Қарши турувчи жамоатчилик. Аксарият сайтларнинг контентидан қарши турувчи жамоатчилликга интилиш очиқ ойдин намоён бўлмайди. Бироқ баъзи сайтлар қарши ҳужум ва айбдорлик ҳиссини уйғотиш орқали душманни деморализация қилишга ҳаракат қилади. Бундай жараёнда улар ўзларига қарши бўлганларнинг баёнотларига қарши жамоатчиликнинг фикрини ўзгартиришни ва уни "кўтариш"га ҳаракат қиладилар [3].

Шунингдек, олимлар террорчиларнинг интернетдан фойдаланишининг саккиз йўли мавжудлигини қайд этиб ўтган. Булар:

- психологик уруш;
- оммавийлик ва ташвиқот;
- маълумот тўплаш;
- пул йиғиш;
- ёллаш ва сафарбар қилиш;
- режалаштириш;
- келишиш.

Терроризм, одатда, *психологик уруш* сифатида тушуниб келинган, ўз навбатида, террорчилар интернет орқали шундай кураш олиб боришни режалаштирганлар. Террорчиларнинг бундай уруш олиб боришнинг бир неча йўллари бор, масалан: улар интернетни ёлғон маълумот тарқатиш, инсонларда қўрқув ва ҳимоясиз эканлигига қаратилган ҳужум уюштириш, ўзларининг охирги амалиётларидан олинган ваҳшийларча ўлдирилган

жасадларнинг расмларини тарқатиш учун фойдаланадилар. Шунингдек, террорчилар психологик ҳужумни, кибер қўрқув орқали ҳам амалга оширадилар. Бунга мисол қилиб, ҳаво транспорт тизимида назоратни ишдан чиқариш орқали ҳалокат содир этиш ёки миллий иқтисодиёт тизимини тартибга солиб турувчи компьютерларга ҳужум қилиш орқали жамоатчиликда террорчилар шундай хавфларни келтириб чиқариши мумкинлигига ишончни шакллантирадилар.

Терроризмнинг ниҳоятда муҳим бир хусусияти – унинг муайян сиёсий мақсад ёки амалий натижаларга эмас, балки у ёки бу хуруж натижасида одамлар орасида, ижтимоий фикрда юзага келадиган хавотирли акс-садо, шов-шувга эришишга қаратилгани таъкидланган. Худди шу маънода, алоҳида олинган ҳар бир террорчилик хуружининг мақсади экстремистларнинг давлат тўнтаришини амалга ошириш, фуқаролар урушини келтириб чиқаришдек сиёсий вазифалар билан бир-бирига мос келавермаслиги олдиндан маълум. Кейинчалик, амалда, бу номувофиқлик террорчилар жар солаётган мақсадлар билан улар эришаётган натижалар ўртасидаги зиддиятга айланади.

Бугунги кунда террорчилик услублари анча кенгайганини таъкидлаш зарур. XX асрнинг 1970-йилларида бирор шахс ёки сиёсий арбобга қарши уюштирилган террор амалиёти кўпроқ учраган бўлса, ҳозирда жамоат жойларида, самолёт, автобус, поездларда портлашларни содир этиш орқали кўплаб тасодифий кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келадиган қўпорувчиликни амалга оширишга эътибор берилмоқда. Экспертларнинг фикрича, бундай ҳаракатлар биринчи навбатда нобуд бўлганлардан кўра, унинг гувоҳларига қаратилгандир.

Шунинг учун ҳам, ОАВ террорчиларнинг ўз мақсадларига эришишларида асосий қуролга айланиб бормоқда. Шу билан бирга, бу жараённинг ОАВ орқали кенг ёритилиши ва омма онгида хавотирли акс-садо беришига эришиш орқали гуруҳнинг жамият олдида танилиши ҳам ҳисобга олинади. Бундай ҳаракат замирида, аслида террорчиларнинг ожизлиги намоён бўлишини кўриш мумкин. Чунки жамиятда овоза бўлишга интилиш, одамларда қўрқув ҳиссини уйғотиш йўли билан ташкилот ўзининг бош мақсадига эришмоқчи бўлади. Шунинг учун ҳам, таъсир ўтказиш орқали хулқини моделлаштириш ва фаоллигини бошқариш мумкин бўлган руҳий ожиз ва қарашларида собитсиз кимсалар ижрочи сифатида чиқадилар.

Халқаро терроризм тушунчаси давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни беқарорлаштиришга қаратилган сиёсий қўпорувчилик фаолиятини ифодалайди. У алоҳида сиёсий арбобларни ўлдириш ёки уларга қасд қилиш орқали халқаро ижтимоий-сиёсий акс-садо берадиган бузғунчи сиёсий ҳаракатларни ифодалаш учун ҳам ишлатилади [4].

Интернет имкониятлари ортгани сари террорчиларнинг *оммавийлик* имкониятлари ҳам кенгайди. Аввалари босма матбуот, радио ва теле-

видение орқали ўзларининг фаолиятларига оммани жалб этишга интилганлар. Аммо бу анъанавий медианинг кўп босқичли таҳрирларидан ўзларининг мақсадларига ета олмаганлар. Бугунги кунда ҳар бир террорчи ташкилот ўзи тасарруф этадиган веб-сайтларга эга бўлиб улгурган. Профессор Г. Вейнман фикрига кўра бундай сайтлар, одатда, ўзларининг зўравонликларини оқлашда уч турдаги риторик структурадан фойдаланадилар. Биринчидан, террорчилар зўравонликка мурожаат қилишдан бошқа чоралари йўқлигини эълон қилдилар. Террорчи ташкилотлар, одатда, доимий таъқибда, етакчиларига суиқасд ва қўллаб қувватловчилари шафқатсизларча ўлдирилгани, сўз эркинлиги чеклангани ва тарафдорлари қамоққа олингани каби ҳолатларни тасвирлайдилар. Мазкур усул орқали улар кичкина, ожиз ва жабрланган ташкилот бўлиб, кучли давлат ёки ташкилот томонидан жабрлангандек ўзларини кўрсатадилар.

Иккинчи риторик структура бу зўравонликдан фойдаланишни қонунийлаштириш ва шу орқали рақибни айблаш. Бунда ҳаракат ёки ташкилот аъзолари ўзларини эркинлик курашчилари сифатида кўрсатадилар.

Учинчи риторик структурада зўравонлик усулларидан фойдаланишни рад этишда тилдан кенг миқёсда фойдаланиш. Шунингдек, бу террорчи ташкилотлар ўзларининг веб-сайтларида тинч йўл билан ечимга келиш ҳамда уларнинг мақсадлари музокаралар орқали дипломатик келишувга эришганликларини эълон қиладилар.

Интернетдан *ташвиқот* доирасида ғоявий ва амалий тавсияларни ўзида мужассам этган, ҳамда террорчилик фаолиятини реклама қилувчи, оқловчи ва шарҳловчи мультимедиа технологияларидан фойдаланадилар. Бунга виртуал матнлар, тақдимотлар, журналлар, назарий маълумотлар, аудио- видео файллар, шунингдек, террорчи ташкилотлар ва уларни қўллаб қувватловчилар томонидан яратилган электрон ўйинлар мисол бўла олади. Интернетни кенг рақамли кутубхона сифатида ҳам кўриш мумкин. Бутунжаҳон ўргимчак тўрининг ўзи бугунги кунда миллиардлаб маълумотлар саҳифаларини тақдим этади. Бу маълумотларнинг аксарияти бепул. Бундай очиқ маълумотлар террорчилар учун маълумот тўплашни енгиллаштиради.

Террорчилар интернет орқали ташвиқот ва ҳужум йўриқномаларини тарқатиш бўйича мутахассисга айланиб улгурганлар. Аммо, *киберҳужумни* амалга ошираётганларида имкон қадар тармоқ фаолиятининг ёмонлашмаслигига ҳаракат қиладилар, чунки интернетдаги узилиш ўзларининг алоқаларидаги узилиш билан баробар. Мутахассислар К. Сиохари ва Ж. Роллинс фикрларига кўра, киберҳужумлар қуйидаги тўрт соҳаларни ўз ичига олиши мумкин:

- яхлитликнинг йўқолиши, яъни маълумот бир-бирига мос келмаган ҳолда ўзгартирилиши мумкин;

• боғланишнинг йўқотилиши. Бунда узлуксиз ишловчи маълумот тизимлари рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар кира олмайдиган даражада ўзгартирилади;

• махфийликнинг йўқолиши, яъни рўйхатдан ўтмаган фойдаланувчи учун танқидий маълумотнинг очиқ бўлишлиги;

• моддий йўқ қилиш, яъни маълумот тизимлари турли командалар орқали моддий зарарни юзага келтиришлари натижасида режалаштирилгандек ишлашдан тўхтайди.

Интернетдан экстремистик руҳдаги маълумотларни ва видеоларни тарқатиш учун фойдаланишдан ташқари шундай ҳаракатларга мойиллиги бор қизиқувчилар билан мулоқотга киришиб, махфий йўналтирувчи куч сифатида ҳам фойдаланилади. Интернет форумлар, чат гуруҳлари террорчилик ташкилотлар ва уларнинг тарафдорлари учун кучли глобал “аскарлар” захирасига айланган.

Интернет орқали террорчилик фаолиятига қарши курашиш бўйича мутахассислар қуйидаги тавсияларни берганлар:

• глобал қамровни инобатга олган ҳолда, террористик руҳдаги даъватларни фош этиш мақсадида, маърифий-тарбиявий мазмундаги маълумотларни турли тилларда интернет орқали тарқатиш;

• террорчилик мақсадларда интернетдан қанча кўп фойдаланса, ўзларига қарши курашиш учун таҳлилий манба бўлиб хизмат қилади;

• ахборотлар оқимидан фойдаланиш бўйича ёшларда соғлом иммунитетни ҳосил қилиш.

Ахборотлар оқимидан фойдаланишни ижобий томонлари билан бирга, салбий оқибатларидан хабардор этиш лозим. Тобора кучайиб бораётган глобаллашув жараёнида маълумотнинг мазмуни ва стратегиясини таҳлил қилиш муҳимдир.

Адабиётлар

1. *Мирзиёев Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. – 2017.– 22 дек. //Parlament/ uz.

2. *Кота А.* Эпоха терроризма // Международный терроризм и право. – М., 2004. – С. 56

3. *Вейман Г.* Как современные террористы используют Интернет: Специальный доклад URL: http://silovik.net/showthread.php?t=7897 (мурожаат санаси 25.03.2014).

4. *Кожушко Е.П.* Современный терроризм: анализ основных направлений. – Минск. 2000. – С.447

5. The Economic Impact of Cybercrime and Cyber Espionage // Center for Strategic and International Studies, 2013. URL: http://www.mcafee.com/sg/resources/reports/rp-economic-impact-cybercrime.pdf (мурожаат санаси 28.04.2014).

В. Э. Умаралиев,
Жамоат Хавфсизлиги Университети
Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар
кафедраси доценти

И. Ш. Ураимов,
Жамоат Хавфсизлиги Университети
Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар
кафедраси кабинет бошлиғи

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ – ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

1991 йил илк кунларидан барча соҳаларда бўлгани каби, ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ этишга, уни давлатимиз ривожланишига уйғунлашган ҳолда, янги замонавий таҳдидларни инобатга олган тарзда янада такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади ва уларга алоҳида эътибор қаратилиши муҳимдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги ташкил этилди ва унга кўра, вазирлик тўғрисидаги тегишли Низом, вазирлик марказий аппарати таркиби тасдиқланди. Бу сана республикамизда ички ишлар органлари ходимлари куни деб белгиланди.

1991-2021 йиллар давомида ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотларни тахминан уч босқичга бўлиш мумкин:

- *Биринчи босқич* – 1991–1998 йиллар даврида ИИВнинг моддий-техник таъминоти, малакали кадрлар тайёрлаш тизими, янги таълим муассасаси яратилди.

1994 йилда ИИВ Олий ва ўрта-махсус милиция мактаблари негизида Ички ишлар вазирлиги Академияси ташкил этилган, шу орқали республикада жиноятчилик даражаси маълум ҳажмда камайиб, содир этилган жиноятлар қисқа муддатда фош этилишига эришилди.

- *Иккинчи босқич* – 1999–2016 йиллар даврида бир қатор ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди.

Ҳозирги глобал дунёда юзага келаётган жиддий ўзгаришлар, глобаллашув жараёнларининг кучайиши, мамлакатимизда ҳам хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, турли таҳдидларга қарши курашишда янгича ёндашувни ишлаб чиқишни кун тартибига қўйди.

1999 йил 16 февраль воқеалари ички ишлар органлари тизимида камчиликлар борлигини кўрсатди. Шу сабали, Тошкент шаҳрида жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги концепция жорий қилиниб, унга асосан, шаҳардаги илгари мавжуд бўлган милиция

участка нозирлари ўрнига профилактика инспектори штат бирликлари жорий қилинди, маҳалла посбонлари ва яраштириш комиссиялари жамоат тизими ташкил этилди. Улар жойларда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги самарадорлигини кучайтиришга имконият яратди.

– *Учинчи босқич* – 2016 йил сентябрь ойидан бошланди, бу ўринда Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонуни асосида ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми, шунингдек, фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуни 8 та боб 49 та моддадан иборат. Жумладан, ушбу Қонун - умумий қоидалар, ички ишлар органлари, ички ишлар органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, ички ишлар органлари томонидан айрим мажбурлов чораларининг қўлланилиши, ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш, ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва шартлари, ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ўз аксини топган.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ички ишлар органларининг масъулиятли фаолиятини тартибга солувчи манба ҳисобланиши билан бир қаторда, ички ишлар органларига оид қоидаларни тизимга солишни таъминлашга имконият яратди.

2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш бўйича мутлақо янги давр бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида мамлакатда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Бу йўналишдаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизи сифатида тизим самарадорлигини ошириш бўйича юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, 18та идоралараро қўшма қарор ҳамда ИИВнинг 120дан ортиқ маҳаллий норматив ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан, ички ишлар органлари фаолиятида йиғилиб қолган баъзи муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилиш негизида, уларнинг ечимини топиш ички ишлар

органлари тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналиши сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон фармонида қайд этилганидек, ҳозирги замонда мавжуд бўлган хавф-хатар ва таҳдидлар, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси муаммолари мавжудлиги ички ишлар органлари олдига уларнинг олдини олиш бўйича муҳим вазифаларни ҳал қилиш масалаларини қўймоқда .

Ушбу фармонда охирги пайтларда ички ишлар органлари фаолиятида республика, ўрта ва қуйи бўғиндаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмагани, ҳар бир ходимнинг хизмат фаолияти асосий йўналишларини ва уларнинг шахсий жавобгарлигини белгилашни тақозо этади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон фармонида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб белгиланди:

биринчидан, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш;

иккинчидан, замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, бажарилаётган ишлар муҳимлиги ва кўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш;

учинчидан, халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки ва расмиятчилик билан ёндашувларга чек қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситаларни ишга солиш;

бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш;

олтинчидан, аввало, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига бефарқ бўлмасликни сингдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олинишини таъминлаш;

еттинчидан, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш;

саккизинчидан, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда янада такомиллаштириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

тўққизинчидан, ички ишлар органлари барча бўлинмаларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

ўнинчидан, ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни хизмат турар жойлари билан таъминлаш.

Охирги беш даврига назар соладиган бўлсак, барча давлат идоралари сингари, ички ишлар органлари раҳбар ходимлари ҳам фуқаролар билан мулоқот қилиш, бир жиноятларни маҳаллаларнинг ўзида муҳокама қилиш, чекка ҳудудларга борган ҳолда, тузилган секторлар доирасида аҳолининг мавжуд муаммоларини инобатга ҳолда, уларни ўз вақтида оператив ҳал қилиш чораларини кўриш йўлга қўйилди.

Ҳозирги пайтда профилактика инспекторлари 5,5 мингдан 10 минг нафаргача орттирилди, уларнинг самарали фаолиятини амалга ошириш учун – хизмат уйлари, шахсий автомашиналар ва имтиёзли кредитлар ажратиш масаласи йўлга қўйилди. Криминоген вазиятни таҳлил этган ҳолда, содир этилга жиноятлар сонини латент ҳолга айлантирмаслик, статистик маълумотларни аниқ ва объектив етказиб бериш, жиноятчилик сонини халқаро стандартлар бўича 100 минг аҳоли сонига нисбатан қўллаш амалиётига ўтилди.

Содир этилаётган жиноятларни фош қилиш ва жамоат хавфсизлигини инсон фактори таъсирини камайтириш мақсадида рақамли тизимга ўтиш амалиётга киритилди ва киритилмоқда. Ички ишлар органлари тизимидаги тузилмаларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларга асосланган техник воситалар – планшетлар, бодикамера, интернетга уланган янги тармоқлар татбиқ қилинди.

Содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга нисбатан превентив воситаларни қўллаш мақсадида “Смарт маҳалла” дастури ишлаб чиқилди ва амалга

киритилди. Энг асосийси, ички ишлар органлари тизимдаги у ўзгаришлар давлат раҳбариятининг доимий диққат эътиборида бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, у ерда хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимлари, биринчи навбатда, профилактика инспекторларининг хизмат фаолияти, уларга яратиб берилаётган шароитлар катта аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар

1. *Бобожонов П.Р.* Ички ишлар органлари – халққа яқин, халқ билан бирга // Янги Ўзбекистон. – 2021. – 23 окт. – 211-сон.

О. С. Нарзуллаев,
мустақил тадқиқотчи



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДА ТИНЧ НАМОЙИШЛАР ЎТКАЗИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Таҳлилларга кўра, Марказий Осиё давлатларида тинч намойишлар ўтказиш ҳуқуқи давлат назоратига олинган бўлиб, фуқароларнинг ўз фикрини ифодалаш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва қонуний белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланиш, ўз норозилик позициясини ифодалашда ҳуқуқий тўсиқларга дуч келмоқда.

Марказий Осиё мамлакатларида тинч намойишларни ўтказишлари давлат конституцияси билан белгиланган бўлиб, тинч ва қуролсиз тартибда митинглар, йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа ҳаракатларни ўтказиш ҳуқуқи таъминланган [1].

Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларида (Ўзбекистон Республикасидан ташқари) митинг йиғилиш ва намойишларни ташкил қилиш ҳамда ўтказиш тартибини белгиловчи қонунчилик мавжуд бўлиб, тинч намойишларни ташкил этиш, шунингдек, ўтказиш тартиблари, рухсат берилган ва тақиқланган ҳолатлари таҳлил қилинганда, мазкур ҳуқуқларни амалга оширишда фуқароларнинг айрим ҳуқуқлари чекланганлигини кузатиш мумкин.

Давлатларнинг (Ўзбекистон Республикасидан ташқари) ҳужжатларига асосан белгиланган тартиблар халқаро ҳуқуқнинг айрим жиҳатларига мос келмаслиги ҳамда давлат органларига бир қатор қийинчиликларни юзага келтириб чиқариши мумкинлигини кўриш мумкин. Жумладан:

– Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистонда тинч намойишлар ташкилотчиси ва иштирокчиси 18 ёшга тўлган бўлиши лозимлиги БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг 15-моддасига асосан, болалар эркин ҳолда йиғилиш ҳамда тинч намойишлар ўтказиш нормасига зид эканлиги [2];

– Қирғизистонда тинч намойишлар ташкилотчиси ва иштирокчиси чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиши мумкинлиги эса, хорижий давлатларнинг митинг, йиғилиш ва намойишларни молиялаштиришга шароит яратишига, бунинг натижасида эса, давлатнинг ижтимоий-сиёсий вазиятига салбий таъсир кўрсатишига олиб келиши мумкинлиги (норозилик чиқишлари оқибатда Қирғизистонда бир неча маротаба оммавий тартибсизликлар юзага келган) [3];

– Қозоғистон қонунчилиги бўйича митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказиш даврида чодир (палатка)лар ёки бошқа жиҳозларни ўрнатишга рухсат берилганлиги келгусида Украинада юз берган инқилобга ўхшаш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлиги;

– Қирғизистон қонунчилигига кўра, ташкилотчилар митинг, йиғилиш ёки намойиш ўтказиш юзасидан давлат ҳокимияти органларига ўз вақтида ёки умуман мурожаат қилмаганлиги ҳукумат томонидан тадбирни ўтказишга тўсқинлик қилиш ёки тақиқлашга асос бўлмаслиги оқибатида бундай тадбирларни ўтказишда давлат ҳокимияти органларининг нуфузини тушириб юбориши мумкинлиги;

Шу билан бирга Қирғизистон қонунчилигининг қўққисдан намойиш ўтказиш, давлат органлари бинолари олдида митинг, йиғилиш ёки намойишлар ўтказиш, тадбирларни тунги вақтда ўтказиш, юзни ниқоб билан яшириш, бир вақтда қарама-қарши мақсад билан бир нечта тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ жиҳатлари мамлакатда беқарорлик ҳолатини келтириб чиқариш хавфини кўпайишига олиб келиши мумкин.

Марказий Осиё давлатларида митинг, йиғилиш ва намойишларни ўтказиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, жавобгарлик масаласи қиёсий таҳлил қилинганда, фуқароларнинг мазкур ҳуқуқни амалга оширишда давлатнинг қарши муносабатини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Давлат	Иштирок-чилар	Ташкилотчилар	Қайта содир этиш	Мансабдор шахслар
Қозоғистон	130	190	331	324
Қирғизистон	40	40	40	2600
Тожикистон	57	57	2124	8850
Туркманистон	403	403	2280	286
Ўзбекистон	213	1707	6404	320

1-жадвал: *Митинг, йиғилиш ва намойишлар ташкил этиш ва ўтказиш қоидаларини бузганлик учун иштирокчилар, ташкилотчилар ва мансабдор шахслар учун энг юқори жарима қийматлари (АҚШ доллари ҳисобида, 2020 йил декабрь ҳолатига кўра)*

Шуни таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё мамлакатларидан фақат Ўзбекистонда митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги мазкур тадбирларни ўтказишда фуқаролар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзаро муносабатлари тартибга солинмасдан қолишига сабаб бўлиши билан бир қаторда, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқини амалга оширишларида тўсиқ бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бугунги кунда қабул қилинишининг долзарблиги қуйидагиларда акс этмоқда. Масалан:

– амалдаги қонунчиликда йиғилиш, митинг ва намойишлар тушунчалари, уларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас;

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида кўрсатилган қоидаларни тўлиқ рўёбга чиқарилишига ҳуқуқий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўйилмоқда;

– митинг, йиғилиш ва намойишларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан фуқаролар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, ўзаро муносабатлари тартибга солинмасдан қолмоқда;

– тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги фуқаролар томонидан митинг, йиғилиш ва намойишларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларга ҳуқуқий баҳо беришда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 201, 202 ва Жиноят кодексининг 217-моддасига асосан маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласини белгилашда мураккабликларни юзага келтирмоқда.

Таъкидлаш керакки, намойиш, йиғилиш, митинг, пикет, кўча юришлари ва шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга ошириш тартибини назарда тутган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда долзарб аҳамият касб этиб, қонунчиликдаги айрим бўшлиқларни тўлдиради. Шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга оширишда аҳолининг фуқаролик позициясини намоён этишига хизмат қилади.

Қонунчиликдаги ўрганишлар ҳамда хориж тажрибаларини таҳлил қилган ҳолда, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, мамлакатда криминоген ва сиёсий-ижтимоий вазиятни барқарорлигини сақлаш мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади:

– намойиш, йиғилиш, митинг, пикет, кўча юришлари ва шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга ошириш тартибини назарда тутган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

– жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ барча мутасадди ташкилотларнинг фуқаролар томонидан намойиш, йиғилиш, митинг, пикет, кўча юришлари ва шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга ошириш давридаги ички буйруқ ёки қўшма қарорларини ишлаб чиқиш;

– намойиш, йиғилиш, митинг, пикет, кўча юришлари ва шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга ошириш ва унга ташкилотчилик қилиш, шунингдек, бундай ҳуқуққа эга бўлмаган субъектларни қатъий белгилаш;

– мамлакат аҳолисини тўғри, тўлиқ ва ҳаққоний маълумот билан таъминлаш, турли хил дезинформация ва дискредитациядан ҳимоя қилиш, фуқаролар онгида нотўғри ижтимоий фикрни вужудга келишини олдини олиш юзасидан оммавий ахборот воситалари ходимлари, якка ҳолдаги журналистлар ва блогерлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ваколатлари, мажбуриятлари, шунингдек, улар томонидан амалга оширилиши тақиқланган ҳолатларни қайд этиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, йиғилиш, митинг ва намойишларни тартибга солувчи ҳуқуқий-норматив ҳужжатнинг қабул қилиниши асосида бир қатор ижобий натижаларга эришиш мумкин:

биринчидан, оммавий тадбирлар, жумладан, йиғилиш, митинг, кўча юришлари ёки намойишларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади;

иккинчидан, митинг, йиғилиш ва намойишларни ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг тушунчаларига қонуний изоҳ берилади;

учинчидан, мамлакатда фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатларининг устуворлиги таъминланади;

тўртинчидан, митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг ваколатлари ва мажбуриятлари белгиланади;

бешинчидан, митинг, йиғилиш ва намойишларни ташкил этиш учун рухсат олиш, ўтказиш вақти ва жойи, ташкилотчи ва иштирокчиларнинг мақоми ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 1992.

2. Қозоғистон Республикаси Конституцияси. URL:https://www.akorda.kz/ru/official_documents/constitution.

3. Қирғизистон Республикаси Конституцияси. URL: https://www.gov.kg/ru/p/constitution

4. Тожикистон Республикаси Конституцияси. URL: http://www.gst.tj/konstitutsiya-respubliki-tadzhikistan

5. Туркманистон Республикаси Конституцияси. URL: https://online.zakon.kz/Document/?docid=31337929#pos=5.

6. Закон Республики Казахстан от 25 мая 2020 года № 333-VI “О порядке организации и проведения мирных собраний в Республике Казахстан”. URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=36271780

7. Закон Республики Таджикистан от 31 декабря 2014 года №1169 “О собраниях, митингах, демонстрациях и уличных шествиях” URL: http://ncz.tj/content/закон-республики-таджикистан-о-собраниях-митингах-демонстрациях-и-уличных-шествиях .

8. Закон Туркменистана от 28 февраля 2015 года №185-V “Об организации и проведении собраний, митингов, демонстраций и других массовых мероприятий”. URL:http://www.turkmenbusiness.org/content/zakon-turkmenistana-ob-organizatsii-i-provedeni-sobranii-mitingov-demonstratsii-i-drugikh-m.

9. Закон Кыргызской Республики от 23 мая 2012 года № 64 “О мирных собраниях” URL: http://cbd.minjust.gov. kg/act/view/ru-ru/203664.

Б. Б. Норов,
мустақил тадқиқотчи



БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ВА ИЛҒОР АХБОРОТ-ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ХУСУСИДА

Мамлакатда рақамли иқтисодиёт ривожланишининг муҳим йўналишлардан бири сифатида рақамли божхона тизими тармоғининг ривожланиши даражасига боғлиқ. ЖБТ томонидан ишлаб чиқилган концепцияга кўра, *рақамли божхона* – халқаро савдони осонлаштириш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, божхона тўловлари самарали бўлиши,жамиятнинг турли салбий ҳаракатлардан ҳимоя қилиниши, институционал ва инсон ресурслари ривожлантиришини қўллаб-қувватлайди ва ниҳоят божхона таомилларини соддалаштирилишига хизмат қилади. Бу эса вақтдан самарали фойдаланиш ва харажатлар занжирини камайтириш орқали тизим самарадорлиги ва хавфсизлигини оширади. Бу анъанавий хизматларни тўлиқ босқичма-босқич электрон ва рақамли шаклга ўтказиш механизми ҳисобланади.

Ҳозир божхона тартиб-тамойилларини янада соддалаштириш, божхона тизимида рақамли технологияларни кенг қўллаш орқали инсон омилини камайтириш, божхона назорати шаклларини хавфларни бошқариш принципларига асосланган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш, содда қилиб айтганда “Рақамли божхона”га ўтиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришда ахборот тизимларининг ўрни катта эканлигини тушунган ҳолда, расмийлаштирув билан боғлиқ жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилди.

Бугунги кунда божхона органлари 61 та ахборот тизимлари ва 28 та интерактив хизматлар (шундан, 2020 йил давомида 6 та ахборот тизимлари ва 13 та интерактив хизматлар) татбиқ этилган [1].

Хусусан, божхона органларида “Хавфни бошқариш” тизимининг жорий этилиши натижасида, бугунги кунда қонунга итоаткор тадбиркорларнинг экспорт ва импортга йўналтирилаётган маҳсулотлари тезкорлик билан божхона расмийлаштирувидан ўтказилмоқда [2].

2020 йил 1 январдан амалиётга жорий этилган “Ягона дарча” божхона ахборот тизимининг бугунги фаолияти ҳақида сўз юритадиган бўлсак, мазкур тизим орқали ташқи иқтисодий фаолият (кейинги ўринларда-ТИФ)ни амалга оширишда 6 та органнинг 17 та рухсат бериш тусидаги ҳужжатларини инсон омилисиз бериш тартиби жорий қилинди.

“Автоматлаштирилган тарзда чиқариб юбориш”, “Божхона аудити”, каби бир неча автоматлаштирилган ахборот тизимлари амалиётга жорий этилди “Е-Транзит” автоматлаштирилган ахборот тизими амалиётга жорий этилиш арафасида.

Шунингдек, Давлат божхона қўмитасидаги мавжуд дастурга Россия, Қозоғистон ва яқиндан бошлаб қўшилган Афғонистон божхона хизматлари томонидан Ўзбекистонга экспорт учун расмийлаштирилган божхона юк декларациялари электрон шаклда юкланиб товарлар республикамиз ҳудудига кириб келиш жараёнида барча зарур маълумотларни олиш имконини бермоқда [3].

Шулар билан бирга, 2021 йил 1 июлдан божхона назоратини янада соддалаштириш учун қуйидаги тартиб белгиланди [4]:

– масофавий электрон декларациялаш божхона постларини синов тариқасида ташкил этиш;

– божхона расмийлаштируви жараёнларини масофавий бошқариш, инсон аралашувини кескин қисқартириш;

– чегараларда ветеринария ва фитосанитария органлари томонидан текшириш, тўловлар ундириш жараёнлари онлайн амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида божхона органларида 2018 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун божхона кўригида хавф-хатардан огоҳ этиш тизими, яъни тадбиркорларнинг қанчалик ҳалол эканига қараб, уларни “яшил” ва “қизил” йўлаклар орқали ўтказишни жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5414-сон Фармони билан 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда товарларнинг божхона назоратини танлов асосида ўтказишни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминлаш белгиланди.

Ушбу Фармон билан Давлат божхона қўмитасида Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси ташкил қилинди ҳамда мазкур бошқармага божхона органларида божхона қонун ҳужжатлари бузилиши

хавфи юқори бўлган товар ва ТИФ қатнашчиларини назорат қилиш учун куч ва воситаларни жамлашни назарда тутувчи хавфни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш вазифаси юклатилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5582-сон Фармони [6] давлат божхона хизмати органлари тизимидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг янги даврини бошлаб берди.

Мазкур Фармонга биноан товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш жараёнида 2018 йилнинг 1 декабрдан “сариқ” ва “қизил”, 2019 йилнинг 1 мартидан эса “яшил” ва “кўк” йўлакларни қўллашни назарда тутувчи “Хавфни бошқариш тизими” амалиётга тўлиқ татбиқ этилди.

Натижада, “ялпи” божхона назоратини ўтказишдан воз кечган ҳолда, хавф профиллари ёки тасодифий танлов асосида товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати юқоридаги 4 та йўлаклардан бирига йўналтирилган ҳолда амалга оширилмоқда. Хўш, бу йўлаклар бир-биридан қандай фарқланади.

“Сариқ йўлак”, бунда божхона декларацияси, ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш бўйича божхона назорати шакллари хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади;

“Қизил йўлак”, бунда божхона назорати шакллари хавф даражаси юқори кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади;

“Яшил йўлак”, бунда хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, божхона назорати шакллари уларга нисбатан амалга оширилмайди;

“Кўк йўлак”, бунда хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танлов асосида аниқланган товарларга нисбатан божхона назорати шакллари улар чиқариб юборилгандан сўнг амалга оширилади.

“Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизими давлат экспертизасидан муваффақиятли ўтди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси – муаллифлик ҳуқуқи эгаси сифатида электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги Интеллектуал мулк агентлигининг гувоҳномасини олди.

Содда қилиб айтганда, Хавфни бошқариш тизими божхона қоидаларига амал қилувчи тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ўрнатилган тартиботларга риоя қилмайдиган ТИФ иштирокчилари фаолияти устидан назоратни амалга оширишга мўлжалланган [6].

Амалдаги қонунчиликда божхона расмийлаштируви муддати уч кун қилиб белгиланганлигига қарамасдан товарларни расмийлаштириш учун сарфланадиган вақтнинг қисқаришига эришилди.

Тизим кўмагида товарларни божхона кўригисиз расмийлаштириш амалиёти жорий этилди. Хусусан, тизим жорий этилишига қадар барча товарлар божхона кўригидан ўтказилар эди. Ушбу тизим жорий этилиши билан божхона кўриклари сони - 1,6 маротаба камайиб, кўрик самарадорлиги - 1,7 бараварга ортди [8].

Мазкур тизим жорий этилишга қадар барча ТИФ иштирокчиларига божхона органлари томонидан бир хил баҳо берилган бўлса, бугунги кунда жами 105 800 та ТИФ қатнашчиларининг фаолияти кўрсатаётган бўлиб, улардан 74 403 таси ҳалоллик даражаси бўйича баҳоланди:

– жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида божхона расмийлаштирилган божхона юк декларацияларининг 29 фоизи ёки 113 007 таси “яшил” йўлак тартибида;

– 47 фоизи ёки 184 948 таси “сариқ” йўлак тартибида;

– 24 фоизи ёки 92 819 таси “қизил” йўлак тартибида расмийлаштирилган.

Хавфни бошқариш автоматлаштирилган ахборот тизимидан самарали фойдаланилиши, хавфларни минималлаштириш чоралари қўлланилиши натижасида ўтган давр мобайнида давлат бюджетига 101,3 млрд. сўмлик қўшимча божхона тўловлари ундирилди [8].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 июндаги “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-сон Фармони божхона органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ва божхона хизматида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишда асосий дастур бўлиб хизмат қилди [3].

Ушбу Фармонда божхона назорати шакли сифатида товарлар чиқариб юборилгандан кейин ТИФ иштирокчиси фаолиятини баҳолаш ҳамда уларнинг товарлар ва транспорт воситалари чиқариб юборилгандан кейинги ҳисобини текширишни назарда тутувчи божхона аудитини амалга ошириш белгиланган.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг (ТИФ) ҳалол иштирокчиларини рағбатлантириш ҳамда божхона қонунчилигини бузган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини тўғри йўлга бошлаш имконини беради [5].

Маълумот ўрнида: Ривожланган хорижий давлатлар (Америка Қўшма Штатлари, Канада, Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Евроосиё иқтисодий иттифоқи давлатлари) божхона тизими амалиётида божхона аудити аллақачон жорий этилган [7].

Жаҳон божхона ташкилоти божхона аудитини ташкилотга аъзо давлатлар томонидан амалиётга жорий этилиши товарларнинг 80-90 фоизгача чегарада кутиш вақтини қисқаришини эътироф этган.

Шунингдек Жаҳон савдо ташкилотининг маълумотларига кўра, божхона аудитининг амалиётга жорий этилиши савдо харажатларининг 14,3 фоизга камайишига ва жаҳон савдосини 1 трлн. АҚШ долларига ошишига олиб келишини ўз тавсияларида таъкидлаб ўтган.

2011 йилда БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) томонидан божхона аудитининг жорий қилиниши товарларнинг 80-90 фоизгача миқдорини тезликда эркин муомалага чиқариб юборишга олиб келишини тасдиқлайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ташқи иқтисодий фаолиятда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда замонавий ва илғор ахборот-технологияларини қўллаш мақсадида, қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

– хорижий давлатларнинг божхона тизими тажрибасини ўрганган ҳолда трансчегаравий жиноятларни олдини олиш мақсадида божхона органлари дарё портлари, экспресс почталар, логистик ташкилотлар, ТИФ қатнашчиларига хизмат кўрсатувчи йирик ташкилотлар билан маълум бир дастур яратиш ҳамда уларнинг маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш учун махсус тизими яратиш ёки уни ДБҚда ташкил қилинган тизимларга улаш;

– жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадида ИИВ, ДХХ, Солиқ органлари, чегара хизматлари билан ўзаро ҳамкорлик дастурларини такомиллаштириш орқали қўшма ахборот-суриштирув маркази ташкил этиш ёки ушбу органлардан олинган маълумотларни ҳам ДБҚда ташкил қилинган ахборот тизимларига бирлаштирган холда маълумотларни электрон қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш зарур, ҳамда шундай марказларни вилоят божхона бошқармалари Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлимлари қошида ҳам ташкил этиш;

– давлат божхона қўмитасидаги мавжуд ахборот тизимларига Ўзбекистонга экспорт учун расмийлаштирилган божхона юк декларациялари электрон шаклда юкланиб товарлар республикамиз ҳудудига кириб келиш жараёнида барча зарур маълумотларни олиш борасида асосий импортёр давлатлар билан маълумотларни алмашишни йўлга қўйиш;

– товарлар ортилган транспорт воситалари чегарага киришдан 3 соат олдин божхона органига “Транзит-декларация”сини электрон тарзда тақдим этиши қатъий талаб этиб белгиланиши ва бунда, ушбу декларациялар ҳусусий сектор бўлган божхона брокери ва декларантлар томонидан расмийлаштирилиб, товарларга тегишли маълумотлар тўғрилигига улар масъул этиб белгилаш ва ҳоказо.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 22 дек.

2. Узбекистон Республикасининг Божхона Кодексининг янги таҳрири. – Т., 2016.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 05 июндаги “Божхона маъмурчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005 Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5414-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3665-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5582-сон Фармони.
7. *М.Бойкова* Зарубежный опыт таможенного администрирования: Монография. – М., 2017. – Б. 40-45.

А. О. Темиров,
мустақил тадқиқотчи



ЖИНОЯТ ИШ ЮРИТУВИДА КАССАЦИЯ ИНСТИТУТИ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини реал таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга суд ҳокимияти мустақиллиги ва беғаразлигини, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслигини таъминлашга оид қатор ислоҳотлар ўтказилди ва бу жараён тизимли давом эттирилмоқда.

Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва янада такомиллаштириш, одил судловни самарали таъминлаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлашга оид қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу йўналишда қатор ижобий натижаларга эришилди.

Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, судлар фаолияти самарадорлигига эришиш, аҳолининг одил суд-

ловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судлари бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Мазкур ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида, Президентимиз томонидан 2020 йил 24 июль куни “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034 сонли Фармон[1] нинг имзоланиши бу соҳада яна бир муҳим қадам бўлди. Фармонга мувофиқ, суд ҳуқуқ тизимида 2021 йилнинг январидан бошлаб бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Хусусан, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган холда ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган холда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилди.

Фармонга асосан, суд босқичларини бекор қилиш орқали “бир суд – бир инстанция” тамойили жорий этилди. Яъни, эндиликда туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилган суд қарорларини кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича суд қарорларини эса Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра, кассация тартибида такроран кўриб чиқиш назарда тутилди. Суд ишларини назорат тартибида кўриш институти эса тугатилди. Бундай тартибнинг ўрнатилиши оқибатида эса судда ҳар бир иш бўйича якуний тўхтамга келиш орқали суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаб, фуқаролар ва тадбиркорлар сарсон бўлишининг олди олинади. Эндиликда, фармон билан юқорида қайд этилган муаммо ва камчиликларнинг аниқ ечимига қаратилган ҳуқуқий механизмлар яратиб берилди.

Шунингдек, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида, апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Олий суднинг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида, Олий суд судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Олий суд раиси, Бош прокурор ва улар ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш белгиланди.

Жиноят процесси – кўп босқичли жараён бўлиб, биринчи инстанция судида чиқарилган ҳукм, ажрим ёки қарорларга “якуний ҳақиқат” деб қаралиши керак эмас. Улар қонунийлик, асослилик ва адолатлилик нуқтаи назаридан текширилиши мумкин.

Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш деганда, шикоят ёки билдирилган протест асосида қуйи суд чиқарган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг уларга қўйиладиган талабларга жавоб беришини текширишга қаратилган юқори судда иш юритиш (суд муҳокамаси) жараёни ҳисобланади.

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, шунингдек суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортиқча оралиқ инстанцияларни бартараф этиш мақсадида вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибида қайта кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялар бекор қилинди.

Кассация инстанцияси босқичида иш юзасидан юқори суд инстанцияси томонидан якуний қарор чиқариш кафолатлари мустаҳкамланди. Бу эса ўз навбатида фуқароларимизнинг судма суд овора бўлиб юриши каби салбий амалиётга барҳам берилишига хизмат қилади.

Президентимиз 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида [2] суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб, соҳада юз берган ўзгаришлар чуқур таҳлил қилингани жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланаётганини кенг намоён этди.

Хусусан, “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни [3] қабул қилинди.

Қонунга кўра, кассация инстанцияси суди кассация шикояти, протести бўйича ишдаги мавжуд материалларга кўра биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судлари томонидан жиноят кодекси нормалари тўғри қўлланилганлигини ҳамда ушбу кодекс нормаларига риоя этилганлигини текширади.

Кассация шикояти, протести кассация инстанцияси судида у келиб тушган кундан эътиборан икки ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилиши лозим. Бу муддат ишнинг мураккаблиги ёки ҳажми катталиги туфайли, шунингдек бошқа узрли сабаблар мавжуд бўлганда, кассация инстанцияси судининг ажрими билан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

Кассация инстанцияси судининг судьяси кассация шикояти, протестини ўрганиб, кўпи билан ўн суткалик муддат ичида қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

шикоятни, протестни ЖПКнинг 502-моддасига мувофиқ қайтаришга доир асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги;

жиноят ишини талаб қилиб олишга доир асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги.

Шикоятни, протестни ўрганиш натижаларига кўра, судья:

шикоятни, протестни қайтариш тўғрисида;

жиноят ишини талаб қилиб олиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Келиб тушган жиноят ишини ўрганиш натижаларига кўра, судья:

шикоятни, протестни иш билан бирга кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида;

Жиноят процессуал кодекс [4]нинг 522-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда шикоятни, протестни кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритишни рад этиш ҳақида ажрим чиқаради.

Кассация инстанцияси суди шикоятни, протестни иш билан бирга кассация инстанцияси судига кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан ўн беш суткадан кечиктирмай жиноят ишини кўришга киришиши керак.

Иш ўта мураккаб бўлганда ва бошқа алоҳида ҳолларда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддат кассация инстанцияси судининг ажрими билан кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

Ишни кўриш муддати узайтирилганлиги ҳақида жиноят процессининг манфаатдор иштирокчилари хабардор қилиниши керак.

Кассация инстанцияси суди кассация шикояти, протестида баён этилган важлар билан чегараланмасдан, ишни барча маҳкумларга, шу жумладан шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаганларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади.

Жиноят иши бўйича бир неча шахс ҳукм қилинган ёки оқланган тақдирда, суд кассация шикояти, протести берилмаган маҳкумларга ёки оқланган шахсларга нисбатан ҳукмни, ажримни бекор қилишга, башарти ҳукм, ажримнинг бекор қилиниши уларнинг аҳволини оғирлаштирса, ҳақли эмас.

Кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Кассация инстанцияси суди ишни янгидан апелляция тартибида кўриб чиқиш учун юбораётганда айблов исботланганлиги ёки исботланмаганлиги, у ёки бу далилларнинг ишончлилиги ёки ишончсизлиги, бир далилнинг иккинчисидан афзаллиги, жиноятнинг таснифи ва жазо чораси тўғрисида олдиндан хулоса чиқариб қўйишга ҳақли эмас.

Кассация инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижалари бўйича қуйидаги ажримлардан бирини қабул қилади:

1) биринчи инстанция, апелляция инстанцияси судларининг ҳукмларини, ажримларини ўзгаришсиз қолдириш, кассация шикоятини, протестини эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида;

2) апелляция инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини бекор қилиш ва биринчи инстанция судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида ёки ишни апелляция тартибида янгидан кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида;

3) иш бўйича қабул қилинган барча суд қарорларини бекор қилиш ва ишни тугатиш тўғрисида;

4) биринчи инстанция, апелляция инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгартириш тўғрисида.

Кассация инстанцияси суди жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг ЖПКнинг 497^{19}-моддасида назарда тутилган асосларга кўра киритган кассация протести бўйича кассация тартибида такроран кўради.

Жиноят ишини кассация инстанцияси судида такроран кўриш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг илгари мазкур ишни кўришда иштирок этмаган беш нафар судьясидан иборат таркибда, ЖПКнинг 56^{1}-бобда назарда тутилган қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш жоизки, суд қарорларини қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини қайта кўриб чиқиш жиноят суд иш юритувининг муҳим аҳамиятга эга институти бўлиб, уни амалга ошириш орқали қонунийликнинг бузилиши, асоссиз ва адолатсиз ҳукм, ажрим ва қарорларнинг чиқарилиши билан боғлиқ суд хатолари бартараф этилади.

Шунинг учун ҳам, юқори турувчи суд инстанцияларида ишларни кўриш суд хатоларини бартараф этиш мақсадида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг муҳим шакли бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз томонидан 2020 йил 24 июлда қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқлар сақланиб қолганлиги, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичлари мавжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганлиги каби муаммоларнинг ечимини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини қайта кўриб чиқишда, ишларни назорат тартибида кўриш институтининг батамом тугатилиб, кассация босқичининг такомиллаштирилиши фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд

қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этгани ҳолда одил судловнинг самарадорлиги, шу билан бирга суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034 сонли Фармони. URL: https://lex.uz/docs/4910826.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 30 дек.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси. – 2021. – 13 янв. – № 03/21/664/0014.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2018. – Б.428.

Б. Е. Есимбетова,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси олий таълимдан кейинги таълим факультети таянч докторантура докторанти



ҚАСДДАН БАДАНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятни ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш тарзини яратиш йўлида амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар қаторида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 май куни қабул қилинган “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 3723-сон қарори [1] билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари сифатида: жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш; фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини; жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш; жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-тамойилларини киритиш белгиланди.

Қасддан баданга шикаст етказиш тўғрисидаги жиноят ишлари бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар, типик тергов вазиятлари ва улар асосида жиноят ишини қўзғатиш ва тергов қилиш методикаси катта аҳамиятга эга.

Қасддан баданга шикаст етказиш тўғрисидаги ариза ёки хабар бўйича жиноят ишини қўзғатиш бўйича фаолият, амалдаги ЖПКда белгилаб қўйилган мансабдор шахслар (терговга қадар текширув ўтказувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор) томонидан амалга оширилади ҳамда мазкур жараён белгиланган шароитларда ва махсус процессуал шаклларда кечади.

Бу борада З.Ф.Иноғомжонова жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим, деб таъкидлаган [2, Б. 145-149].

Шунингдек, қасддан баданга шикаст етказиш бўйича жиноят ишини қўзғатиш босқичида терговга қадар текширув амалга оширилиб, унда процессуал қарор қабул қилиш, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш, баъзи пайтларда эса жиноят ҳақидаги дастлабки материалларда келтирилган сабабнинг қонунийлиги ва жиноят ишини қўзғатиш учун асосларнинг етарлилигини аниқлаш мақсадида бир қатор тергов ҳаракатлари ўтказилади.

Қасддан баданга шикаст етказиш фактлар бўйича жиноят ишини қўзғатиш босқичининг моҳияти суриштирувчи, терговчи жиноят белгиларини аниқлаганда, жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш билан боғлиқ процессуал жараёндан иборатдир. Жиноят белгилари етарли бўлмаганда ёки жиноят таркиби аниқланмаганда, жиноят ишини қўзғатиш рад қилинади [3, Б.65-67].

Қасддан баданга шикаст етказиш жинояти ҳақидаги ариза бўйича жиноят иши қўзғатишдан аввал, суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиб тан жароҳати даражасини тўғри аниқлашга ва ҳоказоларга эътибор қилиш лозим.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятлари оғир ва тергов услуби анча мураккаб кечадиган ҳодисалардан ҳисобланади.

Криминалистик тергов услубини қўллаш қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини текширишда жабрланувчига тан жароҳатини етказиш сабабини аниқлашга: қасддан баданга шикаст етказиш тажовузидан содир бўлдими, деган ҳолатларни аниқлашга қаратилади. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатларда қасддан баданга шикаст етказиш шубҳали вазиятда криминалистик тергов услуби қоидаларига асосланган ҳолда текширилиши лозим.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини содир этишда жиноятчилар турли усул ва қуролларни қўллайдилар. Кўп ҳолларда улар ўқ отиш

ва совуқ қуроллар, турли уй-рўзғор буюмлари (пичоқ, теша, болта), бирор қаттиқ предмет (темир, тош каби)лар билан жароҳат етказадилар.

Қасддан баданга шикаст етказиш усуллари, жиноий ҳаракат мотивлари, жойи, вақти, ҳодисанинг оқибати, излар, қуроллар буларнинг барчаси криминалистик тавсифни ташкил қилади. Унинг айрим элементлари эса бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, бири-иккинчисидан келиб чиқади ва тўлдиради. Айниқса, жиноятнинг субъекти, жабрланувчи, ишлатган қурол ва жиноят жойи каби элементлар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳар қайси элементдан қолган излар (оқибатлар) бошқа элементларда акс этади, бирини кузатиш ва текшириш билан иккинчиси унга боғлиқ бўлган ҳолатнинг хусусиятини келтириб чиқаради.

Жиноятнинг криминалистик тавсифини белгилашда юқорида келтирилган ҳолатларнинг кетма-кетлиги, ҳодиса жойидаги вазиятларнинг келиб чиқиши, бирининг оқибати иккинчисида маълум изларнинг қолдириши кабиларини аниқлаш тергов дастлабки босқичининг муваффақиятли бўлишига асос ҳисобланади.

Тергов амалиёти тажрибасига асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, энг кўп тарқалган қасддан баданга шикаст етказиш жиноятлари уй-жой бинолари да, жамоат жойларида, кўчаларда содир этилади, бунда жиноятнинг оқибати, қуроллар, излар яширилмайди жиноятни содир этган шахс ўзи ҳам баъзида қочмайди, бекинмайди. Бундай жиноятлар кўпинча ғаразлик, ўч олиш, рашк, безорилик, икки жиноий гуруҳларнинг қарама-қаршилик тўқнашувлари натижасида содир бўлади. Бу ҳолатларда содир этилган қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларининг очилиши ва тергов жараёни унчалик қийинчиликни туғдирмайди. Тергов услуби тавсия этган тактик ва методик воситаларни қўллаш ва ҳодиса жойидаги қуроллар, излар, жабрланувчи шахси ва тан жароҳати сабаби ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосида версия-тусмолларини ишлаб чиқиш ва терговни тўғри ташкил этиш, яъни ишни тегишли муддатларда очиш-исботлаш мумкин бўлади.

Айрим ҳолларда қасддан баданга шикаст етказиш жинояти яширин вазиятда, гувоҳларсиз, кечанинг қоронғулиги, одамнинг йўқлигидан фойдаланиб содир этилади.

Жиноятчи қасдга тайёргарлик кўради, ҳодиса жойидаги изларни йўқотишга, қуролни ўзи билан олиб кетишга ҳам ҳаракат қилади. Бундай жиноятларни тергов олиб бориш, исботлаш нуқтаи-назаридан мураккаб бўлиб, бирмунча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Қасддан баданга шикаст етказишнинг бу турини тергов қилишда терговчи ихтисослик маҳоратини ишга солиши, дастлабки суриштирув маълумотларидан тўғри фойдалана олиши, кечиктириб бўлмайдиган тезкор ва тергов ҳаракатларини ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказиши талаб этилади [4, Б.51].

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларни тергов қилишда уни амалга ошириш усули, мотивлари, қўлланилган қуроллар, содир этган шахс ҳақидаги дастлабки маълумотларни олиш мумкин бўлади. Жабрланувчининг шахси маълум бўлган ҳолларда жиноятчи ҳақида, улар орасидаги муносабат, жиноят ҳодисасини содир этиш усуллари ҳақида тегишли версия-тусмоллар тузмоқ мумкин бўлади. Жиноят ҳодисаси билан жабрланувчига қасддан баданга шикаст етказилган жойлар ҳақида маълумот олиш ва дастлабки тезкор-тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали жиноятда шубҳаланган шахсни топиш ва қўлга олиш имкони бўлади.

Шаҳар шароитларида содир қилинадиган қасддан баданга шикаст етказишлар кўп ҳолларда жиноят изларини йўқотишга қаратилган бўлади. Қасддан баданга шикаст етказиш жиноят содир этилган жойлар ҳар хил ҳудудларда бўлган тақдирда, бу жойларни бир-бирлари билан боғлиқ ва мослик ҳолатлари аниқланмоғи лозим.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларининг тавсифларидан яна бири унинг содир этиш усулидир. Қасддан баданга шикаст етказиш содир қилиш усули ўз ичига ишлатилган қурол, восита, ҳаракат, жиноятга аввалдан тайёргарлик кўриш ва жиноят изларини йўқотишга уриниш каби ҳолатлар киради.

Уй-рўзғор жанжаллари, рашк, безорилик, спиртли ичимлик ва гиёҳвандлик моддалар таъсирида содир қилинадиган қасддан баданга шикаст етказиш деярли олдиндан тайёргарлик кўрилмасдан содир қилинади.

Қасддан баданга шикаст етказиш дуч келган предмет қурол (пичоқ, теша, болта) ёки бошқа восита билан жароҳат етказиб, мақсадига етади.

Қасддан баданга шикаст етказиш ғаразли мақсадда ёки жабрланувчининг лавозими, хизмат вазифасига қарши қаратилган бўлса, жиноятчи олдиндан тайёргарлик кўради; жойини, вақтини белгилаб қўяди. Қасдни амалга оширгандан сўнг жиноятчи оёқ ва қўл изларини қолдирмасликка ҳаракат қилади. Бу ҳолатлар жиноятчининг шахси ҳақидаги маълумотларни олишга ва уни кимлар орасидан қидириш лозимлигини белгилайди [5, Б.45].

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятининг изларини йўқотишга қаратилган ҳаракатлар баъзида тан жароҳати бошқа ҳодиса тусини бериш учун ниқоблаш усулларини ҳам қўллашлик ҳоллари учраб туради. Қасддан баданга шикаст етказилган шахсини ҳушсизлантириб ёки оғир жароҳат етказиб, тепалик – баландликдан итариб юборади – ниқоби тусини яратади ва ҳоказо.

Қасддан баданга шикаст етказилган жабрланувчининг шахсини тавсифлаш ҳам терговнинг дастлабки босқичида тўғри тусмоллар тузишга ва гумон қилинувчини топишга ёрдам беради.

Қасддан баданга шикаст етказилган жабрланувчилар аёл кишилар бўлса, кўп ҳолларда улар зўрлик, ғаразлик ёки рашк қурбонлари бўладилар. Жиноятчи ва жабрланувчининг ўзаро алоқалари, муносабатлари бир-

бирлари билан боғлиқ бўлиб, жиноий оқибатга олиб келиш сабабидан ва қасднинг мазмунидан дарак беради.

Қасддан баданга шикаст етказган гумон қилинувчи, тергов амалиётига асосланган ҳолда қуйидагича тавсифланиши мумкин. Спиртли ичимлик ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркак кишилар, кўп ҳолларда қўпол муомала қилувчилар, ахлоқсиз, жамоага ва аёлларга нисбатан беҳурмат ва раҳмсиз, илгари судланган каби сифатларга эга бўладилар.

Қасддан баданга шикаст етказган жиноятчининг баъзи ҳаракатлари – жабрланувчига нисбатан ўта раҳмсизлик билан кўп жароҳат етказиши, ўзининг яқин қариндоши, оила-аъзоларига нисбатан тан жароҳатни етказиш, унинг ақли норасологидан хабар беради, бундай ҳолларни типик вазиятларга киритиш мумкин [6, Б.121].

Тергов амалиётида нотипик ҳоллар ҳам учраб туради. Жиноятчи қурол билан муомала қилишни яхши билади, ҳарбий хизматда ёки алоҳида машқ асосида отиш ёки совуқ қуролларини қўллашликни эгаллаган бўлиб, жиноятга тайёргарлик кўришни ва содир қилгандан сўнг унинг изларини йўқотишни аввалдан белгилаб қўяди. Бундай вазиятлар терговни дастлабки босқичида бир мунча мураккабликни келтириб чиқаради.

Лекин криминалистик фаолиятнинг қонуниятига биноан ҳеч бир жиноят ўз оқибатини, изларини қолдирмай иложи йўқ, шунинг учун ҳар қандай жиноят, шу жумладан, қасддан баданга шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятлари ҳам муваффақиятли текширилиб, фош этилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, қасддан баданга шикаст етказиш ҳолатлари бўйича терговга қадар текширув ўтказиш, жиноятларни қўзғатиш ва тергов қилишда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар, тергов тусмолларини ишлаб чиқиш хусусиятлари ишни судга қадар юритиш комплекс технология сифатида тан олиниши лозим. Чунки у судга қадар иш юритишнинг қисми сифатида мураккаб, комплекс ва масъулиятли вазифани бажаради. Бу эса қасддан баданга шикаст етказиш бўйича алоҳида махсус иш юритиш бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ процессуал ва ташкилий-методик фаолияти ўзаро бир-бирига алоқадор.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 май куни қабул қилинган “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 3723-сон қарори // http://lex.uz/docs/3735818 (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

2. Жиноят процесси. Махсус қисм. З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Т., 2006. – Б.145-149.

3. Руководство для следователей. – М., 2006. – С.65-67 //https://www.google.co.uz/search?tbm=bks&hl=ru&q=3//

4. Авакян М.В. Методика расследования и поддержания государственного обвинения по делам об умышленном причинении тяжкого вреда здоровью: Дис. ...д-ра юрид. наук. – Калинград,2017. – С.51 https://www.google.com/search?q=4&aqs=chrome..69i57.1413j0j15&sourceid=chrome&ie=UTF-8.

5. Безручко Е. В. Преступления, посягающие на безопасность здоровья человека: теоретико-правовое исследование: Дис. ...док. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2018. – С.45. https://www.google.com/search?q=5A1.45.&aqs=chrome..69i57.1546j0j15&sourceid=chrome&ie=UTF-8

6. Беспечный О.В. Теоретические и практические проблемы расследования преступлений, связанных с причинением тяжкого вреда здоровью: Дис. ... канд. юрид. наук. – Барнаул, 2003. – С.121. https://www.google.com/search?q=6121.+&aqs=chrome..69i57.1240j0j15&sourceid=chrome&ie=UTF-8

Н. Джураев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОМБ
Махсус тайёргарлик ўқув маркази цикл бошлиғи



ЗАМОНАВИЙ ТЕРРОРИЗМНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЯНГИЧА КЎРИНИШДА НАМОЁН БЎЛИШИ

2021 йилнинг сентябрь ойида “Толибон” Афғонистон ҳудудини бутунлай эгаллади. Бу қўшни Марказий Осиё давлатлари, хусусан Афғонистон билан чегарадош бўлган Ўзбекистон учун, катта муаммоларни юзага келтириши бўйича қарашлар мавжуд. Минтақага катта қочқинлар ва гиёҳванд моддалар оқими келиши, доимий террорчилик ҳужумидан қийналиши ҳақида фаразлар, янгиликлар кўпаймоқда

Биринчи навбатда, “Толибон”нинг ҳаракатлари, ҳозирча бу фаразларнинг аксини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, пессимистик прогнозларнинг кўпчилиги, Марказий Осиё давлатлари пайдо бўлиши мумкин бўлган хавфга таёр эмас каби нотўғри хулосаларга асосланган. АҚШ ўз ҳарбий кучларини олиб чиқиб кетиши анча аввал бошланган жараён эди, шу учун “Толибон” ҳукуматни қўлга олишга яна бир бор уриниши кутилган ҳолат эди. Шунинг учун, толиблар билан мулоқот ўрнатиш ва уларни афғон жамиятининг таркибиий қисми сифатида қабул қилиш зарурияти юзага келди. Ўзбекистон бундан қадамни биринчилардан бўлиб ташлади ва охирги 5 йил ичида толиблар билан анча йил дўстона алоқа ўрнатишга муваффақ бўлди [5].

Албатта, Афғонистондаги беқарор вазият, чегарадош давлатларда безовталикни уйғотди ва чегара хавфсизлиги муаммосини вужудга келтирди. Хусусан, Ўзбекистон Афғонистон билан 137 километрли чегара-

нинг хавфсизлигини таъминлаш учун Сурхондарёда махсус оператив штаб ташкил қилиниб, Республиканинг бошқа ҳудудларидан қўшимча кучлар жалб қилинди.

Бошқа минтақа давлатлари, хусусан Тожикистон и Туркманистон ўз ҳарбий кучларини жанговар шай ҳолатда ушлаб туришди ва Афғонистон билан чегара ҳудудларга қўшимча ҳарбий кучлар жойлаштиришди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг август ойида, жанговар шайликни ошириш мақсадида Ўзбекистон, Тожикистон ва Россия иштирокида ҳарбий ўқув машғулотлари бўлиб ўтди [7]. Сентябрь ойида эса, ШҲТ доирасида "Тинчлик миссияси-2021" номи остида янги ҳарбий тайёргарлик машғулотлари бўлиб ўтди [3].

Кўплаб тахминлар ва хавотирларни юзага келтираётган муаммо бу қочқинлар муаммосидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йил охиригача ярим миллионга яқин афғон қочқинлари пайдо бўлишини тахмин қилмоқда [1]. Ғарб давлатлари аллақачон Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан улар билан ҳамкорлик қилган ва эвакуация пайтида олиб чиқа олмаган афғонларга бошпана беришни сўрашмоқда.

Бироқ, Афғонистондан иммиграция оқими анча аввал бошланган ва шу вақт мобайнида афғонлар Марказий Осиё давлатларига оммавий кўчиб ўтиши содир бўлмаган ва минтака давлатлари буни қўллаб қувватламаган. Кўпинча улар Афғонистоннинг бошқа қўшнилари Покистон ва Эронга чиқиб, бу ердан Европа давлатларига ўтишга ҳаракат қилишади. 2020 йилда энг кўп афғон қочқинларини Европа Иттифоқи, Австралия ва Буюк Британияга кўчиб ўтган [4].

Марказий Осиё давлатлари ва Россия эса жуда катта миқдорда қочқинларни қабул қилиш тўғри деб билмайди. Шу учун минтақа мамлакатлари раҳбариятлари қочқинларни қабул килишмасликларини билдиришган. Фақатгина, Тожикистонда ҳозиргача "вақтинча" минглаб қочқинларга у ердан бошқа давлатларга кетиш учун Кўлоб шаҳридаги аэропортда қолишга рухсат берилган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолатда айтиш мумкинки, минтақага афғон қочоқларидан таҳдидлар юзага келиш эҳтимоли жуда ҳам паст.

Хавф туғдираётган яна бир муаммо бу – терроризм. Минтақа давлатлари билан ўтказилган барча музокараларда толиблар Марказий Осиё давлатларига таҳдид қилмаслигини эълон қилган. Бироқ, бу ваъдаларни бажара олиш қобилияти кўплаб саволлар туғдириши аниқ ва кутилган ҳолатдир. Айниқса, охирги йиллардаги бир неча терактлар бундай ҳайиқишни асослайдигандек кўринади.

Масалан, 2019 йил 6 ноябрь куни, Тожикистон Конституция кунида, Тожикистон расмийларининг маълумотларига кўра, ИШИД жангарилари Афғонистондан мамлакатга кириб келишган ва деярли 300 км масофани босиб ўтиб, Ўзбекистон билан чегарадаги Ишқобод чегара постига ҳужум

қилмоқчи бўлишган. Ушбу воқеадан бир йил олдин, 2018 йилда тожик тоғларида тўрт нафар хорижлик сайёҳ ўлдирилган. Икки ҳолатда ҳам ИШИД жавобгарликни ўз зиммасига олган. Ҳукумат тахминларига кўра, бу ҳужумлар ортида афғонлар эмас, балки маҳаллий радикаллар томонидан амалга оширилаётганлигини маълум қилмоқда.

Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам терактлар содир этилган. Масалан, 2016 йил июнь ойида Қозоғистоннинг Ақтубе шаҳрида бир гуруҳ террорчилар ўткинчиларга ўқ узиб, полиция бўлимига ҳужум қилиши натижасида 25 киши ҳалок бўлган. Шу билан бирга Бишкекдаги шов-шувли теракт 2016 йилнинг августида террорчи Хитой элчихонаси дарвозасига бориб урилиб, ўзини портлатиб юборган6.

Изланиш давомида олинган малумотлар таҳлилига кўра, сўнгги йилларда Марказий Осиёда содир этилган терактларнинг аксарияти умуман Афғонистонга, хусусан “Толибон”га алоқаси йўқлиги маълум бўлмоқда.

Хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, 90-йилларда ҳокимиятни эгаллаган толиблар билан ҳозирги толиблар ўртасида жуда катта фарқ мавжуд. Ҳозирга келиб, “Толибон” радикал ҳаракатлар билан ҳокимиятда узоқ тура олмаслиги, бошқа давлатлар билан алоқасини яхшилай олмаслигини тушуниб турибди. Шу туфайли ҳам, толиблар дунё давлатлари, хусусан Афғонистонга чегарадош давлатлар ҳамда Россия ва Хитой билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишдан манфаатдор эканликларини ва ҳар қандай алоқага тайёр эканликларини кўриш мумкин.

Адабиётлар

1. https://news.un.org/ru/story/2021/07/1406362
2. https://e-cis.info/news/568/95008/?sphrase_id=23927
3. http://rus.sectsco.org/archive_news/20210929/782852.html
4. https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Asylum_quarterly_report#Decisions_on_asylum_applications
5. https://mfa.uz/
6. https://www.gumilev-center.ru/afganistan-geopoliticheskijj-klyuch-ot-evrazii/
7. http://csef.ru/ru/ekonomika-i-finansy/340/afganistan-v-geopoliticheskom-izmerenii-bezopasnosti-evrazii-5928

С. С. Орипов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар маркази бош илмий ходими



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНИДА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТНИНГ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ

Жиноят процессини юритиш чоғида фойдаланиладиган ахборот технологияларининг шакли, иш учун аҳамиятли бўлган далилларни ўрганиш, уларга баҳо бериш ҳамда расмийлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Аслида ҳам, жиноят процессида “маълумотларни электрон ташувчи” воситалар ҳисобланмиш ахборот технологиялари исботлов базасини ташкил этишини инкор этиб бўлмайди. Шу билан бирга, жиноят процессуал қонунчилигининг ўзида ҳам исботлов базасини электрон шаклда мустаҳкамлашни назарда тутувчи бир қанча нормалар мавжуд.

Ишни судга қадар юритиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш ва исботлашга алоқадор маълумотлар тушунчасига В.Т. Болычев, А.Г. Волеводз, Н.А. Зигура, В.А. Камышин, М.С. Сергеев ва бошқаларнинг илмий изланишларида ҳам ўрганилган.

Амалиётда аниқланган далилларни ўрганиш, текшириш ва расмийлаштиришда ахборот технологияларидан асосан ёрдамчи усул сифатида фойдаланилади. ЖПКнинг 91-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, тергов ёки суд ҳаракатининг бориши ва натижалари акс эттирилган фотосуратлар, фонограммалар, видеоёзувлар, кинотасвирлар, қолиплар, нусхалар, режалар, схемалар ва бошқалар баённомага илова қилинади. Ҳар қайси иловада тергов ёки суд ҳаракатининг номи, ўтказилган жойи, санаси кўрсатилган изоҳловчи матн бўлиши лозим. Бу изоҳловчи матнни суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ёки терговчи ва холислар, судда эса, раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби ўз имзолари билан тасдиқлайдилар.

Мазкур норма мазмунига кўра, бундай ёрдамчи усуллардан фойдаланиш процессуал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида уни юритувчи мансабдор шахс ихтиёрига кўра амалга оширилиши билан биргаликда, ушбу шахсга ахборот технологиялари ёки материаллар бўйича амалга оширилувчи вазифалар доирасини ҳам белгиламоқда.

Бироқ, исботлаш жараёнида ахборот технологиялари ёки материалларидан фойдаланишнинг ихтиёрийлиги барча процессуал ҳаракатлар учун тааллуқли эмас. Айрим процессуал ҳаракатлар (мисол учун, сўроқ

қилиш, юзлаштириш, нарсани кўздан кечириш) учун жараённи фото, видео тасвирга тушириш ёки бошқача усулда қайд этиш ихтиёрий бўлиб, баъзи процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида айнан видеоёзувдан фойдаланиш ёки уни фототасвирга тушириш мажбурий тартибда белгиланган. Бундай процессуал ҳаракатларининг баъзилари юқорида қайд этилган ЖПК моддасининг тўртинчи қисмида санаб ўтилган [7].

Исботлаш жараёни давомида амалиётда шаклланган тартиблардан бири, бевосита далилларни ўрганиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатлар, айниқса, кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш, шахсни ёки предметни таниб олиш учун кўрсатиш, эксгумация ва эксперимент ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчи томонидан фото ёки видеотасвирга туширилади.

Бизнингча юқорида қайд этилган фикрларга асосланган ҳолда, ишни судга қадар юритиш чоғида процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ахборот технологияларидан фойдаланишни расмийлаштириш тартибига кўра икки гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ахборот технологияларидан мажбурий бўлмаган тартибда, ёрдамчи усул сифатида фойдаланиш;

2) процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ахборот технологияларидан мажбурий бўлган тартибда фойдаланиш.

Процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ахборот технологияларидан мажбурий бўлмаган тартибда, улардан ёрдамчи усул сифатида исталган процессуал ҳаракат давомида фойдаланиш мумкин. Исботлаш жараёнидаги бундай имконият ишни юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар учун юқорида қайд этиб ўтилганидек ЖПКнинг 91-моддаси билан мустаҳкамланган. Терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки терговни олиб бораётган мансабдор шахс у ёки бу вазиятлар, ишнинг ҳолатлари, шунингдек шахснинг саломатлигини инобатга олган ҳолда ахборот технологияларидан фойдаланиши мумкин. Мисол учун, суриштирувчи саломатлиги оғир ҳолатда бўлган процесс иштирокчисини сўроқ қилишда ахборот технологияларининг бир кўриниши бўлмиш видеотасвирга олишдан тергов ҳаракатини расмийлаштиришда ёрдамчи усул сифатида фойдаланишини жиноят процессуал қонунчилиги истисно этмайди.

Процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ахборот технологияларидан мажбурий бўлган тартибда фойдаланиш жиноят процессуал қонунчилиги учун нисбатан янги бўлган жараёндир. Буни биз ЖПКда назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида илова тариқасида тегишли расмийлаштириш баённомасига қўшилиши шарт бўлган жараёнларда кузатамиз.

Фикримизга кўра, бундай процессуал ҳаракатларни ҳам икки гуруҳга ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1) ишни юритиш жараёнини мажбурий равишда фотосуратга олиш шарт бўлган;

2) ишни юритиш жараёнини мажбурий равишда видеотасвирга олиш шарт бўлган.

Жиноят процессуал қонунчилигига кўра, ишни юритиш жараёнини мажбурий равишда фотосуратга олиш шахсни фотосуратдан таниб олиш учун кўрсатиш жараёнида мажбурий аҳамиятга эга.

Бироқ, амалиётда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш, тергов эксперименти, таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини амалга ошириш жараёнини ҳам фотосуратга олиш доимийлик тусини олганлиги сир эмас.

Процессуал ҳаракатларни мажбурий видеотасвирга олиш билан боғлиқ нормалар “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 май кунидаги ЎРҚ–617-сон Қонуни билан киритилди [8].

Жумладан, ЖПКнинг 52-моддасига (Ҳимоячидан воз кечиш) кўра, эндиликда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчиларнинг иш юритишнинг исталган вақтида ҳимоячидан воз кечиши мумкинлиги ҳақидаги ҳуқуқлари видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланди. Бундан ташқари, мазкур жараён тегишли процессуал баённома билан мустаҳкамланиб, у гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи, адвокат шу билан бирга жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансаб дор шахс томонидан имзоланиши ёхуд суд мажлиси баённомасига бу ҳақидаги тегишли ёзувлар киритилиши назарда тутилди. Шу билан бирга, ушбу жараён тасвирга қайд этилган видеоёзув мазкур баённомага илова қилиниши белгиланди.

Асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолат шундаки, ҳимоячининг ҳимоя остидаги шахс билан учрашиши видеоёзув орқали қайд этилмаслиги лозим.

Бундан ташқари, қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасида (Далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар. Баённомага иловалар) мажбурий равишда видеоёзув орқали қайд этилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар доираси кенгайтирилиб, унда шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш ва шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш ҳаракатлари ҳам видеоёзув орқали мустаҳкамланиши назарда тутилди.

Мазкур норманинг қабул қилиниши натижасида, жиноят процесси давомида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига алоқадор масалаларнинг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланишига, уларга нисбатан тазйиқ ўтказилиш ҳамда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайри-

инсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олишга хизмат қилишига эришилади.

Шу билан бирга, қонунга кўра Жиноят-процессуал кодексининг 224-моддасига (Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби) кўра, шахс жиноят иши қўзғатилгунига қадар қадар ушлаб туриш процессуал ҳаракати видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланмоқда.

Бироқ, ушлаб туриш кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда видеоёзув орқали қайд этилмаган ҳолда амалга оширилишига йўл қўйилиши назарда тутилган. Бунда ушлаб туриш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган биносида амалга оширилган ҳолларда мазкур қоида татбиқ этилмайди.

Шунингдек, шахсни ушлаб туриш видеоёзувга қайд этилмаган ҳолда амалга оширилган ҳолларда, ушлаб турилган шахс яқин орадаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган биносига олиб келинганидан сўнг видеоёзувдан фойдаланган ҳолда, унга ҳуқуқларини тушунтирилиши шарт ва видеоёзув ушлаб турилган шахсга намойиш қилиш йўли билан таништирилади.

Шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув қилиш ёки олиб қўйиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар баённома ёрдамида расмийлаштирилиб, ушбу баённомага видеоёзув материаллари илова тариқасида қўшиб қўйилади.

Шахсий тинтув шахсни яланғочлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган тақдирда, мазкур процессуал ҳаракат видеоёзув орқали қайд этилмайди.

Шунингдек, мазкур Қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 225-моддасига (Ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослилигини текшириш) ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилиб, унга кўра ушлаб туриш баённомасида ушбу жараён видеоёзув орқали қайд этилганлиги, шахс мазкур видеоёзув материаллари билан танишганлиги, фойдаланилган воситаларнинг техник хусусиятлари акс эттирилиши лозимлиги ҳамда баённома процессуал ҳаракат иштирокчилари томонидан имзоланиши назарда тутилди.

Бундан ташқари, ишни юритиш давомида далилий аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг олиниши шаклига кўра уларни:

1) рақамли технологиялар ёрдамида ўтказилган процессуал ҳаракатлар натижасида олинган маълумотлар;

2) процесс иштирокчилари томонидан тақдим этилган рақамли маълумотлар сифатида ажратиб ўрганиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, рақамли технологиялар ёрдамида ўтказилган процессуал ҳаракатлар натижасида олинган маълумотлар юқорида қайд этиб ўтганимиздек, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ахборот технологиялари ёрдамида уларни қайд этиб бориш жараёнини тушуниш лозим.

Ишни юритиш давомида процесс иштирокчилари томонидан тақдим этилган рақамли маълумотлар ҳақида бир мунча чуқурроқ илмий ёндашув талаб этилади.

Бундай маълумотларни жиноят ҳодисасининг содир этилиш жараёни, процесс иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, ишга алоқадор бўлган ҳолатлар (овозли ёки видеоёзувлар, рақамли фототасвирлар, алоқа компанияларининг абонент ҳақида берган маълумотлари, бирон-бир ҳужжатнинг электрон шакли ёки бошқалар)дан иборат бўлган, ўзида у ёки бу ҳолат ёки жараённи акс эттирган маълумотлар тушунилади.

Ахборот технологиялари ёрдамида шакллантирилган, ишлаб чиқарилган, ишлов берилган ёки қайд этилган бундай маълумотлар бевосита процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёни билан боғлиқ эмас. Аксинча, бундай маълумотлар ушбу процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида қўшимча маълумот сифатида аниқланади ва олинади.

Дарҳақиқат, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш давомида аниқланган бундай маълумотларнинг исботлашдаги далилий аҳамиятини ошириш бевосита уларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда процессуал норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинган ҳолда олиш жуда муҳимдир.

ЖПКнинг 95^{1}-моддасига кўра, агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ЖПК талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса улар далил сифатида мақбул эмас деб топилиши белгиланган. Бундан ташқари, ушбу модданинг 3-қисмига кўра, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан ЖПК нормалари бузилган ҳолда олинган кўрсатувлардан, эксперт хулосасидан, ашёвий далиллардан, аудио-, видеоёзувлардан ва бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланиши кўрсатилган [9].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 24.08.2018 йилдаги 24-сон қарорининг 1-банди учинчи хатбошисига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъий назар, шу йўл билан олинган далилларнинг мақбул эмас (яроқсиз) деб топилишига олиб келиши кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” 28.07.2021 йилдаги ЎРҚ-703-сон Қонуни 25-моддасига кўра, қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтириш берилган қонунчиликни қўллаётган давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий эканлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот технологиялари ёрдамида олинган, шаклланган ёки тақдим этилган ҳар қандай далилий аҳамиятга эга

маълумотлар ЖПК талабларига мувофиқ расмийлаштирилиши, ўрганилиши шарт.

Демак, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш давомида аниқланган ва ахборот технологиялари ёрдамида шаклланган ёки рақамли кўринишда бўлган маълумотларни далилий аҳамияти ишни юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг процессуал қонун нормаларига риоя этган ҳолда уларни расмийлаштиришларига ҳам бевосита боғлиқдир.

Адабиётлар

1. Болычев В.Т. Применение научно-технических средств в процессуально-тактической деятельности следователя: Дис. … канд. юрид. наук. – Воронеж, 2012.

2. Волеводз А.Г. Правовые основы новых направлений международного сотрудничества в сфере уголовного процесса: Дис. … д-ра юрид. наук. – М., 2002.

3. Зигура Н.А. Компьютерная информация как вид доказательств в уголовном процессе: Дис. … канд. юрид. наук. – Челябинск, 2010.

4. Камышин В.А. Иные документы как “свободное” доказательство в уголовном процессе: Дис. … канд юрид. наук. – Ижевск, 1998.

5. Сергеев М.С. Правовое регулирование применения электронной информации и электронных носителей информации в уголовном судопроизводстве: отечественный и зарубежный опыт: Дис. … канд. юрид. наук. – Казань, 2018.

6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. (91-модда) // https://lex.uz/docs/111463#186128

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 24.08.2018 йилдаги 24-сон қарори // https://lex.uz/docs/3895986

8. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” 28.07.2021 йилдаги ЎРҚ-703-сон Қонун. // https://lex.uz/docs/5534923

С. И. Маматқулова,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОМБ
Махсус тайёргарлик ўқув маркази бош мутахассиси

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ МУТАХАССИС КИНОЛОГ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ



Республикамиз ҳудудида оммавий тадбирлар ўтказиш жойлари, хусусан, таълим-тарбия муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари, меҳмонхоналар, спорт иншоатлари, бозор ва савдо марказлари ҳамда жамоат жойларида хавфсизликни таъминлаш, жумладан турли хил портлатиш қурилмаларини қўллаб содир этилиши мумкин бўлган террорчилик-қўпорувчилик ҳаракатларини олдини олиш ва уларга қарши курашиш

масаласи ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда ИИО кинология хизмати жамоат хавфсизлигини таъминлашда, терроризм ҳаракатларининг ҳамда ноқонуний йўллар орқали қурол-аслаҳа, портловчи моддалар ва портловчи қурилмаларнинг кириб келишини олдини олишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқдалар [1].

Ушбу йўналишларда хизмат итларидан фойдаланиш масаласи долзарб ҳисобланади. Хусусан, хизмат итларини портловчи моддаларни қидириб топишга ўргатишда дастлаб ушбу моддаларнинг комплекс ҳидига ўргатилади. Кўникмани шакллантиришда хизмат итларига, қидирилаётган ҳиднинг манбаи аниқланганда белги беришни ўргатиш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Унинг бажарилиши нафақат ўргатишнинг самарадорлигига, балки амалиётда қидирув ишлари хавфсизлигини ҳам таъминлайди [2-4]. Хизмат итларини портловчи моддаларни қидириб топиш йўналиши бўйича белги беришга ўргатишда, уларда маълум бир ҳолатни эгаллаш (тик туриб қотиши, ўтириши ёки ётиши) кўникмаси шакллантирилади. Бу ҳолатга хизмат итини тўғри бажарган ҳаракатини мунтазам рағбатлантириб бориш орқали эришилади. Хизмат ити енгил машқларни ўзлаштирганидан сўнг, мураккаброқ машқларга ўтиб, ўргатиш жараёни такомиллаштирилиб борилади ҳамда босқичма-босқич иш вақти узайтирилади [5].

Бугунги кунгача хизмат итларини умумий ва махсус йўналишлар бўйича ўргатишнинг фақат классик усулларидан фойдаланиб келинмоқда, яъни озуқавий, ўйинқароқлик, аралаш, тақлидий ва механик усулларидан фойдаланилган.

Ушбу ишда портловчи моддалар қидириб топиш йўналиши бўйича хизмат итини тайёрлаш учун янги инновацион усул таклиф қилинмоқда. Ушбу усул хизмат итини озуқавий ёки ўйинқароқликка асосланган ҳолда амалга оширилади. Энг аввало ушбу сифатларга жавоб берадиган хизмат ити танланади, шунингдек, хизмат итида умумий бўйсунувчанлик юқори даражада шаклланган бўлиши лозим. Бунинг учун танланган хизмат ити зарурий кўникмаларга ўргатилади. Итни ўргатиш – унда керакли шартли рефлексни ҳосил қилдириш, эканлигини инобатга олган ҳолда янги инновацион усуллар ёрдамида хизмат ити портловчи моддалар қидириб топиш йўналиши бўйича тайёрланади. Агар хизмат ити қидирувда етарлича фаолликни намоён қилмаса, кинолог ходим унинг қизиқишини орттириш чораларини кўради. Баъзида хизмат итига қидирилаётган модданинг ҳиди эслатиб турилади. Бундан ташқари қидирилаётган объект кўздан кечирилаётган объект ташқарисига олиб ўтилади ва яшириб уни аниқлаш ҳаракатлари амалга оширилади. Хизмат итини вазифани тўлиқ бажарганидан сўнг рағбатлантириш муҳим ҳисобланади. Шу орқали унда шартли кўникмалар ҳосил қилиш жараёни амалга оширилади. Мазкур усуллар хизмат итларини бугунги кун талабларига жавоб берадиган қилиб тарбиялашда замонавий усулларнинг нақадар аҳамиятли эканлигини яна бир бор

исботлайди. Замонавий воситалар туфайли хизмат итларида маълум бир кўникмаларни шакллантириш қулай ва энг асосийси шартли рефлексларни ҳосил қилиш жараёнида машқларни такрорлашлар сони кам. Хизмат итларини кликер, конг воситалари, турли сигналлар ёрдамида махсус йўналишларга ўргатишда муваффақиятга эришишга замин бўладиган имкониятлар мавжуд [6,7]. Булар:

1) ўргатишни тезлаштириш;
2) итни қизиқувчанлик даражасини юқорилиги;
3) ўргатилган кўникмаларни эслаб қолиш даражасининг юқорилиги;
4) жазолаш йўқлиги;
5) ўргатувчи билан оралиқ масофада осон ишлаш;
6) хизмат итларини тезкор ҳамда тўғри қўллашни амалга ошириш кўникмалари осон шакллантирилади.

Бугунги кунда портловчи моддалар билан боғлиқ жиноятчилик тобора ортиб бормоқда. Бу йўналишда дунё давлатлари миқёсида кенг қамровли комплекс чора-тадбирлар ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Республикамиз Ички ишлар органлари таркибидаги мутахассис-кинологларнинг билим ва кўникмаларини ошириш долзарб масаладир. Ички ишлар органлари кинология хизматларида хизмат олиб бораётган кинолог ходимларнинг назарий ва амалий билимларини ошириш, замонавий ўқитиш тизимини йўлга қўйиш, хизмат итларининг хизмат сифатларини ошириш юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Келгусида ички ишлар органларининг кинолог ходимларини ушбу усуллар билан хизмат итларини ўргатиш ишларини амалга ошириш ўзининг ёрқин истиқболини кўрсатади.

Адабиётлар

1. Алексеев А.А. Конституция, экстерьер, интерьер и поведение собаки: Монография. – М., 2010. – С.126.
2. Справочник кинолога / О. А. Шавров и др. – М., 2005. – С.256.
3. Хайнд Р. Поведение животных. – М., 1975. – С.855.
4. Энциклопедия собаки. – М., 2003.– С.688.
5. Шкляревский С.Е., Самыгин Ф.И., Гудкова Е.Н. Учебник специалиста-кинолога органов внутренних дел. – Ростов-на-Дону, 2003. – С.589.
6. Карен Прайор. Дрессировка собак с помощью кликера / Пер с англ. Е.Б. Махияновой – М., 2005.
7. Золотникова С. КЛИК-НЯМ. Кликер-дрессировка для начинающих: Учебное пособие. – М., 2007.

Э. У. Азизов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси



МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТ – ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАСИ

Маълумки, маъмурий регламентлар институти давлат бошқарув органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Маъмурий ислоҳотлар концепцияси доирасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган “маъмурий регламент”лар аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг шаффофлигини таъминлаб, хизмат кўрсатишни ихчамлаштирди. Давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва улар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлардаги ноаниқликни кеткизиб, мувофиқлаштирди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, маъмурий регламент тушунчаси турли манбаларда турлича берилган. Хусусан, “регламент – давлат органлари ва ташкилотларнинг иш тартибини, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлар томонидан маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш тартибини белгилайди”, “маъмурий регламент – бу давлат органлари томонидан фуқароларга ва ташкилотларга хизмат кўрсатишни тартибга солувчи расмий ҳужжат”, “Давлат функцияларини бажариш бўйича маъмурий регламент – бу ижро этувчи орган, унинг таркибий бўлинмалари ва мансабдор шахсларнинг давлат функцияларини бажариш жараёнида ўз ваколатларини амалга оширишга ҳаракатлари (қарорлари)нинг мажбурий тартибидир”.

Бизнингча, маъмурий регламентлар ижро этиш ва фармойиш бериш ваколатига эга бўлган органларнинг, унинг масъул ходимларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, шунингдек ваколат доирасини аниқ белгилаши, қарор қабул қилиш жараёнида ҳужжатларни қабул қилишнинг барча босқичларида турли хил ҳокимият органларининг бир-бири билан мумкин бўлган ички ўзаро таъсир этиш шаклларини очиб бериши керак.

Маъмурий регламентнинг жорий этилиши, биринчидан, қонун нормаларини амалга ошириш принциплари, шакллари ва усулларини амалда қўллашда; иккинчидан, қонунларни ижро этишнинг асосий босқичлари, унда амалга ошириладиган вазифалар ва функцияларни белгилашда; учинчидан, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиблари устидан назоратни амалга ошириш имкониятини

беради. Бу эса ички ишлар органлари тизимлари фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлашнинг имконини беради.

Хорижий мамлакатларда қонун нормаларини амалга ошириш механизми сифатида маъмурий регламентнинг таъсири юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Россия илмий нашрларида олимлар (А.В. Куракин Е.И. Юлегина, Л.С. Козлова, Т.Д. Садовская) маъмурий регламентларни асосан икки гуруҳга ажратишади. Манбаларда биринчи гуруҳга ижро ҳокимиятининг ички регламентлари, иккинчи гуруҳга давлат функциялари ва давлат хизматлари кўрсатишга оид маъмурий регламентлар кириши таъкидланган.

Ҳуқуқшунос А.И.Стахов ижро этувчи ҳокимият органларининг маъмурий регламентларини қуйидагича таснифлайди:

а) маъмурий регламентларни мақсадига кўра:

1) ижро этувчи ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида регламентлари;

2) ижро этувчи ҳокимияти органларининг ички ташкилий регламентлари;

3) маъмурий-оммавий функцияларга оид регламентлар;

б) федерализмлик принципига кўра: 1) ижро этувчи ҳокимият органлари тизимининг маъмурий регламенти; 2) ижро этувчи ҳокимият органлари субъектларининг маъмурий регламенти;

в) ижро этувчи органларнинг маъмурий ваколат доирасига қараб:

1) вазирликларнинг маъмурий регламентлари; давлат хизматининг маъмурий регламентлари; агентликларнинг маъмурий регламентлари;

г) ижро этувчи органлари зиммасига юклатилган маъмурий-ҳуқуқий функцияларнинг мақсадли йўналишига қараб: 1) маъмурий-тартибга солувчи регламентлар; 2) маъмурий-қўриқловчи регламентлар; 3) аралаш маъмурий регламентлар.

5. Ижро этувчи органлар зиммасига юкланган маъмурий-оммавий функциялар, уларни амалга оширишга масъул бўлган субъектларга қараб:

1) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича маъмурий-оммавий функцияларни ижро этишнинг регламенти – давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти;

2) давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, бюджетдан ташқари фондлар қарори ёки шикояти билан боғлиқ оммавий-маъмурий функцияларни бажаришнинг маъмурий регламенти;

3) ижро этувчи ҳокимият органларининг маъмурий-хизмат (ташкилот ва тизим ичидаги) регламентлар.

Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунларнинг ҳуқуқий тартибга солиш доираси ва предмети турли давлатларда бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Баъзи штатларда (Шивейцария, Германия) маъмурий тартиб-таомиллар фақат индивидуал маъмурий ҳужжатларга

тааллуқлидир, бошқаларида эса, (АҚШ, Франция) улар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш босқичларини ҳам тартибга солади.

Бироқ, барча мамлакатларда маъмурий регламентлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли қарорларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Мисол учун Қозоғистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги (27.11.2000 й.) қонуни қуйидаги тартибларни белгилайди: а) давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан давлат функцияларини ва хизмат мажбуриятларини амалга оширишда қарорлар қабул қилиш ва ижро этиш; б) давлат аппарати ишини ташкил этиш; в) фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш; г) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тартиблари; д) иқтисодиёт соҳасида қарор қабул қилиш.

Шу ўринда миллий қонунчилигимизга, хусусан Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги (08.01.2018 й.) қонунига назар ташласак, унинг мақсади маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Шунингдек, асосий вазифалари маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир.

Бундан ташқари, қоида сифатида махсус маъмурий тартиб-таомилларни белгиловчи қонун ҳужжатлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳолатини ёмонлаштирмаслиги кераклиги ушбу Қонуннинг 2-моддасида алоҳида белгилаб қўйилди.

Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси:

1) маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади;

2) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳасига кирувчи муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Фикримизча, маъмурий органларнинг ички ва ташқи фаолият йўналишлари соҳасидаги муносабатни тартибга солувчи қонунлар билан биргаликда уларнинг ижросини самарали таъминлашга қаратилган маъмурий регламентлар бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг фақатгина 87-моддасида якунловчи қоидаси сифатида маъмурий регламентларга нисбатан “Агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий ишларни ҳал қилиш, маъмурий ва процессуал ҳужжатларни қабул қилиш, маъмурий ҳужжатларни ижро этиш, шунингдек маъмурий шикоятларни кўриб чиқиш бўйича маъмурий органлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи маъмурий регламентлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади”, – деган норма белгиланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда ички ишлар органлари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларининг 34 таси анъанавий усулда, 7 таси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ва 5 турдаги хизматлар Давлат хизматлари марказлари орқали амалга ошириб келинмоқда. Ушбу давлат хизматларининг атиги 2 таси, яъни судланганлик ҳақида маълумот бериш ҳамда манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентлари тасдиқланган.

Маъмурий регламентларга нисбатан қуйидаги белгилар хослиги эътироф этилади: биринчидан, қонуности ҳужжат сифатида маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солишга қаратилган, хусусан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади; иккинчидан, унда моддий нормалар эмас, балки маъмурий тартиб-таомилларга оид нормалар, яъни давлат хизматларини кўрсатиш тартиби, муддати ва хизматларни амалга оширишнинг кетма-кетлиги, ҳужжатлар намунаси акс эттирилиши лозим; учинчидан, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилинмаслиги керак, қонунларга ҳавола қилиш бундан мустасно.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, биринчидан, қонунлар ижросини таъминлашнинг механизми назарда тутилган маъмурий регламент ишлаб чиқиш (Германия тажрибаси), унда бошқарув қарор қабул қилиш ваколат доирасини, уни амалга ошириш тартибини белгилаш; иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида”ги қонунида маъмурий регламентни ёки унга мос нормани киритиш; учинчидан, маъмурий регламентни амалга оширишнинг электрон тизимини яратиш; тўртинчидан, ички ишлар органлари тизимида қонунлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш учун алоҳида мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш истиқболда қонунлар ижросини таъминлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

М. Б. Ягофаров,
старший инструктор-преподаватель Учебного центра специальной подготовки УКСО МВД Республики Узбекистан



СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ БЕСПИЛОТНЫХ ЛЕТАТЕЛЬНЫХ АППАРАТОВ И ИХ БОЕВОЕ ПРИМЕНЕНИЕ В ВООРУЖЁННЫХ КОНФЛИКТАХ

Беспилотные летательные аппараты (БПЛА, беспилотники, или дроны) в последние годы стали быстро развивающимся направлением авиационной техники, особенно в странах Запада. Их номенклатура и количество непрерывно растут. Это связано с использованием новых технологий в авиастроении, разработкой особо прочных конструкционных материалов, лёгких и экономичных двигателей, миниатюризацией бортового оборудования при повышении его технических характеристик, а также появлением глобальных систем навигации, связи и управления.

БПЛА можно определить, как летательный аппарат многоразового использования без экипажа, оснащённый двигателем и поднимающийся в воздух за счёт аэродинамических сил, действующий в автономном режиме по программе или управляемый дистанционно операторами, способный нести боевую нагрузку летального или не летального воздействия, а также аппаратуру разведки и мониторинга земной поверхности и водной среды.

Отсутствие экипажа на борту БПЛА, а значит, и сложных систем жизнеобеспечения даёт возможность аппарату увеличить длительность полёта и повысить полезную нагрузку. Применение современной микроэлектроники позволяет создать аппараты самых малых размеров. Здесь необходимо отметить качественное отличие дронов от крылатых ракет (КР), которое состоит в том, что беспилотники являются аппаратами многоразового использования и при этом они многофункциональны и универсальны, что позволяет применять разнообразное вооружение и электронное оборудование. Появление БПЛА обозначает общую тенденцию роботизации вооружённой борьбы, в рамках которой отвага и самопожертвование военных лётчиков уходят в историю [1].

Кроме того, БПЛА стали технологическим ответом Запада на вызовы международного терроризма и средством борьбы с повстанческими движениями. Применение беспилотников меняет методы ведения современной войны. Их появление над полем боя стирает грань между боевыми операциями и разведкой, между территориями врага и союзника, между антитеррором и терроризмом. На смену уничтожению врага в открытом

бою пришло дистанционно управляемое “убийство из-под облаков”, бессудное по сути и анонимное по реализации, осуществляемое по одному лишь подозрению операторов дрона, находящихся от цели за тысячи километров. С правовой точки зрения, их применение ещё не регулируется международным гуманитарным правом, правилами ведения войны и защиты мирного населения [2].



Рис.1. Беспилотные летательные аппараты

В настоящее время в 60 странах мира разрабатывается более 2000 проектов БПЛА военного назначения. Среди уже разработанных существует большое количество видов и типов БПЛА, которые классифицируют по:

– принципу полета (вертолетного, самолетного типа, с гибким крылом, мультикоптеры и т. д.);

– высоте и длительности полета (высотные, средневысотные, низковысотные; большой, средней и малой длительности);

– назначению (военные и гражданские). Военные БПЛА по функциональному назначению делятся на наблюдательные, разведывательные, ударные (для ударов по наземным целям посредством ракетного и бомбового вооружения), разведывательно-ударные, БПЛА радиоэлектронной борьбы (РЭБ), БПЛА-мишени и некоторые другие.

Анализ достигнутого уровня развития БПЛА, а также опыт их боевого применения позволили выявить их преимущества и недостатки перед пилотируемой авиацией. К сильным сторонам беспилотников можно отнести:

– низкую стоимость по сравнению с пилотируемыми авиационными средствами, о которых говорилось выше;

– возможность длительное время находиться над заданными районами, собирая информацию о противнике и передавая её в масштабе времени, близком к реальному, как в наземные центры управления, так и непосредственно экипажам самолётов и вертолётов ударной авиации, находящимся в воздухе. Это выгодно отличает беспилотники от разведыва-тельных искусственных спутников Земли (ИСЗ), которые, пролетая над заданными районами земной поверхности в течение небольших отрезков времени, обеспечивают лишь кратковременное наблюдение за интере-

суемыми объектами. Время пролёта ИСЗ легко прогнозируется, что позволяет принимать эффективные меры маскировки; другим преимуществом БПЛА перед ИСЗ является их возможность вести наблюдение на малой высоте полёта с разных направлений, что позволяет получить детальное изображение объектов в различных ракурсах и по их теням в зависимости от освещённости солнцем;

– высокую мобильность комплексов БПЛА, которые можно достаточно быстро перебрасывать в любой регион в специальных контейнерах, автомобильные пункты управления можно заранее размещать в пунктах передового базирования в непосредственной близости от районов их боевого применения;

– трансграничность действия БПЛА ввиду их возможности проникать в глубь территории государств под предлогом борьбы с повстанцами и террористами, а также с разведывательными целями;

– исключение потерь экипажей пилотируемой авиации при большей эффективности выполнения задач беспилотниками, чем пилотируемой авиацией, так как БПЛА могут выполнять задания в глубоком тылу противника по разведке и поражению хорошо защищённых объектов, что считается трудно выполнимой задачей для пилотируемых летательных аппаратов. Фактор “беспилотности” БПЛА исключает не только людские потери, но и снижает массу летательного аппарата и его размеры, увеличивает долю полезной нагрузки, при этом отпадает необходимость в наличии сил и средств поиска и спасения экипажей сбитых самолётов, а кроме того, устраняются многие человеческие факторы, связанные с недостаточной подготовкой экипажей, их физической и психологической усталостью, снижением морально-боевых качеств из-за сложной и опасной боевой обстановки и при маневрировании с перегрузками, превышающими возможности человеческого организма, т.е. более 10 единиц. Отсутствие экипажа на борту летательного аппарата позволяет планировать выполнение более сложных и более рискованных боевых задач, во время которых приходится приближаться к объекту на минимальное расстояние, а порой даже совершать таран.

В целом следует отметить, что активная разработка разнообразных типов разведывательных и ударных БПЛА свидетельствует о возрастании их роли как перспективного средства вооружённой борьбы. Дополнительным стимулом для развития беспилотников является их двойное назначение, т.е. пригодность для решения как военных, так и гражданских задач. Конструктивно беспилотные аппараты гражданского и военного назначения близки, но при этом первые стоят значительно дешевле ввиду отсутствия вооружения. В случае необходимости при незначительных затратах гражданские аппараты могут быть переоборудованы для решения боевых задач. Облегчает создание беспилотников то обстоятельство, что для них

не требуется разработка новых силовых установок. В них широко используются уже существующие авиационные двигатели, что позволяет избежать финансовых и временных затрат на их проектирование и производство.

Следует отметить, что активная разработка разнообразных типов БПЛА свидетельствует о возрастании их роли как наиболее перспективных разведывательных и ударных средств самого близкого будущего. Это обусловлено экономичностью беспилотников по сравнению с пилотируемыми самолётами, упрощению боевой подготовки, сокращению состава привлекаемых сил и возможностью проводить боевые операции без продолжительной подготовки инфраструктуры и предварительного развёртывания сил и средств в театре военных действий.

Большинство исследовательских и аналитических центров сходится во мнении о том, что в следующем десятилетии мировой рынок БПЛА военного назначения будет расти быстрыми темпами и что сильнее всего вырастут продажи разведывательных и ударных БПЛА. Разработки по БПЛА будут сосредоточены на таких направлениях, как новые материалы, электроника, аккумуляторы, двигатели, разработки в области искусственного интеллекта и повышения автономности БПЛА, а также противодействие средствам радиоэлектронной борьбы и системам запрета и ограничения доступа. Последние три приоритета будут определять важнейшие направления разработок. По оценкам американских аналитиков, на поле боя будут нужны БПЛА, успешно действующие в “оспариваемом воздушном пространстве” [3].

Литература

1. Фетисов В., Неугодникова Л., Адамовский В., Красноперов Р. Беспилотная авиация: терминология, классификация, современное состояние. – Уфа: Фотон, 2014. – С. 76.

2. Дремлюга Г.П., Завьялова О.А. Опыт использования беспилотных летательных аппаратов в боевых операциях // Проблемы развития корабельного вооружения и судового радиоэлектронного оборудования. – 2016. – № 3. – С. 67-73.

3. Егурнов В.О., Ильин В.В., Некрасов М.И., Сосунов В.Г. Анализ способов противодействия беспилотным летательным аппаратам для обеспечения безопасности защищаемых объектов // Вопросы оборонной техники. Серия 16: Технические средства противодействия терроризму. – 2018. – № 1-2. – С. 51-58.

Ғ. Э. Тошқулов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Малака ошириш институти катта ўқитувчиси



ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ХОЛИСЛАР ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ишни судга қадар юритишда холислар институтини такомиллаштиришнинг жиноят-процессуал истиқболларини ёритиш мақсадларида биз жиноят процессида иштирок этувчи субъектнинг тушунчасини ва унинг доирасига кирувчи шахсларни кўриб чиқиш мақсадларида, уларнинг холисдан бўлган фарқи бўйича кўриб чиқиш услубини қўлладик.

Жиноят процесснинг иштирокчилари турли процессуал ҳолат, ваколат, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Бу, биринчи навбатда, жиноят-процессуал муносабатларга киришган у ёки бу субъектнинг содир этилган жиноятга алоқаси, ишдаги иштирокининг ҳуқуқий табиати ҳамда фаолияти орқали аниқланади. Уларнинг баъзи бирлари иш юритувни амалга оширсалар, бошқалари процесснинг алоҳида босқичларида ёки бутун процесс давомида ва ҳатто баъзи ҳаракатларда ҳам бевосита иштирок этадилар. Шу муносабат билан процесс иштирокчилари юридик адабиётда турли мезонлар бўйича гуруҳларга ажратилади. Бундай таснифларнинг асосини, қоида тариқасида, процессуал фаолиятнинг махсус вазифаси ва хусусияти, шунингдек, жиноят-процессуал муносабатлар субъектларининг вазифаси ташкил этади. Жиноят-процесси назариясида ҳозирги вақтда суд процесси соҳасига жалб этилган барча шахслар типологиясининг ягона, умум эътибор этган тизими мавжуд эмас.

“Ишда иштирок этаётган бошқа шахслар” тушунчасининг турлича талқин этилиши ҳам шунга имкон яратади, чунки “ишда иштирок этувчи бошқа шахслар” жумласи орқали қонунда кимлар назарда тутилгани номаълум бўлиб қолган. Жиноят-процессуал кодекснинг 6-бобида эса жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар сифатида холис, эксперт, мутахассис, таржимонлар тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган.

Юридик адабиётда жиноят процессининг иштирокчилари процессуал ҳолатига, ушбу фаолиятдаги ўрнига, ваколатларига қараб бир неча гуруҳларга таснифланган. Бу борада олимларининг фикрлари турлича.

А.Н.Сторожеванинг фикрича, жиноят процессининг иштирокчилари уч тоифадан иборат: жиноят ишларини юритувчи ҳокимият органлари – суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органлари; ўзларининг қонунда кўрсатилган манфаатларига эга бўлган шахслар: айбланувчи (судланувчи)

ва унинг ҳимоячиси, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг қонуний вакиллари, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячилари; ишдан манфаатдор бўлмаган, аммо қонунда кўрсатилган далил тақдим қилиш мажбуриятини бажарувчи шахслар: холислар, экспертлар ёки давлат органларига процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ёрдам берувчи шахслар, таржимонлар, мутахассислар, суд мажлисининг котиблари.

О.В.Хитрованинг фикрича эса, жиноят ишини тергов қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилишда процесс иштирокчиларининг жиноят-процессуал муносабатларида қатнашишга хос хусусиятлар, уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жиноят ҳодисасининг ҳақиқий аҳволини аниқлашдаги иштироки, ҳокимият ваколатига эгалиги, процессуал функцияни бажаришдаги ўрни, процессуал фаолиятда тутган ўрни ва вазифаси, ваколати, мақсади, ҳал қилинадиган масалалари ҳамда бошқа ўзига хос умумий белгиларига кўра қуйидаги беш гуруҳга бўлинган: жиноят ишини қўзғатадиган, тергов қиладиган, кўриб чиқадиган ва ҳал қиладиган давлат органлари; жиноят процессида ўзларининг жиноий-ҳуқуқий ва фуқаровий-ҳуқуқий манфаатига эга бўлган фуқаролар; жиноят процессида бошқа субъектларнинг манфаатини амалга оширувчи шахслар; меҳнаткашлар жамоаси ва жамоат ташкилотларининг вакиллари; суд процесси ишларини юритишга ёрдам берувчи шахслар.

В.В.Шарун холисларнинг жиноят ишларини юритишда қатнашувчи шахсларнинг жиноят-процессуал фаолиятнинг субъектлари ҳамда жиноят-процессуал муносабатнинг бошқа иштирокчилар қаторига кириши ва улар жиноят процессида муҳим ўрин эгаллаши ҳамда процессуал ҳаракатларида қонунчилик қафолатчиларини таъминлаши тўғрисида фикр билдиради.

Бундай бўлишига асосан жиноят холислар процессининг иштирокчилари сифатида ўз ҳаракатлари моҳиятига кўра судга қадар иш юриш босқичида терговчи, суриштирувчи, судга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахслар томонидан ўтказилаётган процессуал, тергов ҳаракатларни қонунга асосланган ҳолда ўтказилишини тасдиқлайдилар. Бу шахслар дастлабки терговда бетараф субъекти бўлиб қатнашади.

В.К.Афониннинг фикрига кўра, холислар судга қадар юритувида жиноят-процессуал муносабат субъектлари ҳисобланиб аниқ бир процессуал функцияни бажармайдилар.

А.В.Белоусовнинг ушбу фикрларидан холислар институтини такомиллаштириш ва уларни ўзларига берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга асосан ҳамда амалга оширган ҳаракатлари орқали жиноят-процессуал муносабатнинг субъектлари ҳисобланадилар, деган хулосага келган.

Бундан ташқари, холислар бошқа иштирокчилар сифатида тушунчасининг кенг маъноси ҳам бор. Чунончи, Н.В.Власенко, В.Н.Григорьев, Н.И.Долженко ва бошқалар процесс иштирокчиларига жиноят ишини

қўзғатишда, кўриб чиқишда, ҳал этишда қатнашувчи холис сифатида шахсларни киритадилар.

Жиноят-процессуал ҳуқуқнинг регулятив роли процессуал муносабатларда иштирок этувчи субъектларнинг ҳатти-ҳаракат чегараларини белгилаш билан таърифланади. Бу қоида жиноят процессида холис тариқасида иштирок этувчи субъектига бағишланган.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи шундай талабга ёндошадики жиноят процессининг иштирокчилари сифатида процессуал ҳуқуқларга эга бўлиш қобилияти ва ҳуқуқий лаёқатга эга шахслар унда иштирок этишлари мумкин. Ушбу субъектлар процессуал-ҳуқуқий муносабатларга ҳар хил сабабларга кўра жалб қилинган бўлишлари мумкин: баъзи бирлари – мансабга оид мажбуриятларни бажариш юзасидан (суд, судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи); иккинчилари – ўзининг субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш юзасидан (жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, уларнинг қонуний вакиллари); учинчилари – ҳокимият вакилларининг қарорига биноан (гумон қилинувчи, айбланувчи, фуқаровий жавобгар, уларнинг қонуний вакиллари); тўртинчилари – ўзга субъектдан олинган топшириқларни бажариш юзасидан (ҳимоячи, вакил ва ҳ.к.). Юқорида қайд этган субъектларни ичида холис алоҳида ҳолатга эга. Биринчидан холис бошқа иштирокчилар гуруҳига кириб жиноят ишда ҳеч қандай манфаатларни кўзламайди. Иккинчидан уни таклиф қилиш ва гувоҳга ўхшаб мажбуран жалб қилиш мумкин, чунки холис иштирок этган ҳаракатлар ва бу борада дастлабки тергов бўйича маълум бўлган кўрсатмаларни, терговчи, суриштирувчи, судга қадар текширувни амалга оширувчи орган ходимларига, олиш ҳуқуқи берилган.

Жиноят процессининг субъектлари ҳар хил ташқи белгилар бўйича таснифланиши мумкин. Энг мақсадга мувофиқ таснифлаш шундан иборатки, у ўз ичига: субъектнинг жиноят ишларини суд юритувида иштирок этиш мақсади, унинг фаолият куриш йўналиши, жиноят процессининг вазифалари билан бу фаолиятнинг боғланиши, жиноят ишини тергов қилиш натижалари бўйича ёндошишни тақозо этади. Шунга асосан жиноят процессининг қуйидаги субъект гуруҳларини ажратиш мумкин:

1) жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар, – суд, судья, прокурор, терговчи, тергов бўлимининг бошлиғи, терговчилар гуруҳининг раҳбари, терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бошлиғи, суриштирувчи, суриштирув бўлинмасининг бошлиғи, тергов гуруҳ аъзолари бўлган терговчилар, суд мажлисининг котиби;

2) жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг ҳимоячилари ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакил-

лари ва жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакиллари;

3) жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари;

4) дастлабки тергов ва судда жиноят ишини юритуви соҳасига исботлаш жараёни сабабли жалб этилган шахслар, – холислар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар.

Шу охирги гуруҳга холис ҳам киради ва бизнинг фикримизгача зарур ва керакли иштирокчиси сифатида тан олиниши мумкин.

Энди холисни жиноят-процессуал қонунда кўрсатилган ҳолатига назар қаратсак, қуйидагиларни кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексни 73-моддасига асосан холислар терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун 91-моддасининг учинчи қисми, 127-моддасининг биринчи қисми, 128-моддасининг иккинчи қисми, 129-моддасининг иккинчи қисми, 133-моддасининг биринчи қисми, 136-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари, 137-моддасининг учинчи қисми, 138-моддасининг биринчи қисми, 146-моддасининг иккинчи қисми, 149-моддасининг биринчи қисми, 155-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 160-моддасининг биринчи қисми, 162-моддасининг учинчи қисми, 167-моддасининг биринчи қисми, 193-моддасининг биринчи қисми, 194-моддасининг биринчи қисми, 208-моддасининг учинчи қисми, 224-моддасининг иккинчи қисми, 225-моддасининг биринчи қисми, 291-моддасининг биринчи қисми, 352-моддаси, 445-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда чақирилади.

Холислар гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши лозим бўлганда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан тергов ҳаракатларини ўтказишда жалб этилади ва айнан уларнинг бевосита бошқарувида далилларни тўплаш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга оширадилар ҳамда мажбуриятларини бажарадилар.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ушбу иштирокчини далилларни тўплаш ва баҳолаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда кўзда тутилган тартибга кўра таъминлаб беришлари лозим ва улардан қонунда кўрсатилган мажбуриятларини амалга оширишларини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Адабиётлар

1. Афонин В.К. Правовое и организационное обеспечение участия понятых в досудебном производстве по уголовным делам: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Люберцы, 2012. – С.26.

2. Сторожева А.Н. Понятой в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. … канд. юрид. наук. – Иркутск, 2006. – С.22.

3. Хитрова О.В. Участие понятых в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. … канд. юрид. наук. – М., 1996. – С.25.

4. Шарун В.В. Организационно-тактические особенности производства отдельных следственных действий с участием понятых: Автореф. дис. … канд. юрид. наук. – Калининград, 2007. – С.22.

5. Афонин В.К. Актуальные вопросы участия понятых в ходе досудебного производства по уголовным делам / В.К.Афонин // Теоретико-методологические и прикладные аспекты правоохранительной деятельности в современной России: Сб. науч. тр. ДГУПС. – Хабаровск, 2009. – С.22-27.

6. Белоусов А.В. О необходимости изменений в институте понятых // Прокурорская и следственная практика. Орган генеральных прокуроров стран СНГ. – М., 2000. – № 3-4. – С.101-106.

7. Власенко Н.В. Участие понятых при производстве следственных действий // Теория и практика криминалистики и судебной экспертизы. Межвузовский сборник научных статей. – Саратов: Изд-во ГОУ ВПО “Саратовская государственная академия права”, 2004. – Вып. 12. – С.99-102.

О. Н. Рудакова,
слушатель 2 курса 2 факультета (подготовки руководителей (начальников) территориальных органов МВД России) (Академия управления МВД России)

ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА РУКОВОДИТЕЛЯ ОВД КАК ОСНОВА ЭФФЕКТИВНОСТИ СЛУЖЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Служба в органах внутренних дел предъявляет высокие требования к репутации и авторитету сотрудников всех уровней, верности служебному долгу, неукоснительному соблюдению принципов, предъявляемые к самому себе обществом и самим сотрудником к своему профессионально-личностному профилю.

“Образовательный и общекультурный уровень руководителей органов внутренних дел рассматривается сегодня как один из основных факторов, обеспечивающих повышение эффективности деятельности полиции. Одним из показателей готовности руководителей ОВД к разно-плановой служебной деятельности является коммуникативная компетен-ция” [8, С. 3]. Причём компетенция также должна быть направлена на формирование личности сотрудника с высокими морально-нравствен-ными качествами, отвечающими ожиданиям и требованиям общества – одна из сложных и достаточно проблемных отраслей управленческой деятельности, где одним из важных критериев служат этические качества.

Процесс воспитания вообще и коммуникативной компетентности в частности включает в себя:

- получение знаний об морально-психологических особенностях оперативно-служебной деятельности;
- выработку устойчивых навыков антикоррупционного поведения;
- построение позитивных взаимоотношений в служебном коллективе [1].

Основной целью нравственного воспитания служит формирование совокупности главнейших человеческих качеств, которые не передаются по наследству, а являются системой сознательно оказываемых воздействий на отдельно взятую личность. Еще Аристотель в свое время утверждал: “Человек без нравственных устоев оказывается самым нечестивым и диким, низменным в своих половых и вкусовых инстинктах”. Важным компонентом нравственной культуры является моральная рефлексия деятельности по отношению к собственным действиям и поступкам, являющейся значимой для сотрудника органов внутренних дел.

В первую очередь, сотрудник полиции обязан знать требования ст. 13 Федерального закона от 30.11.2011 № 342-ФЗ “О службе в ОВД”. В данной статье отражены требования к служебному поведению: защита прав и свободы гражданина, сущность профессиональной деятельности, забота о сохранности чести и достоинства сотрудника ОВД.

Процесс формирования профессионализма сотрудников ОВД имеет многоуровневую непрерывную структуру и зависит от многих факторов, в основном осуществляется без отрыва от ведущей деятельности. Как отметил в Послании Федеральному собранию Президент Российской Федерации В.В. Путин, “…для хорошего образования … нужна профессиональная, мотивированная работа учителя, … и, конечно, возможности для творчества…”. Так, функция учителя-наставника в органах внутренних дел РФ выполняет руководитель, тем более, что в процессе управления коллективом он решает многопрофильные педагогические задачи, способствующие продуктивной деятельности подразделений.

Деятельность руководителей зачастую связана с экстремальным характером несения службы, высокой стрессовой нагрузкой, ненормированностью служебного дня. При этом одной из важных его задач является формирование у коллектива высоких нравственно-моральных качеств, повышение престижности службы, способствующих успешной реализации оперативно-служебных задач, где педагогическая и психологическая подготовка не всегда достаточна, а в некоторых случаях отсутствует.

В общепрофессиональной подготовке руководителя доминирующими векторами становятся ориентированность на разрешение практических вопросов на основе изучения теоретической базы знаний, включающей 3 направления:

- общегуманитарный:

- общенаучный;
- культурологический [3].

Решение теоретико-практических вопросов в этой сфере напрямую ложится на органы внутренних дел и, прежде всего, связано с эффективностью деятельности руководителя. Речь идет о наличии у него личностных и профессиональных качеств, связанных с разрешением возложенных ответственных задач по формированию у подведомственных сотрудников высокого профессионализма, обеспечения психологической устойчивости, поддержания долговременного кадрового потенциала, “поскольку руководители ОВД привносят в конкретные обучающие ситуации собственный опыт и свои жизненные ценности” [8, С. 18].

Руководитель должен обладать не только мастерством умения нахождения классических и креативных выходов из имеющихся проблемных ситуаций, но и всесторонне совершенствовать приёмы и методы управления кадрами.

Важно своевременно диагностировать качества руководителей и подчиненных всех уровней, быть беспристрастным в отношении оценки качеств каждого вверенного сотрудника, вносить необходимые коррективы для достижения поставленных целей и задач. Практическая деятельность руководителя является сферой применения его профессиональных возможностей по обучению, воспитанию и развитию личности сотрудников органов внутренних дел.

Таким образом, консенсус личной педагогической культуры и мастерства руководителя составляют фундамент его деятельности.

Совершенствование методологических подходов и приращение знаний, в том числе его структурных компонентов, составляют основу педагогического мастерства.

Педагогическое мастерство представляет собой совокупность:

- психолого-педагогического мышления;
- профессиональные педагогические знания в области обеспечения работы с коллективом и отдельными сотрудниками;
- комплекс эмоционально-волевых качеств личности, определяющих профессиональную деятельность.

Первый компонент подразумевает наличие самостоятельности, гибкости, последовательности педагогического мышления. А. В. Барабанщиков и С.С. Муцынов утверждают, что данные составляющие являются исключительно творческими, так как руководитель, реализуя на практику любую педагогическую задачу, базируется на творческом выборе приемов, способов, методик, которые не могут быть едиными для всех ситуаций [1, с. 62]. В этом случае, на повестку дня выходят такие важные позиции, как:

- эффективно-оперативное принятие решения;
- условия достижения целей в индивидуальной и коллективной работе;

- возможность отражения творчества всего вверенного личного состава.

Таким образом, обобщенный творческий характер деятельности руководителя подразумевает комплексное сочетание теоретических и педагогических начал.

Различают несколько уровней деятельности, связанных с педагогической культурой:

- исполнительский этап – начальная позиция, подразумевающая знакомство с деятельностью опытных руководителей;

- уровень мастерства – присутствие личностного опыта, подразумевающего элементы творчества в руководящей деятельности;

- фаза технологического творчества – мобилизация личного состава для решения внутренних задач организации на достаточно высоком профессиональном уровне [5, С. 5-6].

Отметим, что развитие педагогического мастерства руководителя, как видно из представленной типологизации, начинается, прежде всего, с механизмов подражания. Далее профессиональная позиция подлежит становлению в мастерстве и преобразуется в методологических позициях. То есть, это единый педагогический процесс становления педагогического мышления, зависящий от изучения основ деятельности, связанной со становлением личности, совершенствованием педагогической техники с доведением ее до соответствующих высот в работе, где главными пунктами выделяются самовоспитание и самообразование, зависящее от следующих условий:

- осознание значимости, перспективности развития профессионально-значимых качеств руководителя ОВД;

- постановка целей, уровня моральных, физических, материальных потребностей, необходимость совершенствования волевых качеств личности;

- изучение и использование на практике психолого-педагогических знаний, умений и навыков руководителем [6].

Важна целенаправленность, самоценность, осознание разностороннего личностного саморазвития, связанного с приобретением новых знаний, формированием индивидуальной активной жизненной позиции. Также результативность развития педагогической культуры руководителя зависит от ряда таких условий, как:

- общие мотивы личности;

- основы знаний по педагогике и психологии, которыми он обладает;

- объективность оценки собственной педагогической деятельности;

